



ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов — кенгаш раиси

Ўрозбой Абдурахмонов	Абдуваҳоб Нурматов
Акрамжон Адизов	Баҳамдулло Нурабуллаев
Эркин Воҳидов	Абдулла Орипов
Туробжон Жўраев	Тўра Саидов
Наим Каримов	Сирожиддин Саййид
Рустам Мирзаев	Йўлдош Солижонов
Тўра Мирзаев	Хайриддин Султонов
Иқбол Мирзо	Рустам Қосимов
Минҳожиддин Мирзо	

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Асад Дилмурод



МУНДАРИЖА

НИГОҲ	
Комил Аваз. Эътиқод эҳтироми	3
ШЕЪРИЯТ	
Абдулла Орипов. Рухинг мангу турсин ёришиб. Шеърлар	7
Носир Муҳаммад. Юртимнинг камоли. Шеърлар	32
Миразиз Аъзам. Қалбимда сийлаганим. Шеърлар	35
Илҳом Аҳрор. Кечинма. Туркум	101
Замира Рўзиева. Яшил ерда ҳаёт гўзал. Шеърлар	113
Абдурахмон Жўра. Ватан десам дилим қувнайди. Шеърлар	116
НАВОИЙХОНЛИК	
Ошиқ Эркин. Навоий ғазалларига мухаммаслар	46
БИР ДАРАХТ НОВАЛАРИ	
Жуманиёз Ўтениёзов. Кўнглимнинг хуш тонги. Шеърлар	127
НАЗМ ГУЛШАНИ	
Ойдин Темирова. Сен ҳақингда шивирлайди ел	136
Ўроз Ҳайдар. Аршнинг қандили	137
Шаҳноза Қайумова. Айтмаган сирим	138
Жўра Маҳзуний. Гул ҳусн бермиш	139
Моҳигул Ўттам қизи. Бухорода шундай гўша бор	140
Насриддин Ботиров. Қалбга нақшин китоб	141
Хуршида Аҳмаджонқизи. Орзуларосмоничорлар. Шеърлар	142
БОЛАЛАР ДУНЁСИ	
Абдурахмон Акбар. Шамол билан кўкни кез. Шеърлар	149
НАСР	
Эркин Аъзам. Шовқин. Роман	12
Эркин Норсафар. Зулмат ва аланга. Ҳикоя	38
Қамчибек Кенжа. Палахмон тошлари. Роман	50
Улуғбек Ҳамдам. Ҳикоялар	105
ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИ	
Гегель. Санъатнинг мақсади	119
МУТОЛАА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА	
Шухрат Сироҷиддинов. Манба мантиқий мушоҳадани талаб қилади	130
МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ	
Орзигул Ҳамроева. Қадимги давр ўзбек адабиётининг илк мажмуаси	143
ЁДНОМА	
Озод Шарафиддинов. Олимнинг суврати ва сийрати	146
Эркин Воҳидов. Эзгуликка йўғрилган ҳаёт	147
Нажмиддин Комилов. Илм, ижод пешвоси	148
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Нўъмон Раҳимжонов. Бадиий-фалсафий тафаккур қирралари	151
Марҳабо Қўчқорова. Ҳозирги ўзбек насрида рамз ва метафора	158
Зариф Қувонов. Мумтоз адабиётда услуб муаммосининг ўрганилиши	162
Раҳимжон Раҳмат. «Муножот» айлаётган Зиё	164
САНЪАТ	
Баҳодир Аҳмедов. Кино санъати тарихига бир назар	169
ГУЛҚАЙЧИ	
Бахтиёр Ризо. Ҳасрат. Ҳажвий ҳикоя	172

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2011

2-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
ЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Обунага монетлик кўрсатилса,
Тошкент – 100000,
«Амир Темур» тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.
Обуна индекси — 911, 932

Манзилимиз:
100127, Тошкент шаҳри,
«Ўзбекистон» кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99
www.sharqyulduzi.uz
E-mail. sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
10.04.2011 йил.
Қоғоз бичими 70x108 ¹/₁₆.
Офсет босма усулида тип.
№ 1-қоғозга босилди.
Босма тобоғи 11.
Шартли босма тобоғи 15,4.
Наширёт ҳисоб тобоғи 17,2.
Адади 5000 нусха.
Буюртма № 1062-11

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0562–рақам билан рўйхатга олинган.
«Ўқитувчи» НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
«Янгишаҳар» кўчаси, 1-уй.

Саҳифаловчи:
Ақбарали Мамасолиев
Мусаххих:
Дилфуза Маҳмудова

Сотувда: «Ўзбекистон почтаси» бўлимларидан сўранг.

Copyright © «Шарқ юлдузи»

НИГОҲ



Комил АВАЗ

ЭЪТИҚОД ЭҲРОМИ

Ҳар қандай кўзланган манзилга элтувчи восита – йўл. Юртбошимизнинг истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёзган битиклари ҳам, айнан йўл билан боғлиқ. “Ўзбекистон буюк келажак сари” китобларига кирган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” давоми ҳулосасида муҳтарам Юртбошимиз: “Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аجدодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш – бизнинг фуқаролик бурчимиздир”, деб ёзадилар. Бу сўзлар бундан қарийб ўн беш йил муқаддам битилган.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги сарҳисобини йилдан-йилга кўркамлашиб, чирой очиб бораётган Урганч шаҳри ўртасидан ўтган Шовот канали чап соҳилида, ўзбек халқининг жасур ўғлони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан бунёд этилган ёдгорлик мажмуасидаги салобатли монумент-ҳайкал пойидаги боғ, ўнг соҳилида “Авесто” китобининг 2700 йиллигига қарата барпо этилган “Авесто” боғ-мажмуаси саҳнида ҳаёлимдан ўтқардим. Ақл бовар қилмас бунёдкорлик гувоҳи бўлганимдан, шу гўзал, маҳобатли майдонларда қадриятларимиз қайта тиклангани боис, юртимизда катта ҳуррамлик билан “Наврўз” ҳамда Мустақиллигимиз байрамларини юксак шодиёналикларда нишонланадиган кунларда иштирок этаётганимдан бошим кўк қадар баланддир.

Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан, Хоразмда 4 та янги мактаб қурилган, 124 мактаб капитал реконструкция қилинган. 225 та мактабда капитал ва 82 мактабда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бу мақсадлар учун давлат томонидан салкам 74 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Давлат умуммиллий дастурига киритилган мактабларнинг замонавий мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт жиҳозлари учун қарийб 25 миллиард сўм ажратилган.

Ёшлар нафақат илмли, айна чоғда, жисмонан баркамол бўлиши ҳам давлатимиз диққат эътиборида турганини алоҳида таъкидлаш керак. Қисқа муддат – 5 йил ичида Хоразмда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 67 спорт иншооти қурилган. Булар учун 8,6 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Хоразм воҳасидаги туб ўзгаришлар, Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан Маъмун академиясининг ташкил қилиниши, Тошкент Тиббиёт академиясининг ҳамда Тошкент Ахборот-технология университети Урганч филиаллари қад ростлаши, миллиардлаб сўмларга янгидан барпо этилган 84 та янги касб-хунар коллежлари, академик лицейлар бугунги кунда фаолият кўрсатмоқда, ёшларимиз ўқиб, ўсиб-улғаймоқда.

Юртбошимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган маърузалари давомида аниқ, амалий тадбир борасида шундай дедилар: **“Шу муносабат билан муайян корхона ва иш берувчиларни турдош коллежларга бириктириш тажрибасини, доимий амал қиладиган “корхона – коллеж” ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Шу бугундан эътиборан, бўлажак ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилашга киришиш, коллеж ўқувчиларининг амалиётни бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этиш, бошқача айтганда, уларнинг аниқ бир иш жойига бириктириб қўйилишини таъминлаш зарур”**. Бу давлат миқёсидаги жуда катта амалий вазифадир.

Ҳар қандай одамнинг маънавияти, ички ботиний дунёси кенг, иродаси руст, эътиқоди мустаҳкам бўлса, уни ҳеч қандай куч йўлдан оздиrolмайди, умр меҳварига дахл қилолмайди. Муҳтарам Президентимизнинг: **“Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир”**, деган сўзлар битилган китобларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч”, деб номланишида пурмаъно ҳикмат мавжуд.

Маънавият – маданият деб аталмиш мулкнинг бош мезонидир. Биз маданият иборасини ҳаётимизнинг турли жабҳаларида содир бўлган ҳаракатларга қараб гоҳ мамнунлик, гоҳ ачиниш билан ифода қилишимизда борлиқ ишонч, орзу ва умидларимиз изҳори мужассамлиги бежиз эмас: одоб, хулқ маданияти, ўқиш, ёзиш маданияти, ишлаб-чиқариш маданияти, қишлоқ хўжалиги, зироат маданияти ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам маданият лутфига салдомли юк кўямиз ва инсон кадр-қимматини, яшаш тарзини шу нуқтаи назар билан баҳолашга интиламиз.

Юртбошимиз шу йилнинг 21 январь куни 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида таъкидлаганларидек; **“Бизни ер боқадим”**. Ислом Абдуғаниевич Каримов модернизация масаласига тўхталиб шундай фикрни қайд этдилар: **“Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз, ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодий-иқтисодимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексда техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, бу йўналишдаги ишларнинг кўлами йил сайин кенгайиб бораётганига қарамаздан, суғориладиган ерларнинг мавжуд мелиоратив ҳолати катта ташвиш уйғотмоқда”**.

Сув – ҳаёт манбаи, тириклик меҳвари. Сувсиз ҳаёт йўқ. Лекин ҳаммавақт ҳам сув сероб бўлавермайди. Бир йил мўл, бир йил бундайроқ. Демак, деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йилдан-йилга кўпайтирмоқ ҳаётимизнинг бош мазмуни бўлгач, сув танқис бўлганда нима қилмоқ керак? Ахир, тўлиб оқадиган дарёлар ўтмайдиган айрим мамлакатларда далаларни томчилаб суғориб пахта, дон ва ҳоказо қишлоқ хўжалигининг бошқа тур маҳсулотларидан ҳам мўл ҳосил етказилади, экспорт қилинади.

Иссиқ иқлимли ва суғориш суви етишмайдиган мамлакатларда кўп йиллар давомида томчилаб суғориш усулининг тажриба қилиниши катта ижобий натижалар берган. Бу услуб кўплаб турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳар қандай типдаги тупроқ ва энг ёмон сифатли сув шароитида ҳам ўстиришга мос эканлиги амалда тасдиқлангани сир эмас, фақат ўсимлик илдиз остига берилаётган сув миқдори маҳаллий шароитга: тупроқ, ўсимлик тури, иқлим, суғориш сувининг сифатига қараб белгиланмоғи даркор.

Деҳқончиликда янги прогрессив технология – замонавий ускуналар ўрнатилиб, томчилаб суғориш услуги ўтган йили Хоразмда “Irrigaton sistemalari Urganch” масъуляти чекланган жамият томонидан 2010 йилда илк бор Урганч туманида “Узумме-ватайёрловсавдо” агрофирмасига тегишли 50 гектар экин майдонида Жанубий Кореянинг “Namkyung” фирмаси билан ҳамкорликда жорий қилинди. Шунингдек, Боғот туманидаги “Боғот” фермер хўжалигида 4 гектар пахта майдонида қўлланилди. Фермер хўжалиги бошлиғи Шарифбой Ражабов томчилаб суғориш технологияси афзалликларини, кам харажат билан (минерал ўғит, сув) юқори ҳосил етиштирганини мамнуният билан қайд қилади. Албатта, ҳар бир янгиликнинг ўз қийинчиликлари бор. Энг муҳими, янги услуб амалда жорий қилинди, келгусида кенгайган экин майдонларида қўлланилиб, мўл ҳосил етиштиришга замин ҳозирланди.

Муҳтарам Президентимиз 2006 йил 20 декабрдаги “2007-2010 йилларда умумий фойдаланадиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПК 535-сонли Қарори бўйича 4р161 “Урганч – Чолиш – Беруний” автомобиль йўлини 13,0 км.да Амударё устига узунлиги 680 метр темир-бетон автомобиль кўприги қурилиши 2008 йилда бошланиб, шу бу йил топширишга мўлжалланган улкан, кунига ўн мингдан ортиқ машина ўтадиган маҳобатли кўприкка қараб, юртнинг равнақи, эртанги тараққиёти ушбу муаззам иншоот орқали қанот ёзишини тасаввур этдим.

Дарё тошқинлаб, Орол денгизига, унинг дардига малҳам бўлишга ошиқаётгандек, ўйларимни шоширади. Орол бу фақат бизнинг дардимиз эмас, бу умумбашар дардидир. Не-не машваратлар, баҳслар эвазига Оролни сақлаб қолиш йўллари, муаммолари изланмаяпти, дейсиз. 1995 йили ушбу масала бўйича Нукус декларацияси қабул қилинди. 2008 йилнинг 12 март куни Тошкентда Юртбошимиз ташаббуслари билан “Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини энгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари” мавзуйида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Марказий Осиёда сув ресурсларини такомиллаштириш истиқболлари, экологиянинг аҳоли ирсияти ва саломатлигига таъсири, бу борадаги вазифаларни ҳал этиш йўллари, Оролбўйида турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари каби муҳим масалалар кўриб чиқилди ва боқадр хужжат – Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Юртбошимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, дунё мамлакатларининг диққатини Орол денгизи муаммосига жалб қилдилар. Албатта, Давлатимиз раҳбари етакчилигида бошланган ҳар қандай иш ўз натижасини бермай қолмайди. Оролбўйи янгидан кўз очиб, катта қурилишларнинг гувоҳи бўлмоқда. XXI аср мўъжизаси бўлмиш, мингдан зиёд одам меҳнат қиладиган, йилига 190 минг тонна кальций содаси ишлаб чиқарадиган, Марказий Осиёдаги йирик корхона – Қўнғирот сода заводи бунёд этилиши фикримиз далилидир. Бундай улкан иншоотнинг ишчи-хизматчилари учун қурилган турар жойлар яхлит бир шаҳарча бўлиши, Устюртда “Элобод” номи билан равнақ топиши, Қўнғирот, Мўйноқ туманларида янги нефть конлари очилаётгани, Борса келмас, Қораумбет конларидаги минерал тузлар, Устюрт саҳросида топилган гипс минераллари, 250 миллиард куб метрдан зиёд газ заҳираси, аниқланаётган бошқа беҳисоб бойликларимиз Орол, Оролбўйи ҳудуди равнақи, мамлакатимизнинг нурли истиқболидан дарақдир.

Йиллар давомида юртимиз кўркамлашиб, моддий жиҳатдан қувватланиб бораётгани, нафақат ён кўшнилариимиз, балки энг йирик, бадавлат мамлакатлар бизга ҳавас билан қараб, бирга ҳамкорлик қилишга интилаётганликлари, маънавиятимиз, маданиятимиз кўп юқори даражага кўтарилаётганининг инъикоси бўлса, не тонг.

Халқ фаровонлиги, меҳнат унумдорлиги, юрт юксаклиги одамларнинг осойишта, замон талабларига жавоб берадиган шинам уйларда истиқомат қилишига кўп боғлиқдир.

“Қишлоқ жойларда, – дейдилар Юртбошимиз, – биз 2009 йилда бошлаган қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга бўлган якка тартибдаги турар жой массивларини комплекс қуриш ишлари эътиборимиз марказида бўлгани барчага маълум. Айниқса, якка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи назаридан бошқатдан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер участкалари ҳажмини тўрт сотих ўрнига олти сотих қилиб белгилаш тўғрисида қабул қилинган қарорлар алоҳида аҳамият касб этади. Натижада, 2010 йили мамлакатимизнинг барча 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 минг 800 та уй-жой барпо этилди. Ушбу мақсадларга қарийб 430 миллиард сўм миқдоридаги капитал қўйилмалар, жумладан, 250 миллиард сўмдан ортиқ узок муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди”.

Бундай катта ҳажмдаги аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилиши мамлакатимизнинг иқтисодий баркамоллигидан, унинг салоҳиятли келажигидан дарак беради. Мамлакатимизнинг турли гўшаларида халқ билан бўлаётган мулоқотлар, ўқув масканларида ўтказилаётган ижодий учрашувлар чоғи қилинган, эсдан чиқмас суҳбатлар таъми, ўқилган шеърлар шуури замирида элга-юртга содиқлик, Ватанга муҳаббат, Юртбошимизга садоқат туйғуси уфуриб туради.

Юртбошимиз ўзларининг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоаларида ёзувчи ва шоирларимизнинг жамиятда, хусусан, бугунги улкан ўзгаришлар даврида тутган ўрни, мавқеи борасида “ҳар бири алоҳида бир олам”, дея юксак баҳо берарканлар, аҳли ижодкорни ҳаётимиз, унинг ривожини яратаётган одамларимиз турмушини чуқурроқ ўрганиш, уларнинг орзу-ниятларини, қийинчиликларни бартараф этишдаги курашувчанликлари тўғрисида ёзишга ундаганлари, даъват этганлари, бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуслари билан Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш борасида катта миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Уюшма тасарруфида “Ижод” жамоат фонди ташкил этилди. Унинг қармоғидаги поликлиника, “Дўрмон” ижод уйи қайта таъмирланди, қўшимча бинолар қурилди. Шу рағбатларга яраша баракали ижод қилиш ҳар бир ижодкорнинг масъулиятидир. Шу борада, Ёзувчилар уюшмаси фаолиятида алоҳида ўрин тутадиган, шунингдек, устоз адибларнинг яна бир масъул вазифалари бор – бу ёшларга эътибор бериш, уларнинг иқтидор-имкониятларини юзага чиқаришдир.

Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида “Дўрмон” ижод уйида ёш ёзувчи ва шоирлар, таржимонларнинг республика семинарлари бўлиб ўтди.

Яна бир бор таъкидласак ўринли бўлар, Юртбошимиз ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобларида шундай деб ёзадилар: **“Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Албатта, жаҳон – кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю-ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим”.**

Эътиқодимиз эҳтироми сифатида элимиз, юртимиз фаровонлиги йўлида тиним билмай ишлаётган Президентимиз – Ислом Абдуғаниевич Каримовга қанча миннатдорчилик билдирсак шунча оз. Умрлари узун, соғликлари мустаҳкам, бўлсин, деймиз. Тинч, осойишта яшаб, меҳнат қилаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Бу кўпни кўрган доно халқимизнинг дил изҳорларидир.

Мустақиллигимизнинг баркамол йигирманчи йили барчамизга муборак бўлғай. Янада юксак марралар сари матонат билан одимлашга тилақдошмиз. Юртбошимиз айтганларидек, яратишда, яратгандаям чинакам маҳобатли, салобатли, муаззам юрт яратишда ҳамиша омад ёр бўлсин. Ўзимиздан озод ва обод мамлакат қолдириш йўлидаги қадамларимиз ҳамиша қўтлуғ, ниятларимиз сарбаланд бўлсин!

ШЕЪРИЯТ



*Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири*

Рухини мангу турсин ёришиб

СЕН БАҲОРНИ СОГИНМАДИНГМИ?

*Уйгонгувчи боғларни кездим,
Топай дедим қирдан изингни.
Ёногингдан ранг олган дедим –
Лолазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
– Сен баҳорни согинмадингни?*

*Узоқларда залворли тоғлар
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам гариб,
– Сен баҳорни согинмадингни?*

*Ўнгирларда сакрайди оҳу,
Наъматакда саъва миттижон.
Қорликлардан сипқарилган сув,
Дараларда уради жавлон.
Нигоҳимдан фақат сен пинҳон,
– Сен баҳорни согинмадингни?*

*Мана, бугун наврўзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.*

Қайлардасан, севгили эркам...
 Қўлимда гул, сени қутарман,
 Умрим бўйи чорлаб ўтарман,
 – Сен баҳорни согинмадингми?

1963

* * *

Қани, най бер менга, дўстгинам,
 Бергил, майли, рубоб бўлса ҳам.
 Бер, бир нафас бўшатиб олай
 Тўлиб кетган юрагимни ман.

Қаламимнинг кучи етмади
 Ҳисларимни буткул тўкмоққа.
 Дўстим, тингла, япроқчаларнинг
 Шивирлаши эшитилмоқда...

Гўзал, сокин оқишом чўкмоқда,
 Тебранади елда чироқлар.
 Дарахтзор ҳам сокин солланар...
 Қандай маъсум, эрка бу чоқлар?..

Қандай ширин дамлар... менинг ҳам
 Юрагимда бир ҳис тошмоқда,
 Юрагим ҳам дарахтзор каби
 Ниманидир олқишламоқда.

Кўзларимга бу ёруғ олам
 Кўринмоқда бирам суюмли.
 Қани, най бер менга, дўстгинам,
 Тўкай тўлиб кетган кўнглимни.

1964

БУЛБУЛ

Раҳматжонга

Сен – булбулсан, булбулларни маст қилақол, булбулим,
 Менинг учун сайрашингни бас қилақол, булбулим.

Шому саҳар тиним билмай шарҳ айладинг дилингни,
 Қани, айт-чи, булбулгинам, ким тушунди тилингни?

*Биров сени нола деди, биров деди оҳ-фиғон,
Булбул тилин булбул билар, мен билмасман, булбулжсон.*

*Англарми деб беҳудага роз сўйлама, қушим, ҳай,
Сен – булбулсан, булбулгинам, сени булбул тушунгай.*

1965

* * *

*Кўндан кутган эдим орзиқиб, мана,
Булутлар тарқалди тўкишиб кўзёш.
Хаёлим осмондай ёришиди яна,
Ёруғ кунларимдай порлади қуёш.*

*Шошқин дарёларнинг зангордир лаби,
Шамоллар ўйнайди йироқ-йироқда.
Юргил, сайр этайлик, юргил, малагим,
Дунё ташвишлари қолсин узоқда.*

*Кўряпсанми, қандай яшармиш олам,
Бепарво гўдакдай жилмаяди жим.
Гўдагим, бу чирой қайтмайди ҳечам,
Қайтмагани каби менинг ёшлигим.*

*Бугун бош устингда яшнаган япроқ
Шовуллаб тўкилар эрта пойингга.
Бу учқур йўловчи солмайди қулоқ
Сенинг илтимосинг, сенинг рабўингга.*

*Хазонли августнинг бирор оқишми
Уни кўрарсанми тушингда такрор?!
Майлига, ўзадир кузнинг илҳоми,
Бугун-чи кўз ташла, атрофда баҳор!*

*Қани, қўлгинангни бергин жимгина,
Шу маъсум йўлчига қўяйлик ихлос.
Шоирлар алдайди бизни, жонгинам,
Баҳор доим эмас, уч ойдир, холос...*

1965

* * *

*Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси,
Танимни жунжитар оқшомги шамол.
Нега мунча гамгин найнинг навоси,
Нега қалбим тўла ўкинч ва малол?*

*Барглар орасига тинмасдан сира
Ошино юлдузлардан тўкилади нур.
Билмайман, қийнайди қайси хотира,
Титроқ юлдуз каби музлаган шуур.*

*Мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол
Маъюс эгилади терак учлари,
Барглар соясида ўйнайди беҳол
Уйқудаги қизнинг бедор тушлари.*

*Атрофимда ётар гариб бир виқор,
Билмам, нега ўчди қалбим сафоси?
Нима ҳам қилардим, на иложим бор,
Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси.*

1967

РУҲИМ

*Вужуд деганлари асли нимадир?
Дайр денгизида юрган кемадир.*

*Бир кун бир қояга урилгай кема,
Руҳим, сен вужуднинг гамини ема.*

*Юксак фазоларда айлагил парвоз,
Сенда на оҳанг бор ва на бор овоз.*

*Сенга на бўронлар кор қила олур,
Сени на йўқотиб, бор қила олур.*

*Сен мисли камалак – юксак ва сўлмас,
Камалакни эса парчалаб бўлмас.*

1969

ЧОРЛАШ

*Дўсти ғариб, кел, қўлингни тут,
Юрагингда ёқай аланга.
Кел, бир зумга дунёни унут,
Кўтарайин сени баландга.*

*Пастда қолсин нобакор хилқат,
Пастда қолсин танбал булутлар.
Юрагингда чақнасин фақат
Ёруғ хаёл, самовий ўтлар.*

*Юксакларда чарх уриб айлан,
Рухинг мангу турсин ёришиб,
Ўлганда ҳам вужудинг билан
Кетмагайсан ерга қоришиб.*

1971

СОҒИНЧ

*Парчагина булут,
Чексиз осмон,
Адир ортидаги ёлғиз оёқ йўл.
Барча ташишларни унутиб, шодон,
Қайтгим келаётир қошингга буткул.*

*Қисмат майин ичдим – аччиқ ва тахир,
Туйдим эҳтироснинг самовий кучин.
Дунёда одамзод яшамас, ахир,
Фақат иродасин синамоқ учун.*

*Парчагина булут,
Чексиз осмон,
Адир ортидаги ёлғиз оёқ йўл.
Барча ташишларни унутиб, шодон,
Қайта олсам эди қошингга буткул.*

1972



Эркин АЪЗАМ

ШОВҚИН



Роман*

1. БИР ХУШХАБАР ВА СИРЛИ ОТДОШ

Олис бир шаҳардан кетма-кет келган бу қўшалоқ хабар Фарҳод Рамазонни шошириб қўйган эди. Шошириб эмиш, кўп йиллар бурун бошидан кечган эски савдоларни қайта тиглаб, нари-берисини айтмаганда, бир маромда бораётган бугунги турмушини алғов-далғов қилиб юборди деса бўлади. Тўғри-да, яхшидир-ёмондир, ўтгани – ўтди, бундан бу ёғи ҳам шундай бир нави жилавериши ҳеч гап эмас. Лекин ногаҳон чақмоқ чақнаган мисол бари остин-устин бўлиб кетди.

Дастлабкиси – электрон почта орқали келган мактуб Равшан Ақобировдан эди. Фарҳод дунёда кимдан кутган бўлса кутгандирки, шу одамдан бирон хат-хабар олишни, яна-тағин денг, бундай ҳайратомуз хушхабарни асло хаёлига келтирмаган.

“Фарҳоджон, сизни чин дилдан қутлайман! – дея самимий такаллуф ила бошланарди битик. – Тўйдан олдин ногора қоқмайин деган андишада сизга маълум қилмаган эдим. Хабарингиз бордир, мен кўпдан буён Ҳолливуд кинокомпаниялари билан музокара юритиб келаман; ҳар қалай, киройигина муносабат боғлаб олдим шекилли. Аммо кечаги кунга қадар айтарли бир натижа йўқ эди. Тасодифан, Тошкентда чиқадиган “Звезда Востока” журналнинг эски бир сони қўлимга тушиб, “Ишқ исёни” деган асарингизни ўқиб қолдим. Кўнгил бир нимани сездим, тезгина инглизчага таржима қилдириб (дарвоқе, ўзимизнинг Фарҳод ўғириб берди, қўли анча келишиб қолган), океан ортига жўнатган эдим, кутилмаганда хушхабар келди! Сизни яна бир бор табриклайман, ука! Хуллас, ишимиз юришадиганга ўхшаб турибди. Таклифлари бўйича, шу йил охирларида бориб тайёргарликни бошлашим керак. Рухсат тегса, балки Ўзбекистонда суратга олинар, нима дедингиз? Лекин сценарий юзасидан баъзи жиҳатларни сиз билан эртарақ бир келишиб олишимиз лозим. Мен, биласиз, маълум сабабларга кўра, ҳозирча Тошкентга боролмайман. Ўзингизнинг яқин орада бу томонларга келиш ниятингиз йўқми? Кеполсангиз яхши бўларди – сизга дахлдор бошқа гаплар ҳам бор...”

“Ўзимизнинг Фарҳод” нечундир бўртиқ ҳарфларда эди. Нима, мақтанмоқчимми? Дарвоқе, нега энди – Фарҳод? Ким ўзи у?

* Романдан боблар

Хатнинг охиридаги “P.S” белгиси билан илова қилинган сўзлар кишини айниқса ҳайратга соларди: “Акангиздан ҳалиям ранжиб юргандирсиз? Қўйинг, унутинг, бари ўтди энди...”

Бир ойлардан сўнг келган навбатдаги нома эса Фарҳод Рамазонни батамом доводиратиб қўйди.

“Азизим Фарҳод! Эски дўстларингни унутиб юборганинг учун... ташаккур сенга! Бошқа нима дейин, айт? Равшаннинг хатини олгандирсан? Чин қалбимдан табриклайман, жоним! Сен билан қандоқ фахрланганимни билсанг эди! Ҳолливуд-а! Ҳазилакам гап эмас бу, жаноб Рамазанов! (Айнан шундай – “Ромазанов” ёзилган эди). Биз томонга юриш ниятинг йўқми? Эшитишимча, яқинда бўладиган кинофестиваль танлов дастурида сенга тегишли фильм ҳам бор эмиш. Номини ғалати-я – “Қизларнинг қоровули”миди? Ким у – қоровул? Ўзини бўлиб чиқмасин тагин? Эсингдами?... Қоровул эмиш! Бўпти, бўпти, жаҳлинг қўзимасин, ҳазил. Айтгандай, қулоқ қалай, қулоқ? Қўявер, чийилласа чийиллайверсин, қулоқ солма унга – Ҳолливудгаки маъқул тушадиган нарса ёзмоқ учун қулоқ соғлом бўлиши шарт эмас экан! Буюк Бетховендан ўрнак олсанг, кам бўлмайсан, дўстим. Ўша “Қоровул”инг баҳонасида бир келсанг-чи? “Қизлар” тайёр бу ёқда! Индаллосига кўчадиган бўлсам – бизда айрим муаммолар чиқиб турибди, бирйўла гаплашиб ҳам олардик. Отдошинг – Фарҳод мактабни битирай деб қолди, Лондонга бориб ўқимоқчи, паспорт олиши керак. Ўзбек бўлмоқчилар бу киши! Сенинг маслаҳатинг зарур. Қолганини келганинга сўзлашармиз. Агар мени унутмаган бўлсанг, ҳув картошкадек донгдор бурнингдан ўпди деб ҳисоблайвер.

Ўша-ўша Виканг.

P.S. *Сенга аталган бир янгилик. Яқинда “Мосфильм”га йўлим тушиб, эски дўстинг Суръат Набиевни учратиб қолдим. Уйланганмиш. Айтсам ишонмайсан – тагин ўша Лидасига! Жазоирдан қайтиб келибди-да у. Зўр-а? Қойилмисан? Энди яна бир бор бурнингни тутмасанг бўлмас. Қани-қани... Ана, бў-ўлди!”*

Бугун ўйлаб қараса, Фарҳод Рамазон у шаҳарни кўрмаганига нари-бери ўн етти йил бўлибди, ўн етти йил! Юракка доғ солган Викаю Равшан Ақобиров деганлар энди гўёки унутилаёзган босинқи бир тушга ўхшайди.

Шунча йилнинг бадалида нега бир йўқлаб бормади? Имкон топса бўларди-ку. Ёки оёғи тортмадимми? Нега?

Гап кўп, баҳона ҳам етарли. Лекин очиғи – кўрқарди. Кўрқар эдики...

2. ОСМОНДА

– Фарҳад Мирзаевич, не желаете чуточку?..

Олис сафарларга кетаётганида Фарҳод Рамазоннинг самолётда мизғиш одати бор эди. Бу гал сира кўзи илинмаяпти. Дам-бадам хаёл олиб қочади, тизгинсиз, паришон хаёллар. Фикрни бир жойга жамлашга, кўп йиллар бурун кечган ўша воқеаларни бирмабир назардан ўтказиб, қай ўринда ёшлик қилгани – хатога йўл қўйганини англаб етишга куч тополмаётир. Дарвоқе, хатомиди у, яна қайтиб ёш бўлганида, ўшандай ҳолатга тушганида бошқача йўл тутармиди? Бунисини энди худо билади, худо!

Атай шерикларидан қочиб орқадаги бўш ўриндиққа ўтиб олган сафар гуруҳининг раҳбари – санъат арбоби Фарҳод Рамазон дафъатан безовталанди. Чеккиси келиб кетди. Самолётда! Уч-тўрт йил олдин не азобда шу балодан қутулган одам! Анови актёр боланинг юзидан ўтолмай чатоқ қилди. Отаси – эски дўсти, халқ артисти, ўлгудек улфатпараст, пазанда, белига пешбанд тутиб, чойхонада жигарни шундай қовурадики, ундан-да ошиб тушадиган ош-паловига кейин биров қарамай қўяди, ўзи лаганга босиб, ҳар гал ҳар хил жазманини олиб боради. Улардан биттаси ошхўрроқ чиқдими, кўп йил бурун ўшани хотин қилиб кетган. Мактабда оддий муаллима бўлган эски хотинининг қўлида бир қизу мана шу ўғли Бахтиёр қолди. Қизини манглайига қизил хол бостириб бошқа динга ўтган, дейдилар, ким билсин. Бепадарлик одамни диндан ҳам чиқарар экан-да, тавба.

Уч-тўрт йил бўлди, ўз-ўзидан халқ артисти билан узоқлашиб кетишди; энди ил-гаригидек чойхонапалову улфатчиликлар йўқ, ҳаммасидан қочади, мажлис-маро-симлардан ортмайди. Лекин Бахтиёр барибир ўша собиқ улфатининг фарзанди-да, боя кўлини қайтаролмади. Боз устига денг, боланинг ўзи роса ёқимтой. Юзи ҳам, кўзи ҳам кулиб туради. Хушқад, хушмуомала. Уни кўрганда одам беихтиёр завқланиб, ёш-лигини эслайди, ёш бўлгиси келиб кетади. Самолёт осмонга чиқиб олганидан буён қурмағур тингани йўқ – аввал бирга кетаётган сафдош-сафардошлари билан ҳаммани ўзларига қаратиб бир дам чуғур-чуғур қилишди, сўнг аломат свитерини ечиб киф-тига ташлаганча қаторлар ўртасидаги йўлак бўйлаб у ёқдан-бу ёққа қатнай бошла-ди. Гоҳ унда-бунда чўнқайиб олиб кимлар биландир лутфбозлик қиладими-ей, гоҳ кўлларида патнис, ҳаворанг муҳайири шарфни бўйинларига парвоздаги қалдирғоч мисоли ёнбошлатиб боғлаган хуштавозе стюардесса қизларни тўхтатиб бемалол гап-га соладими-ей, алланималарни айтиб ҳиринглашадими-ей. Аммо бу ҳолга ҳеч би-ров ажабланмайди, ҳеч кимнинг гаши ҳам келмайди. Салондаги жами қиз-жувоннинг кўзи шунда. Кўпчиликка сеvimли ёш актёр Бахтиёр Азизов! Уни барча танийди. Бутун Ўзбекистон! Ҳар соат телевизорда кўриниб туради: бир қарасангиз – пивони кўз-кўз қиляпти, бир қарасангиз – “ҳаётнинг ёрқин тарафи”ю “мусаффо ҳаёт”ни, яна бурасан-гиз – аллақандай томоша-шоунинг марказида жавлон урмоқда, тагин бурасангиз – қайси бир чўзма сериалда бош қахрамон, яна бирида гиёҳванд банги йигитнинг аччиқ қисматини ўхшатиб бераётир. Эртага кинофестивалда намойиш этилажак фильмдаги бош қахрамон – “қизларнинг қоровули” ҳам шу. Сценарий муаллифи бўлмиш Фарҳод Рамазон “Шу “хонтахта”чи ялтироқ болани кўйинлар”, деб бошида оёқ тираган эди, дастлабки видеосиновларни назардан ўтказгач, кўнмай иложи қолмади: бутунлай бошқа қиёфага кириб, кўнгилдаги қахрамоннинг ўзгинаси бўлиб кетибди касофат! Мана, энди бошқа ғолиблар қатори халқаро кинокўрикка отланган. Нимаям дейсиз, ҳалоли бўлсин!

Бу ёғидан кўнгли тўқлиги учундир, йигит ўзини ҳар жой, ҳар вазиятда эркин ту-тар, ёр-дўстларининг унча-мунча амалдор ҳам хат ёзиб, кўнгироқ қилиб эплаёлма-ган юмушларини бирпасда дўндириб келар эди. Шуниси билан-да ҳаммага суюмли, ҳаммага даркор!

У ҳозир ёш, қони қайноқ навқирон даври, дунё ўзиники, бири биридан сулув қиз-жувонлар шуники – қараб ўтирармиди! Отасига тортади-да.

Биз-чи, биз қандай эдик?..

– Фарҳад Мирзаевич, не желаете чуточку?

Хаёлларига фарқ бўлиб бораётган Фарҳод Рамазон чўчиб ёнига ўгирилди.

Йўлакка бемалол чўккалаб олган Бахтиёр, қўлида алламбало бир япаски идиш, кишини эритиб юборадиган даражада хуш жилмайиб турибди.

– Ичмайман, – деди раҳбар норози хўмрайиб. Ҳаммаёқ ўзбекча, Ў з б е к и с т о н бў-либ кетганига фалон йил ўтди-ю, булар ҳамон ўша “иккинчи она тил”ларини кўймайди. Фильмни овозлаштирганда бинойидеккина ўзбекча сайраб беришади-ю, ўзаро гап-сўзга келганда мана шу аҳвол!

– Ну, домла, прошу, – деди йигит мўлтираб, сўнг ниманидир англаб қолгандек ўзбекчасигача лутф қилди: – Бир кўлгина!

– Бир кўлгина бўлса, майли, куй, куй, – деди бўшашиб Фарҳод Рамазон.

Бахтиёр иккинчи кўлидаги елим бордоқни фамили чой сингари товланиб турган ичимликка тўлдириб, завқ билан узатди. Муроди ҳосил бўлгач, ён чўнтагидан бир бўлак шоколад чиқариб берди.

Ўшанданми ёки бошқа нарсагами, мана, энди кутилмаганда тамакиннинг хумори тутиб турибди.

Фарҳод Рамазон муқом билан ёнидан ўтаётган стюардессани имлаб, сув сўради. Сувдан қониб ичиб бирпас сабр қилинса, хумор деганлари босилади-қолади. Синалган усул.

Виканинг хати тагин ёдига тушиб, хаёли “эски дўсти” Суръатга оғди. Мактубнинг иловасидаги гаплардан у сал-пал хабардор эди. Узоқ йили онасининг маъракасини ўтказгани келганида Суръатнинг ўзи айтиб берган.

Илк бор ўша олис шаҳарга Суръат билан бирга борганларини хотирлади. Улар институтда ҳам бирга ўқиган, уч-тўрт йил телевидениеда ҳам бирга ишлаган, сценарийнавислар курсига ҳам бирга кетган эдилар. Аммо шу боланинг ҳеч омади чопмади-чопмади-да. Бўлмаса, ўзи Тошкентнинг баобрў, бадастир бир хонадониди катта бўлган; отаси ўша кезлар шаҳарда ягона лимонад заводининг директори эди, Фарҳод кўп марта борган уйларига, ота-онасини, ака-сингилларини биларди. Суръат ҳамма жойда яхши ўқиган, истеъдодсиз ҳам деб бўлмасди уни. Қизиқ-қизиқ сюжетлар ўйлаб топишга уста эди. Масалан, ёш бир актриса одамларни ўрганиш учун ҳар хил даврага боравериб, ахйири ҳаётда ҳам артистга айланиб кетади ёки бир чол аллақандай дори ичириб, кампирини яшартириб кўяди. У кинонинг талаб-табиатини балодек ўзлаштирган, бояги каби топилмаларини айтиб бериб унча-мунчани ҳайратга ҳам солар, шуларни қоғозга туширишга келганда эса иш тескари бўлиб чиқар эди. Шунинг учун ҳозирга қадар унинг бирорта мустақил асари йўқ, ҳаммаси икки киши-уч кишилашиб ёзилган ҳашар нимарсалар эди.

Ўзинг-чи? Ўзингнинг ҳам ўша бўшанг, омадсиз ошнангдан фарқинг қолмаган, Фарҳод Рамазон! Мана, неча йил бўлдики, мансаб курсисига маҳкам ёпишиб олгансан, арзирли бирор нима ёзганинг йўқ. Сен энди фақат ўзгаларга маслаҳат берасан, ақл ўргатасан, ёзув-чизув ҳам, бошқаси ҳам назарингда пашшадек майда, кераксиз бир машғулотга ўхшаб қолган. Бари мана бу арбоблик савлатига, шу савлатни берган майда-чуйдаларга алмаштирилди, қурбон берилди. Бирмунча иккиланишлар, ўртанишлар билан, лекин айрибош этилгани ҳақиқат. Негаки ишни ўзингиз бажаргандан кўра, унга ҳайбаракаллачилик қилмоқ, бошчилик қилмоқ осон ҳам мароқли. Бу эса шундай ширин, шундай мазали бир нишолдаки, ялайтуриб ҳар қандай қаламни синдириб отгингиз келади.

Ҳа, кўп нарса ёзилмай, кўнгилда қолиб кетди. Кечалари баъзан шуни ўйлаб қаттиқ безовта бўлади, зирапча мисол қадалиб ётган алланима юрак-юрагини зирқиратиб юборади, ҳозироқ туриб нимадир қилгиси, бир нималар ёзиб ташлагиси келади, аммо кундузги ҳорғинликми, аллақандай қўрқув – журъатсизликми кўлини чандиб, ўрнидан кўзгатмай кўяди. Эртаси эса, кундалик юмушларга шўнғиб, кеча ҳаяжонга солган гаплар кўзига арзимас, аҳамиятсиз бир нарсадек кўринади. Ҳар гал шу, кўп такрорланган ҳол. Бора-бора шуниси ҳам унутилиб, энди аллақандай асосу баҳоналар топиб, ўзингизни оқлайдиган, ҳатто бундан мағрурланадиган бўлиб қолар экансиз.

Неча-неча йиллар хаёлда ардоқлаб келинган “Отанинг ўлими” ёзилмади, “Ўринбосар” дегани ёзилмади. Булар энди кўнгилга тошдек чўкиб, кўнгил ўзи ҳам тошга айланиб қолган – кўзгатиб бўлмади. Равшан Ақобировнинг хатидан кейин эски қоғозларини титкилаб, “Ишқ исёни”ни топди, ўқиб чиқди. Ўқидию, олислардан келган эътироф ҳам сабабдир, ҳайратларга тушди: ростдан ҳам шу нарса меникими, менинг қаламимдан чиққанми?! Қани ўша қалам? Ҳечкурса, синиғи қайда? Бу киноқиссани у азоб-изтироблар гирдобиди, аммо эркин, кушдек эркин юрган чоғларида ёзган эди. Кабинетининг биқинидаги хилватхонасига қамалиб олиб қарийб бир шишани бир ўзи бўшатди, кейин диванга чўзилиб, кап-катта одам, кўзга кўринган санъат арбоби, худди аразлаган боладек ув тортиб йиғлади.

Гоҳида юқори ташкилотларнинг бўлар-бўлмас талабларидан безори чиқиб, баридан воз кечгиси, уйда ўтириб кўнгилдаги анови дардларини қоғозга туширгиси келади, шуни орзу қилади. Лекин энди улгурармикан? Йўқ, бу ишга ўзи журъат, шижоат топилармикан? Худо билади, Бог знает. Бу ёқда эса манови ташвишлар...

Суръат ўша охириги марта Тошкентга келганида (шўрлик озиб-тўзиб кетибди, сочлари тўкилган, адои тамом бир аҳволда) ноз-неъмат муҳайё хилват хосхонада виски хўплаб ўтириб ғалатиноқ гап қилгани ёдида. “Қачон энди пойтахтга борасан?” деб қолди у. “Итим адашибдим пойтахтингда?!” деди мустақил юртнинг содиқ фуқароси, тегишли рухсатсиз бир қадам ҳам четга чиқолмайдиган масъул арбоб. “Ия, ўғлингни кўриб келмайсанми? Биноийдек йигитча бўлиб қолгандир ўзиям”. “Ўғлим?! Қанақа ўғил?” “Викадан боланг бор эди шекилли? Лагутинанинг қизидан?” Хосхона эгасининг ўшанда нимадир зарур юмушлари бормиди, гарчи сездирмаса-да, ичида тўкин гўшасини омадсизлик, дарду ҳасрат руҳига тўлдириб юборган эски ошнасининг тезроқ даф бўлишини истаб ўтирарди – бу гапга унчалик аҳамият бергани йўқ, одатдаги бир дўстона ҳазил,

шунчаки тегажоглик деб фаҳмлади. Аммо, ўзиям хийла сархуш бўлса-да, меҳмонининг лафзига аралашган бир исмдан туйқус сергак тортди. Сўнги йилларда қурум босиб қолган кўнглига дафъатан куз офтоби янглиғ ҳазин бир ёғду сочилгандек бўлди. “Ўзи қандай, нима ишлар қилиб юрибди?” деб сўради сир бой бермасликка тиришиб. “Ким? Виками? Очиғи, талай йилдан буён учратганим йўқ. Каттакон бир чечен бизнесменига хотин бўлган, деб гап тарқаган эди. Кейин эшитсам, йўқ, анови устозинг бўларди-ку, Равшан Ақобиров, ўша билан бирга эмиш. Илгарироқ бир-икки телесериалда ҳам кўринувди, биларсан. Гуля, онаси эса, хабаринг бордир, гуллаб-яшнаб юрибди. Хув сенинг сўзларинг билан айтсак, дуппа-дуруст киномомо бўлиб қолган. Бирорта кино журналининг мақоласисиз чиқмайди, ишонсанг. Москванинг киноқлими шу кишимнинг кўлида ҳозир. Аммо-лекин яхши хотин шу, яхши инсон. Этта-бетда учрашиб қолсак, гирдикапалак бўлиб ўлай дейди-я! Ҳар ҳолда, ўзимизники-да”.

Эшитган бир янгилигидан мезбон тамом қарахт бўлиб, қулоғи том битиб қолган, яхшилаб сўраб-суриштирмаққа юзи чидамас, дўстининг бошқа гаплари дуруст қулоғига ҳам кирмаган эди. Чамаси, Суръат ўзидан, ўзининг туриш-турмушидан сўзларди. Лида-си қайтиб келганмиш. (Араб кинорежиссёрининг кўйнидан чиқиб-да?!). Яна ўша Фарҳод кўрган эски уйларида бирга яшаётган эканлар. Мезбон анқайиброқ қаради шекилли, “Ўртада бола бор, нимаям қилардинг? – деди Суръат баттар хомушланиб. – Бирга турганимиз билан – ҳар ким ўз йўлига”.

Тушунарли. Демак, таванхона бу ёқда-ю, ҳалимхона у ёқда.

Шу гапдан сўнг Фарҳоднинг ундан баттар кўнгли қолиб кетди. “Тошкентга келмоқчи бўлиб юрардинг? Бирон карми, кўрми топиларди-да, ахир. Шундай ибора бор, билсанг. Қишлоқда ҳам қиз кўп, ўзинг ўшанақасини орзу қилардинг-ку?”

Икковлон курсни битирганларидан кейин Суръат бирга ўқиганлари – Лида исмли қизга уйланиб Москвада қолган, Киночилар уюшмасида миллий сценарийлар бўйича муҳаррирлик қилар, бироқ иши юришмай, турмуши ҳам дарз кетганида Тошкентга бир келиб, дўстига шулардан ҳасрат сўққан, энди мусулмон қизга уйланиб, узоқ бир қишлоққа бориб яшамоқчи эканини айтган эди.

“Энди кечми дейман-да, ўртоқ, – деди хийла пишиб қолган Суръат кўзлари ёшлангандек бўлиб. – Болани ташлаб келолмасам керак, боғланиб қолганман. Бошқа кимим ҳам бор ахир? Энди кеч, кеч”.

“Ўзингга-чи? Ўзингга ҳам кеч, кеч...” Фарҳод Рамазон салонга аланглади, олдинроқдаги бир ўриндиққа энгашиб аллақандай қизалоқ билан гап сотишаётган Бахтиёрни кўл силкиб ёнига чорлади.

– Слушаюсь, Фарҳад Мирзаевич?

– Ановинингдан қолганмиди?

– Шесть секунд! – дея артистона қилиқ кўрсатиб “қўшхона”си сари шошди Бахтиёр.

Фарҳод Рамазон бу дафъа елим бордоқни охирига қадар симирди. Бўлганича бўлар, зора қарахт қилиб ухлатиб ташласа!

Бахтиёр нари кетгач, у ўриндиққа расо ястаниб, кўзойнагининг қулоқ ортидаги сопиға ўрнатилган мурватни аста силаб кўйди. Ҳаммаёқ жимжит, ҳеч нарса эшитилмай қолгандек бўлди.

Аслида самолёту унинг салоидаги шовқинлар пасайиб, дунёнинг бор шовқини қулоқ-мия қаърига кўчган эди.

Фарҳод Рамазон кўзларини аста юмиб олди. Энди атрофдаги манзаралар ҳам йўқ – уларнинг ўрнини бошқа-бошқалари эгаллаган.

Вика, Вика, Виктория... Дилдория...

3. ҚАНДАЛАЛАР МЕҲМОНИ: ФАРҲОД – ФИДЕЛЬ – ФЕДЯ – КАСТРО – КОМАНДАНТЕ

“Бепоен юрт” киночиларининг қуюқ ўрмон кўйнида жойлашган бу истироҳат масканига ёш сценарийнавис Фарҳод Рамазонов илк бор ростакмига қадам кўйиши эди. Тўғри, олий курсда таҳсил олаётганларида Суръат иккаласи ошга деб бир тўрхалта қизил сабзи, икки килоча яхлаган тараша гўшту икки шиша анови зормандани кўтариб,

аллақандай катта киноанжумандан кейин уч-тўрт кун шу ерда дам олаётган машхур юртдошлари – ўзбек киносининг отахони саналмиш Устоз, ундан сал берироқ турадиган Собит Яхёев ва Талъат Рафъиуллинни зиёрат қилгани бу ерга бир келган; мақсадлари – устозлар билан яқинроқ танишиш, яшириб нима, иложини топиб уларга ёқиш ва эртага Тошкентга қайтиб борганда “кўчада қолмаслик” ғами эди. Бироқ ҳали келажаги ноаён ёшлар билан кўришар-кўришмас, “Бел оғрияпти, қовуғимни яна шамоллатиб қўйдим шекилли”, дея Устоз хонасига чиқиб кетди; қолганлар – бир-икки сафдош Иван Ивановични шерик қилиб шаробхўрлигу бош-қуйруқсиз мунозарага берилди; шогирдлар азда-базда кўтариб келган масалиққа биров қайрилиб ҳам қарагани йўқ, фақат Рафъиуллин “Ну потом, потом, ребята”, деб қўйди, холос.

Алқисса, не-не илинжлар билан йўл тортган икки ўртоқ ўшанда оч қоринга устма-уст ичгану ғилжайиб бир четда эътиборсиз қолиб кетган, сўнгра мурод ҳосил бўлмай – на бирор маънили гап эшитиб, на бир нарсага эришиб, чайқала-чайқала шаҳарга қайтган.

Шу ҳисобда Фарҳод бу жойларни энди кўриб туриши деса бўлади.

У аэропортдан келасолиб Киноуюшмага учради, йўлланмани чўнтагига жойлагач, Суръатнинг кабинетига бирров бош суқди-да, “қол-қол” қистовига қарамай, ошнасининг ҳув бир тупканнинг тагидаги ёлғизхонасига боришдан, чексиз-адоқсиз ҳасратларини тинглашдан безиллаб бу ёққа жўнаворди; Суръатнинг ўзи тез-тез Тошкентга қўнғироқ қилиб турар, гапининг оҳори ҳам қолмаган эди.

Истироҳатгоҳ хийла кенгиш ва обод эди. Бир томонда эски услубда қурилган уч қаватли ғиштин иморат, қаршисида – майдондан нарироқда баланд замонавий бино қад ростлаган. Ёнбошда – чоққина кинохона, унга тескари ёқда дарахтларга кўмилиб турган ойнабанд ошхона; қарағайзор оралаб ҳам унда-бунда ёғоч уйчалар кўринади – яккам-ховларга ёки бошқа радди маъракаларга аталган чиқар.

Фарҳод биринчи қаватига маъмурият ўрнашган эски бинога қараб юрди.

Мана, у ҳалидан бери эски чарм креслода Валентина Григорьевна Самохинанинг қовоғини пойлаб ўтирибди. Самохина – навбатчи маъмура, ён девордаги миҳга илиғлиқ бир парча картонга босма ҳарф билан шундай деб ёзилган. Унинг ўзи жи-гарранг ёғоч тўсиқ ортидаги баҳайбат столида Фарҳоднинг паспортю йўлланмасини синчиклай-синчиклай кўздан кечириб, олдидаги каттакон дафтарига қайд этаётир. Ёш-гина, шўхгина жувон.

– О-о, яна серкуёш Ўзбекистон! – дея хушҳол қаршилади у боя. – Сизникилардан кўп бу ерда.

Кимлигини сўраб ўтирмади Фарҳод: бўлса бўлар, менга нима!

– Рамазонов Фидель Мирзаевич, – деди жувон паспортдан кўз узиб. – “Кастро”си қани бунинг?

Фарҳоднинг “фожиа”си – жон жойига урадиган савол эди бу! Қайга бормасин, шунга дуч келиб, чайналиб қолади. Нима десин? Бир замонлар менга бу номни қўйган отамдан бориб сўранг, дейдими?

У ўрндан туриб, пештахтага яқинлашди. Столнинг нариги бошида сўқимдек бир оламушук бақрайиб турарди, Фарҳодни кўриб миёвлаб юборди. Қаёқдан пайдо бўлди бу мараз, боя йўқ эди-ку? Шу махлуққа сира тоб-тоқати йўқ-да унинг.

– Биласизми, Валентина Григорьевна... – дея сўз бошлади у девордаги ёзувга яна бир қур кўз ташлаб олиб.

– Билмасак-чи, Фидель Мирзаевич? – деди жувон тантиқлик билан бошини бир ёнга солиб. – Бунинг нимасини билиш керак экан?

– Гап шундаки, Валентина Григ...

– Валя! – деди дўқ қилгандек унинг сўзини шарт бўлиб жувон. – Валя! Сиз шундай атайверинг мени, команданте, сизга изн бердим. Ҳаммаси тушунарли-ку: шонли олтишинчи йиллар, романтика даври, Озодлик ороли, “Вива Куба!”, “Куба – любовь моя!” Тўғри айтяпманми?

Тўппа-тўғри! Бунча балони қаёқдан билади-я бу оддий қоровул хотин?

Тўғри айтяпсан, Валя! Ўшанда оташин инқилобчи бизнинг Ўзбекистонга ҳам ташриф буюрган, тоғдек бўлиб донгдор “оқ олтин ижодкорлари” билан тушган катта-кичик

суратлари газеталарни тўлдириб юборган. Мирзо Рамазон, комсомолдан етишиб чиққан жайдари бир романтик эмасми, айна ўша кезларда туғилган тўнғичига, давр билан ҳамқадам бўлмоқ илинжида, ҳовлиқиб ана ўша серсоқолнинг отини қўйган. Келажақда бир кун фарзанди бундан норози бўлишини хаёлига ҳам келтирмагандир. Фиделлар, Анжелаю Робертинолар замони экан-да, Валяхон! Бугун энди бирови зўравон диктатор сифатида ном таратган; “Анжела Дэвисга озодлик берилсин!” дея ҳимоясига бутун шўролар мамлакати оёққа турган яна бири эса аслида аёл қавмидан эмас экан, ҳозир у ўзига ўхшаш жингалаксоч занжи хонимга уйланиб, коммунистик ғояларга қарши курашиб ётганмиш; “Жама-айка-а!” ҳайқирғи билан чиқиб бутун дунёни ўзига жўр қилган “итальян булбули”нинг ҳақиқий жинси борасида ҳам турли мишмишлар юради: эмишки, у ҳам “туси”ни “мовий”га айлантириб, “эрга текканмиш”, эри ўзидан шу қадар ёш эканки, бир замонлар “Жамайка” деган оламга машхур қўшиқ бўлганини ҳам эшитмаган...

Ана шунақа гаплар, Валяхон! Камлик қилгандек, ота бу ёғиниям мослаб қўймоқ хаёлидами, олис тоғлик манзилда испан мактаби топилмаганидан Фиделни ўрисча таълимга беради. “Ҳе, ўша Кастронгди соқолига урай! От қуриб қоптими ўзимизда? Пидел-мидели нимаси, Фарҳод де, Файзулла де! – дея бошдаёқ норози бўлган бобоси – раҳматли Рамазонбой ўрис мактаби хабарини эшитиб баттар тутаққан экан: – Мусулмонди боласи мусулмончада ўқимайдими! Кофир бўлсин деб нон берганмидим мен сенга, Мирзо?!”

Шу-шу – Фарҳод, Фарҳод! У ҳеч қачон бировга ўзини Фидель деб таништирмаган; аксинча, доим номидан уялиб юрар, доим уни яширмоққа тиришар эди. Тўғри, асл отини билиб унга ҳавас қилганлар ҳам бор эди, аммо ўзи ҳаммиша хижолат чеккани чеккан. У вақтда исм ўзгартириш ўлимдан-да қийин эди, ҳозир ҳам ҳазилакам иш эмас – бир дунё расмияту чопачоп!

Олий курсда ўқиб юрганида кўплар уни “Федя, Федя” деб атарди, кейин кимдир ҳазиллашиб биратўла “Кастро” деб юборди, бора-бора – “Команданте”. У замонда ўзи ҳамманинг оти шундай қўша-қўша бўларди: Равшан – Рома, Гулсум – Гуля, Собир – Сашка, Зухра – Зоя ва ҳоказо.

Қўшни ётоқхонада турадиган кубалик бир йигитга таништирганларида у “Фидель бўлсанг, соқолинг қани?” деб мутуйиба қилгани ёдида.

– Бўпти, мачо, юринг энди, сизни хонангиз билан таништирай, – дея Валя деворга осиглиқ тахтадаги қоziқлардан керакли калитни олиб, зинапоя сари бошлади.

Унга эргашиб иккинчи қаватга чиқаркан, олдинда дикирлаб кетаётган жувоннинг қадди-қоматини Фарҳод энди баралла кўриб, хаёли бир ёқларга бориб келди.

Сафарда юрганингизда кўринган қиз-жувон хушрўйга ўхшайди-я, нега бундай? Айниқса, бу томонларники. Фарҳодга маълум-да: курсда ўқиганида кўп марталаб шунга иқрор бўлган. (Уч-тўрт кун ўтгач билдики, ҳозир жиддият билан қоғоз-қалам қилиб ўтирган мана шу жувон ҳам “бемалол кетадиган” хилидан экан, аммо энди бефойда – у ёғига ўзининг боши айланиб қолган эди).

Коридорнинг охиридаги бир хонага кирилгач, Валя каравот бошидаги қўшестиқни меҳрибонларча туртиб-тузатган бўлди-да, қулочини кенг ёзиб:

– Марҳамат, энди маза қилиб дамингизни олаверасиз, Фидель Мирзаевич! – деди худди ўзи ҳам қўшилиб маза қиладигандек завқ билан. – Бирор нима зарур бўлиб қолса, чақирасиз. Йигирма тўрт соат хизматингизга ҳозирман! Хона чаккимас-а, нима дедингиз?

– Менга фарқи йўқ, раҳмат.

Навбатчи чиқар-чиқмас, Фарҳод қўлидаги юқларини шкафга нари-бери жойлаб, кийим-пийими билан ўзини каравотга отди: ўлгудек толиққан эди.

Хиёл ўтмай пинакка кетибди. Вужуди аллақандай бўшашиб, илиққина сувга чўмгандек роҳат қиларди... Ие, ҳалиги Валями? Келиб ўзи қўйнимга кирди-я! Қучоқлашини қаранг! Бадани мунча иссиқ! Вей, бу нимаси – китикляптими? Оббо-о! Йўқ, тимдалаётган экан, узун-узун тирноқлари билан тимдалагани тимдалаган-а! Э, мушук-ку бу, бояги оламушук!

Фарҳод сапчиб тўшақдан турди; бўйнию билақларини сийпалаб кўрди: бармоқдек-бармоқдек бир бало тошиб чиққан! Чақибди, ҳаммаёғини чақиб ташлабди! Қандаламикан? Қандала нима қилади бунақа жойда?

Хона ўртасида бир зум саргаранг, қашиниб турди-да, сўнг эшикни ҳам очиқ ташлаб навбатчининг олдига югурди. Аҳволни айтиб арз-дод қилди.

Валя бирдан туси ўзгариб, нари-берига бир аланглаб олди.

– Вой, кечирасиз, Фидель Мирзаевич, узр, узр, – дея майин бармоқлари билан унинг билакларини силай бошлади саросимада. – Илтимос, оғзингиздан чиқмасин-а. Илтимос! Аллақайқдан келган бир исқиртнамоси ётиб юрувди, ўша экиб кетган бўлмасин тагин? Кинорежиссёр эмишлар! Ҳе, ўл-а, битлиқи! Хафа бўлманг, азизим, мен сизга шундай бир хона берайки, люкс! Деразаси ҳув кўм-кўк ўрмонга қараган, маза қилиб ўй суриб ётаверасиз!

– Раҳмат, раҳмат, – деди Фарҳод сездирмайгина қашиниб.

– Агар ўша хонада чумоли чақса ҳам чақирасиз, ўзим силаб қўяман! – дея жувон ўлгур шўхчан кўз қисиб, девордан бошқа калитни олди. – Ҳа-я, айтгандай, сизни бит-таси суриштириб юрувди.

– Ким экан? – деди Фарҳод ҳайрон бўлиб.

– Оти нимаиди-я? Энг зўр, энг машҳурларинг бор-ку, ўша-да.

Фарҳод баттар таажжубга тушди: “Энг зўр, энг машҳуримиз... ким эди? Устоздир-да, устоз. Лекин етмишдан ошган одам, энди бу ёқларда юрмас. Унда ким бўлди экан?”

4. УСТОЗ. МИРЗО БОБУРНИНГ КҶКҶЗ ОНАСИ – КИНОКЕЛИН

Бадий кенгашда ҳар қандай сценарийнинг муҳокамасини бошлашдан олдин, асли киночиноқидан чиққан ўлгудек кўрқоғу эҳтиёткор раис сўрайди: “Устознинг назарларидан ўтганми бу?” Мабодо ўтмаган бўлса, бошингизни минг тошга уринг – бефойда.

Устоз деганлари – киночиларимизнинг пири, мана шу даргоҳга ҳам кўп йиллар раҳнамолик қилган, иккитами-учта “картина”си билан машҳури жаҳон бўлган етмиш ёшлардаги чол. Мен уни ўзимча “кинобобомиз” деб атайман. Кинобобо!

Умуман, мен сизга айтсам, ҳар қандай калимага мана шу “кино”ни қўшсангиз, у ёғи ўз-ўзидан тўқилиб кетаверади: кинобобо, киномомо, киноафсона (олдинги иккови), кинокатта (раис), кинобой (картина директори), киноқул (ёрдамчилар, декорация ясовчилар); киножонон, киноулфат, киноғурбат сингарилари таниш сизга. Ўзимни эса дангалига “киношўрлик” деб биламан. Шўрлик бўлмасам – сценарий ёзаримдими, авваламбор шунга ўқиримдими? Сценарийчини мен бировга қиз берган шўринг қурғур ота-онага ўхшатаман. Не-не орзу-умидлар билан қизни туғиб вояга етказасиз. Кейин битта бўйни йўғони келадию от ваъда қилиб, туя ваъда қилиб олиб кетади. Олиб кетгач, элтиб билган кўйига солади. Қани, энди аралашиб кўринг-чи!

Сценарий ёзганда ҳам худди шундай! Бошимдан ўтган-да, камтарин тажрибамда бунга мисол кўп – мавриди келганда ҳали айтиб берарман.

Ана, кўрдингизми, сўзни ўзим олиб, чалғиб кетдим чоғи.

Муҳтарам кинобобомизга қайтайлик.

Яқин беш-ўн йил мобайнида биров бу атрофда у кишининг қорасини кўрмаган – шаҳар четидаги чорбоғида истиқомат қилади. Қишин-ёзин. Ёлғиз. Кампири ўлган. Ие, дарвоқе, нега ёлғиз деяпмиз – анови саф-саф “Сабоҳат”лар-чи? Майли, кейин, кейин.

Мен ҳам икки мартами-уч марта у кишининг қароргоҳига бош уриб борганман. Аввалига бир оз тайсалладим: нега энди шундан ўша ёққа йўл тортишим керак? Бир сассиқ чол ниманиям тушунарди? Унинг даври ўтган, бугун энди янгидан-янги кино-усуллар, киноқилиғу киноқичиқлар чиқиб кетди – ҳув бир гўрда моғор босиб ётган “киноафсона” буни қаёқдан билсин?! Бироқ, гадой аччиқ қилса – тўрвасига зиён. Мағрур бош эгилди.

Устознинг зиёратига қуруқ қўл билан бориб бўлмайди, билиб олинг. Бозор-ўчар қилсангиз-ку – ҳимматингиз, лекин бир шиша “Оқ лайлак” коньяги бўлмоғи шарт – фақат шунисидан нўш этадилар Устоз. Кошки у зормандани топиш осон бўлса!

Мана, бордингиз дейлик. Чол боғдаги бирор дарахт соясида албатта эснаб ўтирган бўлади. Базўр кўзини очади, “Ўқинг”, деб қўяди. Рўпарасига ўрнашиб, қора тер ичида, минг бир истиҳола билан келтирган матоҳингизни ўқимоққа тутинасиз. Устоз кўзларини

юмиб олган, ўқтин-ўқтин пишиллаб, хуррак ҳам отаётганга ўхшайди. Парво қилманг, ўқийверинг, акс ҳолда доғда қоласиз. Муғамбир чол ўзини атай меровлиқка солаётир. Туйқусдан кўзини очиб шундай бир савол берадики ҳали! Бундай олганда – анчайин жўн савол, ҳатто ибтидоий. Аммо хомтама бўлманг – унга жавоб топмоқ осон иш эмас. Устоз қўлтиқлаб келган қўлёмангизнинг жон жойини нишонга олиб ниш ураётир. Масалан: “Шугинани ёзиб нима қилардингиз ўзи?” Қани, сўзланг, марҳамат! Ёки: “Анови персонажингиз намунча вайсақи? Бутунлай гапирмай қўйса нима қилади шу?” Ерга қараб қолсангиз, чол ҳам ерга қараб ўтираверади. Аҳволингизга вой! Нимадир деб эътироз билдирсангиз, умуман, бир минғирлаб қўйсангиз бас – у ёғини ўзи олиб кетади. Олий курсларда олган таълимингиз чиппака чиқиб, тамомила ўзгача дунёга рўпара келасиз. Қирқ-қирқ беш саҳифали хомашёдан кўз олдингизда ғаройиб бир гулдаста пайдо бўлади!

Қисқаси, тиррақи бир эчки кўтариб бориб, деланглаган қўй билан қайтасиз. Кинобобомиз ана шундайин доно, донишманд!

Яна бир чизгимиз шуки, қачон борманг, Устоз ҳамиша бир хил тўр майкада ўтирган бўлади. Ҳозир унақасини қидириб ҳам тополмайсиз; эски-туски реквизитлар сақланадиган киноомборларда битта-яримтаси қолгандир. Чол бир қопини босиб қўйган кўринади. Ҳув бир замонлар олган давлат мукофотларининг пулига.

Сценарийхонлиқнинг авж палласида Устоз дафъатан қўшқаватли ихчамгина иморат сари юзланиб, эшитилар-эшитилмас, “Сабоҳат!” дея садо чиқаради.

Йўқ, бу ўтган дафъа сиз кўрган Сабоҳат эмас, бошқаси. Уларнинг бари – Сабоҳат. Раҳматли хотинининг исми шундай бўлган Устознинг.

Мана шу Сабоҳатларни кейин бирор фильмда кўриб қолсангиз ажабланманг. Қайтиб экранда учратмасангиз ҳам ҳайрон бўлманг. Бир марталик митти “юлдуз”лар бу. У ёғини эплаб кетса – “браво”, эплаёлмас, ўзидан кўрсин. Устоз айбдор эмас, у қиладиган хизматини қилиб қўйган. Бор энди, тошингни тер!

Ўша заҳоти иморат тарафда сиз келтирган “Оқ лайлак”ка тарвуз-парвуз қўшиб, кумуш баркаш кўтарган бир нозанин пайдо бўлади. Бўлғуси киножонон! У ажиб навозиш ила келиб, қўлидагиларни пастак мизга қўяди-да, хос қадаҳни тўлдириб Устозга тутаети. Устоз бир лаҳза шафақранг жилвага тикилиб турадию бир ҳамлада ютиб юборади. Тарвуз-парвуздан газак қилгач, кўрпача тўшалган тебранма креслосига аллақандай беҳол ястаниб, кўзларини юмиб олади. Ҳузур қилаётир. Ҳей, Сабоҳатгина, нега қараб турибсан, ҳузурбахшлиқка ҳисса қўшсанг-чи! Ўзи билади вазифасини: креслони худди беланчак мисол тебрата бошлайди у. Лекин ўлгурнинг кўзи сизда, қўлёманга ўқишдан бош кўтарсангиз ширингина жилмайиб ҳам қўяди. Ана шунда ҳушёр бўласиз! Асти шошилманг, ўзингизча бир балоларни хаёл қилиб тамшана кўрманг – армонда қолмоғингиз муқаррар! Ҳозир, мана ҳозир Устоз кўзини очаети, вазмин бурилиб тепасига қарайди. Аста энгашган Сабоҳат унинг бўйнидан кучиб, икки чаккасидан чўлп-чўлп ўпади. Сўнгра гарданию елкалари аралаш сержун кўкрақларини уқаламоққа, оппоқ қуюқ сочларини нозик бармоқлари билан беозор қашимоққа тушади.

Бу беҳиштий бармоқлар – бизники, бу нозу карашма – бизга, бари-барчаси ўзимизга аталган! Сен, бола, ҳадеб кўзингни лўқ қилавермай, қўлингдаги анови дардисарга “оқ йўл” ундирмоқ пайдидан бўлсанг-чи, нодон!

Дарҳақиқат, ана шу синовларда сабр-бардошли бўлсангиз, Устознинг боягидек савол-жавобларига мардона туриб берсангиз – марра сизники! “Ручку! Ручканг борми?” дейди у шунда. Қўлингиздан ручка билан қўлёмани олади-да, очиқ жой – ҳошиялари қолиб, тўппа-тўғри матннинг устига бостириб ажи-бужи ҳарфларда хулосасини битади: “Прочёл. Годится” – “Ўқидим. Маъқул”. Сўнг ўгирилиб, ручкани Сабоҳатига узаети: “Қўл қўй”. Қиз қийшанглай-қийшанглай, саҳифанинг ҳошиясига “имзо” чекади: “Сабоҳат”.

Мана, энди сизни табрикласак бўлар, ўртоқ муаллиф! Энди бунингизни анови кўрқоқ раисингиз тугул, ундан каттароғига ҳам дадил элтиб бераверинг – қани, бирор-таси ғиринг дея олармикан?!

“Биргина нигоҳ” деган нарсам билан Устоз ҳузурига борганим ҳеч эсдан чиқмайти.

Қарасам, чол ҳамишаги жойида кўринмайти. Қўлимдаги “лайлак-пайлак”ни йўлак четига қўйиб, аста боққа ўтдим. Ўрик тагида ўтириб кута бошладим. Бир замон иморат

биқинидаги мрамор бассейн тарафдан сувнинг шалоп-шулупи эшитилди. Устоз! У ён-бу ён гупсар уриб юрибди. Оббо, чоли тушмагур-эй! Қулоч отиб сузишларини кўрсангиз!

Дамимни ичимга ютиб ўтиравердим. Талай фурсат кечди, аммо ғаввосимиз ҳали-бери сувдан чиқадиган эмас. Алланечук хижолатдаман. Сас чиқармоққа кўрқаман – кўриб қолса, “Давай, мен чўмилаверай, сен шу ерга опкелиб ўқиб берасан!” дегудек бўлса!..

Хайрият!

– Сабоҳат! – Чол зинага тирмашиб, қалтирай-қалтирай сувдан чиқа бошлади.

Шу заҳоти уйдан каттакон пахмоқ сочиқ кўтариб Сабоҳат (бу бошқаси) чиқди.

Ажабо, Устоз қип-яланғоч эди! Лекин – парвойи фалак.

Сабоҳат югура бориб уни сочиққа ўраб олди-да, белидан қучганча уйга олиб кириб кетди.

Мана, ниҳоят, устозу шогирд ўша ўрик тагида ўтирибмиз. Бари-бари ўша-ўша тартибда кечади: “Ўқинг”, хуррак (сув элитган-да), ора-орада қалтис саволлар, жиндак мунозара, “Сабоҳат!”, “Оқ лайлак”, тебранма креслода ҳузурланиш, ўпилиш, уқалаш ва ҳоказо.

“Ручку!” хитобидан олдин Устоз асосий эътирозини баён қилади:

– Йўқ, қиз... ўша келин-да, ўлмайди! Ўлдирмайсан уни. Қолсин. Где гуманистический подход?! Ну, анови шопир биргина қарабди, ну, ҳаваси келган, айлантирмоқчи бўлган – эри йўқ. Ну, қиз... келинни айтяпман, унинг ҳам сал кўнгли суст кетган, естествоно – эри йўқ, эр узокда. Лекин ўртада ҳеч нарса бўлмади-ку! Подумаешь! Мало что! – дея у тагин кинотилга ўтади – инобатли тил, гўё асло эътироз қилиб бўлмайдиган тил; бояги каби “ўткир” хитобларга уч-тўртта хос атамани қориштирсангиз – кинотил тайёр-да! – Это жизнь, парень!

Бу танбеҳ-тазийқлар менга ўшанда жуда дағал, асарнинг “асос иморати”ни бузиб, мазмун-моҳиятини тескари қилиб юборадигандек туюлган эди. Лекин, қаранг, Устоз ҳақ бўлиб чиқди. Кейинроқ ўзимча мулоҳаза этиб кўрсам, дарҳақиқат, шунда асар ютар экан; табиийлиги, ҳаётийлиги ошади, мазмун ҳам чуқурлашади. Ахир, эркак кишига бир қиё боққан, эркак ҳам бир назар ташлаган ҳар қиз-жувон ўзини осаверса, сувга ташлаб чўкаверса, қоядан отиб ўлаверса – аёл зоти қоладими дунёда! Где гуманистический подход?! Қараса – бир қарабди-да, ну и что? Подумаешь!..

Бўрини йўқласанг боши кўринармиш, тулкини эсласанг туёғи кўринибди, қуённи қувласанг – қулоғи...

Кўринди: қулоғи ҳам, туёғи ҳам.

“Деразаси кўм-кўк ўрмонга қараган” хонада бирпас ўтириб Фарҳоднинг юраги сиқилди. Валя айтгандек, “маза қилиб ўй суриб ётавериш”га эса кўрқди – безиллаб қолган: бунисидан энди сичқонми, каламушми чиқиб қолмасин денг!

Зерикканидан ҳовлига тушиб, майдоннинг дарахтзорга туташ бир четидаги харракка бориб ўтирди. Чўнтагидан сигаретини оларкан, хув дароз дўхтирнинг ваҳимасини эслади: “Биз дорию уколлар билан томирларингизда кислородни кўпайтирмоққа уринамиз-у, сиз уни тамаки чекиб барбод қиласиз!” Беихтиёр сигаретни лабига қистириб, гугурт чақди: “Мана, ҳаммаёқ кислород!”

Бир замон орқадаги дарахтзордан бир эркак билан аёл чиқди. Қизгин баҳслашиб келаётганлари сезилиб турибди.

– Йўқ, сиз гапга қулоқ солинг, – дерди аёл чийиллагудек оҳангда. – Менга нимаси ёқмади, айтайми? На тайинли бир гап бор унингизда, на тузук бир ечим – бошдан-адоқ куп-қуруқ манзаралар! Тўғри, тасвирларга гап йўқ – маҳорат билан суратга олинган. Аммо...

– Мен-чи, мен шунисини айтяпман-да, азизим, – дейди эркак мураса йўлини тутиб. – Ўша манзаралар ҳам томошабинга маълум кайфият бағишлайди-ку. Рамзларни қаранг! Қиз ўрмонда адашиб, дарахт шоҳида отасининг хонаки қалпоғини кўриб қолган жойи эсингиздами? Даҳшатли детал-ку бу!

– Э, қўйинг, бари минг марта чайналган арзон-гаров усуллар, Бергманнинг тўрвасидан тушиб қолган сарқит!

– Майли, майли, дилдорим, ҳар ким ўз фикрида қолаверсин. Хўш, шундай сулҳга имзо чека оласизми, ахир? – деди эркак ниҳоят таслим бўлиб, ҳамроҳини қўшни харрак сари бошларкан.

Фарҳод сербахс аёлни кўрган заҳоти таниди: Элмира Камолова, киношунос. Мовийкўз соҳибжамол. Дурагайлардан. Ажаб Устозимизнинг ажабтовур келинлари. Кинокелин. Шу ерда экан-да буям. “Сизникилардан кўп бу ерда”.

Унинг ёнидаги – қирқ-қирқ беш ёшлар чамали, истараси иссиқ бир киши эди. Олд томони сийрақроқ тўқ малла жингалак сочи ўсиб елкасига тушган. Маъно тўла шахло кўзлари одамга алланечук меҳрибон, мулойим боқади. Сарғиш чарм камзулини кифтига ташлаб олган.

Тошкентда юганида унча-мунчани назарига илмайдиган, сўзлашмоқ у ёқда турсин, саломингизга зўрға бош қимтибгина ўтадиган танноз хоним, Фарҳодга кўзи тушгач, дўстона қўл силкиди-да, ҳамроҳининг “бўш” енгидан тортиб бу томон бошлади.

Фарҳод кўлидаги сигарет қолдиғини харрак ёнига қўйилган дароз кулдонга ташлаб, ўрнидан турди.

– Умидли ёш кинодраматургларимиздан, – деб таништирди уни Камолова шеригига. – Ҳақиқий истеъдод! Олий курсни битирган. Равшан Ақобиров режиссёрлик қилган дастлабки фильми роса шов-шув бўлган бизда. Ўзбек тилида суратга олинган тўнғич картинами эди-да. Номи “Эрта қайтган лайлақлар” миди, Фарҳоджон?

– “Қалдирғочлар, қачон қайтасиз?” эди, – дея тўғрилиди Фарҳод оғриниброқ. Мана, ўзинг “истеъдод” деясан, тўнғич ўзбекча картина эканини, анови шов-шувларни тилга оляпсан – балони билгич киношунос бўлатуриб, фильмнинг номига келганда бундай беписанд тусмоллаб сўзлашинг нимаси! – Қисқароқ бўлсин деб кейин Равшан ака “Қалдирғочлар” қилиб юборган.

Камолова бу изоҳларга парво ҳам этмай, шоша-пиша шеригини таништира кетди:

– Бу киши машҳур кинорежиссёр Чалдратян! Артур Чалдратян. “Тоғлар бағридаги салтанат”, “Эски қалъанинг сирини” – кўргансиз-а, Фарҳоджон?

Чалдратян деганлари қулоғига чалингандек эди-ю, аммо унинг бирорта фильмидан беҳабар Фарҳод сиполик юзасидан “Ҳа, ҳа, албатта, яхши, жуда яхши”, деб қутулди.

– Артур Артёмович ҳув Бергманнинг мухлиси эканлар, сиз-чи? Мен эса...

– Элмиражон! Азизгинам! – деди режиссёр чеҳраси янада ёришиб. – Бергман бошқа, Чалдратян бошқа! Хафа бўлишим мумкин-а!

– Хафа бўлмоққа рухсат йўқ! – дея Камолова, хийла яқинликлари борми, унинг чаккасига шاپатилагандек енгилгина бармоқ уриб қўйди-да, Фарҳодга юзланиб сўради: – Қачон келдингиз? – Лекин жавобини ҳам кутмай ўзиникини айтиб қолмоққа шошилди: – Бизникилар кўп бу ерда, кўргандирсиз?

– Устоз ҳам шу ердалар шекилли, а, Элмиражон опа? – деб сўради Фарҳод; Камолова ундан беш-олти ёш каттароқ эди.

– Устоз?! Нега? Как?! Аранг ўрнидан турадиган бўлиб қолган-ку, қанақасига келарди бу ёқларга!

Шу чоқ майдоннинг нариги бошида чуғурлашиб юрган болалардан саккиз-тўққиз ёшлардаги биттаси “Мамуль, мамуль!” дея чопиб келиб Камолованинг этагига ёпишди. Она энгашиб, бир лаҳза унинг юзига юзини босиб турди. Кўринишидан кўнгилчан Чалдратян ҳам бу дилдорликдан четда қолмади: жилмайиб боланинг сочларини силаб қўйди.

“Бабёр, Бабёр!” деган чувиллаш эшитилди майдоннинг нариги бошидан.

– Бор энди, ўйна. Ана, ўртоқларинг чақиряпти, – деди Камолова ўғилчасининг кифтига аста туртиб. Сўнг Фарҳодга: – Майли, ҳали гаплашармиз, – дея, “бўш” енгга қўл чўзди.

Мусоҳиблар Бергман киму Чалдратян кимлигини ростакан тагига етмоқ учунми, тагин дарахтзор оралаб кетишди.

Бу хонимгинанинг юриши доим шу. Қачон деманг, фестивалма-фестиваль кезиб, мана шундай истироҳатгоҳларда куни ўтади. Байрамона киноанжуманларга у “миллий кўринмоқ” учун ял-ял хонатлас либослару зардўзи нимчалар кийиб боради. (Рига фестивалида Фарҳод уни шу қиёфада кўрган). Каттакон бир арбобнинг эрка ўсган арзанда

қизи-да, кўнглининг кўчаси кўп. Аммо ўзи текисгина, силлиққина, ўрисчаси равон, тил курғур бийрон, ана десангиз, мана деб туради – шу юрсин-да! У ёққа борганда ҳам – “ўзимизники”, бу ёққа келганда ҳам – “ўзимизники”. Уйда ўтириб нима қилади? Ича-вериба адоий тамом бўлаёзган анови шаробхўр эрнинг қовоғини пойлайдими? Упаси Бог! Томоғини хўллаб турарга унча-мунча топиб бераётганига ҳам шукр қилсин у! “Оқ лайлак”лар қаёқда, “Чашма”-пашмаси ҳам кетаверади унга. Ўзига қолса-ку, шу бедавога ўлганда ҳам тегмасди. Амалдор оталар қуда бўлгилари келиб қилган-да бу ишни. Лекин ҳар калтакнинг икки учи бўлганидек, ютган, ютганда ҳам ҳадди аълосигача етказган жиҳатларини эсдан чиқармаслик керак. Инсоф билан айтганда, бу қизгинани Устоз бош бўлиб ўқитган, Устоз шу соҳага йўллаган – кинокелин қилган, Устознинг орқасидан “энг зўр киношунос” аталиб, мана бундай давру даврон суриб юрибди. Зарур бўлганда – эр бор, бўлмаганда – йўқ ҳисоби. Бундан бошқа яна нима керак бир кинохонимга?

Бояги хуштабассум армани ёмон одамга ўхшамади. Лекин киноопахонимиз бунақа Чалдратянлардан неча-нечасини чалдиратиб кетади, кўнглимиз тўқ. (Воқеан, ўша куни кечки овқат маҳали Чалдратян узоқдан туриб – Камолова иккови бир столда экан – ўша-ўша табассум билан Фарҳодга дўстона қўл силкиб қўйди. Омонат поччаларимиздан бирига айланиб улгурган шекилли).

Яна бирпас ўтириб, яна битта чекиб олгач, Фарҳод ўрнидан туриб бино сари йўл олди.

Зинадан чиқаётиб ҳалиги болакайга – Камолованинг ўғилчасига дуч келди.

– Ҳей бола, отинг нима? – деб сўради беихтиёр. Бола анқайганини кўриб саволини ўрисчасига такрорлади.

– Бабур, – деди бола бепарвогина.

Афтидан, бобоси – Устоз қўйган ном.

– Мирзо Бобур де! Биласанми, ким у?

Бола билганича, тўппа-тўғри жавоб қилди:

– Мен.

– Мирзо Бобуримиз сен бўлсанг, бу ёғи зўр экан-да! – деди кулиб ўзича Фарҳод.

Бола бу хўмрайган, гаплари ғалати-ғалати амакига бақрайиброқ бир қарадио яна боягидек “Бабёр”лаб қичқираётган ўртоқлари сари шаталоқ отиб чопди.

Бунисини-ку билдик – Бобур-Бабёр экан, анови “энг зўр, энг машҳуримиз” ким бўлди?

5. “ЭНГ ЗЎР, ЭНГ МАШҲУРИМИЗ”. СИРЛИ ҚЎНҒИРОҚ

– Ўтирсак бўладими? – деб сўради биров тепасига келиб ўзбек тилида.

“Кўм-кўк ўрмонга қарамоқ”қа шуши келмай тушлик маҳали ухлаб қолган Фарҳоднинг қорни роса оч, бошқа вақт бўлса бурилиб ҳам боқмайдиган бир таомни зўр иштаҳа билан туширмоқда эди. Оғзидаги оғзида, бошини кўтариб қаради; қаради-ю, дабдурустан таниёлмади. Нимасидир ҳиндийларга тортиб кетадиган, сочлари оқ аралаш қаддирасо бир киши кўзойнагини йилтиллатиб тепасида жилмайиб турибди. Бу ерда учратишни хаёлига келтирмаган одами!

– Э, Равшан ака! Сиз экансиз-да! Ассаломалайкум, – дея, қўлида қошиқ, беихтиёр ўрнидан туриб кетди Фарҳод.

– Қошиқни қўйинг, қошиқни, – деди Равшан Ақобиров андак истехзо билан.

Бегона юртда юрганда бир-бирини унча хушламайдиган ёки ўзаро аразли кимсалар ҳам гина-кудуратни эсдан чиқариб, қуюқ кўришади. Шундай бўлди.

– Қачон келдинг? – деб сўради Ақобиров рўпарадан жой оларкан; гоҳ “сиз”, гоҳ “сен” – эски одати.

Деразага тақаб қўйилган емак столи асли уч кишилик бўлиб, “эгалари” кеча кетган, овқат улашувчи кексароқ аёл ҳали Фарҳодни шу ерга ўтқазган эди.

Ақобировнинг ўзи бир ҳафтадирки истироҳатгоҳда экан. “Бепоеён юрт” Киночилар уюшмасининг яқинда бўлажак пленумига келибди. Бошқа ишлари ҳам бор эмиш, айтишича.

Бояги аёл патнисда кўтариб келган таомлар Ақобировга ёқмади, қўлидаги санчқи билан унисини-бунисини титкилаб кўриб, онаси тенги одамга эмас, худди уйдаги хотинига уқтиргандек:

– Нинахон, мен сенга неча марта айтдим: бунақа таомларга тоқатим йўқ, кўтар бунингни! – деди у зарда аралаш.

Бечора аёл айбдорона илжайиб, қўлини кўксига қўйди:

– Узр, Равшан Усмонович, худо ҳақи, унутибман. Мен сизнинг бу столга ўтганингизни билмабман-да. Ҳозир бошқасини олиб келаман, ҳозир.

У юғуриб-елиб бир зумда “Ақобировнинг таоми”ни муҳайё қилди.

Фарҳод сиртдан биладиган хийла таниқли бир кино арбоби ёнларидан ўтаётди:

– Равшан Усмоновичга олқишлар бўлсин! – дея қуноқ мулозамат кўрсатиб кетди.

– Салом, салом, – деб қўйди Ақобиров тузук бурилиб ҳам қарамай, қуруққина.

Ҳалидан бери емакхонанинг ҳар жойидан йўлланган салому сўровларга жавобан у ана шундай бепарвогина қўл силкиш билан чекланар ва ҳар гал “Кўряпсанми?” деган каби Фарҳодга қараб олар эди.

Афтидан, бу ерда уни танимайдиган одам кам топилади. Кимсан – ўзбек киносида янги йўналиш очиб, “бепоён юрт” бўйлаб ҳам ажаб ном қозонган донгдор кинорежиссёр Равшан Ақобиров! “Энг зўр, энг машҳуримиз” шу-да, Фарҳоднинг хаёлига келмаганини қаранг! Уни негадир бу ерда учратишни кутмаганидан бўлса керак. Дарвоқе, энди ҳув Устоз деганларининг даври ўтди, уни ўзининг сафдош етмишвойлари билмаса, ҳозиргилар номинигина эшитган чиқар, холос.

Киносайёҳ Элмира Камоловага ўхшаб Ақобировнинг ҳам кўп умри мана шу ёқларда ўтади. Ўзбекистонда анови “киночиरोқчи”га муовин ҳисобланса-да, бу ерда – “бепоён юрт” кино оламида обрў-эътибори баланд – раёсат аъзоси, котибият аъзоси! Унча-мунчани назар-писанд қилмаётганию нинахонларга бемалол дўқ ураётгани бекорга эмас.

Аслида, Фарҳодни қўлидан ушлаб, йўқ, тортиб кино оламига олиб кирган одам мана шу бўлади. Курсни битириб боргач ёзган илк киройи асари “Қалдирғочлар, қачон қайтасиз?”га харидор топилмай юрганида “Мен оламан шуни!” деб майдонга чиққан эди у. Қўрқоқ раис дарровгина розилик берган, Устоз-пустозга йўлламоқдан оғиз ҳам очолмай қолган: марказга алоқадор одам! “Равшанбек Усмонович оладиган бўлсалар, нимаям дердик, муваффақиятлар тилаймиз фақат!” дея тилёғламачилик қилган.

Асар руҳида зукко одамгина фаҳмлай оладиган кескинроқ бир мазмун ҳам бор, аммо бугунги назар билан қараганда, у барибир бўштоб, ҳавойи бир нарса экан. Бироқ экранга чиққанида роса гап-сўз бўлган, Фарҳоднинг ўзидан бошқа барчага маъқул келган, ҳатто ўша йилги Ёшлар мукофотига ҳам муносиб кўрилган эди. Ҳеч кимга, ҳеч нарсага “тегиб кетмайдиган” беозоргина, қувноққина бир томоша. Кейин билса, ана шунақаси кўпроқ ёқар экан одамларга.

Лекин “Қалдирғоч”дан кейин Ақобиров билан оралари бузилиб-узилиб, узоқлашиб кетган эди. Ўшандан бери мана энди бир дастурхонда ўтиришлари. Шу кунга қадар учрашган-нетганда қуруққина салом-алик қилиб ўтишарди, холос.

Фильм, Тошкентга яқинроқ деб, Паркентда суратга олинадиган бўлди. Сценарий муаллифи сифатида қоғоз-қаламини кўтариб Фарҳод ҳам чиқиб борди; йўл-йўлакай бирор нима ўзгарса, қўшиладиган ёки олинадиган бўлса, асарнинг умумий руҳига мослаб-ўхшатиб беради.

Иш биринчи кунинёқ бузилди.

Бало-қазони даф этмоқ учун, удумига кўра, ликопчалар осмонга отиб чил-чил қилинди, шампань винолари очилди – тантана билан бошланди бари. Фарҳод қараса – сценарий бу ёқда қолиб, бутунлай ўзгача саҳнага тайёргарлик кетяпти. Ҳайрон бўлиб режиссёрнинг олдига келган эди, “Ҳув анови ерга бориб ўтир сен, халақит беряпсан, укам”, деди Ақобиров елкасидан туртиб. Сценарийдан сўз очганида баттар жеркиб берди: “Қанақа сценарий – ҳаммаси манови каллада!” Бу гапга майдончада бор одам, сал нарида – адирликнинг кунгайида сомон қалпоғини юзига қоплаб, оппоқ баданларини

куёшга тоблаб ётган бекорчи кинохонимларгача – бари негадир кулиб юборди. Фарҳод мулзам бўлди. Лекин у ҳадеб қистайвергач, қўлида бир шиша маъданли сув, буклама брезент курсичага ясланиб анови оқбадан ойимчалари билан луқма отишаётган Ақобиров, ахийри, энсаси қотиб, ёрдамчисига сценарийни олиб келишни буюрди. Маълум бўлдики, сценарий йўқ – меҳмонхонада қолган экан. Бу гапни эшитиб Фарҳод шартта бурилдию худди ёш боладек аразлаб кетворди. Йўловчи машинага илиниб шаҳарга қайтди. Аммо то кела-келгунча умидвор бўлди: изимдан одам юборса керак! Ҳеч ким келмади уни йўқлаб-қидириб. На эртаси, на кейин. Бир-икки киножўрасига арзини айтган эди, “Равшан Ақобировнинг қўлига тушибдим, у ёғини кўявер – гулдек қилиб беради, мана кўрасан!” дейишди.

Умуман, фильм суратга олинаётган чоғда, иложи бўлса, майдончага йўламаганингиз маъқул экан – сизни кўрган заҳоти режиссёрнинг пешонаси тиришади. Ўзингиз ҳам ҳадеб амакисининг оёғи остида ўралашаверадиган бемаза жиянга ўхшаб қоласиз. Фарҳод кўп марталаб шу аҳволга тушган, билади. Иш равон юриб, эпизод кўнгилдагидек тасвирга олинганда ҳамма бир-бирини куча кетади, битта-яримтаси сизниям кутлаб қўяди. Тескариси бўлса-чи, катта-кичик бари еб қўйгудек вазоҳатда сизга – бу дахмазаларни бошлаган одамга қараб ўқрайгани ўқрайган. Шунда ҳеч кимга сездирмайгина даф бўлганингиз тузук. Ўз ёғига ўзи қоврилиб ётаверсин бу қитмир, оқибатсиз баччағарлар!

Айниқса, тайёргарлик палласи қалтис. Албатта нимадир халал беради, албатта нимадир йўқолиб ё етишмай қолади. Майдончада таранглик, бақироқ режиссёрнинг ғазоби ҳукм суради. Ҳамма хуноб, ҳамма йиғлагудек бир алфозда. Бунинг устига, тушлик ҳам кечикаётир. Бамисоли кимдир ўлгандек ёки мана-мана ўладиган – қазоси кутилатгандек оғир вазият! Бир қарасангиз – “Кун бошқа ёқдан чиқди, плёнкам куяди”, деб оператор жаноблари соябон қалпоғини юзига қоплаб буклама курсида мудраб кетади; бир қарасангиз – арзанда актриса “Мен бу қўйлақда тушмайман”, дея хархаша кўзгаб ишнинг белига тепади. Бир гал булоқ бошида “ҳолатга кириб”, “Мотор!” дейилишига илҳақ ўтирган актрисанинг келиб-келиб нақд кўз милкидан (йирик план!) чивин чақса бўладими! Бир зумда қовоғи қизариб, шишиб чиқди. Жимжилоғининг учи билан қичишаётган жойини ишқалаяпти-ю, “соғ” кўзи сизда: “Сени деб бўлди! Шу лаънати булоқдан бошқасини ёзсанг ўлармидинг?!”

Камера олдида актёр тайёр матн қолиб, “ҳолат” деганлари баҳона, оғзига келганини валдирайверади. “Нега сўзимни бузасан?” дея даъво қилиб кўринг-чи, режиссёри вишиллаб юборади: “Да қаяқ разница! Ҳей, бу ёққа ўтиб тулинг сиз, ишга халал беряпсиз!” Фильмни овозлаштириш фурсати келганда эса, актёрнинг ўша алмойи-алжойи луқмаларидан жумла ясаб, тагин денг, лабининг кимирлаши – “а” билан “б”сига мослаб хун бўлганча қайтадан сўз ёзиб бермоққа мажбурсиз. Кунинг курсин, Асрорқул!

Гоҳида машҳур халқ артисти майдончанинг четида галалашиб турган беҳисоб мухлисларига дастхат улашиб куйдиради денг. Шунда бетоқат оператор режиссёрга илтижолари кўз тикади, режиссёр туя ваъда этиб зўрға кўндирилган халқ артистига бир нима демоққа ҳадди сиғмай, захрини бошқаларга сочади. Заҳри соб бўлгач, тура-тура ноилж ёрдамчисига имо қилади: бор, чақир! Мухлислардан бирови билан бемалол қаймоқлашаётган халқ артисти ёрдамчини кўриб, “Айт, қолганини эртага олади, эртага ҳам кун бор”, дейди бамайлихотир.

Майдонча “осмони”ни тагин қора булут қоплайди.

Бир четда шумшайибгина турган муаллиф баттар хижолатда: “Шунча одамни овогарчиликка қўйиб нима қилардим-а?!”

Қисқаси, сценарий тасдиқдан ўтиб, иш бошлангач, ҳали кўп бора айтилганидек, иложи бўлса, муаллиф кўздан йўқолса, шу орада у ўлиб-нетиб қолса-ку ундан ҳам яхши! Уч-тўртта китобидан кино ясалган кекса бир адиб Фарҳодга бундай маслаҳат берган эди: “Қоғозига қўл қўйиб, берган пулини олгин-у, қайтиб қорангни кўрсатма – шунда ютасан, укам!”

Ёки, аксинча – бояги хўрликларнинг барига без бўлиб чида!

Орадан уч ойлар ўтиб, бир кеча уйига Ақобиров қўнғироқ қилди. Ҳеч нима бўлмагандек қуюққина ҳол-аҳвол сўрашиб, муддаога кўчди: “Картинани овозлаштиряпмиз, эртага соат ўнларда студияда кўришсак”. Шундай дея гўшакни қўйиб қўйди: гап тамом! Арази бирмунча ариган Фарҳод, азбаройи қизиқувчанлик, эртаси куни эранқаран “Ўзбекфильм”га йўл олди. Алҳосил, бир ҳафтача қатнаб, диалогларни деярли бошқатдан ёзиб бериб қутулди. Нима қилсин, мўмайгина қалам ҳақининг бир қисмини олиб, аллақачон ютиб бўлган эди-да; еган оғизга тош тиқилсин денг!

Кейин, катта кўрик чоғи фильм заҳматкашлари саҳнага чиққанда Ақобиров Фарҳодни микрофон сари судраб, кифтидан қучганча, “Сценарийни мана шу укамиз ёзиб берди. Таниб қўйинглар: ёш, истеъдодли кинодраматургимиз, алай-балай”, деб элга овоза қилган.

Аммо ҳануз унинг асли кимлиги Фарҳодга жумбоқ: дўстми, душманми? Бир қарасангиз унақа, бир қарасангиз бунақа – тамомила бошқа одам!

Тақаббур, унча-мунчани назар-писанд қилмайдиган калондимоғлиги учун кўпчилик уни зимдан хушламайди, лекин ҳамма-ҳамма олган фильмларига тан беради, у билан ҳисоблашади.

Овқатдан сўнг узун ойнабанд коридор бўйлаб орқама-кетин боришаркан, неча-нечаси Ақобировга илжайиб, баъзилари ҳатто ялтоқлангансимон эгилиб салом берди, бироқ у ҳеч ким билан дуруст сўрашмади, сўзлашмади – одатдагидек бош силкиб ё қўл силкиб ўтиб кетаверади, вассалом.

Эшикка яқинлашганларида орқадан шоша-пиша Чалдратян етиб келиб, эҳтиром билан унга қўл чўзди. Ақобиров узатилган қўлни худди эрмаклаган каби силкий-силкий қўйиб юборди: бор, ишингни қил! Буларга чап бермоқчидек нарироқдан ўтаётган Камоловага кўзи тушгач эса:

– Ҳа, Элмира, одамни танимай қолибсанми? – деди негадир ўзбекчалаб.

Камолова индамай, совуққина бош қимтиб қўйиб, ўзини эшикка урди.

– Опангизни биласиз-а? – деди Ақобиров Фарҳодга синовчан тикилиб. – Бу ерларниям суғориб юрибди, жалаб.

Фарҳод гарчи Камоловани унчалик яқин олмаса-да, бу гапдан ноқулай сизди ўзини.

– Юринг энди, бирпас ҳаво олайлик, ҳав-во! – деди Ақобиров майдонга чиққанларида ерчиноқлар шуъласидан хирагина ёришиб турган дарахтзорга ишора қилиб.

Икковлон нимқоронғи йўлкалар бўйлаб талай фурсат кезиб юришди.

Ақобиров тамаки чекишни ташлабди, нуқул оғзини чапиллатиб “жевачка” чайнагани чайнаган. Ўзининг келганига атиги бир ҳафта бўлибди-ю, Тошкентда нима гаплигини, киночилар орасида нима мишмишлар юрганини ижикилаб суриштираверади.

– Шунчаки дам олишгами ё бирор нарса ёзиб кетмоқчимисан? – деб сўради бир вақт.

Фарҳод икки-уч йилдан буён бир дардга йўлиққани – кечаю кундуз қулоғи муттасил чийиллаб-шанғиллаб туриши, Тошкентда чорасини тополмагач бу ёққа жўнагани, каттароқ дўхтирларга кўриниш нияти борлигини айтди.

– Шанғилласа шанғиллайвермайдими, сенга нима, оғримаса бўлди-да, – деди Ақобиров ҳазил аралаш.

– Безор қилади, Равшан ака, жондан тўйдириб юборади! Бўлмаса, бу ёқларда сарсон бўлиб юрармидим? Чораси чатоқроқ экан. Газетада ўқидим: Хитой томонларда айнан шуни даволайдиган усуллар чиққанмиш. Бу ерда ҳам “Цигун” деган маркази очилибди. Уч-тўрт ой бўлди, йўлланма сўраб катта уюшмага ариза жўнатувдим. Икки ҳафта бурун “Визангизни кўриб келаверинг, йўлланма тайёр” деб хабар борди. Визам жойида, ўтган йили Венгрияга бориб келган эдим, фестивалга.

Ақобиров оғзини чапиллатишдан тўхтаб, бир лаҳза ўйга толди.

– Тайёр эканми йўлланма? Да? Менга қара, шу Хитой-питой деб юрасанми, хом гап ҳали у, биратўла эшитадиган аппарат олгин-қўй-да қулоғингга!

Фарҳодга бу маслаҳат оғир ботди, “Ҳали ёшман, энди ўттиздан ўтдим, қандоқ бўларкан?” дегиси келди-ю, индамай қўяқолди: танаси бошқа – дард билмас.

Сўнгра одатдаги ёзув-чизув, сценарийлардан гап кетди. Фарҳод ана шу дарди бедаво унга роса халал бераётгани – ҳеч нима ёзолмаётганидан шикоят қилди. Ақобиров дурустроқ сценарий қўлига тушмаётгани, ҳозир ўзи ҳам бекор юрганидан нолиди. Энди майда-чуйдани қўйиб, каттароқ миқёсда бирор иш қилмоқ нияти борлигини гапирди.

Ақобиров қаршидаги янги бинода турар экан. Хайрлашаётганларида зўр коньяги борлигини айтиб, хонасига таклиф қилди, Фарҳод узр сўраб, эски бино сари юрди.

Улар тагин яқинлашиб, кадрдондек бўлиб қолган эдилар.

– Рамазонов, сизга қўнғироқ бўлди, – деб қичқирди Валя, вестибюлдан ўтаётганида.

– Ким экан? – деди Фарҳод таажжубланиб.

– Аёл киши! Овози жуда ёқимли аммо, – деди қитиқлаган каби, маънодор қилиб навбатчи. – Телефон номерини ёзиб олганман, мана.

Фарҳод ҳарчанд уринмасин, бу ерда унга қўнғироқ қилиши мумкин бўлган бирор аёлни кўз олдига келтиролмади. Олий курсдалигида танишган битта-яримтаси “омонат ўйинчи”лардан эди. Мавлоно Фузулийнинг ашаддий мухлиси Тамара – Тарона Самед қизи Қурбонова ёдига тушди. Э, у қариб кетгандир – ўшандаёқ сендан тўрт-беш ёш катта эди.

Қоғоз парчасига кўз югуртириб Фарҳоднинг баттар хайронлиги ортди: нотаниш номер, аллақандай Гуля Лагутина. Қайдадир эшитгандек, нимасидир таниш. Лекин ким у? Менинг бу ердалигимдан қандай хабар топибди? Икки кишигина билади, холос: Равшан акаю Элмира Камолова. Ҳа-я, Суръат-чи, дарвоқе! Хўп, ўша қизми-жувоннинг менда нима иши бор экан?

Фарҳод аввал қўлидагига, сўнгра девордаги соатга қараб олди: кеч бўлиб қолибди, ноқулай! Эрта-перта қўнғироқ қиларман.

– Хўш, Фидель Мирзаевич, кўнглингиз жойига тушдимиз энди? – дея тегиша бошлади ҳамиша хандон Валя. – Чиройли бўлса, чақираверинг, қандалага бир талатай! Айтгандай, янги хонада чақмаяптими?

– Ҳозирча йўқ, – деди Фарҳод. – Агар кечаси ҳужум қилмаса!

– Билмас экансиз, сизни талаган қандала қоронғидан қўрқади. Қўрқмайдигани керак бўлса, чақирарсиз, Фидель...

– Фарҳод!

– Фарҳод?! – Жувон таажжуб билан елкасини қисди. – Ким у?

Шўхлиги келиб Фарҳод ҳам елкасини қимтиб қўйди: билмасам.

“Овози жуда ёқимли экан”. Фарҳод ёқимли хаёллар оғушида талай вақт сархуш ётди. Уйқуси адашган – ўртадаги фарқ уч соат.

Тушида яна Ақобиров билан ҳамкорликда кино олмоқ тараддудида юрганмиш. Бош ролда Гуля Лагутина ўйнармиш.

Лекин ким ўзи у?

6. ЯНА БИР ЎЗБЕК – “ЎЗБЕЧКА”. ВИКАХОНА

– Ростдан ҳам билмасмидингиз менинг ўзбеклигимни? – деди финжонларни шақшуқ этказиб қаҳва ҳозирлаётган Гуля. – Чалароқ бўлсаям ўзбекман ахир. Элмира айтмаганмиди? Суръат ҳам-а?

– Йўқ, – дея очиқ тан олди Фарҳод. – Исми шарифингиз таниш туюлди-ю, энди эсласам газета-журналларда учратган эканман, лекин ўзингизни билмас эдим. Суръат айтмаган, Элмира Камолова ҳам сиз тўғрингизда оғиз очмади.

– Кеча қўнғироқ қилиб ўша етказди-да сизнинг бу ердалигингизни, бўлмаса, мен қаёқдан хабар топаман? Элмира – дугонам. Мендан бир-икки ёш кичиг-у, ВГИКда бирга ўқиганмиз.

Кун бўйи икки-уч дафъа учрашиб, у ер-бу ерга бирга кириб чиққанларига қарамай, мавриди бўлмаган, ҳозир уларнинг илк бор мана шундай бафуржа ўтириб гаплашиши эди.

– Билмасангиз, бундай, – дея сўз бошлади мезбон қаҳвани Фарҳод томон суриб, ўзига чой қуяркан. – Ҳали айтдим-ку, чалароқ бўлсаям ўзбек қизиман. Паспортимни

кўрсатайми? Ота-бувамиз ғирт тошкентлик. Ўзим Тошкентда туғилиб ўсанман, мактабниям Тошкентда битирдим. Ойимнинг палаги эса – поляк, ота-онаси уруш йиллари Украинадан келиб қолган экан. Тўғри, у ҳозир дадам билан бирга турмайди, ажрашишган. Бизники ўзи ана шундай байналмилал оила! Асл отимни айтайми? Гулгун! Бувам қўйганлар. У киши мени Гулгуной деб атардилар. Гулгуной Мансурова эрга тегиб, бу ерларда Гуля Лагутина бўлиб кетди-да! Замона зайли, биласиз. Бироқ турмушда омадим келмади. Талабалигимда эр қилувдим, бир йилга ҳам бормаи ажрашдик. Ҳарбийлар авлодидан, ўзи синовчи-учувчи эди. Кейинроқ эшитдимки, космонавтлар гуруҳига ҳам қабул қилинган экан-у, уча олмай қолганмиш. Коинотни кўрмаган космонавт! Мана, шу менинг ҳасти ҳолим. Мақтангулик жойи йўқ. Сизни эса, Фарҳод, унча-мунча биламан, фильмларингиздан хабарим бор, танишмоқчи бўлиб юрардим. Тошкентга борганларимда ҳеч имкон топилмаган. Шунинг учун кеча келганингизни эшитибоқ кўнғироқ қилдим. Яхши бўлди, “Сов. культура”га ваъдам бор эди, навқирон ўзбек киночиларидан бири билан суҳбат тайёрлаб беришим керак. Хоҳлайсизми-йўқми, мен бу ерда Ўзбекистоннинг вакилиман. Сиз-чи, мана, ўзингизнинг вакилингизни ҳам билмас экансиз, ай-яй-яй!

Фарҳод бу очиқ-сочиқ, аллақандай жонсарак аёлнинг гапларига лол бўлиб ўтирарди. Бирпасда бор-йўғини дастурхон қилди-қўйди-я!

“Тавба, бунисиям аралаш! – деди у ичида. – Шундай бир тоифа пайдо бўлган ўзи. Дурагай кейин дурагайини топади. Бора-бора қонлари аралаш-қуралаш бўлиб кетади. “Аралашфильм” маҳсулот!”

Фарҳод ташвиш билан деразага назар ташлади: қоронғи тушаётир, қандай етиб олади?

Гуля унинг кўнглидагини сезгандек, бепарво қўл силтади:

– Ҳечқиси йўқ, қолаверасиз. Бу ердан барибир такси тутолмайсиз, дўстим. Жой бор, Виканинг хонаси бўш.

Эркакларча бадбинлик курсин, боя келаётиб ўзи олган арман коньягидан олифта-гарчиликками оз-оз хўплаб ўтирган Фарҳод (мезбон ичмас, мутлақо оғзига олмас экан) кутилмаган бу таклифдан саросимага тушиб, не бир хаёлларга боргани рост. Сўнг емак столининг бир четини артиб-суртиб, қоғоз-қаламини суҳбатга чоғлаётган Гуляга назар ташладию ич-ичида уялди. Бир вақтлар хушрўйгина, қадди-қомати ҳам жойида бўлган, кейин негадир ўзига қарамай қўйган, кино киночиликдан бошқа ташвиши йўқ, қирқларга яқинлашган шўртумшук бир аёл! Нимадан сўз очсангиз – фикрингизни қўллаб-қувватлаб, кимни тилга олсангиз – албатта бирор фазилатини топиб, мақтаб-таърифлаб кетади. Одам ҳам шу қадар некбин, мушфиқ бўладими? Йўқ, аёллар яхши, биздан минг чандон яхши!

Фарҳод унда эрталабки нонуштадан сўнг, нима учундир Ақобировнинг назарини четлаб кўнғироқ қилган эди. Дарровгина гўшакни олган Гуля Лагутина бидирлаб унда зарур иши борлигини, “агар вақти бўлса, тушдан кейин уюшмада – Суръатнинг олдида уни кўриб боши кўкка етажаги”ни айтиб солди. Бу таклиф Фарҳодга ҳам маъқул, айни муддао эди.

У даставвал уюшмага қарашли поликлиникага борди: бирор ёққа йўлланма олмағи керак-да. Қулоқ-бурун-томоқ дўхтири уруш йиллари Тошкентда етимхонада ўсан бир кампир экан, атрофида роса гиргиттон бўлди. Ҳар усулга солиб унинг қулоғини текшириб кўраркан, ўша кезлар бошидан кечган бир талай воқеа-ҳодисани гапириб ташлади. Сўнгра Салом Одил кўчасидаги шифохонада зўр бир мутахассис таниши борлигини айтиб, ўшанинг номига илтимоснома ёзиб берди. Фарҳод таажжубланди: Салом Одил дейсизми? Ҳа, шундай кўча бор, касалхона ўша кўчада. Ким у – Салом Одил? Кампир билмас экан, кўчанинг номи шунақа, деб қўяқолди ва у ерга бориш йўлини тушунтира кетди. Фарҳод ҳам бу номни эшитмаган эди. Татар ёки бошқирд олимими, шоирими бўлса керак-да. Балки дўхтиридир. Ким бўлмасин, кўчасию унда жойлашган шифохона ўлгудек узоқ, шаҳарнинг гадойтопмас бир гўрида экан. Бир амаллаб топиб борди. Буни қарангки, “землячка”си йўллаган зўр мутахассис бугун ишга келмабди, унинг ўрнига бошқаси кўрадиган бўлди. Ўша гап, Тошкентда чайналган ўша ташхис: кохлеар

неврити, яъни ичкари қулоқдаги товуш қабул қилиш пайчалари карахтланган, қуриб-қовжирай бошлаган, уларни жонлантириш эса қийин, жуда қийин, деярли имконсиз; бирдан-бир чораси – вақти-вақти билан даволаниб, ўзига қараб, мияни тешворадиган манови чийиллашу вишиллашларга мардона чидаб юрмоқ, тамом!

Бу ҳукми ўқиган сўхтаси совуқ дўхтир хотинга миннатдорлик ифодаси сифатида Умар Хайёмнинг Тошкентда чоп этилган ўрисча нашрини туҳфа қилган эди, у қайтиб олдиға суриб қўйди: “Уйимда қалашиб ётибди бунақаси”. Мулзамликда қолган Фарҳод пул чўзмаганига пушаймон бўлиб, дўхтирнинг ҳузуридан чиқди. Соатига қараса, вақт тушга яқинлашган. Оёғини қўлига олиб уюшмага чопди.

Келиб Суръатнинг хонасига бош суққан эди, у ерда аллақандай кенг, ҳалпиллама кўйлак кийган, бўйнию қулоқларида кўп шалдир-шулдир мис кўнғироқ, шу туришида лўлисимон бир аёл ёлғиз ўтирибди. (Хонанинг эгаси иш-пиш билан чиққан шекилли). Кирган одамни кўриб у илдам ўрнидан кўзгалди, “Фарҳод Рамазонов сиз бўласизми? – дея келиб қўш-қўш билагузукли қўлини саломга чўзди: – Мен сизни ёши каттароқ, басавлат бир киши бўлса керак деб хаёл қилганимни қаранг!”

Гуля Лагутина деганлари шу экан! Негадир бирдан Фарҳоднинг ҳафсаласи пир бўлди. Аммо бу лўливаш аёл чинакам лўлига айланибми, бирпасда уни ром қилди-қўйди. Ундан-бундан икки оғиз сўзлашишгач, Фарҳодни эмин-эркин қўлтиқлаб хонама-хона олиб жўнади.

Кирган жойларига уни тап тортмай, “Истеъдодли кинодраматург, ўзбек миллий киносининг навқирон асосчиси!” дея кўтариб-кўпиртириб таништиради. Фарҳодга ўхшаган “асосчи”лар кўплаб келади чоғи, хонани эгаллаган қиз-жувон (афтидан, Лагутинанинг дугон-сугонлари) бу гапга пинак ҳам бузмайди, жилмайибгина “Жуда соз, жуда соз!” деб қўйишади, холос.

Охирида “Киноальманах” нашри мутасаддилари ўтирадиган қўш хонали таҳририятга киришди. “Миллий-экзотик бўёқлар меъёридан ортиқ, марказ буни ўтказмайди”, деган важ-корсон билан бултур бадий кенгаш рад этган бир сценарийсини Фарҳод ўрисчага ўгириб, шу ёққа жўнатган эди.

Гуля Лагутина ичкариги хонада ўзига ўхшашиб кетадиган (ё армани, ё озари) бир аёл билан ачомлашиб-чўлпиллашиб, пичир-пичир қила бошлади. Муаллифдан беҳабар (Фарҳод бериги хонада тик турар, ўртадаги эшик қия очик эди) муҳаррир овозини баралла қўйиб гапирди: “Махсус мутахассисга берилган эди, “Миллий турмуш тарзи етарлича акс этмаган, маиший бўёқлари хира”, деб салбий тақриз ёзиб келди”. Кейинги пичир-пичирлар орасидан “Ўшамми?” – “Ўша!” деган сўзлар аниқ эшитилди. Яна хиёл музокара юритгач, Лагутина ичкаридан алланечук бўшашиброқ чиқди. “Хануз ўқилмабди-я, қаранг! Гаплашдим, ўзим тақриз ёзиб бераман. Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлаверсин”, дея Фарҳодни ўзича юпатмоққа уринди у. Аммо Фарҳод шу сершовқин қулоғи биланоқ эшитиб, бор гапни аллақачон фаҳмлаб улгурган эди. Ўшанинг иши! Ўша омадсиз, бахил ошнасининг иши бу!

Тезроқ шу ердан кетгиси келди: Суръатни кўргиси йўқ эди. Ҳечқурса, бугун кўзи тушмасин шунга!

Ниманидир сезгандек бўлдими, “Суҳбатимиз матнини икки кун ичида топширишим керак, меникига кетдик!” деб туриб олди Лагутина. Фарҳод истиҳолага бориб озроқ тайсаллади-ю, сўнг боя бирдан кўзига яхши кўриниб кетган бу бегона аёлнинг таклифини рад этолмай қолди. Лагутинанинг жаврашига қарамай, биқиндаги дўқондан у бир шиша коньяк билан колбаса-пишлоқ олди-да, бирга-бирга бу ёққа – Медведковога қараб жўнашди.

Мана, яқин бир-бир ярим соатдан буён Гулянинг кенгишгина ошхонасида сўзлашиб ўтирибди. Бошида бегонасираб, ўзини бирмунча ноқулай сезган меҳмон уй эгасининг самимий дилдорликлари туфайлими ё ичилган озроқ коньяк таъсиридами, хийла дадиллашиб қолган, берилган саволларга бурро-бурро жавоб қилаётир. Гўёки олдин ҳам бу хонадонга келгандек, мана шу ошхонада кўп бора бўлгандек, уй соҳибаси ҳам унга эскидан таниш, синаштадек туюлади гоҳо.

Тўрт-беш саҳифали суҳбат матни кутилмаганда тез тайёр бўлди. “Америка очганлари” йўқ, одатдаги “навбатчи” бир савол-жавоб. Миллий кино олдигаги вазифалар, ёшлар ижодига эътибор, яна бир-иккита шахсий савол, келгуси ижодий режалар ва ҳоказо.

Асосий эътибор она тилида кино олиш муаммосига бағишлангани учун суҳбат “Кино: тил – миллат руҳининг ифодасидир” деб номланди.

Фарҳоднинг суратини Гуля ўзи эрта-перта уюшма тарафга ўтиб, архивдан топиб оладиган бўлди.

Кейин яна бирпас ундан-бундан сўзлашиб ўтирдилар.

Фарҳод туриб-туриб, бир кунгинада алланечук яқин бўлиб қолган шу аёлга дардини ёргиси келди. Гуля бошини чайқай-чайқай, опаларча бир дилсўзлик билан унга кулоқ тутаркан:

– Бекор гап! Бўлмаган гап! – деб юборди дафъатан. – Дўхтирларга ишонманг, Фарҳод! Дунёда ҳар қандай дарду балонинг давоси бор. Фақат биз уни билмай-миз, тополмай-миз-да. Сиз Зузига кўринишингиз керак, Зузига! Машҳур экстрасенс! Эшитгансиз-а? Эҳ-ҳэ, кимларни даволамаган у! Демак, бундай: мен ҳозир Платон Сократовичга кўнғироқ қиламан. Зузи – кўшниси, гаплашиб беради. Ишонаверинг, унинг кўлидан келади. Таниш-билишсиз Зузига яқинлашиб бўлармиди денг!

– Платон Сократович?! – деди Фарҳод ҳайратини яширмай. – Ўзининг отими?

– Ҳа, Князев-чи! Ҳув машҳур кинотанқидчи бўларди-ку, серсоқол? Тилла одам! Тўғри, шу кунларда у кино-пинони йиғиштириб, демократияга берилиб кетган. Кўча-кўйда митинг ясаб юрибди. Лекин мен айтсам, йўқ демас.

Гуля бирдан ҳовлиқиб, ҳаракатга тушиб кетган эди: кўнғироқ қилмоқчи!

– Энди кеч бўлди-ёв, – деб кўйди Фарҳод хижолатомуз.

– Э, кечалари билан ухламай чиқади у, демократияни ўйлаб! – деди кулиб Гуля. Сўнг эшик тепасидаги девор соатига бир назар ташлаб, сал ҳовури пасайди: – Бўпти, эртагаёқ топаман уни ўзим. Кўнглингиз тўқ бўлаверсин, Фарҳод. Давосиз дард бўларканми! Бундай азоб чекиб юришингизни қаранг! Ёшгина йигит-а! Сизнинг сўзларингиздан менинг ҳам миямга бир бало киргандек ғувиллай бошлаганини айтмай-сизми! Дунёсига сиғмай кетаркан-а одам!..

Сўнгра гап ўз-ўзидан келиб Суръатга тақалди.

– Бечорагина! – деди Гуля астойдил ачиниб. – Куйиб қолди-я шўрлик дўстимиз. Ўзиям айтгандир, Лидаси бултурги кинофестивалда бир араб кинорежиссёрига илашиб, Жазоирга жўнаворди. Икки боласини онасига ташлаб. Тошбағир экан қуриб кетгур. Суръатга одамнинг ичи ачийди, ҳарҳолда ҳамшаҳримиз.

Фарҳод ажабланди: Суръат анчайин “Ажрашганмиз. Тўғри келмади-да”, деб қўяқолган эди кечаги кузда борганида. Номус қилгандир, бунақа гапни қандай айтсин?!

Бироқ Гулянинг раҳмдиллигию Суръатни деб бундай куйинишлари Фарҳодга эриш туюлди: ахир, унинг кимлигини лоақал бугун ўзи кўрди-ку! Илгаридан ҳам билиб юрган бўлса керак – Суръат бугун дунёга келгани йўқ!

– Равшан Ақобиров ҳам сизлар билан эмиш-а? – деб қолди бир вақт Гуля. – Негадир уюшмада сира кўринмади. “Искусство кино” журналига суҳбатини тайёрламоқчи эдим. Қандоқ зўр истеъдод-а! Чинакам фаҳримиз у!

“Ҳав-во оламингиз” деб мени ахтариб юргандир ҳозир. Кетиш керак эди-да”, дея яна жўнамоқча чоғланди Фарҳод. Лекин энди ҳақиқатан кеч – тун ярмидан оғиб қолган эди.

Биқиндаги ихчамроқ хонага ўтиб, тўшакжилдларни алмаштириб чиққан Гуля:

– Мана, кириб бемалол дамингизни олаверасиз. Виканинг хонаси, ўзи ёзги талабалар лагерига кетган, – деди-да, яна ошхона томон юрди.

Кейин у ердан алламаҳалгача машинка чиқиллаши эшитилиб турди.

“Онасининг изидан бориб ВГИКда ўқиётган, лекин киношунослик соҳасини эмас, актрисаликни танлаган қиз” (Гулянинг гапи) – Виканинг хонаси. Викахона. Ўхшайди. Чоққина. Уч томон девор машҳур актёру актрисаларнинг турли-туман аломат суратла-

рига тўла. Бурчақдаги пастак миз устида бир тўп китоб, дераза рафида ҳам; берироғида “Весна” магнитофони, кассета тахлами; қарши бурчақда – ерда қарта сочилиб ётибди. Ким билан ўйнар экан буни? Онаси биланми?

Хонанинг ўртасига юнглари узун-узун каттакон бир бўзранг пўстак тўшоғлиқ. Қор барсининг териси эмиш, боя Гуля айтди. Кавказлик бир дўсти тухфа қилган экан.

Фарҳод эшикни ичкаридан зичлаб, шошилмайгина шимини ечар экан, девордаги суратларга кўз югуртира бошлади. Бўлажак актрисамизнинг ўзлари қайси экан бунда? Тусмоллаб ҳам топиш қийин. Ҳаммаси бир-биридан мафтункор жононлар. Шуларнинг биридир-да Викаси. Ҳа-а, мана, мана, кичкина бир қасноқчага солинган сурат: онасининг бўйнидан кучиб турибди. Гуля унда хийла кўркам, лўппигина экан. Қизи эса – ўсмир ёшидаги оддийгина қиз, ҳатто бола. Ҳозир қандай бўлсаки?

Фарҳод пастак, кенгишгина катга чўзиларкан, аллақандай майин бир ҳиддан маст бўлаёзди. Хушбўй қоришма солиб ювилган чойшабу ёстиқжилдлар ҳиди.

Ҳали маҳаллий вақтга кўниқолмагани устига ошхона тарафдан келаётган бир маромдаги чиқ-чиқ уйқусига халал берарди.

Тушида аллақандай киши, йўқ, таниш, жуда таниш бир чол бошига келиб уни бўғизлаётганида терлаб-пишиб уйғониб кетди. Қаерда эканини билолмай бир дам қарахт ҳолда ётди. Сўнг ёстиқ тагидан соатини олиб қаради. Тошкентда бу маҳал нонуштага ўтирган бўларди. Ўрнидан туриб кийим-бошини эгнига илди-да, секин даҳлизга чиқди. Қия очиқ ошхона эшигидан ёзув мошинкасига юзтубан ташлаб уйқуга кетган Гуляни кўрди; сочлари ҳар ёнга тўзиб ётибди.

Нимага бундай қилганини ўзи ҳам айтолмайди: бу уйда сўлақмондек бўлиб ётишни ор билдими ёки эрталаб негадир Гуляга кўрингиси келмадими, меҳмонимиз сассизгина ваннахонага кириб юз-қўлини чайди-да, ташқари эшик сари юрди.

Аллақачон тонг отиб кетган, бироқ ҳаво бугун дим бўлиши ҳозирданоқ сезилиб турар эди.

Фарҳод бугун хитойларнинг “Цигун” тиббий марказини қидириб топиши керак!





Носир МУҲАММАД

Юртимнинг камоли...



* * *

*Йўлингда тўрт бўлди кўзларим,
Қайдасан, хабар бер, азизам?
Йўлакда устма-уст изларим,
Қалбимни тоғ каби босди ғам.*

*Хаёлда айланар суратинг,
Тилимда жавобсиз сўроқлар.
Наҳотки, етмаса фурсатинг,
Қийноқ ҳам бўлурми шу қадар?*

*Гунг каби жим турар телефон,
Садосин кутаман ҳар нафас.
Бўғзимга тиқилар гўё эсон,
Олам ҳам кўзимга тор қафас.*

*Муҳаббат – қўш юрак садоси,
Ёлғизлик ҳамииша унга ёт.
Етмаса қалбингнинг нидоси
Ошиққа гурбатдир бу ҳаёт.*

*Йўлингда тўрт бўлди кўзларим,
Қайдасан, хабар бер, азизам?
Йўлакда устма-уст изларим,
Қалбимни тоғ каби босди ғам.*

* * *

*Пайгамбар ёшига етдим соғ-омон,
Дилимда шукрона, тилимда дуо.
Сочларимда йиллар элаган сомон,
Кўзларимда хира тортган бу дунё.*

*Ортада олтмиш йиллик умр довони,
Гоҳо хаёлларга толиб қоламан.
Гарчи, юрагимда ёшлик армони,
Ҳамон гўзалликка ташина боламан.*

*Берган қисматингга розиман, оллоҳ,
Ачинмайман, асло, ўтган ёшимга.
Истиқлол қуёши сочдию зиё
Ҳумо қуши қўнди гўё бошимга.*

*Юртимнинг камоли куч-қувват берди,
Гўёки қайтадан бошладим ҳаёт.
Ёрқин келажакнинг ҳаваси, дарди
Тинчимас қалбимга баҳиш этар сабот.*

*Неча ўлкаларда қолди изларим,
Қанча дастурхондан едим нону туз.
Одамлардан фақат меҳр изладим,
Офтоб чехралардан ўғирмадим юз.*

*Йўлимда дуч келди турфа хил одам,
Неча улуг зотлар қўлини тутдим.
Китобда кашф этдим буюк бир олам,
Унда ғамларимни буткул унутдим.*

*Айланишдан тинмас бу кўҳна дунё,
Сўнг манзилга елар умр карвони.
Фурсат олтин билан тенгдир бу асно –
Сарҳисоб замони, ҳикмат замони.*

*Шукрим, шу юртда топдим мен камол,
Элим билан бирдир бу жону таним.
Юртдан айру кимса топмагай иқбол,
Омон бўлсин озод, обод Ватаним!*

* * *

Тақвимни биз деворларга осиб қўйдик,
Рангли-рангли қозозларга босиб қўйдик.

У, барибир, сездирмасдан учиб борар,
Мозий деган бир денгизга кўчиб борар.

Варақлари худди кузги япроқ мисол
Битта-битта учиб тушар, биз эса лол.

Умр шамъи аста-секин эриб борар,
Гўё яшинаб турган дарахт қуриб борар.

Бирорта қалб олдимикин ундан зиё,
Мевасидан татидими дўсту ошно?

Ҳар бир кундан қолдимикин эзгу бир из,
Шу ўй мени гоҳо тунлар қийнар ёлғиз?

* * *

Б. га

Юзингда баҳорнинг таровати бор,
Қалбингда гул очар энди муҳаббат.
Яшарсан орзулар билан бахтиёр,
Фироқ кўланкаси тушимасин ҳеч вақт.

Муҳаббат сеҳрли, сирли бир олам,
Қадрла висолнинг лаҳзаларини.
Гоҳида шодликдир, гоҳида алам,
Қалбингда сезарсан ларзаларини.

Ҳар кўнгилга меҳмон бу бебаҳо ҳис
Мени ҳам кўп эрта этганди асир.
Аммо, юрагимда армонлар ёлғиз,
Буюк ишқни раво кўрмади тақдир.

Ўшанда бошланган ҳислар парвози,
Туйғулар шеъримга бўлдилар пайванд.
Фақат мисраларга тўқдим дил розин,
Мени шоир қилган, аслида, шу дард.

Ана, ботиб борар менинг қуёшим,
Алвон уфқларда кўзим бу нафас.
Кел, аста кўксинга қўяйин бошим
Ва, дунё гамини унутай бир пас.

ШЕЪРИЯТ



Миразиз АЪЗАМ

Қалбимда сийлаганим

* * *

Ватан, юрт деган сўз томоқдан эмас,
Ичкаридан, юракдан чиқмали.
Қай куни юрт дея тиржайди бир кас,
Бирон сўзи қалбимга юқмади.

Ватан, юрт ёлгонга йўзрилса, туким
Тикон бўлиб кетади типпатик.
Халқимнинг кифтига тушмадимми юким,
Оллоҳ билдирсайди беҳадик?!

Бирон сўз, амалим яраса Ватанимга,
Юксалишига ҳисса қўшсам бирон соат,
Шукр қилар эдим яшаганимга
Йўлларда юрардим беҳижолат...

* * *

Бир куни, бир ерда, бир маънос одам,
Қулаётган одамдан кулди.
Мен унга доноларча танбеҳ бердим:
Нима ишинг бор, кулаберсин.
Йиғлаётган одам йиғлайди, дедим
Қулаётган одам кулади,
Ишлаётган одам ишлайди,
Юлаётган одам юлади.
Бу гапимга дарахтлар индамади,
Сувлар ҳам, сойлар ҳам индамади,
Йўллар ҳам, еллар ҳам...
Буларнинг бизга алоқаси йўқ,
дейшигандир, балки...

ИХВОН УТ-ТАЙР (Қушлар дўстлиги)

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари
ёзилганига 512 йил тўлгани
муносабати билан

қушлар йиғилдилар бир гўзал маъвога
бири урумчидан бири ускупдан
бирлари қораденгиз оқденгиз бўйларидан
идилдан олтойдан жайхундан сайхундан
ҳатто ҳолланд ҳатто фаранг
ҳаттоки қибрису олмон юнон элларидан
чугур чугур сайрашдилар
озодлик куйларини куйлашдилар

фақат
ҳар қандай йиғин ҳам тарқалади
тарқалишиди юртларига ҳаммалари
урумчига ускупга қораденгиз оқденгиз бўйларига
кўз очиб кўрган уйларига
тарқалишиди қушлар

орадан йиллар ўтди
энди соғинишар бир бирларини
булбуллар гулларни соғингандай
мажнунлар лайлиларни соғингандай
шамоллар дарахтларни соғингандай
дарёлар водийларни соғингандай
ёмғирлар дон сочилган ерларни соғингандай

аммо кимлардир бор ҳурликка хушлари йўқ
қушлар дўстлигини истамаслар

қачон қайда ўрганганди қушлар билан гаплашишни
тиллашишни сулаймон пайгамбар
қуш тилини ўрганишчун
қушлар дўстлигини ўрнатишчун
битим тузиши керакми ким биландир
мен қуш тилини билгим келади
уларни юпатгим келади
гўзалликдан гап очиб гармониядан
бир куй куйлагим келади

ҳар қалай қушларнинг дўстлиги дунё дўстлиги бўлажак

ҚЎШИҚ

*Богла, мени ҳаётга богла,
Догла, ишқинг ўтида догла,
Димогимни жилмайиб чогла.*

*Эй севиб тўймаганим,
Туну кун ўйлаганим,
Тушида ҳам куйлаганим,
Қалбимда сийлаганим.*

*Тогда, лола очилди тогда,
Богда, қушлар сайрашар богда,
Севишайлик шу гўзал чогда.*

*Эй севиб тўймаганим,
Туну кун ўйлаганим,
Тушида ҳам куйлаганим,
Қалбимда сийлаганим.*

* * *

*Бошлади сепалаб ёмғир,
Кейин бора-бора кучланди.
Умримнинг сўнг кунлари огир,
Маъноси наздимда ҳечланди.*





НАСР

Эркин НОРСАФАР

ЗУМАТ ВА АЛАНГА

Ҳикоя

Қиш фасли. Тонг. Кўк юзини булут қамраган, атрофни тутган енгил туман ойнадек йилтираб, намхуш ҳавонинг ачиққан совуқ заҳри қордан дарак бериб, димоқни шиша синиғи янглиғ аёвсиз тилимлайди. Яланғоч борлиқнинг аянч манзарасидан том устида ҳурпайган каптарлар, совуқдан таёқдек қотган торларидаги кирлари шамолдан тебранаётган, четдан кимсасиздек туюлиб тўрсайиб турган уйлар янада мунғайиб, ғариб тортгандек. Аҳён-аҳёнда эсаётган шабада хиралашиб қолган фонуслар ёғдуси синган йўл бўйлаб сочилган хазонни супуриб, уй деворларига сочади, совуқдан жунжикиб, мункайганича судралган йўловчининг этагига осилади, мудроқ дарахтларнинг қуюқ кулранг танасига суйканиб, шохларини тебратади.

Тонгги ибодатга чорлаб черков қўнғироғи баралла бонг ура бошлади. Шовқиндан гўё совуқ заҳрига дарз кетгандек бўлди, дарахт шохларида мудраб ўтирган қарғалар шовқин солишганича ҳавога кўтарилишди. Буларнинг барчасига бепарво бир тўда дайдилар йўл четида хазон ва шох-шаббалар гулханида исиниб ўтиришарди. Атрофни оловдан таралаётган кўкимтир тутуннинг ачимсиқ ҳиди тутган. Дайдилар совуқдан асраниш учун топган-тутганларини эгниларига илишган, кир-чир лата-путталар билан очиқ-ямоқ жойларини обдон ўраб олишган эди. Қоғозга хазонни ўраб чекишганича ифлос ерга ёнбошлаб олишиб, дунёда ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқдек бақиришиб-чақиришиб гаплашишарди. Улардан анча нарида, чиқинди идиш ёнига келиб тўхтаган ўрта ҳол эгни бошдаги оқсоч одамга эътибор ҳам беришмади. Ҳашаматли уйларнинг биридан чиққан мункайган хизматкор кампир қўлида икки пақир чиқиндини идишга ағдариб ортига қайтди. Дайдилар гап билан бўлишиб, кампирнинг келиб-кетганини пайқамай қолишганди. Кампир узоқлашиши билан ҳалиги одам идишни титкилаб, нималарнидир оғзига сола бошлади. Кутилмаганда гулхан атрофида исиниб ўтирганлардан бири сергак тортди.

– Ие, анави нусха ким бўлди? Насибамизга шерик бўлаяптими, ур уни!

Тўда бирдан оёққа турди. Улардан бири туртиниб-суринганича аввалроқ етиб келиб, нон бурдалари, яхши ғажилмаган этни ютоқиб оғзига солаётган кишига мушт туширди. Мушт зарбидан қулаган одамни калтаклаб, хуморларидан чиқишган дайдилар уни ўз ҳолига қўйишиб, чиқинди идишга ёпишишди. Калтакланган одам узун бўйли бўлиб, ақлли ва мулойим боқувчи кўзлари остининг салқиб турган терисидан юраги

хасталиги билиниб турарди. Инқиллаганча ўрнидан кўзғалиб, лабидан оққан қонни артганича нарида жимгина бўзариб қолди.

– Қорангни ўчир бу ердан, текинхўр, аристократ! – дея мушт туширган дайди унга чириган картошка улоқтирди.

У одам картошкага қараб қўйди. Дайдилар кавшанишиб, ғўнғирлашганича ортларига, гулхан атрофига қайтишди. У одам ҳам шу атрофда айланиб юрди, бошқа унга эътибор ҳам беришмади. Бирор киши чиқинди олиб келса югуриб боришар, талашиб-тортишар, муштлашиб, ёқалашишгача ҳам боришар, кейин яна жимгина ҳеч нарса ўтмагандек гулхан атрофида хохлашиб, кулишиб ўтиришарди. Кечга яқин уларнинг сафи анча кенгайди. Тун яримига бориб, ҳаво чиннидек чирсиллаб, совуқ ҳаддидан ошди. Нарирокда, дарахт остида кўнишиб ўтирган ҳалиги киши дайдиларнинг тез-тез қараб қўйишаётганларидан гап ўзи ҳақида кетаётганлигини англади. Дайдилардан бири унга “кел” – дея имлади. У ўрнидан туриб, энгашганича оловга яқинлашди. Даврадагилар суруниб, гулхан яқинидан жой беришди. Мушт туширган дайди, ўрта бўйли, тўладан келган, катта-катта чуқур кўзли, йўғон жағини калта ва сийрак тук қамраган киши ҳарбийларнинг қийшайган алюмин идишида қайноқ сув тутди. Бошқа бири қотган нон бўлагини, яна бири эса чўғда кўмиб пиширилган картошка узатди.

– Менинг исмим Пол, – деди у, – булар Жак, Даниел, Канн, Руссо, Дано, Мери хоним... – у атрофидагиларни таништирди. – Исминг нима?

– Мишель, – деди у одам хирқироқ овозда.

– Бизга ўзинг ҳақингда гапириб бер, кимсан, ота-онанг ким, нима иш қилгансан, майли, сени қолоқ ва сарқитлардан иборат жамиятимиз фуқаролигига қабул қиламиз, – деди Пол.

– Мишель Марсель, театрнинг етакчи актёри эдим.

– О, зўрсан-ку! Бу ерларга қандай келиб қолдинг?

– Олти ой аввал ишдан кетдим. Тўғрироғи, ҳайдалдим.

– Шундай жойдан нега кетдинг? Тайёр иш, маош. Бирор гуноҳ қилиб қўйдингми?

– Шунга яқинроқ.

– Бу нима деганинг? Тушунтириброқ гапир!

– Томошабин йиғиш учун театрда мантисиз ва мазмун-мақсади бўлмаган касса-боп спектакллар саҳналаштира бошлашди...

– Виждонинг бунақа тутуриқсизликни ҳазм қила олмаган. Бу олифтачилигинг учун эса ҳайдашди, шундайми, жаноб собиқ аристократ?

– Ҳа.

– Парво қилма, биз билан ивирсийверсанг, ўлмаслигинг учун ҳамма нарсани ҳазм қила оладиган бўласан.

– Бошқа иш изламадингми? – луқма ташлади кимдир.

– Бошқа иш қўлимдан келмайди-да.

– Театрда неча йил ишладинг?

– Ўттиз беш йил.

– Эсиз ўттиз беш йил! Ҳа, нима ҳам дердик, керагингда фойдаланиб, кейин кетингга ўхшатиб бир тепишади, – дея кимдир аламли луқма ташлади. – Камига ифлос ва пасткашга ҳам чиқасан.

– Арслон балки сиртлон билан мураса қилар, аммо ҳақиқий иқтидор эгаси ҳеч қачон ўзини аждаҳо наслидан биладиган ўлаксахўрларга бош эгмайди! Қайғурма, бу ерда ёлғиз сен эмассан. Мана, Жак, тенги йўқ рассом, – Пол шундай деб чуваккина, узун соқолли кишини кўрсатди. – Бутун Францияндан скрипкани эзиб чаладиган бирорта Руссодек одам топиб бера олмайсан, – дея кичкина юзли, мовий кўзли нозиккина йигитни кўрсатди. – Мен ўзим эса қувилган тил-адабиёт ўқитувчисиман. Дарвоқе, оиланг бормиди?

– Йўқ, – деди Мишель.

– Омадинг бор экан!

– Нега? – сўради Жак.

– Аёлларга, муҳаббатга ишониб бўлмайди, – дея оғир хўрсинди Пол. – Улар тигсиз сўйишади.

– Тўғри айтасан, йигитча, – деди қисик кўз, кулчадан келган захил юзли, оқарган сочлари чаккасига тушиб турган қаримсиқ Мери исмли жувон, тамакидан сарғайган кемшик тишларини кўрсатиб маънисиз иршаяр экан. – Аёл худди мушукка ўхшайди, орқасини ким силаса, ўшаники бўлади. Шунинг учун гўзалини эмас, менга ўхшаган тасқара, тўрсайганини топ, сендан бошқасини дея олмайди.

Баралла янграган кулги ва қийқириқ тунги сукунатни бузди.

Бу гапдан сўнг Мишелнинг юрагини бир ўй тилиб ўтди. Аёлнинг мушукка қиёслангани унга фазлати туюлди, назарида қай маънода Мери ҳақдек эди. Кўз олдидан деярли ҳар тун безовта қиладиган черковдаги мудҳиш ва аянчли манзара ўтди...

– Ҳа, майли-да, – деди Пол. – Бер идишингни, қайноқ сувдан ич, исийсан.

Ўша тун гулхан ўчмади, барча гулхан яқинроғига ётиб, бир-бирининг пинжига кириб уйқуга кетди.

Шундай қилиб, бир вақтлар қатор роллари билан саҳна ва томошабин қалбини ларзага солган Мишелнинг дарбадар кунлари бошланди; Мишель ҳам бора-бора дай-диларнинг бирига айланди. Уларнинг ўз ҳудудлари бўлиб, бошқа дайди бу ҳудудга кириши мумкин эмасди. Баъзида ҳудуд талашишиб, гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар ҳам бўлиб турар, бу кўп ҳолларда фожиали тарзда яқунланарди. Мишель ҳам бу каби тўқнашувларда қатнашди, урди, калтак ҳам еди. Улар талашган нарса эса бирор каттароқ маҳалла ёки ошхонанинг чиқиндихонаси бўларди.

Марҳаматли баҳорнинг сўнгида, бутун ёз ва куз фаслининг бошларидагина ювиниб олишар, у ёғиға шўринг қурғур бадану бош сув нималигини унутарди. Бунга шу қадар ўрганиб қолишгандики, кўп ҳолларда совуқдан эринишиб, юз-қўлларини ҳам ювишмасди. Кирланган, чиқиндихонанинг бадбўй ҳиди уриб, тердан қотиб кетган эгни- бошда юраверишар, шу сабабли одамлар улардан ирганишар, худди ҳайвонга қилингандек муносабатда бўлишарди.

Мишель ҳам одамлардан узоқроқда юрар, уларга ҳавас қилмас, жисман, маънан ҳам руҳан қашшоқланиб бормоқда эди. Бозор ва маҳалла чиқиндихоналарини кезишар, қўлга илинган емакни истеъмол қилишарди.

Шундай кунларнинг бирида «ов»га чиққан Мишель эскирган, бузилган нарса еб, оғриб қолди. Юришга мадори қолмай, дуч келган кимсасиз, ташландиқ уйнинг ертўласига тушиб, матрас уवादаси устига ўзини ташлади ва бир неча кун шу ерда қолиб кетди. Бутун вужуди безгак тутгандек титраб, қорни оғриб, тинмай ўқчир, оғриқнинг зўри ва дармонсизликдан қаро терга тушиб кетганди. Ертўла қоронғи, жуда хароба, тартибсиз аҳволда бўлиб, синган стол-стул, каравот, турли темир-тақа ва кераксиз буюмлар бир томонга уюлганди. Унда-мунда сичқон-каламушлар югургилаб, ўлжа илинжида кирган мушуклар изғиб қолишарди.

Мишель кўнгли айниб қайт қилди. Ўзини жуда ёмон ҳис қилди, оғриқнинг зўридан инграй-инграй ҳушидан кетди. Туш кўрдими, ё кўз олдидан ўтмиши бирма-бир ўтдими, англай олмади.

...Ота-онасининг кимлигини билмасди. Билгани, эслай олгани: пастқам тош деворли зах хона, аллақандай чиринди, ачимсиқ баъзан буғ аралаш ҳидлар, кўпираётган мағзава, ҳатто, деворларгада сингиб кетган совуннинг ёқимсиз ҳиди, кир-чир ямоқ пешбанд ва бўлиқ, совуқдан гезариб, кўкариб кетган меҳрибон қўллар тафти. Чироқ ёруғида ҳаракатланаётган девордаги улкан қўланкалар. Дорга илинган ҳисобсиз кирлар... Мурғак қалби идрок эта олгани шу, холос. Кейин булар ўрнини черков кўнғироғи шовқини, қулоқни қоматга келтирувчи узундан-узоқ дуолар эгаллади...

Бир оз ақлини таний бошлагач, роҳиба Терезадан черков олдида ташлаб кетилганини билди. Шу ерда қолиб, бош роҳиб, етмишдан ошиб қолган изуёт отахоннинг хизматида бўлди. Бу инсон чинданда тақводор, солиҳ иймонли киши эди. Изуёт отахон ҳаётда тўғри сўз, ҳалол инсон бўлишни ва ҳақиқат-эзгулик учун курашиб яшашликни унинг қалбига сингдирди. Унинг ўғитларига амал қилган Мишелнинг иши юришмади, бири икки бўлмади, бутун ҳаёти ёлғизликда ўтди...

Унга кўп меҳрибонликлар кўрсатган бу отахон оламдан ўтгач, ўрнига бошқа роҳиб келди. Мишель унга ҳам аввалгидек итоат ва садоқат билан хизмат қилиб юраверди. Кунлардан бир кун ибодатдан сўнг роҳиб уни бир юмуш билан таниш савдогарники-

га жўнатди. Бу савдогарнинг уйи анча олисда бўлиб, бахтга қарши шаҳарга отланган савдогарнинг ўзи йўлидан чиқиб қолди. Мишель роҳибнинг топшириғи ва омонатини савдогарга топширгач, йўл ярмидан ортига қайтди. Одатда, ҳаммиша очик турадиган ибодатхона эшиги ёпиқ экан, орқа эшиқдан киришга тўғри келди. Ўша томондаги тош зина остида жойлашган аёллар кийиниш хонаси ёнидан ўтиб кетаётиб, қулоғига аёл кишининг нозланиб ҳиринглаган, эркаланиб кулган овози ва эркак кишининг бўғиқ ҳансираши эшитилди. Аёл овози юракни ўртар даражада таниш эди. Қизиқиш устун келиб, шошишгани боис ва эҳтирос зўридан зинокорлар ёпишни унутган ёғоч эшикни очиб ичкарига мўралади-ю...

Роҳибнинг бағрида ҳузурнинг зўридан кўзларини юмиб, мушукка ўхшаб миёвляётган хизматкор қиз Мишелни кўриб аввалига бақадек қотди, сўнгра овозининг борича чинқириб юборди. Қўрқиб кетган семиз, қориндор роҳиб ўрнидан ирғиб турмоқчи бўлиб, ўзини ўнглай олмай ёнбошига қулаб, калта, семиз оёқ-қўлларини беўхшов типирчилатганича қолаверди. Бу жирканч манзара Мишелнинг кўз ўнгида абадий қолиб кетди.

Мишель эшикни бор кучи билан қарсиллатиб ёпди, аслида у ўз юрагининг инсонларга бўлган ишонч эшигини ёпганди. У кўзларидан ҳисобсиз ёшларни оқизганича боши оққан томонга югуриб кетди. У алданганди, ибодатга ва муҳаббатга тўла қалби чилпарчин бўлган, маънан гўзал илоҳий пок оламида ишонч деб аталмиш улуг туйғуга дарз етганди. Энг алам қиладиган жиҳати, қиз ваъдалашган, изҳори дил қилган севгилиси эди.

Энди у, ҳатто, севишдан ҳам қўрқиб қолганди. Шу туйғу билан қалбига аёлларга нисбатан нафрат ва ишончсизлик туйғуси кириб келди ва кейин туғилган саволларга ҳам ҳаётдан шу тарзда жавоб топиб, мазкур қарашлари абадий муқаррарлигича қолиб кетди...

У йиғига монанд қандайдир овоздан сесканиб уйғонди. Тун қоронғиси экан. Аввалига ўтмишдаги оғриқли туши сабаб қаерда эканини англай олмай гарангсиди. У ўзини ҳали ҳам черковдан қочиб чиққан ҳолда, ёмғир остидаги лой кўчада тургандек ҳис қилган, шу тарзда уйғонганди. У бу тушларни кўп, жуда кўп маротаба, деярли ҳар кеча: черковдан кетиб кўчма цирк масхарабозига ёрдамчи бўлиб ишга кирганда ҳам; у ердан кетиб театрда ишлаб юрган кезлари ҳам кўрарди. Бу туш руҳига, жисми-жонига ситилиб кириб, қалби-шуурига кўрғошин сувидек сингиб кетганди.

Зах ва қўланса хидли, эшик-дерасасиз ертўла чидаб бўлмас даражада совуқ бўлиб, ичкарида ўлжа талашаётган икки мушук бор овозда ваҳима солиб миёвляшарди.

Бу ерда ўлса мушук ва каламушларга емиш бўлишини ўйлаб, ўз-ўзидан оғриниб кетди. Ўрнидан базўр туриб ташқарига йўл олди. Мадорсизликдан боши айланар, оёқлари қалтираб, силласи тобора қуриб борарди. Изғирин шамолдан қотган, ой ёғдусида шишадек йилтиллаётган қорли кимсасиз кўчаларда тентирай-тентирай амаллаб гулхан атрофида ухлашаётган шериклари ёнига етиб борди.

Эртаси куни барча дайдилар тирикчилик илинжида «ов»га жўнашиб, Мишель мадорсизлиги учун гулхан ёнида қолди. Бир неча бор юраги безовта қилди. Бу ҳаётда орттирган ягона садоқатли бойлиги эди. Бу ўша роҳибдан, илк муҳаббатидан кейин... кейин ҳам ҳаётида одамлардан етган тухфа эди.

Туни билан ухлай олмагани учунми чарчоқ қолиб келиб гулхан тафти элитди ва кўзи илинди. Яна туш кўрди. Ҳатто қиёфасини ҳам эслай олмайдиган онаси илк бора тушига кирибди. Лўппи юзли, тўладан келган истараси иссиққина аёл экан. Дардчил нигоҳи меҳр-ла боқарди. Туши бўлса-да, Мишель бу каби меҳр билан боққан самимий нигоҳни бутун ҳаёти давомида топа олмаганлигини идрокида эътироф этди. Онаси пешонасидан ўпиб, сочларини силарди. Бир неча томчи кўзёшлари пешонасига томди.

Мишель болакайга айланиб, онасининг кўксига юзини босганича ўқсиб, тўйиб-тўйиб йиғлайверди.

Кейин... кейин она маъюс жилмайиб борлиққа сингиб кета бошлади.

– Кетманг, онажон, кетманг! Мени кимларга ташлаб кетаяпсиз, – ўша митти болакай Мишель йиғлаганича уйғонди. Гулхан учқунлаб турар, шамол кучайган, пешонасига тушиб турган сочларини силаб-сийпалар эди. Йиғлабди, ёноқлари ҳўл эди. Ёшларини артган Мишель чуқур хўрсиниб, гулханни алангалантириш учун ён-веридидаги

шоҳ-шаббалар ва аллақандай китоб варақлари, қоғозларни ташлай бошлади. Ногоҳ қоғоздаги ёзувга кўзи тушиб, беихтиёр ўқиди. Ажабо, Амир Темур исмли туркийлар хоқонининг француз тилига ўгирилган битиклари эди:

«Агар инсон бирор нарсани истаса ва ўшанга астойдил ҳаракат қилса, мақсадига албатта эришади! Унинг буюклиги, қудрати шунда! Бу заминда инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Фақат ожиз ва нотавон маҳлуқсифатларгина бу дунёдан мақсадсиз ўтади, ҳеч нарсага уриниб ҳам кўрмайди. Бахт ҳаракатда! Энг муҳими, олий мақсад! Энг муҳими, қатъий истак ва интилиш! Бу дунёда инсон қаршисида...

Битикнинг шу ери йиртилганди. Мишель эслади, йиртиб оловга ташлаганди. Қўлини ёниб турган гулханга тиқиб, бир неча саҳифани тортиб олди, ёнаётган хошияларни ўчирди ва давомини топиб ўқиди.

...тиз чўкмайдиган бирор куч, ошиб бўлмас довон йўқ! Мен нимагаки эришган бўлсам, мана шу истак ва ҳаракатлар натижасида эришдим! Ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ!

Бу сўзлар Мишелни қаттиқ ларзага солди. Кирланиб қорайган бармоғидаги хошияси куйган парча қоғозга қараганича қаттиқ ўйга толди.

– Ким у Амир Темур? Ким у туркий ҳукмдор? Мен уни ўрганишим керак. Йўқ! Унинг сўзлари орқали ўзимни танишим, ўзлимни англашим керак!

Мишель шундай дея ўрнидан турди ва кутубхонага кетди. Кутубхона ходимлари ва китобхонлар сиёғида одамийликдан нишона қолмаган дайдининг хатти-ҳаракатини қизиқсиниб ҳам бир оз ирганиб кузата бошлашди. Кўплаб китобларни ўқиб, ўрганган Мишель Амир Темурнинг куч-қудрати ва салоҳиятда беқиёс бўлганлигини англади.

– Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта»си дунёни ҳайратга солди, титратди, нега мен ўз асаримни ярата олмас эканман?! – деди у ўзига ўзи.

Юрагида бир ўт ёндики, кечинмаларини ифодалашга тушиб кетди. Уни на тирикчилик ғами, на эрта ва тонг қизиқтирарди, ётса-турса хаёлида шу иш бўлди, ҳамма нарсани унутди. У кутубхонадан топган Карло Марлонинг «Буюк Темурланг» трагедияси устида ишлай бошлади.

Дайдилар бу ишидан қулишар, «буюк онларини соғинибди, ўша дамларига қайтмоқчи!» деб жиғига тегишарди. Мишель аҳамият бермади, ишида давом этди. Қоғоз, сиёҳ ва патқалам олишга пули йўқ эди. Бир томони ишлатилган, ғижимланган қоғозларни топиб, иккинчи томонига ёнган чўпнинг қораси билан ёза бошлади.

Қайта-қайта ёзди, қайта-қайта ишлади. Орадан бир йилга яқин вақт ўтиб Мишель трагедия устида ишлашни тугатди. Шоҳ асар битгани, агар у саҳнага олиб чиқилса бутун дунё аҳлини ҳайратга солиши мумкинлигини юраги, идроки фаҳм этиб турарди. Энди ниятни амалга ошириш қолганди.

«Ким ёрдам беради? Кимдан умид қилса бўлади? Яна ўша кассабоп спектакллар саҳналаштиришни одат қилиб олган туруми йўқ, саёз фикрли режиссёрлар ва нўноқ, аммо ўзини еттинчи осмонда биладиган актёрларгами?»

У нима қилишни, бошини қай тошга уришни билмасди. Рождествони барча дайдилар байрам қилишди. Мишель эса уларнинг ўйин-кулгусини жимгина, маъюс ва хомуш кузатиб ўтирарди. Уни улғу истак мафтун қилиб, руҳида безовталиқ исён гулханини ёққанди. Шунда у скрипкани қийиб чалаётган Руссо, атрофида рақсга тушаётган дайдиларга тикилиб қолди-да, хаёлига келган ўйдан қувонгани боис қийқириб юбориб, ўзи ҳам ўйинга тушиб кетди.

Бир йилдан буён мум тишлаган одамнинг тўсатдан бундай қувониши барчани ҳайратга солганди.

– Жаноблар! – ҳайқирди Мишель. – Жамиятнинг ҳеч кимга кераги бўлмаган сарқит қатлам аҳли! Биз нега бундай яшашимиз керак?

– Яшашимизга нима қилибди? – деди дайдилардан бири ўйиндан тўхтаб.

– Бундан ортиғини ҳавас қилиб ўзингни азоблама, қўлимиздан нима ҳам келарди, – деди Пол.

– Бизлар буюк ишларга қодирмиз!

– Қўйсанг-чи! Нима, устимиздан қулаяпсанми?

– Агар истасаларинг биз жамият учун энг керакли, ҳурматли ва бой кишиларга айланишимиз мумкин!

– Ким ҳам бизни одам ўрнида кўрарди? – деди Мери ўксиниб.

– Агар биз ўзимизни қадрламас эканмиз, ким бизни қадрларди? Агар биз ўзимизга керак эмас эканмиз, ўзимизни инсон деб билмас эканмиз, ким бизларга инсонлардек муносабатда бўлиши мумкин?

– Мишель, сен эсингни ебсан, вос-вос бўлиб қолибсан! Худо бизларга шундай тақдир берган! Шундай яшаймиз ва шундай ўламиз, бу тақдир!

– Йўқ! Бу бекор гап, худо ҳеч кимни қул қилиб яратмаган! – Тушунсанглар-чи ахир! – жазавога тушиб бақирди Мишель. – Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ!

– Хўш, нима қилмоқчисан? Нима қилишимизни истайсан? – сўради Пол.

– Спектакль кўямиз!

– Ким билан, мана шу бир тўда саводсиз, ҳеч кимга кераги йўқ ялангоёқлар биланми?

– Ҳали бутун олам мана шу ялангоёқлар билан ҳисоблашади! Шу ҳам яшашми, шу ҳам ҳаётми? Ораларингдан ким инсондек яшашни, инсон бўлиб ўлишни истайди? Ким?

– Мен! – деди биттаси ва яқин атрофдан шу каби эътирофлар кўпайди.

– Ана кўрдингми, Пол, муҳими истак бор! Сен айтаётган мана шу ялангоёқлардан бири ўқитувчи, мусиқачи, бири бастакор ва яна бири рассом. Мен ҳаммасини уддалайман, ёрдамларинг керак фақат. Сўз бераман, сизлар жамиятнинг энг бой ва обрўли инсонларига айланасизлар! Илтимос, менга ишонинглар! Бир марта, бир мартагина имконият беринглар! Ўтиниб сўрайман, Пол, бирор нарса десанг-чи!

Бу гапдан сўнг барча бир-бирига қараб қолди.

– Бирор нарса чиқишига ишонмайманда, – деди Пол оғир хўрсиниб, иккиланганича.

– Бир уриниб кўрайлик, нима ҳам йўқотардик. Нима дединглар?

– Тўғри, – деди Жак.

– Розимисизлар? – сўради Мишель.

– Розимиз! – дейишди барча баралла.

Уларни бу ишнинг моҳияти ва якуни жуда қизиқтираётган эди.

– Унда, Руссо, сен мусиқа басталайсан! Жак, декорация сенинг бўйнингга! Мўри тозаловчи Бен, сен чироқ устаси бўласан!

– Уддалай олармиканман? – деди Бен.

– Уддалайсан! Мен сенга ишонаман, сен кучли инсонсан, ҳаммаларингга ишонаман. Сизлар уддалайсизлар!

Мишелнинг кўзлари ёниб турар, мутлақо ўзгариб кетган, мункайган, касалманд аввалги Мишелга мутлақо ўхшамасди.

– Пол, сен менга ҳам ёрдамчи, ҳам адабий маслаҳатчи, бўласан. Мен режиссёрлик қиламан! Ҳозир эса мен сизларга ёзган нарсамни ўқиб бераман! Хуллас, шундай! «Буюк Темур ва Ромео!».

Рождество бир четда қолиб Мишель трагедияни ўқишга тушиб кетди. Ҳамма қилт этмай эшитди. Ўқиб тугатганда юзлар ифодаси ўзгармади. Улар ҳайрат ботқоғига бо-тишганди.

– Ўзинг ёздингми, Мишель? – сўради Пол.

Мишель синиқ табассум қилди:

– Карло Марлонинг «Буюк Темурланг» трагедиясини ишладим.

– Зўр асар бўлибди. Аммо биз буни саҳналаштира оламизми?

– Ҳа! Уддалаймиз. Шунчаки, ўз истагимизни ижро этсак бўлди. Театрдагилар ҳам биздек одамларда. Одам қилган ишни, одам қила олади. Шундай эмасми? Келинлар бирга бақирамиз! «Биз удалаймиз, бу бизнинг қўлимиздан келади!»

Барча бу сўзларни баланд товушда қайта-қайта такрорлади.

Шундан сўнг улар ишга киришиб кетишди. Ҳатто ўзини тутиб юришни ҳам унутган одамларга саҳна маданиятини ўргатиш осон кечмасди. Мишель асабийлашар, бақирар, сўзларни қайта-қайта такрорлаб, хатти-ҳаракатларини кўрсатиб берарди. Кўчадан ўтиб-қайтаётган одамлар чиқиндихона атрофидаги бир тўда телба, дайдиларнинг ғалати, қовушмаётган хатти-ҳаракатини кўриб ўзларини кулгудан тийиша олиш-

масди. Мишель ўз ишини уддалай олмай қийналаётган, тушкунликка тушиб қолаётган биродарлари кўнглини кўтарар, яхши гапириб, у ёқдан-бу ёққа тинимсиз югурар, овози борича қичқирарди. У бу ишга бутун борлигини берганди. Тунлари ҳамма ухлагандан кейин атрофни айланганча асарнинг ҳар бир қисмига катта аҳамият берар, ролларни қайта-қайта ўзи ижро қилиб кўрар, янги-янги ечимлар ўйлаб топар, баъзида топил-маларидан қийқириб ўйинга ҳам тушиб кетарди. Кейинги кунларда у овқат емай, кундузлари бир оз мизғиганини инобатга олмаса, ухламай ҳам қўйганди. Ҳатто, қаттиқ чарчоқ ва асабийлашганидан бир неча бора чап кўксини чангаллаганича йиқилди ҳам. Дайдиларнинг бирига дўқ урди, бирига ялиниб-ёлворди, яна бирини умидлантирди, кўнглини топиб муроса қилди. Бора-бора хатти-ҳаракатлари келиша бошлади. Мишелнинг маҳорати сабаб сахнадаги хаёлий ҳаёт дайдилар ҳаётига кўчди. Гулхан атрофида ҳам, «ов» вақтида ҳам сахна сўзлари янгради.

Ҳадемай дайдилар хулқ-атворида ўзгариш юз берди: ўзларига шахс сифатида қарайдиган, иложи борича тоза юрадиган бўлишди, чиқиндихона емакларидан иргана бошлашди. Улар энди турли майда-чуйда хизматлар қилишар ва топганларини ўртада бўлишар эди. Ертўлалардан бирини тозалаб, ўша ерга кўчишди.

Чиқинди қоғозлар, плакат ва бўёқ чаплаган эски либос ва матолардан сахна декорацияси яратилди. Аммо Руссо яратган мусиқалардан Мишелнинг кўнгли тўлмасди.

– Унда бошқа яхши бастакор топ, мен кетаман! – деди чидай олмаган Руссо.

– Тушунсанг-чи, ахир, бу мадҳия ҳам, мотам марши ҳам эмас! Сен портлашинг керак. Исёнинг керак! Агар сен бу ишни уддалай олмасанг, барча меҳнатларимиз бир пул бўлади! Эшитяпсанми, бир пул бўлади. Сен қахрамонларнинг айта олмаган гаплари, ички кечинмаларини мусиқанг орқали томошабинларга очиб беришинг керак. Сенда дард бор, чиқар уни! Портласанг-чи, азизим, ўтинаман, портла!

– Йўқ, менда бундай иқтидор йўқ! Тушунсанг-чи, қўлимдан келмайди! Уддалаганимда бундай ҳолга тушмасдим!

– Сен уддалайсан!

– Йўқ! Мени ортиқ қийнама, тегма менга!

Руссо бошини чангаллаб нари юрди, барча уларга қараб турарди.

– Руссо, азизим. Мана, ёшинг қирқ бешга ҳам кириб қўйди. На уйинг, на хотининг ва на бола-чақанг бор, наҳот шу ҳаёт керак сенга? Наҳот ёнингда ёринг, уйинг бўлишини, болаларинг елканга чиқиб ўйнашларини, сен билан фахрланишларини истамайсан?

Чамаси, бу гап Руссонинг суяк-суягидан ўтиб кетиб, аламини чандон ўртаб юборди.

– Бас қил! Менга ақл ўргатма! Ҳеч нарсани ўзгартира олмайсан. Сен бир аҳмоқ одамсан, – деди Руссо оғзидан тупук сачратганча.

Мишель Руссонинг юзига мушт тушурди. Касалманд, базўр оёқда туриб, кейинги вақтларда юраги тез-тез безовта қилиб тўшака михланиб қолаётган Мишель зарбаси кутилмаган бўлди. Руссо ерга кулади. Сўнгра ўрnidан отилиб туриб, Мишелга яқин келди.

– Ур! – дея ҳайқирди Мишель – Ур! Нега урмаяпсан? Сенда ғурур, ҳамият йўқ. Ҳатто мушт тушириш ҳам қўлингдан келмайди! Қара! Яхшилаб қара! Шунча одам сенга кўз тиккан, наҳот уларнинг тақдирига бефарқ бўлсанг? Наҳот шунча меҳнат, ҳаракат ва умидни синдирсанг?

– Тупурдим ҳаммасига, тушундингми, тупурдим. Барибир ҳеч кимлигимизча қоламиз. Қўлимиздан ҳеч нарса келмайди.

– Сен инсонсан ахир, дунёга одам бўлиб келгансан, тангри берган имкониятларингдан рўёбга чиқар, фойдалан, инсон бўлиб яша!

– Йўқ! Мен одам эмасман, ҳеч кими йўқ дайдиман. Онамдан ҳам дайди бўлиб туғилганман, тушундингми, аҳмоқ, хаёлпараст!

– Тўғри, балки чиндан ҳам хаёлпарастман. Тўғри, аҳмоқдирман, аммо мен сени инсон, чин инсон қиёфасида кўришни истаيمان!

– Ҳеч нарсани ўзгартира олмайсан, қўлингдан ҳеч нарса келмайди!

Руссо шундай деганча тупуриниб улардан узоқлашди.

Орадан бир ой ўтди. Мишель аҳдидан қайтмади, ишида давом этди.

– Пол! Азизим, сен режиссёрликни яхшилаб ўрганишинг керак.

– Мен мактаб кўрмаган бўлсам...

– Йўқ! Муҳими иқтидор, илоҳий иқтидор, – деди Мишель.

– Нима қиламан, ахир сен борсан-ку?!

Мишель жавобан синиқ жилмайиб, елкасига дўстона меҳр билан қоқиб қўйди.

Тун ярмида Руссо қайтиб келди, ёнида бир йигит ҳам бор эди.

– Турларинг текинхўр, ярамас, ишёқмаслар! Буюк бастакор қайтди! Ишлаш вақти етди!

Атрофни скрипканинг гоҳ мунгли, гоҳ шодон ноласи тутиб кетди. Барча уни маҳлиё бўлганича тингларди. Мишелни икки киши суяб олиб келишди.

Руссо мусикасини тугатгач, Мишелга яқин келди.

– Енгдинг, қария! Сен ҳақ экансан, мени кечир, – дея Мишелнинг елкасига бош қўйди. – Мен кетолмадим, кучим етмади.

– Билардим, азизим, уддалашингни, келишингни билардим, – деди Мишель ва уни бағрига маҳкам босди.

Мишель спектакль охирини Полнинг ўзига қўйиб берди. Пол чиндан ҳам режиссёра борасида ажойиб ва бетакорор иқтидор эгаси эди. Уч ойдан сўнг куз фасли бошларида спектакль тайёр бўлди. Спектакль охириги марта «бадий ва жамоатчилик кенгаши» учун ўйналди. Бу Мишель ва Пол эди. Спектакль Мишель кутганидан ҳам аълороқ чиққанди. Мишель қувончидан йиғларди, у уддалаганди, улар уддалашганди. У ҳаммани бирма-бир кучди, ўпди, кўзёшларини юзларига суртиб бағрига босиб миннатдорчилик билдирди. Эртаси куни спектакль шаҳарнинг катта майдонида ўйналадиган бўлди. Юраги безовта қилаётган Мишель улар билан бора олмасди, юраги қаттиқ санчиб, тўшакка миҳланди. Биродарларига омад тиларкан деди:

– Биламан! Сизлар буни уддалайсизлар! Сизларни ҳали олдинда шон-шуҳрат кутиб турибди! Сизлар яратган бу спектакль ҳали дунёни ларзага солади! Мен сизларни, азизларим, мана шу ерда ғалаба билан қутлаб, табассум билан кутиб оламан! Олға!

Дайдилар шаҳар марказидаги катта хиёбон сари йўл олишди.

Аввалига кўп минг сонли оломон ҳайрон бўлиб, кула бошлашди. Олма, анор, банан, тухум ва мева-чева пўчоқлари улоқтирилди.

Дайдилар эътибор бермай саҳнани тиклашди. Аммо ич-ичларидан қаттиқ ҳавотир туюшарди. Бу ҳол Пол саҳнага чиқиб спектаклни эълон қилганда жуда билинди.

– Йўқол инингга, ҳайвон!

– Искиртлар, кўчани булғамасдан йўқолларинг!

– Фуу, ҳаммаёқ сасиб кетди. Чиқиндихона шаҳар ўртасига кўчибди, ҳожатхонангни ҳам олиб кел, ипириқлар!

Таъна-дашномлар, суяк-суякка қўрғошин эритмасидек ботиб бораётган охири йўқ ҳақоратлар...

Гувиллаётган оломон скрипка ва ноғоралардан таралаётган мусикадан сўнг аста-секин тинчлана бошлади. Бир оз ўтиб оломоннинг уни-да чиқмай қолди. Уларни табора спектаклнинг маҳобати, «актёр»ларнинг санъати, мусиқа ва образларнинг ёрқин талқини ҳайратга солиб борарди. Спектакль тугаши билан ҳавони беқиёс олқиш, ҳайқириқ ва қарсақлар тутиб кетди. Атрофдан танга-пуллар, гуллар ёмғирдек ёғила бошлади. Дайдилар қувончларидан бир-бирларини кучоқлашганча ирғишлашар, йиғлашарди. Халқ эса олқишда давом этарди.

Илгари нафратланган, жирканган одамлар уларга энди қандайдир хайрихоҳ, ҳайрат ва андак ҳурмат билан боқишар, кўпчилик, ҳатто, самимий табассум ҳам қилишарди.

Сал илгари шаҳар ҳокими ўтиб қолган, спектаклни кўриб ҳайратга тушган ва қайтиши билан одамларига уларни топиш, қўллаб-қувватлаш ва керакли жиҳозлар билан таъминлаш тўғрисида фармойиш берган эди.

Дайдилар кўни-кўнжи совға-саломга тўлиб ертўлага кириб келишди. Ўзлари томон мамнун қараб турган Мишелни кўриб қувончдан бор овозда қийқириб юборишди. Аммо бу қувонч бир муддат ўтиб, мунг, ўкинч ва аламли йиғига айланди.


Мишель Марсель ўз сўзида турган, уларнинг омадига ишонган ва энг сўнгги дақиқада ҳам қувончларига шерик бўлиш учун кўзларини эшикка тикиб, жилмайганча жон берганди.

Сурхондарё



Ошиқ ЭРКИН

Навоий газалларига мухаммаслар



ЎН САККИЗ ЁШИНДАДУР

*Дилга малҳам жилвагарлик дема бир қошиндадур,
Не малоҳат, билмам, ул, асрори-наққошиндадур,
Айланур ҳар лаҳза бошим, неки, сир ошиндадур,
Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.*

*Этса гар қошима таириф бўлғай аҳбоб беқарор,
Тўлганур сарв зил кетиб, ҳар лаҳза бўлғай шармисор,
Мардуми ошуфталарким, боққай анга интизор,
Деса бўлғайким, яна ҳам ўн саккиз йил ҳусни бор,
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.*

*Ҳусн мулкин сарвари ул, боқса агёр-ўлдурур,
Бори сунбул хилқатин андишадин чун сўлдурур,
Тутма ёқа Лайливаш паймонаси гар тўлдурур,
Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, ўлдурур
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.*

*Учса учғай ақлу ҳушлар, ким анга бўлса дучор,
Чашии гирёнига тонг йўқ, чулғамии жисмин шарор,
Майли, кез жумла-жаҳонни, учрамас бўйла нигор,
Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси эзид таоло сунъ наққошиндадур.*

*Меҳру раҳшонлар сочилмиш ёрнинг анвар кўнглидин,
Ишқ булоғи жилва айлар дамда кавсар кўнглидин,
Меҳрибонлик жойе тутмиш анинг зевар кўнглидин,
Тан анга симу ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлга юз ҳайрат ул оининг ичу тошиндадур.*

*Даҳр аро, эй, сенча бўлмас, йўқ парирухсор фасиҳ,
Лаъли рангину шакарлаб-бўйла тенгсиз бир малиҳ,
Ул сарв қаддингни дермен кўп сабиҳлардин сабиҳ,
Май кетур, эй муғки юз ҳайрат аро қолмиш масиҳ,
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.*

*Ошиқ Эркин, тўкдинг ул гул ҳасратидин наҳри ашқ,
Дийданг узра маҳвашинг маломатидин захри ашқ,
Тийра кўнглингга инар жароҳатидин даҳри ашқ,
То Навоий тўкди ул ой фурқатидин баҳри ашқ,
Ҳар қачон, боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.*

КЎЗИ ҚАРОСИНМУ ДЕЙИН?

*Ёр адосинму дейин, жонга жафосинму дейин,
Беҳаёсинму дейин, ҳар дам изосинму дейин,
Тўтиёсинму дейин, менга низосинму дейин,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглима ҳар бирининг дарди балосинму дейин?*

*Меҳри наҳринму дейин, дур тўла баҳринму дейин,
Ё гули насринму дейин, озода қасринму дейин,
Ҳурдай аслинму дейин, офат ё наслинму дейин,
Кўзи қаҳринму дейин, киртики захринму дейин,
Бу қудурат ичра рухсори сафосинму дейин?*

*Дамда зардинму дейин, гоҳ ўйнар нардинму дейин,
Болиши пардинму дейин, хилқати зардинму дейин,
Қаноти фардинму дейин, урди жигардинму дейин,
Ишқи дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,
Бу қатиг дард аро васлининг давосинму дейин?*

*Нурли шоминму дейин, меҳру коминму дейин,
Олий мақоминму дейин, дилбар саломинму дейин,
Этгани роминму ё пинҳона номинму дейин,
Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин,
Бирининг қаддин, яна бирининг адосинму дейин?*

*Оби зилолинму дейин, лаб тўла болину дейин,
Яхши ҳолинму дейин, қоши ҳилолинму дейин,
Ўн саккиз солинму дейин, гоҳ-гоҳ малолинму дейин,
Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,
Мовий кўнглак узра гулрангги қабосинму дейин?*

*Юзи ранггинму дейин, гоҳ кўнгли сангинму дейин,
Анга таҳсинму дейин, эли анинг Чинму дейин,
Ё меҳри ганжинму дейин, гуфтори ширинму дейин,
Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?*

*Ошиқ Эркин ёрни ёлғиз ўзининг васфини айт,
Жонингга ором бахи этар ё сўзининг васфини айт,
Ҳуру гилмондек юзи қирмизининг васфини айт,
Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини айт,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?*

САРВИ РАВОНИМ КЕЛДИМУ?

*Бермайин кут деб хабар, гунча даҳоним келдим,
Жоним ичра бир жаҳон, жону жаҳоним келдим,
Бошдин-оёқ покиза дур, қоши камоним келдим,
Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним келдим,
Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдим?*

*Кўнглим ошуфта эди келдимму дуч деб золима,
Раҳм этар деб бир кун ул шояд гариб аҳволима,
Ўз-ўзимга деб неча нозиктарингдин нолима,
Беҳуд эрдим айтгали кўнглум, чу келдим ҳолима,
Айтинг ул оворайи бехонумоним келдим?*

*Дер эдилар: куйгайсен берсанг юрак жононага,
Ўзига қўйган бино ҳам кўзлари мастонага,
Кўймаса дердим қадам мен йўқда ул остонага,
Қолмиш эрди хаста жон, кирганда мен майхонага,
Англомонким, ул заифи нотавоним келдум?*

*Қилган эрдик аҳду паймон бирга даврон сургали,
Ваъдамизда то қиёмат танда жон бор-тургали,
Қарслар уриб ишқ богида базми Жамшид қургали,
Демангизким келди маҳвашилар сени ўлтургали,
Муни денгим, қотили номеҳрибоним келдим?*

*Улки, ваъда берди келмакка-сабиҳлардин сабиҳ,
Гуфторлари жон озиги, гўё набот янглиғ малиҳ,
Айро эрса йўл агарда на кабоб куйгай, на сих,
Ҳажрдин ўлдум демангким, бошинга келмиш Масиҳ,
Айтинг ул осойиши руҳи равоним келдиму?*

*Имтиҳонидин анинг бир неча йўл ўтдинг, валеқ,
Неча кунлаб, ҳафталаб ҳажрида қон ютдинг, валеқ,
Тунларни тонларга улаб, ҳақ дея кутдинг, валеқ,
Кўюнга ушшоқ келгандин хабар туттинг валеқ,
Демадинг ул зору беному нишоним келдиму?*

*Ошиқ Эркин ошигим, деб, ёр, назарга илмадинг,
Неча қилдим яхшилик, мингдан бирини билмадинг,
На таккалум айладинг ва на тараҳҳум қилмадинг,
Зухд кўйига кўнгул бирла дедингким келмадинг,
Эй Навоий, неча айтиб ул ёмоним келдиму?*





Қамчибек КЕНЖА

ПАЛАХМОН ТОШЛАРИ

Роман¹

Иккинчи қисм

ИСТАНБУЛ. ИШҚ БАЛОСИ

I

Сайёхлар Туркияга кириб боришганда қуёш ҳарорати, ер тафти пасайиб, шўх анҳорлар шовқин солишдан чарчаган, дов-дарахтларнинг олтинранг япроқлари тўкилиб, оёқлар остида пилдираб, зорланиб уча бошлаган, сарғайган гул-чечаклар, йўл четларидаги дилгир майса-ўтларнинг боши эгилиб, ўйларга чўмган, аммо сув, осмон тиниклашган, умуман, табиат мўйсафид қиёфасида, ҳамма ёқда босиқлик, сиполик ҳукмрондай эди. Сокинлашган Мармар денгизи юзаси куз шабадасида енгилгина мавжланиб ётарди. Одатда бўрон ё довул олдидан шундай осойишталик юзага келади ва кўпинча одамни ғафлатда қолдиради.

Этик ғажиган чап товони азоб бераётганини ҳисобга олмаганда Бекназар ҳам анча хотиржам, энди тақдирга тан бера бошлаганди.

Қадимдан, бошқа номлар билан аталган даврларданоқ маълум ва машҳур Истанбул донғининг Турон – Туркистон томонларгача етиб келишига асосий сабаб ҳаж зиёратини ихтиёр этиб қарвон билан жўнаганлар Маккаи муқаррама йўлида жойлашган бу мўътабар шаҳарга албатта кўниб, набий Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг яқин саҳобаларидан бири Абу Айюб ал-Ансорийнинг ҳазрати Илча мавзесидаги қабрини зиёрат қилиб ўтишарди. Шу боис, мусулмонлар орасида «Истанбул – ярим ҳаж» деган гап юрарди. Эътиқодга, эъзозга жавобан қардошлар қулай шароит, имкониятлар яратиб, йўловчиларни хушҳоллик билан кутиб олишарди. Тақялар², мусофирхоналар бағрига ҳар қанча меҳмон жо бўлиши мумкин эди...

Мусофирхоналарнинг лангархоналик хизмати ҳам бор эди, яъни бу даргоҳларда муҳтожларга таом берилган, бошқа хайрия ишлари амалга оширилган. Таваккалдан ёки камроқ сармоя билан муқаддас сафарга отланганлар, савдогарларнинг ҳамёнлари

¹ Журнал варианты. Бошланиши ўтган сонда.

² Тақя – асл маъноси одамлар тўпланиб улфатчилик қиладиган жой. Туркиядаги тақялар эса қарвонсарой, қўналға вазифасини ўтаган. Турклар тақяни текке, туркистонликлар такка дейишарди.

пучайса тезроқ Истанбулга етиб олишга ошиқишган. Тақяларда улар ёрдам сўраши мумкин бўлган юртдошлар, ҳатто яқин кишилари билан учрашиб қолишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди. Қўнимгоҳларни озиқ-овқат ва бошқа зарур ашёлар билан асосан хайр-саховатли бойлар таъминлаб туришарди, яқин-атрофдаги маҳаллалардан ҳам ўзига тўқ хонадонлар савоб йўлида ҳар турли егуликлар чиқариб юборишарди.

Абжир, уқувлилар ҳаммоллик ё мардикорлик билан пул топиб, ё кимдандир қарз кўтариб йўлда давом этишар, айримлари иши юришмай ё ўзга важларга кўра кўноқхоналарда анчагача қолиб ҳам кетишарди.

Қисқаси, тақялар нафас ростлаш ё хотиржам ҳордиқ чиқаришни хоҳловчилар учун қулай пақка, суҳбат, ўйин-кулги маскани, ғарибларга эса жон сақлайдиган даргоҳ бўлиб, уларнинг хоналари каби, хўжайинларию хизматчиларининг бағирлари ҳам кенг эди.

Ўтмишда ҳам (шўро замониғача) ҳажга энг кўп ўзбеклар боришарди, шу туфайлими, Истанбулнинг Эски шаҳар қисмида, Ускудар мавзеида уч қаватли, алоҳида Ўзбеклар тақяси қурилган¹, у Султон Аҳмад майдони ва Олти минорли масжиддан атиги бир неча юз қадам кунботишда.

Халқаро йўналишларда нақлиёт, учоқлар, шаҳарларда замонавий меҳмонхоналар кўпайиб, сайёҳлик маданияти юксалгач, умумётоқ мақомидаги тақя-кўноқхоналарга ҳожат, эътибор сусайиб, бирин-кетин ёпила борди. Жумладан, Ўзбеклар тақясида ҳам энди илгаригидай файз – базми жамшидлар, гавжумликлар йўқ эди. Шунга қарамай, Истанбулдай шаҳри азимда Ўзбеклар кўчаси борлигидан Бекназар бағоят ғурурланди, беихтиёр энтикканида кўксининг кучли шамолда эгилган дарахт новдалари қайта тиклангандек баланд кўтарилганини яққол сездди. Бу кўчада, умуман шаҳарда ўз музофотидаги каби бемалол, беҳадик юриш мумкиндай туюлиб, дилидаги бегонасираш, ийманиш ҳиссиётлари ҳам анча тарқалди. Бироқ...

Бироқ у тақяда ошиқлик домига илиниб, Истанбулда қолиб кетиши ва не ранжу баполарга гирифтор бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди...

Шу жойғача эсон-омон етиб олганидан мамнун, денгизлар ўрамидаги шаҳарнинг ажойиб манзараларини кўргач, йўлдаги машаққатлар кўз олдидан йироқлашган, ҳар не ғурбат, жабру жафо елкадан ошди, деб хийла хотиржам тортувди. Фақат узоқ ва таҳликали масофада ҳам жисман, ҳам руҳан толиққан, камҳаракатликдан болдирлари шишиб увушар, бу ҳам етмагандай, ўнг бўксасига чиққан лўмбоздай чипқон юрса-турса лўқиллаб, миясиғача зирқиратиб юборарди. У шерикларига (камайиб-камайиб етти киши қолишганди) икки-уч кун дам олишни, оёқларининг ишиғи² бир оз қайтгач, йўлга чиқишни таклиф этди.

Тақяда бир хизматчи ва бир қариядан бўлак кимса кўринмасди. Хоналар бўм-бўш, лекин дим ва зах, асрлар давомида турли-туман йўловчилар бадани ва нафасидан чиққан ҳидлар девору шифтларга ўрнаб қолганга ўхшарди... Бекназар ҳовлининг бир четидаги сербарг арғувон тагига жой тўшаб олди.

Ҳамроҳлари шаҳар айлангани чиқиб кетишар, Бекназар эса сон-болдирларини очиб, шапатилаб ўтирар, ярасига қўрга кўмилган пиёз босар ёки қўй ёғи суркарди. Оғриқ пасайиб, кўзи сузила бошлагач шартта чап ёнбоши билан ётарди-да, донг қотарди. У асли табиатан уйқучироқ эди. Лекин йўлда, кўпчиликнинг, хусусан, уйдаги қора кўзлари қошига ошиқаетган аравакаш ва ҳайдовчиларнинг бетоқатлиги туфайли уйқуга тўймай қийналганди, шу боис энди уйку азобдан ҳам зўр келарди. Учинчи кунга ўтар кечаси саҳарга яқин баданига теккан намдан уйғониб кетди, ихтилом бўлдим шекилли, деб кўнгли ғашланди, ғул ташвишини ўйлаб, баттар ижирғанди. Кейин чипқоннинг ёрилганини билиб, ичи ёришди ва шундагина сирқираш ҳам анча пайсал топганини англади. Оёғи бир мунча дадил босадиган бўлиб қолганди, аммо барибир шу аҳволда тагин йўл юриш қийинга ўхшарди.

Бунинг устига ҳали чарчоқ ҳам яхши тарқамганди. Нафсиламрини айтганда, инсон вужуди ҳам қув бир хилқат – андак раҳмини еб, меҳрибонлик кўрсатсангиз, у сиздан яна кўпроқ имтиёз ва мурувватлар тама қилаверади. Ҳа-да, олдиндаги мақсад аниқ эмас, манзилда уларни ҳеч ким кафтини манглайига қўйиб, интизор қутаётгани йўқ-ку, икки-уч кун фарқ билан боришса, нимага кечикдинглар, деб қийин-қистовга олишармиди ё шаҳарга киритмай қўйишармиди? Айтишларича, ҳали ҳаж мавсумига анча бор экан. Лекин бу ёқда ҳамён масаласи ҳам чатоқ-да...

¹ Ўзбеклар тақяси, манбаларда қайд қилинишича, 1753 йили валий Абдуллоҳ пошшо томонидан барпо этилган.

² Ишиғ – шиш.

Бекназар қадрдонлашиб, кўнгиллари яқин бўлиб қолган мазори-шарифлик, асли ота-боболари «қоч-қоч»ларда Сурхон воҳасидан Афғонистонга ўтиб кетишган Сарикул кўмагида шерикларини тағин икки кунгина кутишга кўндирди, дарддан тузукроқ фориф бўлгач жўнаган маъкул-да. Ҳали олдинда қанча йўл, бирмас, икки мамлакат – Шом ва Ҳудун бор, озгина юриб яна инқиллашни бошласа, ундан ёмони йўқ...

Мўлжалидаги куни Бекназар барвақт, ҳамсафарларидан аввал уйғонди, ўзини бир нави енгил сезди. Бир оз айланиб, ҳам оёғини синаб кўриш мақсадида ташқарига қараб юрди. Қўш қанот, ўйма нақшли дарвоза ҳали очилмаган эди, у устанадаги¹ зулфиндан занжирни тушириб, қопқанинг бир табақасини ўзига тортди-ю, остонанинг у бетидаги ғаройиб бир мўъжизага кўзи тушиб, қўлини эшик тутқичидан олишни ҳам унутганича, серрайиб қолди. Рўпарасида бошига енгил пушти рўмол ташлаган, шахло кўзлари чарақлаган, юзлари оқ-сарикқа мойил, қирмизи лаблари хиёл очилиб, дурри маржон тишлари йилтиллаб, бир малак сиймо турарди. Унинг бир қўлида тугунча бор эди. Умрида чехраси бу қадар чиройли, мафтункор, қарашлари оташу аланга қизни учратмаган йигит ўнгимми ё кўзимга кўриняптими деган хаёлда қарахт, киприк қоқиш ҳам эсига келмасди. Қиз рўмолини юзига қия қилиб ёпгани, сўнг ўша қўлининг латиф бармоқлари билан оч яшил тусдаги кўйлаги ёқасини хиёл қайириб кўксига «туфтуф»лаганига назари тушган йигит унинг рўё ҳам, туш акси ҳам эмас, ҳаётий хилқат эканлигини фаҳмлаб, баттар анграйди. Шу аснода қизнинг ним кулимсираган кўйи «Кун ойдин, афандим...» деганини эшитиб, унда бирдан ҳаяжон жунбишга келди, ичиди кимдир таажжуб изҳор этди: «Овозининг шўхлиги, ёқимлилигини...»

Ақлу идрокдан айрилаёзган Бекназар ўзига келди, лекин қаршисидаги ҳуриликнинг гапини дуруст англамади. Ҳойнаҳой, йўл бўшатишимни сўраяпти шекилли, деб ўзини четга олди. Пари рухсор ёнидан чақонлик билан соядай лип этиб ўтиб кетди. Йигит бошини қайириб, елкаси оша қаради. Шитоб юриб бораётган қиз ўн-ўн икки қадамдан сўнг сал секинлаб орқасига – ҳали ҳам қоққан қозикдай қаққайиб турган йигитга илкис нигоҳ ташлади-да, бино муюлишида кўздан ғойиб бўлди. Малакнинг бўғма ёқали узун, ўзига ярашган кўйлаги остидаги шамшоддек тик қомаги, бир оз қимтиниб юриши ҳам кишини ўзига маҳлиё қиларди. Аммо бир сониялик маъсумона табассуми, сирли боқиши Бекназарни адои тамом қилган, у тигдай ўткир нигоҳ ниҳоятда мерганлик билан отилган камон ўқидай, ўшшайган мусофирнинг шер ўмров кўкрагини осонгина тешиб ўтиб, қоқ юрагига санчилган эди. Бу париваш ким бўлди? Сахар-мардонлаб таккада нима қилиб юрибди? Кимнинг олдига келдикин?..

Хаёли тўзгин йигит қаёққа, нимага кетаётганини ҳам ёддан чиқариб, беихтиёр ичкарига қайтди. Юраги борган сари гупураб, ўзига нима бўлаётганини тушунмасди. Қадами ўз-ўзидан тезлади. Уни – уйланган, қисқа фурсатда «хотин»идан совиб, лоқайдликни ўзига ошно тутган одамни бир лаҳзада доводиратиб, аёл зоти тўғрисидаги нохуш фикрларини ҳарсангга теккан ойнадек чил-чил қилиб, эҳтирослари илк бора тизгин узган бўйдоққа айлантириб қўйган ой юзли дилдор қатор тушган хоналар айвони зинаси олдида қўлидаги тугунни этаги тўпиғига тушадиган кулранг қабо кийиб, мовут тақия устидан уриниб-ўнган салла ўраган така хизматчисига узатаётган эди. Бекназар уларга яқинлашганда саросималаниб тўхтади, шу дамда моҳитобон орқасига бурилиб, торроқ йўлақда гарангсиб турган йигитнинг чап тирсагига кифти билан беҳос, енгил туртилиб ўтиб кетди. Бекназар юракка яқин жойига чўғ теккандай бўлиб титранди.

– Бу қиз ким, тоға? – сўради унинг ҳолатини кузатиб, мийиғида кулиб турган хизматчидан. У ўз аҳволи-руҳиятини яширадиган, уяладиган алпозда эмас эди.

– Қизи қурмағур гўзал-а, – бош-бош қилди хизматчи. – Ҳусндан худо берган-да.

– Азонлаб келганига ҳайрон бўляпман, – деди ўзини сал босиб олган Бекназар.

– Кўпчиликка кўринмаслик учун барвақт чиқади. Чўлпон юлдузига ўхшайди.

– Яқин-ўртада яшайдими?

– Намунча суриштириб қолдинг, йигит, ошиқ бўлдингми? Ишқ бир олов, сенга ўхшаган паҳлавонларнинг қанча-қанчаси куйган бу ўтда. Сен улўғ ибодатга отланган муслим йўловчисан, мусофирсан, кўнглингни паришон қилма, бўтам. Баъдаз, аллоҳга муҳаббатгина боқий ва хайрлидир, бандага муҳаббатнинг хосияти кам, турган-битгани ғурбат, зеро бунда яратганга сиддиқлик бўлинув.

¹ Устана – остонанинг акс томони, эшикнинг тепа қисми.

– Ота-оналари қанақа одамлар? – сўради Бекназар хизматчининг гапларига эътибор ҳам бермай. Айна дамда унинг кулоқлари таҳдиду ўғитларга қар эди.

– Падари бузруквори Исмоил ҳожи деган савдогар эди. Мисрдан, Ҳиндистондан мол олиб келиб сотарди, – деди хизматчи нигоҳини кўлидаги тасбеҳдан узиб Бекназарга қарата. – Бечора қиз волидаси билан ёлғиз қолган. Бу ерда марғилонлик бир мўйсафид бор, шунга бир нималар илинишади, дуо илинжида.

– Тез-тез кириб турадимми?

– Вақти-соати йўқ. Хоҳлаганда киради.

– Исми нима?

Бу сўроқ жавобсиз қолди.

– Ке, юр, ичингни ғумиллатиб кетган нозаниннинг нони билан Ҳожи отанинг хонасида нонушта қиламиз. Уларга савоб керак, ошиқлар дуоиси мустаҷоб бўлур. Чунки улар чин дилдан тилайдурлар. – Хизматчи машриқ уфқига бир назар ташлади-да, ичкарига йўналди.

Ҳали кун чиқмаган, аммо тонг анча ёришиб қолган, Бекназарнинг белбоғ ё патуларини елкаларига ташлаган шериклари узун-қисқа бўлиб ҳовли этагидаги қудуқ томон боришарди.

Йигит паришонлик билан бир-бир босиб арғувон сари юраркан, оёқлари яна зирқирай бошлагандай туюлди. Думалоқланган ўрнини ёзмай, шундоқ шолчага чўзилди. Кафтларини боши остига қўйиб, мовий фалакка тикилганча хаёлга чўмди. Беихтиёр бу ерда «нафас ростлаш»ни чўзмоққа чора ахтара бошлади. Турган гапки, ҳамроҳлари энди унашмайди, бусиз ҳам уни деб салкам бир ҳафтани йўқотишди, тўғриси, яна бир-икки кун турайлик демакка Бекназарнинг ҳам юзи чидамасди. Аммо жўнашга ҳам кўнгли чопмасди. Оёқ ҳали яхши тузалмабди. Бу ёқда бояги малак сиймо кўз олдидан кетмас, уни яна ва яна, лоақал тағин бир бора кўриш иштиёқи, истаги фикри-ёдини эгаллаб олган эди. «Қани энди хотин деганинг ана шундоқ шахдам, истарали бўлса – кўзинг ҳам яйрайди, кўнглинг ҳам...» деб ўйларди у.

II

Бекназар муолажани яна маълум муддатга давом эттиришга қарор қилганини айтиб узр сўраганиди, ҳамсафарлари уни ортиқча қистаб ўтиришмади. Фақат кимдир: «Бунақа экан, бошда айтмайдими, шунча кундан бери вақтимиз, пулимиз бекорга кетди», дея тўнғиллади. Бекназар оғзини дўмлади-ю¹, ўзини эшитмаганга солди. Сариқул бошини тебратиб, «Кўпчиликдан ажраб қолаётганингиз чакки бўляпти-да, жўра, майли, худо шифо берсин, тезроқ йўлга чиқинг, Маккаи мукаррамада эсон-омон кўришмоқ насиб этсин», деди ва бир неча қадам босишгач, орқасига қайрилиб Бекназарга бир қараб қўйди. Бекназарнинг ҳам ичи ачишди – нима бўлсаям, уларга анча ўрганиб, Сариқул билан сирдош бўлиб қолувди, лекин у узоқ иккиланиб турмади. Зеро, уни тутиб қолаётган куч сеҳрли ва жуда қудратли эди. У Сариқулга кетаверинглар, барибир аҳдимдан қайтмайман, дегандай, кескин бир қўл силтади-ю, ичкари кириб, мук тушиб ётиб олди. Уйдагилар уни Арабистонга етиб олган, деб ўйлашаётгандир. У эса, бу ерда уюридан ажралган қулундай гарангсиб ётибди. Бутунлай бегона, таги-туги номаълум, боз устига номаҳрам қизнинг юзию кўзини, қадди-бастини бир кўрибоқ, анави хизматчи айтгандай, маҳлиёю асир, волаи телба бўла қолдимми? Уни шунчаки яна бир мартагина кўриб, хусни таважжуҳидан, қоронғи дилни машъаладай ёритиб юборадиган нимгина жилмайишидан тағин бир дафъа баҳраманд бўлмоқ учун бир неча ойлик ҳамроҳ-биродарларини ранжитиб, бу ерда тақдирни нима кечишидан ҳам ташвиш чекмай қолиб кетаверадимми, а? Хўп, ўша гўзал қизни яна бир эмас, бир неча қарра кўрди ҳам, хўш, нимага эришмоғи-ю, нима ўзгармоғи мумкин? Бир-икки оғиз суҳбатлашмоққа ҳам мушарраф бўлсин, унга, бир бандаи мўминнинг, мусофир бечоранинг жигаридан уриб қўйганини айтиб, арзи ҳол этсин, хўш, қиз нима дейди, ўроқда йўқ, хирмонда йўқ савдои хушторнинг томдан тараша тушгандай муҳаббати эвазига қандай муруввату илтифот кўргизади? Нима қиларди, нима дерди, «Хом сут эмган афандим, сиз ўзи дунёнинг қайси бурчагидан келдингизу, қайси чеккасига кетятувдингиз? Яшаш ошённингиз қайда қолгану, бизники қайда турибди? Муҳаббатни ўйинчоқ деб ўйлапсизми ё мен билан урдим-қочди ўйнамоқчимисиз? Йўлингиздан қолмаганингиз, мениям тинчимни бузмаганингиз маъқулмикин...», дейди-да. Эҳтимол, бунчалик ҳам деб ўтирмай, унга Шом, Арабистон тарафни кўрсатиб, ада-

¹ Оғиз дўмламоқ – гапиришга чоғланмоқ.

шиб қолмасин деб, пухтагина тушунтириб ҳам қўяр... Ҳа-да, бойнинг фарзанди экан, қариндоши ҳузурига паноҳ излаб бораётган, белбоғидаги тўрт тангадан бўлак ҳеч вақоси йўқ ўткинчи йўловчини назарига илмаслиги, унинг шайдолигини сариқ чақага олмаслиги мумкин-ку. Назарига илганда, ошиқи девоналигини сариқ чақага олганда нима қилади? Уни етаклаб кетадими, қаёққа, қандай? Маккатиллогами ё орқага қайтадими?

Ҳемириси йўқ-ку? Ё ичкуёв бўлиб қоладими?..

Албатта, Бекназарнинг онги агар бой қиз камбағал йигитни яхши кўрса, уни қарамоғи ва ҳомийлигига олиши мумкин, деган иддаодан ҳоли, бу гаплар ҳозир хаёлидан анча йироқ эди. У фақат бугун тонг аро уни ақлу ҳушидан мосуво этган ўшал жононани яна бир қатла кўрмоқ, унинг дийдорига узоқроқ термилмоқ (лекин у ўйламасдики, чанқаган одам бўйи, қўли етмайдиган сувга тикилса, ташналиги баттар ортади, холос!), у билан суҳбат кўрмоқ илинжида ёнарди.

Бирдан миясига совуқ бир фикр гурзидай урилди: у ўзи қиз боламикин? Кийиниши, рўмол ёпинишига қараганда келинчаккаям ўхшайди. Боз устига ёшиниям тахминлаш қийин эди.

Маълум сабабларга кўра уйланишга шошмаган, куёв бўлгач эса, қайлиғига кўнгил қўёлмаган йигит бир неча юртни босиб, қанча шаҳару қишлоқлардан ўтиб келди. Қўноқхона, мусофирхоналарда ўрин бўлмаганида ҳар хил кимсаларникидан бошпана топиб ётишди. Ўша жойларда хизмат қилиб ё турли юмушлар билан ўралашиб юрган ёки кунлаб қолиб кетишган меҳмонхоналарда учраган юз-кўзлари очиқ ғалати табиатли, ҳазилкашликка мойил қиз-жувонларнинг ҳеч бирига йигитлик назари ила суқланмаган, биронтаси унинг диққат-эътиборини тортмаган эди. Ўз қишлоғида қундузқош сулувлар ёнидан соч ўримларининг бирини олдига ташлаб, селкиллашиб ўтишганида ҳам бир мўйи кимирлаб қўймасди. Нега энди бу турк маҳвашига шундоқ кўзи тушди-ю, юраги ўйнаб, вужуди нест бўлиб қола-қолди? Уни бўғма илондек сеҳрлаб олдими? Денгиз сувига ўхшаган кўзларида жодуси бормикин? Исми нимаикин? Анови сўхтаси совуқ хизматчи ҳам, асакаси кетадигандай, айтмади...

Турк гўзали ҳақида тезроқ, кўпроқ нарса билгиси келарди, яна қиздан сўз очиш мақсадида дароз хизматчи билан учрашишга бир неча бор чоғландию, ҳар гал андиша этагини қўйиб юбормасди.

Бир кўришда ёқтириб қолиш (лекин бу ҳали севги эмас!) кўп учрайдиган табиий ходиса, бу – файласуфлар кузатуви ва хулосаси эмас, оддий бандалар – маҳбублар ва маҳбубалар кашф этишган, тан олишган ҳақиқат. Бир боқишда жалб этувчи мафтункор сийрат ўзича ҳеч нарса ваъда қилмас, гарчи қаровчининг ичи-борини ағдар-тўнтар этиб юборса-да, илло, ўша кимсанинг мажнунона тикилишига жавобан ҳада этилган майин, сирли табассум мисоли тутаё бошлаган ўтинга гугурт чақилгандай бўлиши, ҳали шайдолик заҳмати ва роҳатидан хабарсиз бир жонни мувозанатдан чиқариб, ҳар кўйга солиши мумкин. Аммо, айна ўша, бир-икки киприк қоққулик фурсатдаги мулойим ва ҳузурбахш нигоҳ кейинчалик бечора ошиқни ўз ортидан эргаштириб, чаманзорлардан, баҳаво кенгликлардан бахт сари, мурод сари етакламоғи ёхуд югуртира-югуртира, ўз домига илинтиргач, ўнқир-чўнқир чангалзорларда овораи жаҳон қилиб, адаштириб, толесизлик жарига улоқтирмоғи ва ё аксинча, гўзал сийрат соҳибаси кимнидир балога қолдирган, умидвор қилган майлли қарашининг жабру жафосини тортмоғи, ҳатто, иффати, номуси билан товон тўламоғи ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

* * *

Вақт тушовлангандай, энди терак бўйи кўтарилган қуёш ўрнидан жилмай турганга ўхшарди. Бекназар ҳовлида у ёқдан бу ёққа юрар, яна ётиб, ухлаб фурсатни тезлатмоқ истар, бироқ уйку кўзлари билан аразлашиб қолгандай, сира киприкларига яқин йўламасди. Юрганда ҳам, ётганда ҳам икки кўзи иккала қаноти ҳам ланг очиқ дарвозада эди. Хаёлида ўзгаларга ош-нон бериб, унинг эса ҳаловатини олмоққа қасд қилган у жонсўз санам тушликка ҳам бирон нарса кўтариб кириб қоладигандай...

Офтоб тиккага келди. Пешин намозидан сўнг Бекназар жойнамозда яна хаёл суриб ўтирди, юзини сийпалаб, ногоҳ бир неча кундан бери соқол олмгани эсига тушди. Тугундан устарасини топиб, қудуқ ёнида апил-тапил ияк киртишлади, муртини қайчилади – шерикларига таассуб қилиб йўлда мўйлов қўйган эди.

Кеч кирди. Бекназар бетоқатлик билан кутган хонимдан дарак йўқ эди. Ҳа-да, ахир таккага тўхтовсиз нон, овқат ташийвермас керак...

Шу куни кўнгли емак тиламади. Ярим тунда кўзи пинакка кетиб эди, тонг ёришиб-ёришмай, кимдир чақиргандай, чўчиб уйғонди. Юз-кўзларини қудуқдан сув чиқариб астойдил ювди-да, бўхчасидан асраб-авайлаб келаётган бўғма ёқали оҳорли оқ кўйлагини олиб кийди, сув пуркаб, кафтлари билан сидира-сидира ғижимларини сал эпақага келтирган бўлди, устидан жужун камзулини илди, чанг ўтириб, оқ гуллари хиралашган, нимдош дўпписини қоқиб-силкиди-да, дурра билан обдан артгач, тиззасига кийдириб, кериб, анжанчасига чаккасига кўндирди. Кўнжи калтароқ хром этигини нам латта билан артиб-тозалагач, ошиғич бориб дарвозанинг илгагидан тортди. Ҳеч ким йўқлигини кўргач, тарвузи қўлтиғидан тушгандай, юрак ҳаприқиши пасайди, кўчада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. У ярашиқсиз қилиқларининг ёш ўсмирларга хос ва ножўя эканлигини фаҳмлар, аммо оёқлари, дили, кўзлари онгига бўйсунмаса, нима қилсин бояқиш. Лекин мабодо ҳозир қиз рўпарасидан чиқса, унга нима дейишни, қандай саломлашишни ҳам билмас, қолаверса, гарчи бу юрт аҳли ҳам турк эса-да, уларнинг гапини тушуниш анча қийин эди, аёлларнинг лаҳжаси, изхори дил шеваси янада мушкулроқ бўлса керак. Аммо ўзбеклар такасига кириб-чиқиб юрадиган қиз балки ўзбек тилини ҳам анча-мунча билар, англари...

III

Ниҳоят малак остонада кўринди – қуёш ярақлагандай. Аёл зотининг гўзаллиги, ҳусни дейилганда унинг бўй-басти, юз тузилиши, ориқ-семизлигининг ўртачалиги, умуман тана узвларининг ўзаро мутаносиб ва бежиримлиги, рангининг тозаллиги, терисининг тиниқлиги, истарсининг иссиқлиги, яъни кўзлари ва лаблари бурчларининг чиройли жилмайишга мойиллиги назарда тутиладиган бўлса, Бекназар кўзи билан қараганда қизнинг сиймоси, андоми-жуссаси ана шу мезон ва андозаларга қуюлиб тушиб, қолипдан ортиб ҳам қолгудек эди. Бугун у оч зангор тусли, енги тирсақдан кўйлак ва зардоли ранг нимчада янада яшнаб, гул-гул очилиб кетган эди. Қўлида кечагича тугун билан майда, текис қадам ташлаб, йўқ-йўқ, тупроқ юзида униб-ўсган инсон боласи эмас, самовий бир фаришта хиром айлаб келарди. Сарасоф солган киши нигоҳларидан санамнинг андак бесаранжомлигини илғаши мумкин эди. Лекин Бекназар ҳозир нигоҳларини эмас, лов-лов ёнаётган либослари-ю, шу либосларга ўралган хушбичим, навраста қаддини кўрарди, холос. Ирғиб ўрнидан туриб, гўё азиз бир меҳмон истиқболига пешвоз юрди ва «Салом, хоним!» деди. Қиз илкис тўхтаб, ёнгинасига келиб қолган одамга – кечаги кўрганидан анча ўзгарган – тозарган, яшарган, дадиллашган йигитга кўзи тушди. Нигоҳлар бир сония тўқнашди. Бекназарнинг юраги яна ҳадикданми, саросимаданми, шувиллади, қилган гуноҳи эвазига муқаррар жазо – дакки кутаётган боладай, оёқларидан мадор қочди, чиройли боқиб турган кўзларга тоб беролмай каловланди.

– Не деюрсиз, ҳожи оға? – Кўнгироқдай жаранглаган, шеваси ажиб бир ёқимли бу овознинг дангал ва шўхлиги Бекназарнинг ҳайратини янада оширди, шу билан бирга унга шахд, шахдгина эмас, жон ато этди.

– Мен ҳали ҳожимасман, энди кетяпман.

– Аллоҳ йўлингизни берсин, афандим.

Қизнинг деярли аниқ, ҳар ҳолда тушунарли сўзлаши йигитни руҳлантириб юборди, демак, у билан бемалол гаплашиш мумкин экан. Бироқ, Бекназар Насриддин Афанди тўғрисидаги ғаройиб ҳангомалару ичак узди латифаларни эшитганда қанчалик ҳузур қилмасин, бу енгилмас, ҳамиша мот қилувчи, ҳозиржавоб қаҳрамоннинг исми унда гоҳида қув, гоҳида лапашанг, гоҳида ўта бачкана, гоҳида жуда қитмир ва муғомбир, хуллас, турланувчан шахснинг умумий номи сифатида таассурот қолдирарди. Йигит гарчи турк гўзалининг дили озор чекиб қолиши мумкинлигига ақли етиб турса ҳам раддиясини баён этмоқдан тийилмади.

– Раҳмат, хоним, лекин мен афандияммасман, – деди у товушини бир оз пасайтириб ва дарҳол қизнинг юзидаги ифодани уқмоқчи бўлгандай, андишани ҳам четга суриб, астойдил разм солди. Аслида у мулоқотни узайтиришнинг бошқа йўлини тополмаётган эди.

– Унда кимсиз? – Сўроқ оҳангида, ҳар қалай, жиндай ранжиганлик аломати борлигини туйиш мумкин эди. Бундай саволни кутмаган Бекназар бир лаҳза довдиради.

– Жўнгина одам, – деди у ҳақиқий қишлоқча соддалик билан.

Шаҳло кўзлар пирпиради.

– Жўн одам – нечук одам?

– Шунақа, оддий одам, – Бекназар кифтларини қоқиб жилмайди – топган гапи ўзига энди кулгили туюла бошлаганди.

– Хуш қолинг, жўн одам!..

Қиз шундай деб кетмоққа тараддудланган эди, йигит шоша-пиша «Хоним, хоним!..» деб уни тўхтатди, ичида эса бундай журъату жасоратнинг қаердан пайдо бўлганига ҳайрон эди. Хизматчининг йўқлиги ҳам унга далда бераётганди.

– Лаббай, жўн одам, – деди қиз йигитнинг шошиб қолгани ва бечораваш ҳолати на-шаъа қилиб.

– Яна бир пас туринг...

– Хўп, бир пас эмас, икки пас ҳам турай. Сўзланг!

Бекназарнинг таажжуби ва завқи ортиб, кўзлари чарақлади. У хусусан қизнинг ўзбек тилида жуда чиройли гапиришидан худди энг мушкул муаммоси ҳал этилгандай ўзида йўқ эди. Унда ҳамсухбатининг турклигига шубҳа туғилди.

– Ўзбекчани қаердан биласиз? – сўради у гапни улаш учун юзага келган тайёр баҳонани қўлдан чиқармай.

– Бунинг тарихи узоқ, афандим, кечирасиз, муҳтарам жўн одам. Бўлдимми?

Бекназар орзуи рўёбга чиқиб, қиз билан тезгина учрашгани ва пойинтар-сойинтар саволларига унинг малолсиз жавоб бераётганидан бағоят мамнун, лекин шошилишда керакли гаплар эсига келмаётгандай туюлар, ўзидан койинарди, аммо аслида қизга нималар дейиши зарурлигини билмас, дабдурустанд изҳори муҳаббатдан тушиш одобдан эмаслигига ақли етар, бундай қилса, қизнинг, шубҳасиз, «тентакми бу...» деган мулоҳазага боришидан, ишнинг пачаваси чиқишидан кўрқарди, айна чоғда миясида яна бунақа имконият туғиладими, йўқми, шунинг учун ётиб қолгунча, отиб қол қабилда таваккал қилиш керакмикин, деган фикр айланиб, икки оёғини бир этикка тикарди.

– Қаерга шошасиз? – сўради у яна шунчаки вақтнинг чўзиш ниятида. Қизнинг жавоблари эса жуда мароқли эди.

– Шу ерга.

– Нима олиб келяпсиз, нонми?

– Овқат.

– Кимга?

– Мусофир-муҳтожларга.

– Камина ҳам муҳтож, фақат...

– Хўш?

– Овқат пиширганга.

– Ҳмм... Ошпазимизгами?

– Ошпазларинг борми?

– Бор-да.

– Аёлми, эркакми?

– Бунга нечук қизиқиб қолдингиз, жўн одам?

– Ҳовлинлар каттами?

– Ўртача, нима эди?

– Боғбонми, умуман, эркак хизматкор керакмасми сизларга демоқчийдим.

– Керак эди-ю, олиб қўйганмиз-да.

Бекназар қиз жавобларининг ҳазил ё чинлигини англолмай сал бўшашди, бачкана-лашиб кетмаяпманми, деб қисинди, иттифоқо бошқа гап ёдига тушиб, яна жонланди.

– Исмингизни билсак бўладими?

– Билиб нима қиласиз?

– Олиб кетаман.

Қиз «пиқ» этиб кулди, атрофга мусиқий жаранг таралди.

– Исминми-я? Қаёққа?

– Ўзбекистонга, – деди йигит энтикиб, қиз жиддий сўраётгандай.

Афтидан нозанин мусофирнинг сўзларини чиндан ҳам ҳазил деб ўйлади чоғи, кулиб сўрашда давом этди.

– Ўзбекистоннинг не ерига?

– Андижонга.

Қизнинг юз-кўзи жиддийлашди ва бир нафасдан кейин яна тилга кирди.

– Сиз Андижонданмисиз?

– Ҳа.

– Андижоннинг қаеридан?

– Қўқон қишлоқдан.

– Ий-е, шунақа денг... Сизни зиёрат қилиш керак экан.

- Бекназарнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.
- Сиз ҳам... Қўқон қишлоқданмисиз?
 - Олтинкўл томондан. Юртимиз тинчми? Қандай шамоллар учирди?
 - Қашқаргача сиёсат довули учиргани аниқ, бу ёққа сизнинг шамолнинг учириб кепти шекилли. Мана, кўрдингизми, исмингизни бекорга опкетаман, демаяпман экан.
 - Шунийчун ҳовлиқятувдим денг. Агар юртимизга бўлса, майли...
 - «Темирни қизиғида бос, Бек!»
 - Фақат... эгаси билан-да.
 - Қиз яна чимирилиб гўё сипо тортди.
 - Энди сал оширвормадингизми, афандим. (Қиз бу иборани суҳбатдошининг гашига тегиш учун атайин кўллади). – Сўнг лабини бурди. – Олиб кетармишлар... қандай қилиб олиб кетаркин?
 - Бошимга кўтариб ё... қўйнимга солиб, – деди Бекназар «жилов»ни бўшатмай.
 - Қиз қизаринди.
 - Ростдан жа тегишқоқ экансиз, а?
 - Мен жиддий гапиряпман.
 - Исминни айтмасам-чи?
 - Менга шугина ҳимматниям раво кўрмайсизми? Юртдошлик ҳурмати шуми?
 - Олиб кетиб қоламан деб кўрқитяпсиз-ку?
 - Аввал айтинг-чи.
 - Олиб кетишга арзийдими, йўқми денг.
 - Сиз одамнинг кўнглидаги ниятини билиб оларкансиз, а?
 - Ана шунақа, мен билан ҳазиллашманг.
 - Хўп, келишдик, мен самимий сўраяпман.
 - Исмин оддий – Фазилат.
 - Жуда чиройли ва маъноли-ку. Жамики яхши фазилатлар сизда экан-да.
 - Агар қизларнинг йўлини тўсиб, гапга солиб туравериш яхши фазилат бўлса, демак, у сиздаям бор.
 - Қаранг-а, қандай яхши фазилатим борикин, деб ўйлаб юрардим.
 - Бу хислат сизга тез-тез асқотиб турадимми?
 - Айтяпман-ку, бунақа фазилатим борлигини билмасидим деб.
 - Хўп яхши, энди олиб кетмайсизми?
 - Энди олиб кетаман-да, зора кеккайиб юришга арзийдиган фазилатим бўлса...
 - Қиз сохта чимирилиб, йигитга пастдан тикилди.
 - Э, аттанг, бўлак жўнроқ отни айтмапман-а?
 - Қандай исм бўлсаям барибир сизга ярашаверади.
 - Демак, сизга исмининг аҳамияти йўқ экан-да?
 - Эгаси ёқса, бошқа от қўйиб олсаям бўлаверади.
 - Исми чиройли бўлиб, ўзи ёқмаса-чи, унияма алмаштириб олса бўлаверадими? – муғомбирона жилмайди Фазилат.
 - Анча қувга ўхшайсиз, а?
 - Яна ёлғондакам тундланди қиз.
 - Ўшанда Фазилат савол-жавобларни чиндан ҳазил деб ўйлаган (бунақа ҳазилкашлар унга такяда илгари ҳам учраб турарди), хаёлига бошқа фикр келмаган эди.
 - Хуш қолинг, жўн одам, – у шундай деди-да, йигит ёнидан атир-ифор таратиб ўтиб кетди. Ўта туриб унга кечагидек ним табассум билан қиё боқиб қўйди. Бекназар бу қарашнинг маънисини уқолмай қийналди. «Ҳолингиз шу экан-ку, яхши йигит, гап айлан-тиришни биласиз холос экан-да», демоқчи бўлдимикин?
 - Фазилат зина ёнида тараддулланиб туриб қолди.
 - Бекназар у томон юриб борди.
 - Ҳожи отанинг олдига киргани тортиняпман, манавини бериб қўёлмайсизми? – қиз кўлидаги тугунга ишора қилди.
 - Жоним билан. Эҳтимол бизгаям насиба тегиб қолар. Ё ўзи бир кишиликмми? Кўнгил учун бўлсаям бирга баҳам кўринглар демайсиз-а...
 - Кечирасиз, шу мулозамат эсимга келмабди.
 - Ўзи шунақа манзират борми бу ерда?
 - Йўқ десаям бўлади, лекин сизам жа манзират кутиб ўтирадиганларга ўхшамайсиз.
 - Шунақа суллоҳ кўринаманими?

- Тушунмадим.
- Сурроққа ўхшайманми дейман.
- Йўғе, ўлибманми ўз юртдошим ҳақида шунақа хаёлга бориб. Хафа бўлдингизми?
- Йўқ, хурсанд бўлдим, дилингиздагини очиқ айтганингизга.
- Кесатяспиз-а? Савлатингизга қараганда... нозик экансиз.
- Мусофир одамнинг кўнгли ярим бўлиб қоларкан.
- Мусофир сизми, бизми? Майли, яхши боринг, юртдошларга салом айтинг, – деди жўнашга чоғланган Фазилат.
- Бекназар лабини тишлади.
- Мен ҳозирча ҳеч қаёққа кетаётганим йўқ.
- Қиз тўхтаб, Бекназарга юзланди.
- Бу ерда бутунлай қолиб кетмасиз?
- Тақдир билади.
- Яхши ният қилинг. Ҳажга бормоқчисиз шекилли?..
- Бекназар сустланди.
- Худо хоҳласа...
- Фазилат бирдан жилмайди.
- Қайтишда яна шу ерга тушасизми? – сўради у қандайдир ўзгача – эрқаланганнамо оҳангда.
- Бекназарнинг ҳам чеҳраси ёришди.
- Албатта, лекин ҳозирча шу ердан, яна келишингизни кутаман, Фазилат, исми
- Бекназар.
- Омон бўлинг, Бекназар ака.
- Фазилат дарвоза ёнига етганда орқасига ўгирилди-да, Бекназарга яна енгил табас-сумли нигоҳ ташлади ва остона ҳатлади. Йигит назарида қизнинг қараш ишоралидай туюлди. Тугунни айвон четига қўйиб, дарвоза сари лўкиллади. Остонадан ўтиб, атрофга ошиғич кўз югуртирди – йўлнинг икки тарафи ҳам анча ергача аниқ кўриниб турар, аммо Фазилат йўқ эди. Бекназар таажжуб ичра қотди. Орада кечган қисқа фурсатда қиз қаёққа қайиб бўлиши мумкин?
- Кўчанинг нариги юзи – кунгай томон анча пастлик эди, тунука ё сопол лахтақчали томлар дарахтзорлар ичидан кўриниб турар, тахминан бир ярим қақирим нарида Мармар денгизининг кўкитир суви чайқалиб ётар, бундай сўлим манзара, ҳузурбахш ҳаво дашту биёбонларда сувсизликда чўллаб, дармонсизланиб, иссиқдан нафаси қайтиб зада бўлганлар учун жоннинг малҳами, кўзнинг роҳати эди. Бекназарни эса ҳозир табиат жозибаси ҳам, бошқаси ҳам қизиқтирмасди, у теваракка аланг-жалаң қилиб яна бир оз тургач, руҳи тушиб ортига бурилди. Шу пайт «пик» деган кулги эшитилди, у кескин ўгирилиб, овоз келган ёққа қаради. Фазилат кун чиқиш сари чопқиллаб борарди. Шунда йигитнинг назари ўзидан бир неча қадам нарида, йўл чеккасида наъматаксимон тўп бўлиб ўсан, новдалари тебранаётган қушолмасига¹ тушди. Катта-катта одим отиб қиз кетидан юрди. У ҳозир нима қилмоқчи эканини мушоҳада этишдан ожиз эди. Фазилат йигирма-ўттиз қадамча чопиб боргач секинлаб, ортига бир қайрилиб боқди, аммо Бекназар қизнинг юзи-кўзидаги ифодани пайқай олмади.
- Бекназар ҳамон йирик қадамлар билан интилар, қиз билан ораларидаги масофа қисқариб борарди. Кўча нишаблик адоғига, шундоқ рўпарадаги икки қанотли ёғоч эшиги қия очиқ ҳовлига етиб тўхтар, шу жойдан йўл айри мисол икки ёнга давом этарди. Айни шу ердан чапдаги дарахтзор сийраклашиб, у тарафда ҳам хонадонлар – ёнма-ён қатор дарвозалар бошланиб кетган эди. Оху изидан қуваётган сайёд сингари «сайд»идан кўз узмаётган Бекназар бирдан уни йўқотиб қўйди (тезроқ югуришни ўзига эп кўрмаётган эди). Қиз зимдан кузатиб келаётган шубҳали шарпани адаштирган каби яна қайгадир яширинганди. Йигит кўча ўртасида тўхтаб, энтикканича дарвозаларга жалаңглай бошлади. Ўша пайтда у диққатини жамлаб разм солганида эшиклардан бирининг ортида боягидан енгилроқ «пик»иллашни эшитарди, лекин у ҳаяжонда, саросимада ва бир оз ҳадикда (ахир, бегона шаҳар, биронтаси «Кимсан, нимага у қизни қувляпсан», деб қолиши мумкин-ку!), қолаверса, темирчининг босқонидай ураётган юрагининг товуши анча-мунча пиқирлашу қиқирлашни босиб кетарди.
- Ўнг бетдаги дарвозалардан бири ғийқиллаб очилди. Бекназар яшин тезлигида ўгирилди. Ўйма нақшли қопқанинг ички бўсағасида қирқ беш ёшлардаги, еңги, этаклари узун жигаранг кўйлак кийиб, бошига кукиш фаранг рўмол солган хушрўйгина жувон

¹ Қушолмаси – майда, олмасимон мевали ва манзарали бута.

унга ажабсиниб қарарди. Йигитнинг шашти пасайди, кўзини олиб қочди, сўлжайиб ортига қайтди. Ўшанда «опа» билан саломлашиб қўймагани учун (уни турк аёли чамалаган эди) кейин анчагача ўзидан гиналаб юрди.

Қисқа муддатли, истиғно ва эркалик омухталанган ҳолатлар кейинчалик кўпгина савол-жавобларга асос-баҳона бўлди, савол-жавоблар эса анча муҳамликларни ойдинлаштирди, ойдинликлар уларни бир-бирига яқинлаштирди, яқинлик хийла муфассал мулоқотлар билан мустаҳкамланди.

IV

Бекназар ўз элидан бир неча минг чақирим узоқда миллатдош қизни учратиб, унга асир бўлиб қолишни қандай шарҳлашни ҳам билмасди. Балки бу тақдир тақозосидир, деган фикр лоп этиб кўнглига келди-ю, онги-шууридан сира кетмай қўйди. У турк гўзали деб ишонгани асил ўзбек санами, боз устига ҳамюрт эканини билгач, оддий денгиз тоши деб ўйлагани қимматбаҳо лаъл чиқиб қолган жавоҳир изловчидай, ўзини қўярга жой тополмасди. Назарида энг мушкул муаммо ҳал бўлгандай, ўртадаги улкан, ваҳимали ғов-тўсиқ бартараф этилгандай эди. Фазилат хонимнинг уни ўзига яқин олиб Бекназар ака дейиши, у билан бекинмачоқ ўйнагани, «қайтишда яна такаяга тушасизми?» деб сўрагани эса уни бир йўла арши аълога ҳаволатиб юборди. Бояқиш дўпписини осмонга шу қадар қаттиқ отдики, ёнгинасида тарвақайлаб ўсиб ётган каштаннинг энг юқори шохларидан ҳам ўтиб кетди; унга деса дўпписи қайтиб тушмаса ҳам, бу ёғига бир умр ялангош юраверишга ҳам рози эди.

Фазилат энди такаяга бот-бот қадам ранжида қиларди. Энди унинг кўлида бир жуфтгина чевати ёки шунга ўхшаш ихчамгина тугун бўларди. Дароз хизматчи, унинг оти Жавдар бўлиб, Фазилат Жавдар оға дерди, Бекназарнинг елкасига қоқди: «Ахири шўх ғизолни тузоғинга илинтирдингми дейман, кунда-шунда бўп қолди. Ҳа, анойимас экансан сен андижонлик. Лекин ишқ дегани мисли алангаи оташ, – яна аввалги гапини такрорлади у, – ўзингням, унияма куйдириб хароб этмасанг, бас. Ахир сени юртинг кўп олис. У бой ўтган бир савдогарнинг арзандаси, ёлғиз онаси уни сенга бериб қўярмиди? Вақтинчалик кўнглихушликни кўзласанг, чакки қиласан, бу ўйинг хато, у имонли қиз. Сен ўзи муборак ҳаж сафарига отланган бўлсанг... Бу ишинг парвардигорга хуш келармикин?»

Жавдар оғанинг писандалари Бекназарни бир доводиратди, эсанкиратди, эсини озгина жойига туширди. Ҳа-да, оила-рўзгор ташвишларини кекса падари бузруквори гарданига ортиб, қачонлардир қишлоқдан чиқиб кетган, балки аллақачон меҳри ҳам кўтарилиб, бегонага айланган қариндошини орқа қилиб Арабистонга қочиб бораётган кимса ярим йўлда тайёр ҳамроҳлардан ажралиб, ошиқ-маъшуқлик ўйнаб юрса-я...

У ёқда ота-бола режаларидан беҳабар онаизори эшик тиқ этса сапчиб, ўзидан кетай деб, ҳар лаҳза зорлик билан йўлига қараётгандир. Мана, уйдан чиққанига юз кундан ошди, ҳали Маккаи мукаррамагача анча масофа бор. Дарвоқе, қурбон ҳайити яқинлашяпти, демак, ҳадемай ҳаж мавсуми бошланади. Йўл билмайдиган мусофир довдираб-сандираб топиб боргунча яна қанча кун ўтади. Андижонга қачон қайтиш насиб этади – бир худо билади. Ҳали-бери қайтишим даргумонов, мана, бундан йигирма – ўн беш йиллар аввал шундай савдо билан юртдан чиқиб кетганларнинг биронтаси келмади-ку, шунча вақт мобайнида сиёсат ўзгармади, юшмамади-ку, аксинча, аҳвол баттарлашиб боряпти...

Фазилат ўзи мойиллик билдирган тақдирда ҳам, онаси-чи? Бордию, онаси ҳам рози бўлса, нима қилади, қаёққа олиб кетади? Маккаи мукаррамагами? Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига деб... Ахир ҳозир Қашқарга ҳам қайтолмайди-ку, у ердаги қалтис вазиятни билди-ку... Бу – масаланинг бир томони, иккинчи муаммо – чўнтак... Қаёққа юрганда ҳам ҳазилакам маблағ керакми, қаердан топади? Янаям, Азим ҳожи тоға берган ақча билан шу жойгача етиб келди, шериклари билан кетса, бир амаллаб Арабистонга бориб олиши мумкин эди...

Бу хаёлларнинг ҳаммаси ҳам хом эмас эди. Фазилат энди Бекназардан ётсирамас, қушолмаси панасига, ўзгалар дарвозаси орқасига беркиниб уни гангитмасди, аксинча, уйгача кузатиб қўйиш учун йигитга изн-ихтиёр берарди. Уйлари – ўша куни хушрўй аёл чиққан ҳовли, аёл эса қизнинг онаси экан...

Бекназарнинг вақти зиқ, ҳамёнининг таги кўриниб борар, бинобарин, қиз билан бекинмачоқ ўйнаб юраверишга имкони ҳам чекли эди.

– Мен сизни ёқтириб қолдим, – деди у Фазилатнинг ўтли кўзларига дош бериб, жиддий тарзда.

Бундай ибора мағриблик қизни ортиқча энтиктириб, унга ширин ташвиш орттирмас, навжувоннинг зиммасига эса у қадар катта масъулият юкламас, улар бир неча йиллар давомида бир-бирини ёқтириб, ачомлашиб юраверишлари мумкин, лекин Шарқда, жумладан, ўзбекларда «ёқтириб қолдим» дегани «сизни севиб қолдим, сизга уйланаман» деган маъноларни қатъий ифодалайди.

Фазилатнинг шўхлиги қочиб, ерга қараб турарди.

– Яхши кўриб қолмадиммикин, деб қўрқяпман.

Қиз бошини кўтариб кулимсиради. Бекназар қизарди.

– Кулгили гапирдимми?

– Қўрққан одам қандай яхши кўраркин, деб ҳайрон бўляпман.

– Юракдан айтяпман.

Фазилат йигитнинг кўзларига синчков нигоҳ солди.

– Ақлдан ҳам айтяпсизми, Бекназар ака? Бу жой қайда-ю, Андижон қайда?

Бекназар Фазилатни бир қур чала қизиб совиган, интиқ қони бир қур қўзғалиб қониқмаган, қониқишга муҳтож, ҳар лаҳза қайта кўпиришга шай қайноқ йигитлик завқи билан севиб улгурган эди. Бекназар учун ўша дамларда тузуму сиёсатнинг, замону маконнинг, яъни қай даврда, қайси давлатда ва қай ҳолатда умргузаронлик қилаётганининг қиммати, аҳамияти йўқ, қайга, нима мақсадда сафарга отланганини ҳам паққос унутган, тўғрироғи, бу нарсалар ҳақида ўйлашни хоҳламасди. Шунинг учун у дастлаб Фазилатнинг қайси миллат, қандай мазҳабга мансублиги билан ҳам қизиқмаган, фақат унинг турк қавмидан эканлигини тахмин қилган эди, холос.

– Биладан, лекин ихтиёрим ўзимдамас, – деди. Қизнинг тортинмасдан бераётган саволлари унга руҳ, мадад бағишламоқда эди.

– Бечора ихтиёрингиз кимнинг кўлида? – сўради Фазилат одатича лабининг бир четини қимтиб. Бекназар талмовсираб тараддудланди. Энди оғиз жуфтлаган эди, қиз сўзида давом этди. – Мени нотўғри тушунапсиз шекилли. Сизни ота юртимиздан кепти деб гаплашятувдим.

– Фикри-ёдимда – сиз, – деди ўзини анча ўнглаб олган йигит. Ўқ камондан узилган, энди уни қайтаришнинг иложи йўқ эди. – Кечалари ухламаяпман.

– Араб эртақларида шунақа гапларни ўқувдим, – деди Фазилат кесатганнамо жилмайиб.

– Кулманг. Бахтимга ҳамюрт, ҳаммиллат экансиз, агар турк қизи бўлганингиздаям фикримдан қайтмасдим.

– Қанақа фикрдан?

– Сизни яхши кўриш фикридан.

– Яхши кўриш шунақа осонми?

– Қийналаётганимни сезмаяпсиз-да.

– Мени қанақалигимни билмайсиз-у, эҳтимол феълим ёмондир.

– Тошга сол, бахтингдан кўр дейишади.

– Шўрингизга шўрва тўкилиб қолса -чи?

– Ниятим қатъий.

– Сизга фақат ўз ниятингиз кифоями?

– Мен сизга ишоняпман.

Фазилатнинг мижжаларига яна табассум қалқди, лекин у тезгина жиддийлашди.

– Лекин мен ўзимга ишонмайман.

– Нимага? – шоша-пиша сўради Бекназар ўзгача хаёлга бориб.

– Онам...

– Онангизни кўндираимиз.

Қиз бош чайқади.

– Ўлимдан бошқасининг чораси бор, – тобора дадиллашарди йигит.

– Бу – ўлимдан ҳам қийин бўлса керак.

– Унақа деманг, ноумид шайтон. Мен сизни ҳеч қачон ранжитмасликка ваъда берман.

– Дадамни дунёдаги энг яхши эркак деб ўйлардим, менимча ҳақиқатдаям шундай эди. Онам ҳам унинг юзига тик қарамасди, лекин уларниям келишолмай, «сен-мен»га борадиган пайтлари бўларди.

– Балки дадангиз яхши кўрмай уйлангандир. Бизнинг муносабатларимиз бошқача бўлишини кўнглим сезиб турибди.

- Буни олдиндан айтиш қийин.
- Тирик юрсам, муҳаббатимниям, аҳдимниям чинлигини исботлашга уринаман.
- Ана шу-да. Ким билади?.. Фазилат сўзларим қаттиқ таъсир қилмадимикин, дегандай суҳбатдошига ер остидан кўз югуртирди.
- Худо хоҳласа, умрим узун бўлади – сиз учун. Сизникиям... Худодан фақат шуни тилайман.
- Одамга умр билан бирга яна кўп нарса керак.
- Бекназарнинг дилидан ақли бутунгина экан деган фикр ўтди. Қиздаги зеҳн, идрок сарчашмалари – мусофирчилик, отасининг ўлими, онасининг ўгитлари эди.
- Худо бандага умр, онг, тил ато қилиб қўйгандан кейин қолганига ўзи тиришиб эришади-да.
- Тақдир олдиндан пешонага ёзилган бўлади дейишади.
- Тўғри, эҳтимол сиз менинг пешонамга ёзилгандирсиз. Эҳтимол мени шунча узоқдан бу ерга ана шу тақдир етаклаб келгандир.
- Ахир сиз ҳажга кетаётган одам эдингиз-ку.
- Ҳа, лекин сизни кўриб, шерикларимдан қолиб кетдим, буям бежизмасдир.

Қиз ва унинг онаси розилик беришса, Бекназар Саудияга бориб, амакисига дил ёрмоқни, ундан кўмак олиб келиб, бу ерда баҳоли кудрат тўй расми-русмини ўтказишгач, Фазилат билан Қашқарга қайтмоқни, Андижондаги аҳволни суриштириб, вазият яхши бўлса, ўтиб кетишни ўзича режалаштирмоқда эди (Одамзод нималарни орзу қилмайди-я!). У, агар қиз бола қаттиқ туриб олса, она кўниши мумкин, деган хаёлда эди. Бундай тўхтамага келишининг ўзига яраша ослари бор эди. Уларнинг қишлоғидаги бир оила Туркменистондан, яна бири Озарбайжондан келин туширишган эди. Куёвлардан бири – туркменистонликка уйлангани қиз билан Тошкентдаги бир институтда ўқишган, иккинчиси ҳарбий хизмат пайтида учрашиб, яхши кўриб қолган эди. (Армиядан рус, украин ё татар қизларини бошлаб келганлар-ку кўп эди). Ўша қизларнинг ота-оналари учун шунча узоқ йўл баҳона ҳам, тўсиқ ҳам бўлолмаган-ку. Йигит бирдан гуриллаган муҳаббат оташи-алангасида ёнаётгани учун масаланинг бир муҳим жиҳатини инobatта олмаётган эди: қиз ёлғизгина онасини ташлаб, у билан борса-келмас ёқларга кетиши мумкинми ва бу адолатданми? Танҳогина овунчидан ҳам айрилса, бечора беванинг ҳаёти қандай кечади?

Фазилат ҳали Бекназар бошидан кечирган асил савдолардан муфассал хабардор эмас, ҳаж қилгач, юртига қайтса керак, деб ўйларди.

– Мен барибир бир нарса деёлмайман, ҳатто, ўйлаб кўришгаём ваъда беролмайман, – деди у йигитнинг тезроқ бир қарорга келишимиз керак, меням баъзи муаммоларим бор, деган илтижосига жавобан. – Тўғри, туғилган жойларимни, қариндош-уруғларимни кўргим келади, лекин...

V

Отаси қазосидан бери Фазилат уни кўмсаб, юраги эзилиб, кўп тунларни уйқусиз, кўп кунларни йиғлаб ўтказарди. Ёнида онаси борлигига қарамай, ўзини ёлғиз ва ҳимоясиз, бегоналар орасида вақтинча яшаётгандай, муаллақ ҳис этарди... Онаси ҳам бот-бот оғриб қолади. Назарида... шуни ўйлаб баъзан даҳшатга тушарди. Бирон кор-ҳол рўй берса, қайга боради, нима қилади?.. У отасидан абадул-абад жудо бўлганига ҳали-ҳамон ишонгиси келмас, қисматнинг бундай оғир зарбасига миттигина юрагининг қандай дош бериб келаётганига ўзи ҳам ажабланарди. Унинг фикрича, дадажониси бевақт, барвақт ўлмаслиги керак эди, у ҳар доим бир куни албатта ватанга қайтамин, деб таъкидлагани-таъкидлаган, бу гап Шарифа опанинг ҳам, Фазилатнинг ҳам қалби ва онгининг қатқатларига сингиб кетган эди. Қизнинг наздида отаси бир кун тирилиб келадигандай ва уларни, ўзи айтганидай, Ўзбекистонга кўчириб олиб кетадигандай туюларди. Бу хаёл қиз кўнглининг бир чеккасини шам каби хирагина ёритиб тургандай эди. Онанинг дарди ҳам қизиникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Жигаргўшаларидан, кўнгил яқинларидан эрта айрилган ва мусофирлик, сиғиндиликнинг жабру-жафоларини хўп тортган Шарифа хонимнинг Фазилатдан бўлак ёзилиб гаплашадиган, юраги ачишиб ғами-андуҳини бўлишадиган одами йўқ. Қизнинг сезишича, онаси уни авайлаб, ўзини вақти чоғдай кўрсатарди. Шаҳарда Афғонистондан, Покистон томонлардан келиб қолган, асли ота-боболари ўзбекистонлик оилалар кам бўлса ҳам бор, лекин Фазилатлар улар билан борди-келди қилишмасди.

Ўша пайтларда Истанбулга бир неча йилгина аввал келиб ўрнашган ўзбеклар – аламзада ватангадолар бир-бирлари билан аҳил ва яқин муносабатда эмас эди. Қолаверса, Фазилатнинг отаси кўпинча узоқ шаҳар ва мамлакатларда савдо-тижорат ишлари билан юргани сабабли ватандошлари билан аҳён-аҳёндагина, қисқа фурсат учрашар, уларнинг ўзаро мулоқот-ийгинларида ҳам иштирок этолмасди. Инчунин, мусофир ҳамюрт, ҳамдардлардан икки-учтасининг боши бир ерга жамланса, дарҳол халқаро аҳволдан тушишлари, умид кўзларини Америкага, Олмонияга тикиб, ўша ёқлардан нажот кутадиган, асли саводлари ҳаминқадар, аммо қўйиб берса, ҳар бири дунёни остин-устин қилиш, гўё нотекис айланадиган фалак чарҳини бир из, бир маромга солиб қўя олиш салоҳиятига эгадек чиранишлари сиёсатдан, ҳукумат доирасидаги ҳодиса ва масалалардан ўзини қирқ газ олиб қочадиган Исмоил аканинг энсасини қотирарди, ўзларини ҳар қандай мураккаб сиёсий-ижтимоий муаммони ўтирган ўринларида ҳал қилиб қўядигандек тутадиган бу беватан, дарбадар сафсатабозларнинг кимларнидир алқаб, кимларнингдир гўрига ёшиқ қалашларига, миллионлаб қочоқларга ҳавода учиб юрган пашшачалик аҳамият бермайдиган хорижий ҳукмдорларнинг гўё буларнинг фикр-мулоҳазалари асосида иш олиб боришса, олам гулистону, ер усти жаннат бўлиб кетадигандай, тақаллуфсизлик билан давлатни бошқариш, сиёсат юргизиш борасида «оқилона» усуллар, йўриқлар таклиф этишиб, чақаклари ситилгудай талашиб-тортишишларини эшитиб ўтиришга сира тоби-тоқати йўқ эди.

Бир гал Бекназарнинг қистови билан Фазилат Истанбулга қачон, қандай келиб қолишганини сўзлаб бери.

Октябрь тўнтаридан кейин, шўро ҳукумати давлатни оёққа қўйиб олгач, одамларни сарак-пучакка ажратиларга тушади. Шўравийлар наздида ишга яроқли икки қўли ва оч қоридан бошқа ҳеч вақоси йўқ йўқсил большевиклар сарак, қолганлар эса пучаклар эди. Тадбиркор давлатмандлар, ер-сув эгалари, хунармандлар, савдогарлар, дўкондорлар, умуман андак кўри борлар табақаси «қулоқ» деб қораланиб, мол-мулки мусодара этилар, бу ҳам етмагандай, ўзлари тазийқ остига олиниб сургун қилинарди. Авомнинг онги, қалбига мустақиллик, озодлик, ватан тушунчалари ва туйғуларини сингдирмоқчи, уларга тўғри йўлни кўрсатмоқчи бўлган халқпарвар зиёли, маърифатли кишилар манглайига «халқ душмани», Исломи дини арбоблари, уламолар, муфтию, мударрислар, арабчадан озгина хат-саводи борлар, китоб ўқийдиганларниқига «зарарли диний унсур», «шўрога ҳақсиз» (яъни фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилган) тамгалари ёпиштирилиб, қора рўйхатга тиркаларди. Ундайлар олдида икки йўл бор эди холос: ё бўйинларини ювош қўй каби сиртмоққа тутиб бериш ё қочиш...

Бола-бақралари билан Русиянинг олис ўрмонларида, қаҳратон изғиринларида қулдай ишлаб ўлиб кетишларидан маъно йўқ эди. Бинобарин, уларга ватан хоинлари деган айб қўйишни адолатдан деб бўлмасди. Улар мол-дунёсидан ажралиб қолишни истамаган, ё ўз ҳузурини кўзлаган худбинлар, ватанпарварлик, миллий ғурур ҳиссини яхши туймаган, дунёнинг у ёғи ҳам, бу ёғи ҳам бир деб ўйлайдиган бефарқ кимсалар сифатида қораланишса, бошқа гап эди.

Шўро давлатидан қочиб чиқишганлар фақат ўзбеклар эмас, бошқа миллат ичида ҳам тарки ватан ихтиёр этганлар кам эмас эди. Бу чора ўша даврга, мавжуд тузум ва сиёсатга нисбатан норозилик, исённинг амалдаги ифодаси эди. Бундан ортиғи уларнинг қўлидан ҳам келмасди.

Ўрта осиелик муҳожирлар четга икки йўналиш – машриқ тарафдан Қашқар (Шарқий Туркистон) ва мағрибдан Афғонистон орқали чиқиб кетишган. Ҳар икки йўл ҳам бир-биридан баттар машаққатли, хатарли эди. Афғонистонга асов пўртаналари ҳар қандай Алпомишни кўрдим демай, ямламай ютадиган Жайхун дарёсидан ўтиларди. Шўронинг юраклари шафқатсиз йиртқичларники билан чатиштирилган ГПУчилари, давлат хавфсизлик маҳкамаларининг ходимлари, чегарачилар дарё бўйида кечасию кундузи оч бўрилардек изғиб, қамишлар орасида пусиб ётишарди. Улар зиммасига ўша тузум сиёсатидан, адолатсизликдан, ҳуқуқсизликдан безиб, уяси бузилган қушлар каби ўзларини ҳар томонга урган одамларнинг қочиб жон сақлашларига ҳам йўл қўймаслик вазифаси юкланган эди. Улар маошларини «ҳалоллаб», «хожаларининг» ишончини оқлаш, рағбатга эришиш мақсадида масъулиятли топшириқни қойиллатиб адо этиш учун астойдил, жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишарди. Айғоқчи фармонбардорлар дарёга яқинлашган қочқинларга қопқон каби беҳосдан панд бериб, қўл-оёғини боғлаб, қайтариб кетишар ва

керакли жойга топширишарди. Ярим кечалари уларни бир амаллаб ғафлатда қолдириб ё ҳеч ким кутмаган жойда яшириниб турадиган гупсарчилар билан келишиб, дарёдан ўтиб кетаётганларни аёвсиз равишда ўққа тутишарди. Ҳа, посбон-пойлоқчилар қавмлари, ўз ҳаммиллатларини ҳам, улар чол ё кампирми, ёш келинчак ё гўдакми, тош юраклари заррача ачишмай отиб ташлашарди. Одам фарзандлари орасидан сайлаб олинган бу жон қароқчилари онги, шууридан, қалбидан раҳм-шафқат, ачиниш ҳислари қай тарзда ситиб чиқариб юборилганини ҳеч ким билмасди.

Исковучлар доғда қолишган тақдирда ҳам «кутилдик, энди марра бизники» дейишга ҳали эрта эди. Ҳали олдинда Жайхун тўлқинлари аждаҳодай комини очиб, ўз қурбонларини кутиб, пишқириб ётарди...

1933 йил. Фазилат саккиз ойлик чақалоқ эди. Бобоси бой сифатида сиқувга олина бошлагач, қочишга қарор қиладилар. Эрта баҳор сувлар совуқ маҳалида кўп машаққатлар билан бир неча кунда Жайхун дарёси бўйига етиб боришади. Кечаси қоронғида гупсарда¹ Афғонистон тарафга ўтишаётганида бирдан кучли афғон шамоли туриб, ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб юборади. Осмон-фалакка кўтарилган бешик-бешик тўлқинлар уларнинг гупсарини олдиндаги бошқа бир солга олиб бориб уради, иккала сол ҳам чайқалиб, ағдарилиб кетаёзади, устиларидаги одамларнинг кўпи, ёш болалар учиб кетишади. Фазилатларнинг солида ўн бир кишидан атига беш киши қолган, бобо, эна, ўртанчи амаки, унинг бир қиз, бир ўғли ва яна бир жувон сувга ғарқ бўлишган эди. Воқеанинг ҳақиқий тафсилотидан Фазилат анча йиллардан кейин воқиф этилади.

Шарифа опа муҳиш ўтмишларини Фазилатга бот-бот гапириб берарди. Қиз, айниқса, дарёдан ўтишдаги ҳалокатли воқеани худди қўрқинчли эртақ каби титраб-қақшаб тингларди. Шунга қарамай, болалигига бориб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган у аянчли ҳодисаларга кинога қизиққандек қизиқарди.

– Қайиғимиз олдиндаги қайиққа бориб урилганда шундай қаттиқ қарсиллаган овоз чикдики, хаёлимда худди шундайгина бошимиз устида тўп отилгандай туюлди, – дерди берилиб кетган Шарифа опа кўзлари ола-кула бўлиб, – эсласам, ҳали-ҳали юрагим орқага тортади. Бирпас нима юз берганини фаҳмламай ўтирдим. Гупсаримиз қўполлик билан терватилган беланчақдай бирдан айланиб кетдию, қийшайиб, сувга ёнбошлаб қолди...

Улғайган сари инсон қадр-қиммати, умр моҳиятини англай бошлагач, Фазилатнинг юраги у фожеий тарихни кўтармай қолди. «Қўйинг, гапирманг, одамни эзворади», дерди у кўзига ёш олиб.

– Ўшанда мен отамнинг қучоғида эканман, – ҳикоясини давом эттирди Фазилат, – сол тебраниб ёнбошлаганда отам мункиб йиқилган, мен сувга тушиб кетай депман, у жон халпида бир қўли билан гупсарчини маҳкам ушлаб, билагимдан жон-жаҳди билан тортганида чириллаб йиғлаворган эканман, кейин ҳам тўхтамай биғиллайверибман. Қирғоқда у ёқ-бу ёғимни кўришиб, кўлимнинг елкамдан чиқиб қолганини билишибди. Синиқчи истаб даволатишгунча дам-бадам додлаб, ҳаммани қийнаган эканман. Ўшанда, ўша бахтсиз кечада бошқа хешларимиз қатори онам ҳам сувда оқиб кетган.

– Онангиз? – гапни бўлди Бекназар.

– Ҳа, онам, – деди қиз овози қалтираб, унинг чиройли, тиниқ қорачиқларини ёш хиралаштирган эди. – Отам мен билан куймаланиб, бошқа ҳеч кимга қараёлмай қолган, ҳамма ўзи билан ўзи, бировга ёрдам бериш тўғрисида ўйлашга ҳам улгуришмаган, фалокат кўз очиб юмгунча содир бўлган. Кўпчилик ўзиниям эпполмай, сувга шалоплаб тушган, қутурган тўлқинлар уюрмаси уларни бир пасда қаърига ютворган. ...Мен онамнинг юзини ҳам тусполмайман. Отам раҳматли ўшанда мени қандай тирик олиб қолганига ҳайронман...

Мозори Шарифда ҳаммаси бир ҳовлида ижарада яшашарди. Орадан бир оз вақт ўтгач, катта амаки ва унинг аёли Фазилатнинг отаси Исмоил билан ўртанчи амакининг беваси Шарифа келини ўртага олишиб, бўлар иш бўлди, пешонамизга ёзилгани шу шекилли, энди Фазилатни етти ёт, ғайри миллат ўғай этагига солмай, иккалангиз бирга парваришланглар Шарифа, ҳарқалай ўзимизники, қизалоқ ҳам етимлигини билмай кўя қолсин, деб маслаҳат беришади. Уканинг эътирозига, Шарифа келиннинг уялиб-иккиланишига «Ҳа, сен бошқа хотин олиб, сен бошқа эрга тегмоқчимисан? Мусофир юртда сенларга кимнинг кўзи учиб турибди», дея ўдағайлашади, бизнинг қароримиз шу, бошқа илож ҳам йўқ дейишади. Дарҳақиқат, ёш отанинг чақалоқ билан қийналиши турган гап эди, ахир ўзи

¹ Гупсар – кечув, дарёлардан ўтишга мўлжалланган, ичига ҳаво тўлдирилган катта мешлар ҳодларга маташтириб боғланган қўлбола сол.

мусофир бўлса, кимгаям уйланарди, беватан, дарбадар одамга ким ҳам суюкли қизини раво кўрарди? Шарифа келин ҳам бир ўзи эркаклар ичида нима қилишини билмай боши қотган, ўқсиб, бевалигидан ўнғайсизланар ҳам ҳадиксирарди. Иккаласи яна бир йилча бир ҳовлида бошқа-бошқа тунаб юришади, бир-бирининг юзига тик қарагани ботинишмасди. Кейин... тақдирга бўйсунушиди. Шундаям Исмоилнинг иродасига, сабр-бардошига тан берган Шарифа ўринни битта солади. У ҳам қизалоққа худди ўз боласидай қараб, оқ ювиб, оқ тараб, йигитнинг иззат-ҳурматини қозонган эди.

– Бу гаплардан мен беҳабар эдим, – дейди Фазилат бармоқлари билан тепа лабининг қирида осилиб турган кўзёшларини сидириб ташларкан, – амакимнинг хотинини ўз онам деб билардим, унинг ўғайлиги ҳақидаги фикр ҳеч қачон миямга келмаган, биров айтсаям ишонмасдим. Отам билан Шарифа келина яна бу сирни мендан пинҳон тутишга келишишган бўлса керак, бирор марта ё униси, ё буниси мени шубҳалантирадиган сўз ё бошқа сабабга йўл қўйишмаган. Биз Афғонистонда узоқ – ўн йилча бир жойда қўним топмай, ҳали Қундуз, ҳали Таххор, ҳали Қандахорга кўчиб, тентираб-довдираганмиз. Нимагадир амаким, келинаямлар билан бошқа-бошқа бўлиб кетганмиз. Энди, балки бир кунмас-бир кун менга ҳақиқатни сездириб қўйишларидан чўчиб шундай йўл тутишганмикин, деб ўйлайман. Тўғри, бундай кўчманчилик, беқарорликнинг бошқа сабаблариям бор эди. Ҳамма ердаям бизга яхши муносабатда бўлишавермасди, қайтага, ёвқараш қиладиганлар кўп эди. Сўнгра, отам, онамнинг айтишича, юртимизда тез орада ўзгарш юз беришидан умидвор экан, бунақа тузум узоқ ҳукм сурмайди, ҳаммаси яна жой-жойига тушади, шунда албатта ватанга қайтамыз, давлатимиз бизга ўхшаган бахти қароларни чақириб олади, ҳовли-жой қилсак, илдиэ отиб боғланиб қоламиз деб, иккиланиб юрардийкан. Кейин билсам, бунақа кўнгилсизлик, ҳардамхаёллик кўпчилик мусофирларга хос экан. Отам Афғонистондаги нотинчликлар, бесаранжомликлардан, ола қарашлардан безганми... Эс-эс биламан: одамлари кўзимга тунд, ғалати кўринарди. Уйлари, кийимлари хароб эди. Қишлари совуқ, ёзда нафасни қайтарадиган иссиқ шамол, чанг-тўзон кўп бўларди... Хуллас, Покистонга ўтиб кетганмиз. У ёқдаям олдин Пешовар, кегин Равалпинди деган шаҳарларда икки йилдан ортиқроқ тургач, Аданага келдик...

VI

Қарийб ўн беш-ўн олти йил давомида қанча жойга кўчишган, эшак арава, қаттиқ юк машиналари ва бошқа хил уловларда юк-тақлари устида ғужанак бўлиб ўтиришганича, юзлаб, минглаб чақиримли тошлок, қум-тупроқли йўлларда оғзи-бурни, қулоқлари чангга тўлиб, жазирама қуёш нурлари юз-кўзлари, баданларига найза бўлиб санчиладиган бепоён саҳроларда, ҳайбатли, хавфли доволарда силкиниб-силтаниб, ичаклари эшилиб оғриганлари, қорни очиб, силласи қуриганда кўнгли озиб, қайт қилиб юборганлари, қисқаси, ўйласа юраги зулук чаққандай чимиллайдиган кунларни қайта эслаш, ҳикоя қилишгина эмас, эшитиш ҳам оғир эди.

Туркиянинг йирик шаҳарларидан бири Аданада ҳам икки йилча умргузаронлик қилдилар. Фазилат қафасда олиб юриладиган ёввойи қушча сингари бир-бирига ўхшамаган жойларда ҳайрон, диққинафас бўлиб, ҳеч кимга элакишмай кунларни ўтказарди... «Ё биронта кўнгил ёзгулик сирдош дугона орттиролмадим» дейди у алам билан. Истанбулга келишгач, уч йил одамларга ўхшаб хотиржам яшадилар. Аммо Исмоил аканинг бу шаҳарда ҳам муқим бир ватан қилиш нияти йўқ эди. У Миср, Ҳиндистон томонлардан аёллар жемпери, рўмол олиб келарди-да, бу ерда олиб сотарларга тезгина, улгуржи ўтказиб, яна қайтиб кетарди. «Умуман отам уйда кам бўларди. Шунинг учун унинг дийдоригаям, меҳригаям тўймаганман». Фазилатнинг назарида отасининг уйда кам ўтиришига яна бир сабаб – у ҳануз Шарифа келинаядан хижолат тортаётганга ўхшарди, уни кўрганда акаси эсига тушиб, изтироб чекарди, чамаси. Умуман бу боғланиш – ўз жигарининг аёли билан бир ёстиққа бош қўйиш Исмоил ака ҳаётидаги чегалаб бўлмайдиган, чегаланса ҳам барибир яна ситилиб кетаверадиган катта дарз эди.

Фазилатнинг овози борган сари пасаяр, Бекназар худди мунгли қўшиқ тинглаётгандай мутаассир бир ҳолатда, нигоҳини қизнинг оҳиста, бир маромда очилиб-ёпилаётган гунча дудокларидан узмасди.

– Бу ерда бизга яхши муносабатда бўлишсаям, онам иккимиз ўзимизни ҳалиям бегона оилада, ёт одамлар орасида юргандай, вақтинча тургандай ҳис қилаверамиз, – давом этди қиз. – Тақдир энди бизни қачон, қаерга улоқтириб ташларкин, деган фикр миямиздан чиқмайди. Эҳтимол, отам йўқлигига шундай бўлса керак. Маҳалла-кўйдагилар би-

лан аҳил, хотиржам кун кечиряпмиз. Ҳалигача биров мусофир-келгиндилигимизни юзимизга солгани йўқ. Тўй-ҳашамларига айтишади. Тўғри, унақа издиҳомларга кўпроқ онам боради, шунийчун мени танийдиганлар кам, мен уч-тўртта кўшнidan бошқасини яхши билмайман. «Бошқа жойлардагига қараганда бу ерда худди ўз туғишганларимиз ичида яшаётгандаймиз, маҳалладагилар олдида қарздормиз», дейди онам. «Насиб қилиб, ўз юртимизга кетсак, у ёққа кўника оламизмикин», деб ташвиш чекади. Уку, ёши анча катталигида уйдан чиқиб кетган, таниш, қадрдон жойлар, қариндош-уруғлари билан топишиб олар, лекин мен бечора-чи? Мен, ҳатто, ўзимиз томондаги битта дарахт ё гиёҳниям кўз олдимга келтиролмайман, биронта амма-холамниям қиёфасини эслолмайман...

Шунга қарамай, юрагининг баъзи-баъзида ўша тарафга талпинганини сезарди, қон тортиши ростмикин, деб ўйларди у. Отаси қолдирган дафтарни ўқигач, кўнгли бутунлай бўлинди. Унда қизиқиш билан мажбурият уйғунлашди. Илгарилари қизни ҳаётимиз қай тарзда давом этаркин, бу ёғи нима бўларкин деган хавотир ҳеч тарк этмасди. Энди қалби тубида янги умид учқунлари йилтиллаб бошлаган, бу учқунлар аввалгиларига нисбатан бошқачароқ – қизиқроқ ва равшанроққа ўхшарди. Хаёлининг бир чеккасини дафтардаги сафсар сиёҳ билан босиб ёзилган «Ўзбекистон», «Андижон», «Олтинкўл» деган номлар эгаллаб олди. Албатта, у юрт, у шаҳарлар ҳақида отасидан кўп эшитганди, Шарифа опа ҳам бот-бот эслаб, хотирлаб йиғларди, аммо раҳматли отажониси унга деб, атайлаб битиб қолдирган ёзувларни ўқигач (бу ёзувлар анча бурун, Исмоил ака соғлом пайтида қоғозга туширилган эди), улар бутунлай ўзгача маъно касб этиб, бошқача таъсир қила бошлади. Кўпинча кечалари қани энди ўша жойлар тушимга кирса дея ўйлаб, ўзича тасаввур қилиб, у номларни дилида такрорлаб ётарди. Онасининг таъкидлашича, у ёқлар Фазилат кўрган, яшаган ҳамма шаҳарлардан, ҳатто, ҳалигача кўп қисмини кўрмаган бўлса-да, шу кўрган-билганининг ўзи ҳам жуда улкан ва маҳобатли туюладиган Истанбулдан ҳам гўзал ва қандайдир юракка яқин эмиш. Шундай пайтда тошдан тошга урилиб, шарқираб оқаётган сувлари тиниқ сойлар, дарёлар, қумрию булбуллар чағ-чағлашаётган ям-яшил, ораста боғлар, фавворани эслатадиган мажнунтоллар, анвойи гуллар чаман бўлиб очилган гулзорлар, жамбилу райҳон бўйи таралиб турадиган, шода-шода мевалари залворидан новдалари эгилиб ерга тегадиган шафтолизору анорзорлар, анжирзорлардан иборат ҳовлилар Фазилатнинг кўз олдида жонланар ва у беихтиёр энтикиб қўярди.

– Отам охириги марта сафардан касал бўлиб, қуруқ ўзи қайтиб келди, – қарийб пичирлаб давом этарди Фазилат. – Ўшанда йўлда молини қароқчиларга олдириб қўйган, кейин онамнинг айтишича, ўзи калтак еб, жигар-буйрақлари захоланган экан... – Қиз гапдан тўхтади, унинг сўзламоққа ҳоли қолмаганди, бирдан баралла ҳиқиллаб йиғлай бошлади, у шу дамда тасалли, овунча муҳтож эди, лекин умрида бунақа ҳолатга рўпара келмаган Бекназар уни қандай юпатиш, нима деб таскин беришни билмасди. У апил-тапил атрофга назар солди, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қўлини Фазилатнинг орқасидан оҳиста ўтказиб, елкасидан журъатсизгина, мулойимлик билан ўзига тортиди. Изтироб ичидаги қиз жуссасининг шамолда эгилаётган новда каби бир ёнга беихтиёр оғаётганини пайқамасди ҳам, сониялардан сўнг бир елкасининг нимагадир суялиб, ҳаловат ола бошлаганини, иккинчи кифтини эса бесўнақайроқ, аммо ҳароратли кафт меҳрибонлик билан беозоргина пайпаслаб-силаётганини сезиб қолиб ўзини тортмоқчи бўлди, аммо тушуниксиз бир туйғу, қандайдир сеҳрли бир куч кўзғалишга, қўлини қимирлатишга монелик қилар, Фазилат худди тушида учиб бораётган одамдай ўзини идора эта билмас, бу туш унга жуда ғаройиб, ҳузурли туюларди. Фақат ўз вужудининг йигит гавдаси билан қачон, қандай қилиб бунчалик яқин бўлиб қолганини фаҳмламаганидан таажжубда эди.

* * *

Фазилат чиройли эди. Ҳар қандай соҳибжамолнинг ҳам қайси бир жойи ё аъзосида ҳусни камолига зиғирдаккина бўлса-да, соя ташлаб турадиган белги ё аломат учрайди. Фазилатнинг юзи эса ҳар жиҳатдан расо, тўқисга ўхшарди. Одатда хол устки лаб четроғига, пастки лаб остига, қошлардан бирининг бошланишига, бурун ёнига тушгучи эди. Бекназар Фазилатники каби юзнинг қоқ ўртасига жойлашган ва шу қадар ярашиқли холни кўрмаганди. Унинг қошлари эса бир қўшиқни ёдга соларди:

**Қошинга текизмагил қаламни,
Бир хат бирла бузмагил рақамни...**

Фақат туташган жойи хиёл эгик ва сийрақроқ эди, лекин бу сийрақлик ҳам унга нафис жозиба бағишларди.

Илгарилари ўзбек қизлари турмушга чиқиш арафасидагина қош-кўзига оро беришарди. Уларнинг эрлик бўлишгани энг аввало қошларининг терилганидан англашилари. Фарбийлар таъсирида шу удум йигирманчи аср охирларида барҳам топди. Туркия мағриб мамлакатлари билан аввалдан яқин, демек бу юртда, бу миллатда у таомил илди-зига анча илгари болта урилган чиқар. Сарасоф солиб қаралса, Фазилатнинг қоши ҳали қаламга ҳам, бошқа анжомга ҳам ошно бўлмаганини пайқаш мумкин эди. Бекназар юзи ҳаммиша ҳам очиқ юравермайдиган қизнинг айнан қошларига синчиклаб тикилиш одоб-сизликка йўйилиши мумкинлигини ўйлаб, нигоҳини ундан тезгина оларди. Лекин назарида унинг қайрилма қошлари табиий бежиримдай, мўйчинак теккизишнинг чиндан ҳам ҳожати йўқдай туюларди. Қолаверса, йигит бу шаҳарда қиз-аёлларнинг пардоз-андози, безанишлари ороланишларига эркаклар муносабати қандайлигини билмас, ҳақиқатда эса Туркия бугинамас, бошқа кўп удумларда ҳам Оврўпага шиддат билан интиларди.

Шунингдек, Фазилат танноз ҳам эмас эди. Аксинча, кўз-кўзланиб, эътиборни жалб этишга ҳаракат қилувчиларни жини суймасди, лекин сирасини айтганда, унинг ҳам нозик адо билан эркаланишларга ҳаққи бор эди, ҳусни-малоҳати унга шундай имтиёз ва имконият берарди. Қолаверса, қиз дунёни мусофир бир мазлума кўзлари билангина эмас, бахтиёр маҳбуба нигоҳлари билан ҳам кўришни, ёруғ олам завқу сафосидан баҳра олишни хоҳларди. Бироқ айни шундай фаслда шафқатсиз қисмат таянчи ва суянчи – падари бузрукворидан айириб, эгнига қора кийдирди, аза либоси эса киши дилидаги сиёҳлик билан уйғундир. Сиёҳий энгил ва кўнгил билан эркали, ноз-ишва мос тушмаслиги табиий, бинобарин, Фазилат андишаю ибодан бошқа саъй-ҳаракатга эрк беролмас, бермас эди. Балки унинг ҳам икки қанот – ёшлик ва муҳаббат ила парвоз этгиси, вужудию туйғулари ихтиёрини кучли шамол измига бериб, ўзини осмону фалакларда кўргиси, сирли юлдузлар билан мулоқот кўргиси, ана шу опис сирдошларига толеи кулганини суюнчилагиси келарди. Лекин афсуски у уча олмас эди, зеро, ҳозирча унинг бир қаноти мавжуд эдию, иккинчиси ҳали ўсиб чиқмаганди, ўсиб чиқмоқчи бўлган қанот эса аямажизда қолган куртак мисоли заиф, нозик эди – уни кўтаролмасди; у куртакнинг амал олишига, барг ёзишига Фазилатнинг кўзи етмасди, зотан куртак парваришга, офтоб – қалб ҳароратига муҳтож эди. Шунингдек, қиз дилининг туб-тубида авайлаб-асраб келаётган яна бир истагини қуюшқондан ташқари деб ҳисоблаш адолатдан эмас эди. Қувонч, ё аламдан ҳеч қаерга, умуман, бу ёруғ оламга сиғмай кетган қиз, аёл, аслида, мўъжазгина масканга – севикли кишисининг бағрига жо бўлиши тайин. Фазилат ҳам гоҳо-гоҳо кимнингдир кенг ва иссиқ кўкрагига юз босиб, ўзини, бутун оламини фаромуш этгиси келар ва бу нияти, муродини ҳаммадан, ҳатто онасидан ҳам пинҳон тутарди. Зеро, у кимга ҳам эркаланиб, бошини кимнинг ҳам тўшига буркагани ҳадди сиғарди? Ўша – мулойим табиатли турк йигитигами? Аслида, у туркка ҳам унча ўхшамайди, негаки бу миллатга мансуб эркакларнинг бунақа ювош, ройишини учратиш даргумон. Илло, отасининг муддаоси, ўзининг ҳам хоҳиш-иродаси бошқача эди-ку... Қизнинг хаёлида, гоҳо тушларида кимдир келиб уни олис-олисларга етаклаб кетадигандай бўлаверарди. Рост, ёшлик ва муҳаббат деган бир-биридан ўжар, бир-биридан кибрли ва шафқат билмас икки куч борки, улар ҳар қандай истак-хоҳишни ҳам, ҳар қандай аҳду иродани ҳам бурнидан ип ўтказиб, ўз ортидан эр-гаштириб ҳузурланади.

VII

Ғамгин ҳикоянинг давоми бундоқ эди:

Ўша оқшом Фазилат билан Шарифа опа Исмоил аканинг сафари шу гал анча чўзилиб кетгани, (одатда, у оиласидан хавотирланиб тез қайтарди), бошқа ҳар хил мавзуларда гаплашиб ўтириб, кеч ётишганди. Ярим кечада дарвоза тақиллади. Она-бола ҳадик ва ҳаяжон ичида боришди, таниш овоздан қувонишиб, эшикни очишди. Отанинг машқи паст эди, ичкарига киришганда, ёруғда унинг ранг-рўйи бир аҳволдалигини кўриб кўриб кетишди. Исмоил ака эрталаб гаплашамиз, жуда чарчаганман, деб хотини билан қизининг кўнглини сал тинчитгандай бўлди. Дарҳақиқат, у ётоғига кириб жимиб қолди. Ухлади деб ўйладилар. Фазилат алламаҳал ингроқдан уйғониб кетди, ёнига қаради: онаси йўқ. Отасининг инқиллаётгани аниқ эшитиларди, у шоша-пиша халатини эгнига илиб ўша томонга ошиқди. Шарифа опа эрининг пешонасига ҳўл сочиқ босаётганди. Исмоил аканинг юзлари қизариб-бўғриқиб кетган – иситмаси баланд эди. Қисқаси, муштипар она-

болаларнинг ёлғизгина суянч-паноҳлари, валинеъматлари узоққа бормади, муолажалар қор қилмай, икки ойга етмай қароғлари мангу юмилди.

– Бечора гапиролмас, яхши ҳаракатланмай қўйган қўллари ишораси билан мени ёнига қорлар, томири чиқиб, териси юпқалашиб қолган нимжон кафтларини бошимга теккизиб, сал-пал силар, килрикларидан йирик-йирик ёш томарди. Шу аҳволда онамга имо билан мени кўрсатиб, оғзини хиёл очиб, ўзича ниманидир уқдирарди. Онам иккимиз тиз чўкиб, бағримизни каравот четига босганча, отамнинг қоқсуяк билакларини силаб, унга тасалли бермоқчи бўлардиг-у, лекин ўзимиз ҳиқиллашдан тийилолмасдик, томоқларимизга хўрсиниқ тиқилиб, бир нарса деёлмасдик.

Отам деярли қимирламас, шифтга такилганича, кўпинча кўзларини юмиб ётарди. Аввалига иштаҳаси тузук эди, кейин бирдан овқат емай, дориям ичмай қўйди. Онам остига тувак қўярди. Мен қарайин десам, ҳеч яқинлаштирмасди. Энди ўйлаб, раҳматли ана шундан номус қилиб қийналганмидийкин дейман. Ё, тузалиб кетишдан умидини узганмиди, туз ҳам тотмас, онам қошиқда овқат тутса, бошини сарак-сарак қилиб, панжасини «керакмас» деган маънода сал-сал қимирлатарди. Менимча, унинг бирон жойи қаттиқ оғримасдиям, ортиқча инграмасди.

Фазилат отажонисининг жон бериши арафасида ундан кўз узмай мўлтираб ётгани, миждаларидан икки ёнга симобдай думалаб қулоқлари ичига кириб кетаётган кўзёшларини эсласа юраги эзилади. Ўшанда Исмоил ака икки ожизани аросатда ташлаб кетаётганидан қайғурармиди ё якка-ягона фарзанди, кўзининг оқу қорасига «Сен шўрпешонанинг бахтингни кўролмадим, энди менсиз ҳолинг нима кечаркин», деган сўзларни айтолмай азобланаётганмиди ё чархи кажрафторнинг шевасидан доғ ўлиб, ватанга қайтиб бориш насиб этмагани алам қилаётганмиди – Фазилат билолмасди, у чидамай ташқарига чиқиб кетарди – меҳрибон падарининг шунчалар хуни бийрон бўлишига, чекаётган мислсиз изтиробларига бардош беролмасди. Аспида қизни ҳам «Энди биз кимларнинг қўлида, кимларнинг кўзига сарғаямиз?» деган саросима, кўрқув даҳшатга солиб қўйган эди.

– Шундай қилиб отамдан айрилдим. Каттагина ҳовлида онам иккимиз совуққотган мусичалардай қўнишиб, дилдираб қолдик. Онам мени еру кўкка ишонмайди, гузарда ё қўшниларникида сал ҳаялласам истаб чиқади. Отамдан қолган кўр билан бир йилча озиқ-овқат, кийим-кечақдан қийналмай яшадик, кейин тортила бошладик. Онамга ҳазинамизнинг чўғи пасайдими десам, сир бергиси келмай, йўқ, сенга сеп қиляпман дейди. Илчада отамнинг савдогарликдаги шериги бор. Улар Истанбулга биздан олдинроқ келишган экан, отамга йўл-йўриқ кўрсатиб, тижоратга етаклаган, сафарга кўпинча бирга чиқишарди. Онам аввалига бирон ерда ишлашни ҳам мўлжалловди, лекин мени ўйлаб, фикрдан қайтди. Отамнинг оғайнисиям «Кўйинг, сизга тўғри келмайди, мен биродаримизга сизлардан хабар олиб туришга ваъда берганман» дебди. У киши баъзан-баъзан майда-чуйда жўнатади. Отам раҳматли бизни тайёрига ўргатиб қўйган экан, нима қилсагикин, деб онам иккаламизнинг бошимиз қотади, қўлимиздан бир иш келмайди. Биров ҳам қачонгача ёрдам берарди. Ҳовлини сотсак, ихчамроқ, ўзимизга яраша жой толиб, ошганига кичикроқ дўкон олсакмикин, дейди онам. Мен сотувчилик қиламанми десам, «Ўйлаб гапиряпсанми, қизим, отангнинг феълени билардинг, сен дўконда ўтирсанг, у гўрида тик туради-я, менга бўлаверади, ёшим ўтиб қолди, ҳам эрмак – уйда зерикиб ўтиргандан кўра, жа бўлмаса, бировга ижарага берсак ҳам уч-тўрт танга даромад келиб турар», дейди бечора.

Фазилат тўлиқиб сўзларкан, ҳасрати баёни дам сайин равонлашиб, айна чоғда ғамгин тус олиб борарди. Умида бир суҳбатда бунча кўп ва бунча ҳаяжон билан гапирганини эслолмасди. У Бекназарга ўхшаб дарди-шиқвасини бўлмай, ҳайратланган кўзлари билан ҳамдардлик билдириб, жимгина тинглаб ўтирадиган қайғудошга кўпдан мўлтож эди. Учрашганига ҳафта, дурустроқ танишганига уч кунгина бўлган йигитнинг, умуман олганда, бегоналигини, номаҳрамлигини, бу ҳолатда кўрганлар у ҳақда ҳар хил фикрга боришларини ўйламас, балки ўйласа ҳам, парвойига келтирмасди. Сийнаси аламга, айрилиқ, етимлик изтиробларига, мусофирлик ўкинчларига тўлиб кетган эди. Гапирган сари ичи-бори кенгайиб, қалб тубидаги мажҳул, оғир туйғулар ўрнини енгил энтиктирувчи ҳиссиётлар эгаллаб борар, ичидаги бир кимсанинг «Бу одам бунча сергап қиз экан деб уят қилмаяптимикин» деган танбеҳига ҳам қулоқ осмас эди. У узоқ йиллардан бери кўришмаган сирдош дугонасига юрак зардобини тўкиб солишга, кўнглини бўшатишга ошиқаётгандай эди. Фақат у бошини қуйи эгиб, боя Бекназар така ралдидаги қушолмасидан синдириб берган новданинг майда барглларини ғайришуурий овишда чирт-чирт узиб ерга ташлар, ҳамроҳининг юзига қарамасликка ҳаракат қиларди. Лекин

айни вақтда, мусофирлик достонини айтаётган паллада йигит унга яқин ва қадрли бир кишидай туюлаётганди. Ҳикоядан тўхтагач, «бор-йўғи бир ҳафталикки таниш кимса» билан ўриндиқда бир-бирига жуда яқин ўтиришганини бирдан пайқаб қолгандай, ҳушёр тортиб, бир оз жиларкан, ҳамсуҳбатининг кайфиятини, фикрини уқмоқчи бўлгандай, ер остидан назар солди. Чуқур хаёлга чўмиб, қиссагўйнинг бошидан кечирганларини ўзича тарозига солиб ўлчаётган Бекназар бирданига тўфонга учраган ўз тақдир кемасининг ҳолати, нисбатан кам машаққатли қисқа дарбадарлиги бошқаларнинг аччиқ ёзмишлари, ўн йиллаб давом этган сарсон-саргардонликлари олдида ҳолва эканлигини туяркан, Ўш – Қашқар – Истанбул йўлларида кўрган анча-мунча қийинчиликлардан нолиганини уйлаб хижолат чекар, ота-оналари билан деярли ярим дунёни айланиб чиқиб ҳам рўшнолик, ҳузур-ҳаловат кўрмаган, яйраб-яшнамаган, аксинча, қисматнинг янги-янги, турфа синовларига тўқнаш келган бу дилпоранинг кўнглига озор етказиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш лозим экан, дея уқтирарди ўзига ўзи.

Айни вақтда ёшгина жони билан шунча жабру жафо тортса-да, қадди букилмагани, ҳусни-малоҳати чекилмагани, руҳи чўкмаганига, аксинча, шаддодлик, ҳазилкашлик фазилатларини сақлаб қола олганига қойил қоларди. Дарҳақиқат, Фазилатнинг шўхчан феъл-атворида, дуркун баданида, нурли чеҳрасида, қирмизи лабларида балоғат палласидаги тийрак қизлар каби яшашга, уйнаб-кулишга, ҳузурланишга иштиёқ, муҳаббатга, эркалаб-эркаланишга майл йўқ эмаслигини, фақат бу хою-ҳаваслар, андишаю ҳаё- пардаси ортида яширинлигини чамалаш мумкин эди. Ҳа, парвардигор унга синовлар билан бирга сабр-тоқатни, бардошни, энг муҳими – жўшқин ёшлик шижоатини, ўктамликни ҳам саховат билан ато этганга ўхшарди. Фазилат шу борада онасидан устунроқ кўринарди. Шарифа опа тўрт девор орасидаги бир хил кунларнинг ўтиши мароқсизлигидан, юраги сиқилиб тарс ёрилгудай бўлишидан зорланиб қолса, қиз унга тасалли беришга уринар ё «Юринг, отамни қабрини бир зиёрат қилиб келамиз», деб қўярда-қўймай Илча мавзеига бошлаб кетарди.

Бекназар ўзини гапга чечанлардан ҳисобламасди. Ўзича Фазилатни зериктириб ё билиб-билмай, номанзур, нораво нарсаларни лақиллаб, қовун тушириб қўйишдан чўчирди. Шу боис, Фазилатнинг ровийлигидан, ўзига фақат одоб билан тинглаш масъулияти тушаётганидан ичиди хурсанд эди. Лекин ортиқча камтарлик манманликдир деганларидай, оғизга мум солиб ўтиравериш ҳамиша ҳам фазилат саналавермайди-ку, айниқса, суюкли маҳбуба билан мулоқотда. Ахир қиз болага хуш ёқадиган, яъни, масалан, унинг Ширину Зуҳро каби гўзал, оқиллигини айтиб, меҳрини товлайдиган, ўзи ҳақида яхши инсон ва ҳақиқий ошиқ каби таассурот уйғотиб, қизнинг қулфи-дилига калит топиш ҳам керак-ку. Шунинг учун йигит бутун вужуди қулоққа айланиб, Фазилатнинг юзига тикилган бўлса-да, хаёлан сўз бисотини титкилаб, қизнинг иззат-нафси ва ўзининг манфаатига мос ибораларни танларди.

Ниҳоят, Фазилат тин олди.

– Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, – гап бошлади Бекназар. – Сиз отанонгиз билан бу ёруғ оламнинг бор азоб-укубатларини тортиб, ҳамма имтиҳонларидан ўтиб бўпсизлар, иншоолло, энди сизлар учун ойнинг ёруғ кунлари бошланар. Худоям энди сизларга раҳм қилар. Шояд, дардларингизга озгина малҳам бўлиб, заҳматларингизни енгиллатишга меням озгина нафим тегса... – Бекназар тойиб кетганини фаҳмлаб, тўхталиб қолди. Фазилат унинг кўзларига савол аломати билан тикилди. – Одамлар қанақа қаҳатчилик, очарчиликларга ё бошқа қулфатларга гирифтор бўлмайди дейсиз, – давом этди йигит. – Сиз ўзингизни жаҳон кезиб, томоша қилиб юрган бир сайёҳатчидай тасаввур қилинг: туғилган шаҳри ё қишлоғидан бошқа ерни кўрмай, курраи заминда Истанбулдай гўзал шаҳарлар борлигидан беҳабар ўтиб кетаётганлар қанча – қўлмак сувга ўхшаб! Ота-онасиз, етимхоналарда ўсиб-улғаяётганлар камми? Сиз ҳар ҳолда шу ёшингизга отанонгиз билан бирга яшагансиз. Ўзингиз айтгандай, меҳрибон бир аёл сизни туққан отанонгиздай авайлаб, кўнглингизга қараса... Энг муҳими – каттагина ҳовли-жойларинг бор экан. Ҳиндистонда милёнлаб одам уйи, ақалли бошпанаси йўқ, кўчада туғилиб, кўчада ўлармиш. Энди, бу – бир кам дунё. Инсоннинг ҳамма орзу-умидлари рўёбга чиқиши қийин, барибир нимадир етишмай тураверади, лекин қиз бола учун ҳусн ярим бахт дейишади. Чиройлисиз, сезилиб турибди: ақли-хушингиз ҳам бировдан қарз оладиган даражадамас, саломатлигингиз жойида – булар жуда катта давлат, Фазилат, шукр келтириб, яна яхши кунларни кутиб яшасангиз арзийди, ажабмас... Фақат... – Бекназар маъноли жилмайиб қўйди. – Фақат, бир хил чиройли қизларга ўхшаб бахт қушингизни менсимай, бепарволик билан учуриб юбормасангиз – олам гулистон.

– Қани ўша бахт қуши? – ўсмоқчилади қиз кулимсираб. Йигит мўлжални тўғри олган эди.

– Шўринг қурғур бошингизга кўнишга журъат қилолмай, атрофингизда парвона... Фазилат ён-верига аланглаб, «бахт қуши»ни қидирган бўлди.

– Қани, кўрмаяпману?..

– У сеҳрли қуш, кўзга кўринмайди, хоним.

– Кўринмаса, бошга кўнгани қандай билинади, афандим, – тегажоглик қилди қиз ҳам.

– Уни юрак сезади.

– Менинг юрагим ҳеч нарсани сезмаяпти-ку.

– Билиб кўйинг, Фазилат, бахт қушининг кўнгли жуда нозик, сезиб туриб сезмаганга олишса, бирпасда ранжиб қолади.

– Кейин учиб кетиб, бошқа чиройлироқ қизнинг бошига бориб кўнадими?

Бекназар қафтларини тиззасига уриб хандон отди. Бу гал у ўзининг мағлублиги устидан кулди.

– Қойил, Фазилат, мот қилдингиз, – деди у иккала кўлини кўтариб. – Асирингизман.

– Йўқ, мен жиддий сўраяпман, – деди Фазилат ўзини гўлликка солиб, аммо у лабла-рини аранг қимтиб турарди, чидамади, кулиб юборди. – Жуда осон енгиларкансиз, ҳар доим шунақамисиз?

– Умримда бунақа мағлубиятга учрамаганман.

– Мағлубият алами жуда аччиқ дейишади, а?

– Мен ҳам шунақа деб ўйлардим, лекин одам ўз ихтиёри билан асирга тушса, бошқача бўларкан...

Хуллас, ўша куни Фазилат Бекназарга кўрган-кечирганларининг бир қисмини мух-тасар гапириб берди. Оламда бандасидан хуфия сақлайдиган сир-асрори йўқ, кўнгли ва ҳаёти қатларини ҳеч бир истиҳоласиз, ҳеч бир истисносиз очиб юборадиган инсон топил-маса керак – хусусан, маҳбубаю маҳбублар орасида. Фазилат ҳам ўз шахсига дахлдор айрим қалтисроқ ҳодисаларни ошқора этишни жоиз деб билмади. Масалан, ўн уч-ўн тўрт ёшларидаёқ дуркунгина, оппоқина қиз бўлиб, йигитларнинг суқли кўз ташлай бошлагани, Равалпиндида ижарада яшашаётганида маҳалладош бир мардумнинг Мазоҳид исми-ли тўйган қуртдай семиз, телватоброқ ўғли ҳар хил нарсаларни баҳона қилиб уларниқига тез-тез кирадиган бўлиб қолгани, бир куни шом пайтида дарвозахоналарида рўпара келиб, уни эшикнинг бир қаноти орқасига – қоронғи бурчакка қисиб, барра кўзичоққа таш-ланган оч бўридай тармашганини, шунда қаттиқ кўрқиб кетгани, худди бевақт номусидан ажралган қиздай алам билан, тўлиқиб-тўлиқиб йиғлагани ва уйга кириб, титраб-қақшаб воқеани онасига айтиб бергани ҳақида лом-мим демади. Отаси ғазабини яшириб, си-полик билан боласига танбеҳ бериб қўйишни сўраганида ошқовоқ каллали қўшни хунук ишшайиб, «Ўғлимизнинг ҳавасини кўзгаган бўлса, демак қизингиз етила бошлабди-да, биродар, бундан қувонмоқ керак, ҳадемай қайнота бўласиз, неvara кўрасиз...» дейди.

Исмоил аканинг мускуллари титраб, муштлари тугилади, лекин муҳожирлиги ёди-га тушиб, ғазабини ютади. Шундан кейин Туркияга жўнаб юборишади. Аданада хотини ўлган, ўғил-қизли бир бойвачча Фазилатга оғиз солганида у ҳали ўн олтига ҳам тўлмаган, аммо келишган қадди-қомати росмана кўз тортадиган бўлиб қолган эди. Исмоил ака Шарифа опага худди аёллардай зорланиб, «Бу ноинсофлар мусофирни одам ўрнида кўришмайди, қанча яшасанг ҳам, барибир келгинди ҳисоблашади, буларга нима десак бўлаверади, деб ўйлашади. Ярамас гўрсўхтанинг гапини қарая, ғунчадай қизимни эрка-тантқи арзандаларига она қилиб берармишман, ҳаҳ, ҳаммомни ҳавас қилган туя-ей... Қисиндининг қисмати шу-да...» дея хўп асабийлашган, кўзёшларини тўхтатолмай кўчага чиқиб кетиб, яна кўчишга улов топиб келган эди. Ҳолбуки, Аданада ўрнашиб қолган тур-кистонликлар анчагина бўлиб, улар орасида яхшилари ҳам кам эмас эди. Бироқ Исмоил ака аслида бир ерда узоқ туrolмас, кўчишга, жойни янгилашга қандайдир баҳона бўлса кифоя эди. Аммо «ҳаммомни ҳавас қилган туя»нинг хурмача қилиғи «қандайдир» важлар сирасига кирмасди, албатта.

Шунингдек, Фазилат бу шаҳарда – Истанбулда маҳалладош турк йигити билан энди-гина бошланаётган ғайри оддий муносабатлари онасининг танбеҳи билан тезгина барҳам топгани тўғрисида ҳам индамади. Аслида ҳар қандай она қизига биров хуштор бўлса, бошқаларга англатмаса-да, ичида қувонишни сир эмас. Лекин... Шарифа опа ўшанда отанинг ўлимидан бир неча кун олдин айтган васият мақомидаги ўғитларини эслатиб, Фазилатни огоҳлантирган, қиз ҳали у қадар гуриллаб ёнишга улгурмаган ҳиссиётлари

оловини қиблагоҳи соғинчига тўкилган кўзёшлари ила ўчириб олишга муяссар бўлган, шу-шу маҳаллий йигитларнинг назари-эътиборидан ўзини олиб қочадиган, чоршаф¹ тутиб юрадиган бўлган эди. Тақияга кириб туришининг яна бир сабаби ота истаги ва васиятига биноан ўзлари тарафлик рисоладаги бир йигитни учратиш хаёли эди, буни она ҳам англлар, унинг фикри, тилаги ҳам шу, ложарам, қизнинг у ерга ташрифини тақиқламас, аксинча, озми-кўпми демай, овқат, нон бериб ўзи уни ўша мусофирхонага йўллар, илло, иккиси ҳам қалбларидаги пинҳоний ният ва эътимодларини сиртдан бир-бирларига сездирмасликка ҳаракат қилишарди. Бинобарин, Бекназарнинг йўлиқиб қолиши, айниқса, унинг ҳамюрт эканлиги, тўғриси, иккала ожиза кўнгиллари тубидаги ўксик хоҳиш, илинж-ни кўзгатиб кўйгани рост, лекин аввало зоҳиран диловар бу ошиқнинг номаи аъмолини, моддий аҳволини аниқлаб, унинг феъл-атворини, аҳди қатъийлигини синовдан ўтказиш керак ва яна бир нозик муаммо бор эди: ахир Фазилат шунча йил боққан, меҳр берган одам-мини бегона юртда якка-ёлғиз қолдириб, бир эркакнинг этагидан тутиб кетавермайди-ку. Фақат қалтис жиҳати шундаки, бу ҳақда биринчи бўлиб қиз ё унинг онаси тилидан шама, сўз чиқиши раво эмас, балки куёвликка даъвогарнинг фаҳму фаросатига умид боғлаб туришга тўғри келарди. Бўлажак келин сўнги чора сифатидагина шу гапни шарт сифатида ўртага кўйиши мумкин. Бошқа бир чигал жумбоқни эса нимагадир она-бола эътибордан соқит қилишаётганди, ваҳоланки у ўта жиддий, ҳал қилувчи аҳамиятга молик эди...

– Мени онангиз билан таништириб кўймайсизми, – деди Бекназар.

– Нима деб айтаман?

– Ватандошимиз экан, сиз билан кўришиб, суҳбатлашмоқчи дейсиз, вассалом. Менимча, йўқ демайди, ахир унияма ҳамюртлари билан гаплашгиси, дардлашгиси келар.

– Унда мен онамнинг ўзидан бир сўраб кўрай.

Эртасига эрталаб Фазилат билан бирров учрашганида қизнинг кайфияти чоғ кўринди. Аёл киши, ёт эркак билан юзлашишдан бош тортиши мумкин деган хавотирда эди йигит.

Ҳаяжонга тушди, тугун энди енгилгина ечиладигандай, у ўйлаган ғов-тўсиқларни кўтариб ташлаш қалови топилгандай, Шарифа опа қизини унга қўшқўллаб тутқазадигандай, терисига сиғмасди. Кўзларига фотиҳа бераётган она сиймоси кўриниб кетди. Беихтиёр кўллларини Фазилатнинг елкаларига кўйди, қиз залворли кафтларни олиб ташлаш учун йигитнинг билакларидан тутди ва шу йўсин бир лаҳза тиниб қолди, сўнг гавдасини орқага тортди.

– Ҳаяжонланманг, Бег ака, ҳаяжонланманг. Эслатиб кўяй: уйимизга мен билан биргамас, бир ўзлари тушга яқин қадам ранжида қилганлари маъқул. Ўзларини уринтириб кўймасинлар, ортиқча оворагарчиликнинг ҳожати йўқ, мусофир одамсиз... Кулманг, ростдан айтяпман.

Шу куни куёш ҳар қачонгидан ҳам чарақлаб чиқмоқда, унинг алвон шафағи йўл чегида тарвайиб ўсган, тонгнинг енгил шабодасида нафис тебранаётган арғувону акасларнинг учларида жилва қиларди. Ҳаво енгил, ёқимли эди. Бекназар ўзини ҳар кунгидан тетик, бардам ҳис этарди. Жарлик тарафдан келаётган саҳархез қушлар навоси унга янада кўтаринки кайфият бағишларди. У бутун меҳрини, сармастлигини англамоқ учун Фазилатга юрак-юрагидан жилмайиб қарарди.

Қизга бўлган интилиш замирида қандай куч, қандай ҳиссиётлар жўшаётганини Бекназарнинг ўзи ҳам англай, фарқлай олмас эди – уни бир кўришда полу ҳайрон айлаган ҳусни-малоҳатига шайдоликми ё вужудининг бир пучмоғида лава кўтарилиши олдидан юз берадиган тоғ ости титроғига ўхшаш эҳтирослар туғғеними ёки юрак ўртанишлари билан боғлиқ чинакам муҳаббатми? Дарвоқе, у Фазилатнинг нимасига, қай бир жиҳати, фазилатига ишқибоз бўляпти ўзи? Агар чиройи учун деса, бир чиройлини кўрди-ку. Хотини Рашиданинг ҳам сурати бинойидеккина эди, сийрати, ғалати феъл-атворларини бир ёстиққа бош кўйиб, жисми-жонлари туташгандагина аён сезди-ку. Одам олмаси ичида деб, бунинг ҳам ишқ алангасини, кўнгил ҳароратини сувдай ўчирадиган бир жиҳати чиқиб, бош қашиб қолмасмикин? Тағин шундай ҳол содир бўлса, энди у шубҳасиз бир чоғ ёхуд аросат саҳросининг қоқ ўртасига тушадими, унинг алами, доғини қанча тортиши фақат ҳудуга аён. Э, энг муҳими – тил-забонли, очикқина экан, бас, бошқа ҳар қандай нуқси-қусурига чидаш мумкин.

¹ Чоршаф – араб, турк, эрон аёллари ёпинадиган енгил, калта ёпинчик, паранжининг бир тури.

Дарҳақиқат, муҳаббат мижғовликни ёқтирмайди. Иккиланувчиларга чин ошиқлик завқи бегона. Ҳар қалай, бўлажак маҳбубаю маҳбуб нигоҳлари дастлаб тўқнашганда ҳар иккаласининг юраги кучаласимон¹ тутай бошлайди, кейин ҳар кўришганида кўзлардан сачраган учқунлар, сўзлар оҳангидан таралган эпкин кучалаларни яллиғлантириб, аланга олдиради.

VIII

Ҳаётда энг узок чўзиладиган вақт суюкли кишинг билан дастлабки висол оралиғидаги безабон ва бераҳм онлардир. Бундай фурсат ўзининг санокдаги моҳиятини йўқотиб, масофага айланади, бу масофа йўлга чиқаётган хушторга бениҳоя олисдаи, фақат ва фақат юқорига ўрлаб борадигандай, юрагини ҳаприқтираверади. Шарифа опа билан кўришувгача бўлган муддат ҳам Бекназарни ўшандан кам интиқтирмади. У ошиққан сари оёғига тош боғлаган вақт миллари имиллаб силжиётгандай, баъзида бир нуқтада қотиб қолгандай туюларди. Йигит жуда муҳим ижтимоий масала бўйича юқори доирада, баланд нуфузли масъул шахс билан музокара олиб бориш тараддудидаги мансабдор каби безовталанарди. Чиндан ҳам кутилаётган учрашув кўп нарсани ойдинлаштирмоғи керак. Фазилатни чин онадай гард юқтирмай улғайтирган аёлнинг муомаласидан йигитга, унинг қизи билан танишувига муносабатини – хайрихоҳми ё норозими – билиб олиш учун тай-ёр имконият бу. Агар опа илиқ кутиб олса, очилиб гурунглашса, бу ҳам шунга яраша назокат билан муомала қилади, йўқ, агар аксинча ҳол юз берса, яъни унча рўйиҳушлик бер-маса ё беписандроқ қараса, унда ортиқча илтифот кутиб, ялтоқланиб ўтирмайди. Лекин ҳар ҳолда унинг кўнглини илтишга, юмшатишга уринади. Ахир биринчи кўришишдаёқ, дастлабки «музокара»даёқ ҳамма муаммони ўз фойдасига ҳал қилишга интилиш асосий режанинг пачавасини чиқариб қўйиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун яхшиси, тилини тийиб, суҳбат жиловини мезбонга бериш ва гапнинг даромади қаёққа бурилишини оғир-босиқлик билан кузатиб ўтиргани маъқулмикин? Саволларига жавоб қайтаради, зарур бўлса, сўз қўшади. Мабодо опа унинг дилига ўтиришмайдиганроқ бирон нарса деса ҳам эътироз билдирмайди. Азим ҳожи тоға айтгандай, қизиққонлик қилмайди, билъакс, ишни бузиб қўйса, кейин ўрнига тушмаслиги мумкин. Сўнгги афсус-надоматнинг фойдаси йўқ. Агар муддаосига эришиш – севги шаробидан қониб сипқориш насиб этса, у ҳолда ватангадолиги, қувинлиги билан боғлиқ машаққатлару кўнгилсизликлар, кўргиликлар унутулиб, азоблари енгиллаб кетадигандай, юрак ўртанишлари малҳам топадигандай туюларди Бекназарга. Истанбулда Фазилатга илк бор назари тушган лаҳзалардан эътиборан гўё унинг ҳақиқий йигитлик мавсуми бошланган, тақдир шамоли уни беқўним учириб юрганга ўқиниш ҳам сусайган эди... Балки, қиз ҳам шу кунларда руҳиятида ғалати бир ўзгаришлар сезиб, ҳаяжонланиб юргандир? Бир умр ёт тупроқларда, ғайри, кўнгилсиз бир эркак билан қолиб кетиш хавотири, ташвиши балки унинг оромия ҳаловатига раҳна солиб келар. Эҳтимол энди у юртдош, миллатдош, боз устига меҳр-муҳаббат тўла кўзларию сўзлари билан унга ўз ватани васли ва бахтли ҳаётни ваъда қилаётган бир шунқор йигитни етказгани учун парвардигорга шукроналар айтаётгандир...

Ҳа, онажон! Ўғлингизни болалигида «шунқорим» деб эркалатардингиз. Шунқор бургутчалик бўлмаса-да, анча-мунча хавф-хатарни писанд этмайдиган жасур овчи қуш. Суюмлигингиз эса, сичқоннингми, каламушнингми «штири»дан юрак ҳовучлаб, бир қанот қоққанича Қашқарга, ундан бир тупканинг тагига – Истанбулга кўниб турибди. Энди зора, шу ердан ҳузурингизга ҳақиқий жуфти билан қайтса!..

Бекназар у ёқ-бу ёғини тузатиб чиқаётган эди, ҳовлида Жавдар оға учраб, «Ҳа, йўл бўлсин, ошиқ тўра?» деб ҳазиллашди.

– Бир айланиб келай, ётовриб зерикдим, – деди у ҳовлиққанини сездирмасликка тиришиб.

– Кунинг кўчада ўтяпти шекилли, – маъноли жилмайди хизматчи бош чайқаганча Бекназарни ортидан кузатиб.

Йўл-йўлакай дўкандан батонли нон, қанд-курс олди, ахир Фазилат минг тўғри маънода овора бўлманг дегани билан (эҳтимол синамоқчидир) ўзбекчиликда, биринчи марта бораётган ҳовлига, айниқса, аёл киши бор хонадонга икки қўлни бурунга тикиб кирилмайди-ку.

У таниш дарвозани букилган кўрсаткич ва ўрта бармоқлари орқаси билан қоқаркан, юрагининг ҳам ана шу товушга монанд, ундан тезроқ ва бесаранжомроқ ураётганини эшитарди. Эшик тезгина очилиб, қаршисида одмигина кийинган Фазилат кўринди ва

¹ Кучала – чала ёнган ўтин.

меҳмоннинг димоғига мушки анбар ҳиди урилди. Қизнинг чеҳраси ҳам тиниқ – бу аломатлар яхшилиқдан далолат эди. Бекназарнинг баҳри-дили яшнаб кетди.

– Мана, қулингиз остонангизга бош уриб келди, – деди у кулимсираганча, китоблардагидай бўш қўлини кўксига қўйиб, хиёл эгиларкан.

Фазилат кулиб юборди.

– Роса ҳадисини опсиз-ку.

– Нимасини айтасиз, туни билан машқ қилиб чиқдим.

– Бечора, мижжа қоқмаганингиз сезилиб турибди, кўзларингиз қизариб кетибди.

– Кўзларим уйқусизликданмас, ҳозир ҳаяжондан, хижолатдан қизарди.

– Лекин унчаям ҳаяжонланаётган кишига ўхшамайсиз.

– Манави еримга қўлингизни қўйиб кўрганингизда бу гапни сираям айтмаган бўлардингиз, – деди Бекназар ўнг кафтини чап кўксига босиб.

Фазилатнинг шайтонлиги тутди.

– Қўлимни у жойингизга қўйсам бир йўла ағанаб тушманг, одамни ўсал қилиб.

– Пойингизга ағанасам ўзимни жуда бахтиёр сезардим, Фазилат.

– Шунақа денг, қани, ичкарига марҳамат бўлмаса.

Қиз меҳмонни шигил мевалари оч яшил барглар орасида қўйма олтиндай товланаётган дарахтлар оралиғидаги ғишт терилган йўлақдан бошлади. Бекназар бу тансиқ меванинг норинж – апельсин эканлигини Эрон заминидан ўтаётганида билиб олган эди. Лекин ҳалигача ранг-туси кўзни оладиган бу ажойиб неъматга оғзи тегмаганди, мазаси қанақа экан, деган фикр кечди хаёлидан.

Атрофга нигоҳ ташлади. У ҳали турк уй-жойларининг ичига кириб кўрмаган, бу болада тасавури ҳам йўқ эди. Ҳовли ўзига тўқ хонадонни эслатарди: кенгина, чор тарафи пишиқ ғиштли баланд девор билан ўралган, кун чиқиш ва жануб томонда деразалари йирик-йирик, салобатли уйлар, бораверишда эса болохонали сўри бўлиб, анча олдинга чиқиб кетган. Саҳн ва йўлақларга ғишт босилган, ҳар ер-ҳар ерга манзарали – қилич баргли пальма ва гилос экилган, умуман ҳовли саришта, файзли эди.

Сўри олдида этаги, енги узун сиёҳранг бахмал қўйлакли, чоғина оч жигарранг дуррани бошига чамбарак қилиб ўраб, устидан ҳарир, шарфсимон рўмолни омонат ташлаган, Фазилатга нисбатан бўйчанроқ аёл курси суянчиғига қўлларини қўйганича ияғини хиёл қайириб турарди. Бекназар томоғига бир нима тиқилгандай ютинди, юзи, ичи қизиди. Опа ўша – Фазилатни қувалаб келган куни остонада кўринган хушрўй аёл эди. Унинг қош чимириб қарашида бойвучча хонимларга хос андак виқор ва сирлилик бордай туюлди, лекин бу дастлабки таассурот эди.

Яқин боришганда опа ҳам меҳмон томонга икки-уч қадам юрди.

– Ассалому алайкум, – дея бўйнини салгина букиб салом берди йигит. Унинг овози, лаблари титраётгандек эди. Энди у ҳаяжонининг Фазилат олдидаги эсанкираш, тўлқинланишдан бўлакчароқ, кучлироқлигини пайқади. Басавлатгина бўла туриб ўз ичидидаги гўлғуласимон бир нимарсани жиловлай олмаётганидан изза тортди, лекин нимарса гарчи кўзга кўринмас, кўлга илашмас бўлса-да, ҳар қандай фил келбатли билан ҳам мутлақо ҳисоблашиб ўтирмайдиган, ҳатто, Алпомишу Фарходларга бўй бермай, уларни хоҳлаган измига солиб, азда-базда довдиратган ёввойи куч эди. Зеро, у – ҳаяжон шунчаки хабарчи, элчи эмас, балки муҳаббат ҳомийси, рамзан айтганда, тансоқчисидир. Одатда, тансоқчилар ҳар қандай одамни саросимага солиб, ваҳима уйғотадиган сиёқли ва сирли бўладилар. Бекназар яна бир нарсадан ҳайратланди: гарчи ўзлари томонда аёллар паранжи, чачвон деган нарсаларни тарих ортига деяри буткул улоқтиришган бўлса-да, Қашқару Покистонда, Эрону Туркияда хотин-қизларни нуқул қора ё тўқ жигарранг чодрада учратиб ўргангани учун Фазилатнинг онасини ҳам, гарчи куни кеча уни очик кўрган эса-да, ҳижоб ёпинган ҳолда тасавур этган эди. Аксарият хотинлар эрлари ўтгандан кейин ўзларини эркин тута бошлайдилар. Опа ҳам... Ёки Бекназарни ҳали ёш йигит экан, ундан қочмаса ҳам бўлаверади, деб ўйлагандир. Балки ички бир туйғу юртдош кимса билан ёпинчқисиз кўришишга ундагандир. Ё балки фавқуллодда диққатга молик ташриф эгасини яхшироқ кузатиш зарурати, тақозосига кўра...

– Ва алайкум ассалом, хуш кепсиз, – деди опа. Унинг оч пушти лабларига ним табасум қалққан эди. – Қани, юқорига чиқайлик. – У қўли билан болохонага ишора қилди.

Икки ёни ихотали тахта зиналардан юқорига кўтарилишди. Пастдан анча маҳобатли кўринган, чор тарафи тўқ яшил рангга бўялган, ёғоч панжарали болохонанинг ичи у қадар кенг эмас эди. Муҳими, олди шимолга – Мармар томонга қараган бўлиб, енгил чайқалиб турган мовий денгиз янада аниқ кўзга ташланар, ўша ёқдан боди сабо эсарди. Ана шу

енгил эпкин Бекназарнинг қизиган вужудига салқинлик уфуриб, кўнгил ҳаприқишлари дамини кесгандай, сал ўзини ростлаб, мусоҳабага чоғланиб олди.

Чоғқина тўғарак хонтахтага биллур қанддонларда Бекназар номини билмайдиган пишириқ-егуликлар, олма, норинж оз-оздан, аммо дид билан қўйилган эди.

– Чой ичасизми, қаҳвами? – сўради мезбон.

Бекназарнинг дилидан «сўраб беришаркан-да» деган гап ўтди. Бирини айтиш – танлаш одоб доирасидан ташқари, деб ўйлади у.

– Барибир... унақа оврагарчиликнинг ҳожати йўқ. – Йигитнинг овозидан унинг тортинаётгани, сўзлари унча ёпишмаётгани англашилари.

Опа пастда унинг ишорасини кутаётган Фазилатга чой ва қаҳва буюрди. Бекназар биттасини айтсам бўларкан деб ўнғайсизланиб, бир қимирлаб қўйди. Гапни ким бошлаши маъқуллигини мушоҳада қилиб ўтирган эди, опа жонига ора кирди.

– Хўш, меҳмон ука, қаерлардан сўраймиз? Бу шаҳарга қандай келиб қолдингиз?

Опа суҳбатни қовуштириш учун Бекназарга ўнғай савол берди. Албатта, Фазилат онасига «таниши» ҳақидаги айрим маълумотларни етказиб улгурган бўлиши керак.

Бекназар кўрган-кечирганларини қисқа гапириб берди. Сўнг бир эҳтиётсизликка йўл қўйганини фаҳмлаб қолиб, ўзини койий бошлади: Эҳ, хомкалла! Ахир қочоқлиги, юртдан қувилган жабрдийдалигини аён этиш билан ўз ният-мақсади йўлига хитой деворига тенг ғов-тўсиқ қўйди-ку! Она: «Бу уйсиз бедана Фазилатни қаерларда сарсон-саргардон қилиб олиб юрмоқчийкин», деб ўйламайдими?! Шунингдек, у ўзи сезмаган ҳолда жиддийлашиб, сўзлари қатидан изтироб ва аламзадалик, кимларгадир нисбатан қаҳр учқунлари сачрар эди. У ўзини сипо, малолсиз ва некбон тутиши лозимлигини нутиб қўяётганидан ичида ўкиниб, гапнинг пайновини ўзи томонга буришга уринди.

– Аслида, унча ваҳимали воқеамас эдию, отамга ҳеч тушунтиролмадик. Сутдан оғзи кўйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичгандай, бобомиз қамоқ захини ҳидлаб чиққани учун безиллаб, мени кўярда-қўймай, уйдан чиқариб юборди. Ҳеч бўлмаса уч-тўрт ой айланиб, иложини қилсанг, Маккатиллодаги амакингни кўриб кел, деб тайинлади. Менимча у машмашалар аллақачон тинчиб кетган бўлиши керак. Қашқардалигимда уйдан хат олганман, унда ҳаммаси жойида, сен, худо насиб қилса, ҳаж зиёратини ўтаб, амакингни кўриб келавер дейишганди. – Бекназар гапимни қандай қабул қиляптийкин, деган маънода ора-чура опага қараб-қараб кўяр, лекин унинг юзида ҳеч қандай ўзгариш юз бермаганини кўриб давом этарди. – Бундан йигирма йиллар бурун, диндорлар таъқиб қилина бошланганда маърака-маросимларга бориб юрган бир амаким, ўзидан ҳадиксираб, Арабистонга жўнаворган экан. Тақдир-насибми, ўша ёқда қолиб кетган. У кўрқдимми, хижолат бўлдими ё борган жойи маъқул тушиб қолдимми, ҳайтовур қайтмади, кейин, бола-чақали бўлиб, юкиям оғирлашди назаримда... – Бекназар гап орасида пастда бир нарсалар кўтариб у ёқдан-бу ёққа ўтиб юрган Фазилатга панжара оралиғидан бот-бот қараб кўяр, лекин қиз ўзини атайин бепарво тутаётгандай, болохонага назар ташламасди. Йигит ичида ранжиди. Кўнгил қурғур нималарни хоҳламайди-я, ахир бўй этган қиз кекагина танишган ва уйига биринчи марта қадами тегиб турган, офтобда қатиқ ичишмаган кап-катта эркак билан онасининг олдида кўз уриштириш ўйнасинми? Унга табассумлар ҳақда этиб, бўшашманг дегандай имо-ишоралар қилсинми? Домангирлик ҳам эви билан-да.

Опа Бекназарга ҳам, унинг амакисига ҳам ачиниш билдирди, ўзларининг ҳам шулар қатори эканини айтиб, тасалли берди.

– Бошқа юрт одамлари ҳар қанча яхши, меҳрибон бўлишмасин, барибир ўзимизникига ўхшамас экан. Ўзимизникиларнинг анча-мунча аччиқ-тирсигиям ўтмасиди, бегонанинг сал ғалатироқ, қаттиқроқ гапи таънадай, камситгандай туюлаверади, ўзингиз ҳам уларга ботадиган, жаҳлини чиқарадиган гап гапириб қўймадиммикин, деб хижолат бўлиб турасиз. Энг ёмони, биз Фазилатнинг отасини тупроққа бериб, аро йўлда қолдик, энди қисматимиз нима кечишиниям билмаймиз. – У киприқларига сизган томчиларни рўмолининг учи билан артди. Гарчи, биринчи мулоқотни обидийда билан бошламоқ, нотаниш, носинашта меҳмонга дарду ҳасратини дастурхон қилиб ёзмоқ ножоиз, ноқулай эса-да, Шарифа опа, ҳарқалай, аёл киши эди. Бу кўргиликларни баланд кайфиятда иншо этиб ҳам бўлмаслигини Бекназар яхши биларди. Бинобарин, икки ҳамюрт, икки миллатдош, икки мусофирнинг муштарак тақдирлари ҳақидаги ҳикоялари уларни бир-бирига руҳан яқинлаштирди, иккисининг ҳам қалблари бир қоронғилашиб, яна ёришди, орадаги ётсираш, истиҳола пардалари кўтарилиб, бир-бировининг юзига худди аввалий яқинлар каби дадил қарай бошладилар. Бирдан Бекназарнинг миясига «Фурсатни бой берма» деган гап келиб, оҳиста ўсмоқчилади.

– Бирга-бирга юртга қайтмаймизми, опа?

Шарифа опа қўл силтади.

– Э, укажон, юртга қандай қайтамыз? Сиз-ку, эркак кишисиз, қолаверса, ўз уйингиз бор, биз аёллар уруғ-аймоғимиздан, бор-будимиздан айрилиб чиқиб кетганмиз, энди нима деб борамиз, қайга, кимникига сиғамиз?

– Унақа деманг, опа, қариндошлар бордир, бўлмаса, мана, бизнинг ҳовлилар кенг, кейин худо бир йўлга бошлар, – дадилланди йигит.

Опа мийиғида кулди.

– Ўзингизники етарли-ку, яна иккита дарбадар-ватангадонинг дарди-ташвишини қандай кўтарасиз, ука?

Фазилат ихчамгина ялтироқ патнисчада икки стакан чой ва бир финжонда қаҳва олиб чиқиб, хонтахтага қўйди. Опа стаканлардан бирини ўзига олди-да, патнисни йигит томонга сурди. Бекназар Туркияда чойни катта чойнақлардан қуйиб ичмасликларига ажабланмай қўйган эди. У ўзини ниҳоятда сипо тутаётган қизнинг ортидан зимдан кузатиб қоларкан, қиррали стакандаги қоп-қора чойга бир қарадию, қулоқли оқ чинни финжонга қўл узатди.

– Қизи тушмагур чойни ўтқир дамлаб юборибдими?

– Йўқ, яхши, – деди йигит қаҳвадан аста хўпларкан. У опанинг сезгирлигига қойил қолди.

– Ширинликлардан татинг, эсим курсин, гапга тушиб кетиб... – деди аёл хижолат бўлиб.

– Раҳмат, раҳмат, ҳозиргина нонушта қилувдим, – қўлини кўксига қўйди меҳмон.

Бекназар ҳали жиддий мавзуда сўз очиб қўйди, энди аҳдидан, гапидан қайтишни хоҳламас, қайта олмасди ҳам.

– Жон саломат бўлса, бир иложи топилади. Сизларни мен кўтариб юрармидим, ер кўтаради. Бўлмаса, бир оила бўлволамиз... – У сўнги гапни айтишга айтди-ю, тилини тишлади. Ўзида бу журъат қандай туғён урганига ҳайрон эди. Чакки кетди-ёв. Томдан тушган тарашадай эшитиладиган бу тақлиф опага қандай таъсир қилдидикин? Бекназар ер остидан унга қаради, лекин аёл эътибор бермадими, ё шунчаки айтди-қўйди-да, деб жиддий қабул қилмадими, ҳар ҳолда юз-кўзида бир ўзгариш сезилмади, муносабат ҳам билдирмади. Бироқ йигит нима бўлса-да, гапни айлантиришни маъқул кўрди. – Сизлар ҳам бу ерда қачонгача юрасизлар, ахир бир кун қайтишингли бор-ку?

– Энди қайтишимиз даргумонга ўхшайди. Акангизни шу ерга қўйдик, биз кетсак, ундан ким хабар олади, ким ис-чироқ қўяди?

Мулоҳазанинг умумий мазмуни тушкунроқ, нохушроқ бўлса-да, «акангиз» деган ибора мезбоннинг Бекназарни ўзларига беихтиёр яқин ола бошлаганидан далолат эди. (Умуман, аёл зоти пинҳоний рағбати, раъйини қандай ошкор этиб қўйганини ўзи ҳам пайқамай қолади). Бу ҳол шамолда титраб турган япроқдаги яшаш илинжидек, бир оғиз илиқ сўзга маҳтал суҳбатдошда умид пайдо этди. Шунингдек, важ-далилинг хулоса, таъкид оҳангида эмас, муҳокама тарзида ўртага ташлаши ҳам опада ён беришга хоҳиш йўқ эмаслигини аниқларди. Бундай пайтда энг муҳими, жиловни маҳкам туттиш.

– Менимча, агар юртга қайтсаларингиз, акамизнинг арвоҳи қайтага хотиржам бўлади, – деди Бекназар «рақиб сустлашганда бор ғайратни ишга сол» шиорига биноан янада тетикланиб. – Қабрда одамнинг фақат устухони қолади, руҳи осмонга учиб кетади-ку, руҳлар ҳар ерда ҳозир, деган нақл бор, демак, сизлар қаерда бўлсангиз, акамизнинг руҳи ўша ерда, атрофингизда юради.

Аслида бу Шарифа опанинг ҳам дилидаги гаплар эди, лекин...

– Тилда шундай деганингиз билан, – опа панжалари учи билан кўкси ўртасига оҳиста дукиллашиб ура бошлади, – мана бу ер унамайди-да. Қоловурса, ҳали юртимизда сиёсат ўзгаргани йўғу, мана, ўзингиз ҳам... – Бу бояги эҳтиётсизликнинг «товони» эди. Одамнинг онгида кўпинча дастлаб эшитилган фикр қолади, кейин уни кўчириб юбориш қийин, аммо хато ё ўзига зиён келтирадиган тушунчани ўзгалар хотираси, тасаввуридан ўчириб ташлаш иложини қидириш лозим.

– Мени бу ёқларда юришим, ҳали айтганимдай, кекса отамнинг андишаси натижаси холос. Энди ўйласам, шу баҳона билан мени акасида хабар олиб келишга юборганга ўхшайди. – Бекназарнинг тахминига асослар ҳам йўқ эмас эди. – Энамиз раҳматли отамга «Катта фарзандимиз фақат аканг бўлгани учун бечора сени доим кўтариб юрарди, бешигингним мен билан тенгма-тенг тебратган, сенда унинг ҳаққи кўп, у билан бир илож қилиб хабарлашиб тургин», деб йиғлар экан. Энамиз ўтганини кимдандир эшитган ама-

кимнинг ақалли онасининг қабри бошига чиқиб дуо ўқишга ҳам ярамаганидан ўқиниб, ёзиғидан ўпкалаб, юраклари эзилиб-эзилиб ёзган хати бизга ярим йилдан кейин етиб келган. Бизни давлатимиз билан бошқа мамлакатлар ўртасида хат-хабар алоқаси ҳам шунақа-да. – Бекназар чалғиб кетганини фаҳмлаб, узн айтди. – Ортиқча гаплар билан бошингизни қотирипманми? Мен бўлак нарсани айтмоқчийдим. Бизда ҳукумат, сиёсат асосан эркаклардан хавотирланиб, улар билан олишади, вилоятимизда биронта аёл қамалгани ё сургун қилинганини эшитмаганман. – У ниманидир эсламоқчи бўлгандай, бир лаҳза жимиб, кейин кўшимчалади. – Йўқ, агар барибир ватанга қайтишга кўнглингиз бўлмаса, унда ватанга яқинроқ Қашқарга бориш мумкин. У шаҳарда таниш, паноҳига оладиган яхши одамлар бор.

– Банданинг паноҳига олгани нима бўларди, худо паноҳига олсин, ука. Ҳа, майли, буям бир гап-да. Сиз отангизнинг айтганларини бажариб, Маккага боринг, амакини топинг, ҳажни ўтанг. Ҳамма нарсаям вақтида фарз. Биз ҳам Фазилатнинг отаси билан ҳажни кўнглимизга тугиб юрардик, ана, мана деб, йилларни ўтказдик, сармояни кўпайтириб олайлик деб ҳали у шаҳарга, ҳали бу давлатга кетаверди, кетаверди... Энди ўйласам, раҳматли умрининг қисқалигини сезиб, бизга пул ғамлаш ҳаракатига тушиб қолган шекилли. Демокчиманки, ниятниям имкон, шароит борида амалга ошириб олиш керак экан.

– Унда ҳаммамиз аввал Арабистонга борайлик, – деди Бекназар яна бир баҳона туғилиб қолганидан суюниб.

– Майли, бу ҳақда кейин яна гаплашармиз, – деди опа йигитнинг гапини бўлиб. Шундагина Бекназар масалага чуқур кириб кетганини англади. Биринчи сафар келишидаёқ шунча хотиржам ўтиргани ва ўзини эркин қўйиб юборганидан хижолат чеқди, туришга шайланиб, опадан ижозат сўради.

Фазилат у билан зинапоя олдида «яхши боринг» деб хайрлашиб қолди. Бекназар унга маъноли қараб: «Қаҳва жуда мазали бўпти», – деди.

Опа уни дарвозагача кузатиб қўйди.

IX

Эрталаб юзини ювгач, Бекназар бинонинг қарши тарафидаги девор билан туташ, фақат устигина ёпиқ айвон остида даладаги кўриқчидай сўппайиб турган катта, рух самовар томон юрди. Унинг бирон нарса егиси йўқ эдию, чанқаганди. Хизматчига – капкатта одамга иш буюргиси келмади. Қолаверса, нима юмуш биландир банд бўлиши керак эди. Кун ботишдаги айвонга тахлаб қўйилган саржиндан олиб келиб ўт қалади. Ўтин ҳадеганда аланга олавермади. Кўзлари ачишди. Бошини бир томонга энгаштириб, тагдан жон-жаҳди билан пуфлай кетди. Ўтин у билан ўчакишгандай, йилтиллаб-йилтиллаб, майда учкунлар сачратардию, ёна қолмасди. Кул тўзиб, устига ёпирилди, оҳорли қўйлак ҳам расво бўлди деб ғижинди. Хўл ўтин унинг кучини писанд қилмаётганди. Ҳа, ўтинни ёришга куч ё ақл керак, уни ёндириш учун эса қаловини топиш зарур. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади дейишади-я. Демак, бари иш қаловда. Фақат ўт ёқишнинггина эмас, бошқа ҳар қандай тадбир, муаммонинг ҳам қаловини топиш керак... Йигит тутантириқ учун айвондан қуруқ қийрачакларни¹ териб келди-да, самовар остидаги қўпол ўтинларни чиқариб ташлади. Аввал майдаларни Х шаклида чалиштириб терди, устидан йирикроқ тарашаларни қўйди, кейин оловнинг тагини – кўзини очди-да, бир парча қоғозни ёндириб суқди. Ўтин чисир-чисир қилиб туташа бошлади. Ёлқиннинг юпқа тиллари илон катта ўрмалаб, лапанглаб ўтинлар орасига кириб кетарди. Бирпасдан сўнг аланга катта, қаттиқ ўтинларнинг ҳам ёнини ялаб яллиғлангирди – олов росмана ёнди – ўт ёқишнинг қалови ана шу эди, Бекназар буни болалигидан биларди, фақат анча йиллардан бери ўчоқ ёнига бормаганди, қолаверса, нафаси кучига ишонган, пуфлаб ўт олдириб юбораман деб ўйловди. Лекин кўнглига ўт ёқишнинг қаловини яхши билмасди, «уни ҳам излайман, албатта топаман...» – сўзланди у. Тўғри, бу ишга бир вақтлар ҳам уриниб кўрган, аммо тополмаганди. Чунки... унда ғўр эди.

Мана энди, шунча олис, мутлақо бегона бир шаҳарда шундай бир дарди бедавога мубтало бўлиб, боши қотиб ўтирибди. Қатиқни пуфлаб ичиб юрган йигит бугун қайноқ сутниям косаси билан симиришга тайёр. Қашқарда шундай ажойиб ҳожи тоғанинг эркаси Хонгулнинг миқти жуссасига, унинг етилиб келаётган қизларга хос хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларига эътибор бермаган, чунки унинг бирон жойда бирон кимсага илашиб қолиш

¹ Қийрачак – тўнка ёрилаётганда ёнидан учган майда ўтинлар.

нияти асло йўқ эди, ахир у қаёққа жўнаб, қаерда тўхташи номаълум бир сайёҳ, тўғрироғи, уйи йўқ бир бедана бўлса... Ўзининг саргардонлиги етиб ортади-ку, яна бир бечорани юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар тентиратиб юриши ақлга сиғадиган ишми?.. Ҳа, у бир бегуноҳнинг уволига қолишдан қўрқарди, шу билан бирга чўнтагининг саёзлигини ҳам яхши биларди.

У қаердадир «Ўн саккиз ёшга етиб олсанг бас, у ёғига ўзингни ўзинг бошқарадиган бўлиб қоласан», деган гапни ўқиган ё эшитган эди. Демак, у фалсафа эмас, ҳавойи фараз экан, бандаи нотавон ўзига ўзи итоат қилолмай қолиши, умр йўлида унинг ўзига боғлиқ бўлмаган, у кутмаган, ҳаётини буткул ўзгартириб, ҳар қандай аҳди, сўзидан қайтишга мажбур этадиган воқеа-ҳодисалар ҳар қадамда, ҳар лаҳзада юз бериши мумкин экан.

Қудратли оқим бўлмиш ҳаёт тўлқинлари одамларнинг нафси, эҳтирослари, ҳатто, эътиқодидан ҳам кучлироқ, қайсарроқ, аёвсизроқ, бешафқатроқ. Бани башар бу оқим учун бир хасдай гап, уни хоҳласа чирпирак қилиб айлантириб ўйнаб, хоҳласа гирдобига тортиб, хоҳласа қай бир соҳилгами ё ўртадаги тошлоққа итқитиб, сўнг унга бир бора ачиниш билан назар ҳам ташлаб қўймай, ўз йўлида давом этаверади.

Инсон бирон жиддий муаммога дуч келиб, унинг ечимига ожиз қолса, бир неча кўйлакни ортиқ йиртган мўътабарроқ одамнинг маслаҳатига муҳтожлик сезади, назарида ўша тажрибагўй жумбоқнинг зулфинини ечиб, энг тўғри йўлни кўрсатиб берадигандай, унинг тавсиясига кўра иш тутса, мушқули осон, муроди ҳосил бўладигандай туюла бошлайди. Лекин қани ўша хизрнамо халоскор?..

Бекназар Фазилат хабар олиб турадиган Ҳожи отани эслади. У бурчақдаги хонадан ҳар замонда эски калишини судраб чиқиб, ҳовли йўлакларида, биров билан гаплашмай, тасбеҳ тутган қўлларини орқасига қовуштириб, ерга қараганича, баҳор офтоби лоҳас қилган мушук сингари эринчоқлик билан бир оз айланиб, яна индамай хужрасига кириб кетадиган ихчамгина жуссали киши эди. Йигитнинг кўнгли ким биландир дардлашишни ё лоақал шунчаки гаплашиб, ўзини сал чалғитишни тиларди.

У така хожасидан чойнак сўраб кўк чойни аччиқ дамлади-да, бир жуфт пиёла ҳам олиб, ўша мўйсафиднинг кулбаи хоси томон юрди. Ҳожи отага ташқарида икки-уч бора дуч келган холос, Жавдар оғадан муштипар отахоннинг нимага, қачондан бери бу такада гўшанишин ўтириши сабабини сўраган, лекин аниқ жавоб эшитмаган, фақат биров билан кўпам ош-қатиқ бўлавермаслигини тахминлаган эди. У салом бериб кирганида қария чўк тушганича, мўъжазгина хонтахта устидаги лавҳага қўйилган қандайдир китобни пичирлаб ўқиш билан машғул эди. Бошини хиёл кўтарди-ю, мутолаада давом этаверди. Бекназар яна «Ассалому алайкум, ота» деди. Чол қумушранг гардишли, тутқичлари ўрнига ип тортилган кўзойнаги устидан остонада қўл қовуштирганча чойнак кўтариб турган норғил йигитга ажабланиб алик оларкан, лавҳ ёнидаги хатчўпни пайпаслаб топиб, китоб ичига солди, уни ёпиб, ўрнидан буралиб-суралиб турди-да, кучоғини очди. Сўнг энкайган кўйи такрор-такрор «Келинг, келинг, хуш кепсиз» деб ёлдираганича, остидаги икки қат юпқа кўрпачанинг бир қаватини ёнбошига, ўзидан юқори тарафга тортиб, меҳмонни ўтиришга таклиф этди. Бекназар шундоқ пойгакка, рўпарада чўккалади. Ота-хоннинг қистовларига икки қўлини кўксига қўйиб, хижолат бўлманг, яхши ўрнашдим, деб унамади. Сўнг у билан ҳол-аҳвол сўрашаркан, атрофга бирров назар ташлади. Хона торгина эди. Така айвонига қараган, тўртта ўртача кўздан иборат дераза тоқчасида шашасининг уч қисми қорайиб кетган лампа (маълум бўлишича, электр чироқни кечалари ўрнидан туриб ўчириб-ёқишни дахмаза деб биларкан), муштдеккина сопол чойнак ва бир пиёла, бир ён девор тоқчада тартибсизроқ қалашиб ётган бир неча семиз-юпқа, узун-қисқа китоб, мезбон тагидаги бир тўшак, бир ёстиқ – бор бисот шундан иборат эди. Эшик биқинидаги деворга қоқилган миҳда чолнинг бўйига мос калтагина пахталик қавима тўн, унинг устида кўк сатин жойнамоз, иккинчи томондаги миҳда эса йўл-йўл алак дастурхон ва сариқ сочиқ илиғлик эди.

Ҳожи отанинг бошида қора бахмал дўппи, эғнида бўғма ёқали узун сурранг кўйлак, юзи жуссасига мутаносиб – ихчам, думалоқ, қораси кам қолган соч-соқоли кузалмаган бўлишига қарамай, истарали, лекин қарашларида умидсизлик ё қарилликка тобеликка ўхшаш чучмал бир ифода зоҳир эди.

– Норғуладан тортадиларми? – сўради чол.

Бекназар анграйиб унга қаради.

Мўйсафид бошини ярим ўгирган ҳолда ўзидан сал наридаги кўзасимон, «қорни»дан чиққан арқонсифат шланг ёнида чувалашиб ётган нарсага – чилимга ишора қилди. Шундагина Бекназар ўзининг ана шу ғаройиб матоҳга беихтиёр тикилиб қолганини пайқади.

Унинг ёдига қишлоқларидаги Етти ҳовли маҳалласи чеккасида, тахминан мана шу отахонниқча ҳужрада ёлғиз ўзи кун кечирадиган, саратонда ҳам ичига похол патак солинган, орқаси йиртиқ каттақон қалиш, йилтиллаб кетган узун қора тўн кийиб, белини маҳкам боғлаб юрадиган қоп-қора соқолли чуваккина чол тушган эди. Уни Хўжа банги дейишарди. Хўжа исми ё лақабими – Бекназар билмасди. У нос сотар, Бекназар отасига носга борганида кўпинча похол устидан қизил йўлли эски, лахтақ-лухтақ шолча тўшалган хона ўртасида илон ўйнатувчидай чордана қурганча, «хур-хур»латиб чилим тортиб ўтирган бўларди. Ўзлари томонда бошқа биронта чилимкашни учратмаган. Қашқарда, Азим ҳожининг ўғли билан шаҳар айлангани чиқишганида бозордаги бир чойхона айвонида давра қуриб чилим чекиб ўтирганларни, у захри қотилни бир-бировига худди тансиқ таомни илингандай ё ноёб, нафис мўъжизани тақдим этишаётгандай эҳтиёткорлик ва тавозе билан узатишаётганини кўриб, оғзи очилиб қолувди. Ҳозир Бекназар махсус лавҳа қўйиб, астойдил китоб ўқиш билан сассиқ тутунни буруқситиб чилим тортмоқликни бир-бирига уйғун келтиролмади боши қотарди. Худди дастурхонга асал билан захар ёнма-ён қўйилгандай. Унинг наздида умуман бангилар илму зиёдан, маърифатдан йироқ каслар эди. Наҳотки инсон ҳаётида унисининг ҳам, бунисининг ҳам ўрни бўлса? Яна, ҳожи одам...

– Ўшанга товлари қалай дейман? – савол такрорланди.

– Йўқ, мен чекмайман, ота, – деди Бекназар мезбоннинг таклифини рад этаётганидан хижолат тортгандай хиёл жилмайиб.

– Чакки қиласиз, лекин, аслида тўғри...

Бекназар савол аломати билан чолга юзланди.

– Бирпас бўласям, дардингизни енгиллаштиради, ғамингизни узоқлаштиради, лекин ўрганиб қолсангиз, хумориси ёмон.

Бекназар маъқуллаб бошини ликиллади.

– Хўш, келинг, йигит. Анчадан бери шу ердасиз, илло, дурустроқ гаплашмадик. Қаердан бўласиз? Бу ёқларга қайси шамол учирди?

Бекназар ўз қиссасини қисқача ҳикоя қилиб берди.

«Чолга ватандан сўз очманг» деб огоҳлантиришган эди, аммо юртидан Мосуво бўлган икки мусофир суҳбатида бундан ўзга қандай мавзу бўлиши мумкин? «Одамни соғинч қийнаркан, яқинларингиздан айрилиқ доғи, дарбадарлик ёмон экан», деди Бекназар сўзи ниҳоясида.

– Бу ҳали ҳолваси, – деди ҳожи ота каптар тухумидай иягини олдинга чиқариб чуқур сўлиш оларкан ва митти кўзларини бир лаҳза юмиб, яна очди. – Ҳар қандай яра битади, илло, ватан жароҳати тузалмайди – уни кўнгил йиғисидидаги намак ўйиб, янгилаб қўяверади, ичингиз тинмай йиғлайди – буни ўзингиз ҳам ҳар доим сезавермайсиз, бу куйдирги ўла-ўлгунча азоб беради, юрак-бағрингизни кундан-кунга нимталаб, илвиратиб бораверади, охири сизни адои тамом қилади. Ёлғиз бўлсангиз, ўлигим қайси ёт гўрда қоларкин, кейин қабримдан ким хабар олиб, қайси хеш-ақрабоим мени эсларкин, ким ҳаққи-руҳимга икки оят қуръон тиловат қиларкин, деган хавоти ичингизни каламуш кемиргандай ўйиб ташлайди. Сиз ҳали янгисиз, ёшсиз, бунақа ташвиш миянгишни эговламас эҳтимол, сиз бир айланиб ота маконингизга қайтарсиз, бу бемақсад тентираб-довдирашлар алами-аччиғини кўрмагандай ҳам бўлиб кетарсиз. Илойим, шундай бўлсин. Мен бенавочи, мана шу кулбада ўлимимни кутиб ётибман. – Мўйсафид бирдан жимиб қолди, салдан сўнг бўғиқ ҳиқиллаган товуш эшитилди. Унинг жағини, торгина кўксини қоплаган соқоли силкинар, ҳожи дўпписининг узун попуги пешонасининг ўртасида тебранарди.

Бекназар, ростдан ҳам ўша пайтда бу йиғию изтироблар маънисини тўла англаб етмаганди, кейинчалик бояқши қариянинг ияги, соқолига қўшилиб бир сиқимгина жуссаси ҳам ачинарли тарзда титраётган болаларча ҳолатини кўп эслади.

У Ҳожи отанинг ёнига аввало ўзини чирмовиқдай ўраб олган хаёлларидан бир оз чалғиш мақсадида кирган, вазиятга қараб бошига тушган савдонинг бир учини чиқармоқчи эди. Мўйсафиднинг дарди оғирлигини, унга ҳасрат халтасини тўкиш азага борган кампирнинг ўз зорини айтиб йиғлашидай ўринсизлигини туйиб, фикрдан қайтди. Аксинча, бу ватан гадосига таскин бериш зарур эди. Лекин Ҳожи ота хўрсиниқсимон бир овоз чиқарди-да, Бекназарнинг тасаллисини ҳам кутмай, дийдиёсини давом эттирди.

– Туркистонда ватанимдан бошқа бир яқиним қолган-қолмаганини билмайман, – деди у яқтасимон қўйлагининг ён чўнтагидан оқ дурра олиб, унинг бир чеккасини кўрсаткич бармоғи учига ўраб, ҳамон тийилмаган кўзёшларини артаркан. – Эҳтимол ватан ҳам каминани аллақачон унутиб юборгандир. Ота-онасининг оғир кунда асқотмаган

ноқобил ўғилга ўхшаган вафосиз, ориятсиз фарзандни, бошқаларнинг ўтда куяётганини кўра-била туриб, уларга ёрдам қўлини чўзиш ўрнига, ўз жонини қутқизиш мақсадида жуфтакни ростлаб қолган мардумнинг кимга нима кераги бор? Менга ўхшаган юзлаб, минглаб фуқаросидан ажралсаям ватаннинг бир мўйи қимирлаб қўймаслиги мумкин, илло, кишининг ватансиз кун кўрмоғи душвор экан. Сизнинг бошингизга ҳаргиз бу кунлар тушмасин, аллоҳга тавалло қилинг, болам, кечасию кундузи ватанимга қайтар, деб тиланг... – Ҳожи ота гапдан тўхтаб, бошини эгди-да, бирдан йиғи аралаш хиргойи қилишга тушди.

**Жаҳонда мендайн бенаво бормикин,
Ўлмайн жонидан мосуво бормикин...**

– Ноумид бўлманг, Ҳожи ота, – деди Бекназар овози титраб, унинг ҳам дили вайрон бўла бошлаган эди. – Яратганга осон, бир нафасда дунёни ўзгартириб юбориши ҳеч гапмас. Иншоолло, ота юртингизни кўриш насиб этар. Қариндошлар ҳам бордир, ҳаммаси тирқираб кетишмагандир.

– Тилингизга шакар, ўғлим, лекин... – қария яна ҳиқиллай бошлади ва болиши остини тимирскилаб муштдан каттароқ эски, кир тугунчани очиб лавҳ ёнига қўйди-да, силаб-силаб, қўлларини кўзларига сурта бошлади. – Мени ватаним мана, шу бир сиқим тупроқ... Қазоим қаерда етса, мана шу тупроқ билан бирга кўмишса, уни лаҳадда кўксимга босиб ётсам... Худодан ўтинчим, ёруғ дунёдан бир илинжим шу...

X

Бекназар баттар юраги сиқилиб, бўшашиб ўз жойига қайтди. Келиб-келиб дардини шу одамга айтмоқчи бўлибди-я. Ҳасратидан чиққан тутун Истанбулни, бе, Истанбул нимаси, бутун оламни қорайтираман дейди-я.

Энди унинг кўзларидан уйку янада узоқлашган эди. Арғувон бутуқлари орасидан милт-милт қилаётган бесаноқ юлдузлар ичидан Катта айқни, Олтин қозикни, деярли бир чизиқда жойлашган учталиқ юлдуз туркумларини элас-элас кўрди. Дунё шу қадар кенг (ҳали унинг оёғи етмаган қанча узоқ мамлакатлар бор) бўлишига қарамай, осмон жуда тордай туюлди. Ўша юлдузлар уларнинг ҳовлиси тепасида, ҳозирги ўринларидан салгина нарида гоҳида равшан, гоҳида хирагина нур таратиб турарди. Демак, юлдузлар ниҳоятда улканлиги учунгина эмас, доимий, муқим маконлари борлиги учун ҳамма жойдан кўринаверса керак. Шундоқ ҳадди-чегараси йўқ очунда ҳар бир одам туғилиб ўсган масканида яшаши зарур. Бекназарга ҳали ватан қадри унча ўтмаганга ўхшарди, лекин ота-онаси, опа-сингиллари, ёру дўстларини кўргиси келди.

Оғир-босиқ, мулоҳаза билан иш кўрадиган, фарзандларига жуда ғамхўр отажонини ўйлаб кетди. Бекназар уйланмасидан илгари кўчадан кеч қайтиб, дераза ёнидан қанча авайланиб, оёғининг учида юриб ўтса ҳам, хушёр ва сезгир падали бузруквори «Бек, келдингми?» дейишини ҳеч қанда қилмасди. У пайтда бошқа ҳеч нарса демас, нонушта устида «Кечқурун жа кеч қайтдингми?» деб сўраб қўярди. Аммо буюрган вазифасини вақтида бажармаса ёки нимагадир ундан ўгиниб қолса, бир-икки кун очилиб гаплашмасди. Шунда Бекназар хатосини ўнглашга, бирон мақтовли иши билан кўнглидаги кудуратни кўтариб юборишга ҳаракат қиларди.

Онаси бир оз талабчанроқ ва тезроқ, ўғиллари ё қизи кўчада узоқроқ қолиб кетса, ё эрталаб кечроқ турса, ё бир юмушни орқага сурса, дарров қисди-басдига ола бошлайди. Бекназарга эса: «Ишонган фарзандимиз сен-ку», деб писанда қилишни ёқтирарди. Миннат учун эмас, ғурурланганидан, албатта. Лекин меҳрибонликда унга тенг келади-гани йўқ, жуда илинувчан, бирон тўй-маракадан қайтганида уйда Бекназар бўлмаса, унга саватидаги қанд-курс, пишириқлардан, айниқса, у яхши кўрадиган қатламадан олиб қўйишни зинҳор унутмасди. Хуллас, онаизорининг унга алоҳида бино қўйгани сезилиб турар, Бекназар орқаворотдан «Шу ўғлим ўзимга тортган» деганини эшитиб суюнарди.

Кейин сингисини кўз олдида келтирди – мусичадай беозор, ҳалим муомаласи, ширин забонлик билан одамнинг жаҳлини ёзиб, кўнглини эритиб юборадиган, сўзга чечан сингисини. Ўқиган эртақ, қиссаларини шунақа берилиб, батафсил гапириб берадики, эшитган киши ўзи тўқияптимикин дейди. У болалигидан китоб жинниси. «Ёрилтош»ни ёд билади, ким сўраса айтиб йиғлатади. Бекназар кўпинча маҳалла қизларини оғзига қаратиб ниманидир ҳикоя қилаётганини кўрарди. У содда, ишонувчан ва таъсирчан. Бекназар ҳар хил олди-қочди гапларни, қуралай кўзларини катта-катта очиб, ҳайратланиб

тинглашидан ҳузурланарди. Олимлар ёзишибди, энди қизил қор ёғармиш, бундан буёғига одамлар секин-аста маймунга айланармиш, деса ҳам чиппа-чин ишониб, хафа бўлар ва ваҳимага тушиб қоларди. Фазилатнинг баъзи феъллари – ҳазилкашлиги, ёқимтойлиги унга ўхшаб кетади. Бояқши Раҳима, Холназар акасида кўра, Бекназар билан яхши чиқишарди, энди нима қиляптийкин?..

Акасининг феъл-атвори сал ғалатирок: Бекназарни укам деб аяшни билмайди. Болалигида биронтаси билан муштлашиб қолса, унга бўлишиш, ёнини олиш ўрнига, «Кучинг етмаса, нимага муштлашасан?», деб ўзига пишанг берарди. Акасининг яна бир қилиғидан ичи оғир, лекин индаёлмасди. Иккаласи тамадди қилишаётганда Холназар нон ушатиб, яхши пишган бўлагини ўзининг олдига, куйган, буришган қисмларини Бекназар тарафга қўярди. Кейин отаси билан онасининг укасига нисбатан айричароқ муносабатидан ғашланаётганга ўхшарди. Мабодо онаси Бекназарни мақтаса, беписандлик билан эшитмаганга олар ё ижирғаниб, лабини буриб ўтирар ё укасининг қилиқларини, масалан, қайсарлигини айтиб, унинг баҳосини пасайтиришга уринарди. Лекин Бекназар барибир ҳозир акасини кўргиси келганини, уни соғинганини туйиб бир энтиқди.

Унинг кўз олдидан ён қўшнилари бир-бир ўта бошлади. Хотини юзта гап тахлаганда ҳам нима деяпсан демай, ёнбошлаганча пишиллаб ётаверадиган Маъди сўлтамат, саксондан ошиб, бели букчайсаям шудгордан чиқмайдиган Ражаб бува, сувоғичини Бекназарлар тарафга секин-секин, киши билмас жилдираверадиган, ҳа деса, қачондир уй солаётганда қибласини чиқариш учун иморатининг орқасида, яъни Бекназарлар ҳовлисида қолиб кетган бир суям қийтиқ ерни писандалаб хит қиладиган Нурқўзи (Бекназарлар уни Сурқўзи дейишарди)... Аммо, улар барибир болаликдан таниш, ташвишли кунда югуриб чиқишадиган, тўй-тўркинда иззат ё хизматдаги одамлар-да...

Хотинини ўйлаб таъби тирриқланди. Ўзи бошдан кўнгли чопмовди, нимага розилик бердийкин-а? Умуман, нега уйланди ўзи? Агар ҳозир бўйдоқ бўлганида Фазилатга тик қараб, очиқ юз билан, ҳатто, Шоҳистани ҳам четлаб ўтиб, кўз очиб ёқтирганим сиз, деб дадил айтарди.

Лекин, мусофирликда энг ёмони ёлғизлик экан. Юртма-юрт кезиб юрган дарбадарда дўст қаёқдан бўлсин! Сарикул билан анча келишиб қолишувди, ундан ҳам ажралди. Иқбол, Муслим... Афсуски, улар олисда. Одам зерикканда, юраги сиқилганда, қувончини баҳам кўриш ё бирон маслаҳатга, тасалли-далдага эҳтиёж сезганда дўст зарурлиги Бекназарга энди билинган. Ўша, болалик қадрдонлари билан хайрлашмагани унга жуда алам қилар, шуни эсласа ҳар гал юрагини бир нима чангақдек қисарди.

Қора қанда деган ердан келади ширин, ойнадай тиниқ булоқ сувларининг қадри ўтмоқда эди. Йўлларда, сувсиз жойларда чанқаб, томоғи қуриган пайтларда: «Қани энди эртақлардаги каби кўзингни бир юмсангу, ўзингни ана шу ариқ бўйида кўрсанг», деб кўп орзиқди. Ҳозир ҳам у ўша обиҳаёт илинжида беихтиёр тамшаниб, лабларини чапиллатди. Ё, тавба, арзимаган бир иш туфайли етти ухлаб тушига кирмаган юртларда кезиб юрибди. Энди бу ёқда бошини янги савдоларга тикиб олгани ортиқча. Бу бемаврид ошиқликнинг охири нима билан тугаркин? Ишқилиб, бахайр бўлсин-да. Ҳожи отадай киши ватаним, юртим деб йўғлаб юрибди, бу эса... тинчгина ўтирган одамларниям ҳоловатини бузиб, уларнинг дилига ғулғула солиб, иш ошириб ўтирибди. Ҳа-да, ўзинг қочкин бир дарбадарсану, яхши кўришга бало борми?! Яна, уйланган бўлсанг, бир бокира қизни бошини айлантириб, суллоҳлик қиляпсан. Фазилат хотининг борлигини билса, ўлақолсаям сенга тегишга кўнмас. Ишқилиб, чучварани хом санаб қолмагин-да!.. Ҳа, қани, тонг отсин-чи, эҳтимол эртага масала анча ойдинлашар. Фазилат билан онаси роса муҳокама қилишса керак. Зора, бир жўяли тўхтама келишса. Онахонга инсоф берсин. Бошга тушганини кўз кўради, агар розичилик билдиришса, қайда бўлсаям ишлайди. Бу ерда энди арра-тешаси иш берармикин? Буларнинг тилини яхши тушунмаса... Мардикорчиликка ҳам жон дерди, Қашқарга етиб олгулик пул жамғарса, бас. Энди ҳажга боришим гумон...

XI

Қоронғида омад ё омадсизлик соҳилига олиб ўтиши номаълум хилват, ваҳимали кўприқда кетаётгандай, юрагини ҳовучлаб тонг оттирди ва яна бир ҳаяжонли кун субҳидами билан юзлашди. Яна юлдузлар хиралашганча бир-бир сўниб, осмон аввал муз рангга, кейин оқиб тусга, ниҳоят нилий гумбазга айланди. Фазо чиндан ёрқин эди, лекин афсуски, бу қолатга қараб куннинг давомини башорат қилиш қийин, эҳтимол тушга яқин ҳарорат кўтарилиб, ҳаво дим бўлар?

Бекназар бетоқатлана бошлади. Тахминича Фазилат тушгача хабар бериши керак, шунгача дараги бўлмаса, унда ўзи уларникига боришни дилига туккан эди. Бироқ, сабри узокқа чидайдиганга ўхшамасди. Аксига олиб, тақяда Ҳожи отадан бўлак кимса йўқ, бир айланиб келай деса, йўғида Фазилат кириб қолиши мумкин. У ўзини чалғитиш, вақт ўтказиш учун яна самоварга ўт қалади. Гарчи кўнгли егулик тиламаса-да, оқшом ҳам ҳеч нарса татимагани сабабли ошқозони тортишиб зорланмоқда эди. Бисотини ковлади – бир ҳовуч ёнғоқ талқони, майиз, озгина қаламча қилиб тўғралган қоқ нон бор экан (буларни Сарикул қолдириб кетган эди), наридан-бери тамаддиланди. Кейин юрди, ётди, турди, айланди, яна ёнбошлади. Икки кўзи дарвозада эди.

Ниҳоят остонада юзига чоршаф тутиб, тугун кўтарган хотин киши кўринди. Қадди-қомати ва энг асосий белгиси – кўк либосидан унинг айнан ўзи интизорлик билан кутаётгани эканига заррача шубҳа қилмаган Бекназар сапчиб ўрнидан турди-да, истиқболига шошилди. Дастлаб нигоҳи тушганида илк кўкламдаги сабза майсани эслатган ўша чиройли кўйлак бугун яшил олов каби ловулларди. Бекназар илгарилари аҳамият бермаганми, яшил кийим аёл зотиға бу қадар ярашганини кўрмаганди. Умуман у яшилнинг бунчалар ёқимли, жозибадор ранг эканлигини ўйламаган экан. Демак, яшиллик парвардигор томонидан баҳор учун бежиз танланмаган экан, чунки у ранглар подшоши экан, деган хулосага келди. Лекин Фазилатнинг қадам босиши сустроқ туюлди. Бекназар қизнинг кўлидан тугунни олиб шундоқ ерга кўйди-да, рўмолини қайирмоқчи бўлди.

– Ҳай-ҳай, нима қиялпсиз, номахрам киши? – деди Фазилат ўзини бир ёнга тортиб.

– Юзингизни очинг, бир кўрай, – деди ҳазилдан жонланган йигит қизнинг билагидан тутиб.

– Мени шарманда қилмоқчимисиз? – Фазилат гапи оҳанги дағалроқ чиққанини сезиб бир лаҳза тинди ва майинроқ товушда қўшимча қилди. – Кўргансиз-ку, ўша-да.

– Кўрқманг, таккада мендан бошқа мушук ҳам йўқ.

– Мушук бирпасда деворданми, томданми сакраб тушиши мумкин.

– Сакраб тушмайди, узокқа ҳайдаб юборганман.

Фазилат сал бўшаши.

– Хўп, юзимни очиш учун кўлимни бўшатасизми? – У гулгун жамолини пана қилиб турган қора ҳарир чоршафни қайириб, бошига ташлади. Бекназар қизнинг кўзларига астойдил тикилиб, сўроққа чоғланди-ю, дилидаги гапларнинг муҳимроғини аввал тилга чиқаришни афзал кўрди.

– Ўша дейсиз-а...

– Вой, ўзгариб қоптими, нима қипти? – шоша-пиша сўради қиз йигитнинг сўзини бўлиб.

– Янаям чиройли бўп кетибдию...

– Э-э, бу кишининг топган гапини...

Бекназар андак бачканалашганини пайқаб, жиддий тортиди.

– Хўп, онангиз мени тўғримда нима деди?

– Ёмон йигитга ўхшамайди, лекин одам олasi ичида деди.

– Сиз нима дедингиз?

– Ҳеч нарса, – елкасини қоқди Фазилат. – Нима дейишим керак эди?

– Сал мақтаб кўймадингизми?

– Мақташга лойиқ бир иш қилдингизми ўзи?

Бекназарнинг таранг тортган томирлари ёзилиб юмшади. Фазилат ҳазил-ҳузулга ўтдики, демак, вазият у қадар хавфли эмас.

– Тезроқ асосий гапни айтиб кўнглимни тинчитинг, гўзалим.

– Ҳай-ҳай, мақтов илинжида тилларига ортиқча эрк бервормаяптиларми, афандим?

«Афандим» иборасини унинг жиғига тегиш учун айтганини англаган Бекназар боз дадилланди.

– Кечаси билан ўйлаб, сизни таърифлашга бундан муносиброқ сўз тополмадим.

Агар туркларда аълороқ сўз бўлса, ўзингиз ёрдам берворинг, хоним афандим.

– Сизга мени мақтанг деб илтимос қилмадим шекилли, бей афандим.

– Кўнглингизга қандай йўл топишни билмаяпман-да.

– Қизлар хушомадга лаққа тушади деб ўйлайсиз-да, а? Бу эски усул.

– Туркияда шундайдир, бизда ҳали унчалик эмас.

– Кўча кўрганман, тажрибам етарли демоқчисиз-да...

Бекназарнинг юраги «шиғ» этди. Нимага шама қияпти бу шайтон қиз, бирон нарсанинг исини пайқамадимикин ишқилиб... Йўғ-э, унинг номаи аъмолини қаердан, кимдан ҳам эшитарди. Ё онаси ўзича тусмоллаб бир нималар дедимикин?..

Ҳар қалай, бу «номаи аъмол»ни ҳозирча Фазилат билмади тургани дуруст, лекин кейин мени алдабсиз деб қаттиқ ранжиса-чи? Ишончимни поймади этди деб ўйласа-чи? Ҳа, йўқ, у гапларга ҳали узоқ, подадан олдин чанг кўтаришнинг нима кераги бор? Мавриди келганда ётиги билан тушунтирар. Ахир у хотини билан бирон кун ҳам кўнгилдан ҳамсухбат бўлгани йўқ-ку, буни Рашиданинг ўзиям тасдиқлаши мумкин. Ҳар ҳолда, гапни чувалаштириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деган фикрда эди Бекназар. Шу тариқа у сирларнинг ҳаммасини ошкор этмаслик бобида Фазилат олдидаги «қарз»идан узилди. Албатта, иккиси ҳам фақат яхши ниятда шундоқ йўл тутишди – табиийки, ҳамма ҳам ўзи ҳурмат қилган ё ҳали у қадар ишончини қозонмаган кимсага ёқимли, беғубор кўрингиси келарди. Ахир, туяни ютиб, думини кўрсатмасдан ўтиб кетадиганлар қанча! Умуман, хотини ё эри ёки бошқа бир яқин кишидан махфий тутгулик аъмоли йўқ каснинг ўзи бормикин бу ёруғ жаҳонда? Бекназар шу биргина хижолатчилигини вақтинча хуфия сақлаб турса зарар қилмас. Ахир ҳадисларда ҳам оилавий ишда ўзаро муроса учун ёлғон гапириш мумкин дейилган-ку.

– Бошқа ёққа кетиб қоляпсиз, Фазилат хоним, – деди Бекназар ўзини жиддийликка олиб.

– Нима тўғрида сўйлашятувдик ўзи?

– Асосий гап...

– У нима гап эди?

– Онангизга айтган таклифларим...

Қиз кулиб юборди. Унинг кулгидан нурланиб, ичи ёришиб кетган кўзлари шаффоф юзаси ой шуъласидан живирлаётган чашмани эслатар, унга қараган нигоҳнинг ташналиги ортарди.

– Эсим кўрсин, асли мен сиздан бир нарсани билгани келувдим. Онам сўра-чи, бугун жўнаймизмикин ё эртагамикин деятувди.

– У киши йўлга чиқаверадиган бўлган, орқасидан етиб олишимизни тайинлаган демасиз-да... Одамнинг устидан бунақа кулиш йўқ-да, гўзал хоним афандим.

– Сиз айтгандай, бу сўз билан ҳам «афанди» унча келишмайди.

– Яна гапни буряпсиз...

– Менмас, гапнинг ўзи бурилиб кетса, нима қилай.

– Сабримни синаб кўрмоқчи бўлсангиз, буни бошқа сафарга қолдирсак, аввал менинг ҳаётим учун жуда муҳим нарсани билволсак...

– Мен учун унча муҳим эмасми? – деди Фазилат қош чимириб.

– Менинг ҳаётим деганда сизникиниям назарда тутяпман-да, яхши қиз.

– Э, узр, афандим, иккаламининг ҳаётимиз қўшилиб кетганидан ғафлатда қопман.

Фазилат яна чоршафтини апил-тапил пастга тортиди. Ёпинчиқ кўтарилганда туман чекиниб, хира олам ёришиб кетгандай, туширилса, атрофни боз қоронғилик чулғангандай туюларди Бекназарга. У уф тортиди.

– Чодрангиз одамни диққинафас қилиб юбораркан.

– Сабрга ўрганасиз, – деди қиз овозини пастлатиб, – сабрга...

Дарвозадан икки қўлида халта кўтарган Жавдар оға билан ярашимли энгил ва туркча – тўнтарилган пақирчасимон, жигарранг фас кийган ўрта бўйли, олтмиш ёшлардаги синчков нигоҳли киши кириб келганида улар ҳамон йўлак ўртасида «музокара» қилишаётган эди. Фазилат шошиб четланди. Гарчи, чоршафда бўлса-да, Фазилат ҳар нечук энди бу ерда ғалат тарзда туриш ножоизлигини туйиб, оҳистагина «Соғ бўлинг, оға» деди-да, ташқарига интилди. Бекназар текилинча онасини йўқотиб қўйишдан кўрқиб изма-из, қадамини шигаб бораётган болакай каби қиз ортидан лўкиллади. Фазилат худди аразлаган нозли ёр сингари тобора илдамларди. Бекназар секин-секин «Фазилат, Фазилат» деб чақирар, яшиндан қочаётгандай орқа-олдига қарамай чопаётган қизнинг этаклари ҳилпираб, товланиб бораётган узун яшил шойи кўйлаги кўзига чиндан-да алангага ўхшаб кўринар, яқинлаша, куйдирадигандай туюларди. У Фазилатга етиб олиб, елкасидан тўти тўхтатишни мўлжалласа-да, катта кўчадаликларини ўйлаб иккиланарди. Лекин узун оёқларини атайин майда ташлаб лапанглаши бировни пўписа учун қувалаётгандай кулги кўринаётганидан беҳабар эди.

Ниҳоят, Фазилат кескин тўхтаб, орқасига ўгирилди.

– Нимага ҳаллослаб келяпсиз? Кўрганлар нима дейди? Бу қиз анави мусофирнинг бир нарчасини ўғирлаб қочибди шекилли деб ўйлашмайдим, Бек ака?!

– Ўзингиз намунча югурасиз бўлмаса?

– Ҳалиги киши – отамнинг оғайнисининг таниши.

– Нима қипти?

– Нима қипти дейди... Қайтинг, ҳали ўзим келаман. Йўқ, яхшиси, эртага Султон Аҳмадда кўриша қоламиз... – Фазилат шундай деб яна шитоб юриб кетди.

Қиз «оқ қорнинг тагига...» деса ҳам Бекназар учиб боришга тайёр эди, фақат «эртага» деган сўз таъбини хира қилди. Хўх-хў, қачон кеч кириб, қачон тонг отади. «Бугун-чи?» деган сўроқ бўғзида қолди – Фазилат сеҳрли малакдай аллақачон кўздан ғойиб бўлган эди. Яна, учрашувнинг вақти-соати ҳам белгиланмади. Айтмадим, демак, шунақа маҳалдир-да, ўйлади Бекназар.

Тарвузи қўлтиғидан тушиб, такяга кирди. Жавдар оға билан «анови» кимса ҳовли тўридаги чорпояда гурунглашарди. Ярашиқсиз қилиғидан, аёл кишининг ортидан бўталокдай элчиганидан¹ энди хижолат тортди ва тез-тез юриб, ҳожатхонага ўтди. У ерда узоқ ўтирди. «Шубҳали» кишининг даф бўлишини кутиб, ойнали туйнуқдан қараб кўяр, назарида меҳмон ҳам уни пойлаётгандай, шу ёққа тез-тез назар ташларди. Тоқати тоқ бўлган Бекназар шартта чиқди-да, чўнқайганча кўрадаги сувда таҳорат олдию, оқ дуррасига артинганича, ҳеч қаёққа қарамай, ташқарига шошилди. Кўчада Фазилатлар тарафга бир лаҳза қараб иккиланиб тургач, қарама-қарши томонга юрди.

XII

Бекназар қайтиб келганида такя эгалари кўчиб кетган ҳовлидай ҳувиллаб ётарди. Хизматчи тагин қаёққа гумдон бўлдийкин? Ҳожи ота ҳам ётиб, китоб ўқиб зерикмайдиган аломат чол экан-да... Ҳовлида кўринса, бирпас гаплашарди. Яна олдига киришга ий-манди, узоқ вақт ёлғиз яшаган киши одам ёқтирмайдиган бўлиб қолади, дея кўнглидан ўтказди.

Боз кунни кечкиртириш ғами тушди. Шерикларидан сўнг Бекназар ўрин-кўрпасини кундузи ичкари хонага кўчириб, кечаси дам бўлгани учун яна ташқарига чиқиб ётарди. Арғувон ости сўлим ва баҳаво эди. Айниқса, тонг-сахарда шимол ёқдаги дарахтзордан тараладиган қушлар навосига қулоқ тутиб, ўша тарафдан эсадиган Мармар денгизининг намхуш эпкинидан сийнаси яйраб, хаёлларга берилиш ҳузурли эди. Унинг қадрдонига айланган, ҳар куни қарийб бир вақтда арғувон шохида пайдо бўладиган мусичадан каттароқ бир қорақуш шошилмай, оғир-босиқлик билан узоқ сайрарди. Парранда, гарчи шундоқ боши тепасида, овози жуда тиниқ эса-да, негадир олис-олисларда куйлаётгандай, хониши қандайдир ғам-андухга қоришиқдай маҳзун эшитиларди. Нега у доим ёлғиз юраркин, жуфти йўқмикин, деб ўйларди Бекназар. Балки, товушидаги мунгнинг сабаби шундандир... Бу ҳазин нолани тинглаганида негадир ҳовлилари орқасидан ўтадиган, ялпиз атри анқиб турадиган ариқ бўйида нозик кафтлари билан зилол сувни сочиб-ўйнаб, туш айтаётгандай шикастаҳол ўтирган сингиси кўз олдига келарди. Бошини чойшабга бурқади, лекин бир неча дақиқадаёқ нафаси қайтиб тўлғонди, юзини очиб юборди. Бир зумда уни зулмат қаърига тортиб кетадиган уйқулар қаёққа кетдийкин-а?.. У чуқур хаёллар гирдобига шўнғиди. Энди у шу бебош ва бетизгин асов тўлқинлар орасида бир умр қулоқ отиб юрмоққа тайёр ва қодирдай ҳис этарди ўзини.

Бекназар Лайли билан Мажнун, Фарҳоду Ширин тўғрисидаги дostonларни, севишганлар ҳақидаги бўлак китобларни ўқиганда, «Тоҳир ва Зухра» каби киноларни кўрганда муҳаббатнинг сеҳрига, одамга гоҳида азоб, гоҳида ҳузур-ҳаловат бағишлашига қойил қоларди. Илло, бу ғаройиб мўъжизанинг шунчалар масту мустааманд, беором ва бетоқат қилишини, сабрдангина эмас, ирода, ихтиёрдан ҳам бегона айлаши мумкинлигини ўйламаган эди. Яна, муҳаббат қиссаларида (бунақа, қиссалар у пайтлар ҳали унча кўпмас эди) хушторнинг кўкрагини захга бериб ётиши борасидаги гапни ўқиса, «Ёзувчилар ҳам жа-а оширворишади-да, кўкрагини захга бериб ўтирадим, бир йўла ўзини бирон баланд қоядан қаҳрамонларча ташламайдими», дерди пичинг қилиб. Мана, менам яхши кўрганман, лекин ўзимни тута олдим-ку, яна мен жуда ёш эдим. Мана, юрибман-ку, чидаса бўларкану. Ҳа, энди, у калондимоғ маҳваш кўнгили бермас, этагига осилиб оладими, эркаклик ғурурини поймол қилиб... дерди ғаши келиб. Энди билиптики, бекор-

¹ Элчимоқ – эргашмоқ.

га «ошиғу беқарорлик» дейилмас экан, бу туйғу одамни, айниқса унинг ичини, юрагини беомон қизита бошлаганида, бу кучли ҳарорат тафтини пасайтириш чорасини тополмай қолар экан.

* * *

Бекназар Андижондан Ўшгача олиб келган аравакашни эслади. Уйдан чиқиб кетган куни у шаҳарнинг чеккароғидаги чойхоналарда амаллаб вақт ўтказди-да, Ўшга қатнайдиган уловлар бекатига бориб, от аравага ўтирди. Машина йўқ, кўнгли бесаранжом, тезроқ Андижондан жилиб юбориши зарур. Қоронғида аравакашнинг юзи унча кўринмасди, тўғрироғи уни яхшироқ кўриб қўйиш хаёлига ҳам келмасди. Ҳар ҳолда у каттароқ ёшдаги, ўрта бўйли, лўли башара, сийрак қора мўйловли қотмагина киши бўлиб, дарвешларни эслатарди. Қасмоғи чиққан тўрт гулли дўппини пешонасининг бир томонига дол кўндириб (гўё ўзича чапанинамо қиёфага кириб), гирдидан чорсини чамбарак қилиб боғлаган эди.

Йўлга тушишганда узоқ-яқиндан итларнинг узун-калта ҳуриши, қарисифат қирчанғи биянинг ҳар замонда калта пишқириб, йўталиб қўйишини, ёғсираган тегарчикнинг ғичирлашини ҳисобга олмаганда тун анча осойишта, хийла ичкаридаги қишлоқ ҳовлиларида милтиллаган чироқ шуълалари элас-элас кўзга ташланарди.

Бекназарнинг кўзларидан асли уйқу йироқ бўлса-да, бошқа йўловчилар қатори ўзини мудраганга солиб, тебраниб кетарди. Бир пайт қулоғига ғалати бир хониш кирди. Тинглаб, бу кутилмаган «ҳофиз» аравакаш эканлигини билгач, яна қимтиниб олди. Аввалига ашула мазмунига унча эътибор бермади, у ҳамон дарди-ташвиши билан андармон эди. Шикаста нола юрагини чимиллатаётганини пайқагач, ҳамма нарсани унутиб, янада астойдил тинглай бошлади. Қўшиқ ҳеч тугамасди. Йўлнинг чақир тошли жойларида ғилдирак ғитир-ғитир қилиб, хонишнинг авжини бузарди, холос (сирасини айтганда қўшиқнинг авжи ҳам йўқ эди), бошқа маҳал нағма бир маромда давом этарди. Бекназар бир хил сўзлар қайта-қайта такрорланаётганини англади. Шундан сўнг «на-на-най»симон хонишдан зерикиб, юраги қисилди. Аравада ундан ташқари уч-тўрт катта-кичик йўловчи (ораларида эркак тўн ёпиниб, ғужанак бўлиб ўтирган қизми, аёлми ҳам) бор эди, аммо ҳеч ким миқ этмас, ҳамма кўнишганича араванинг силташига ҳамоҳанг силкиниб борарди.

– Бундан бошқа ашула йўқми, тоға, бир хил пластинкангиз одамни жа-а эзворди-ю, – деди охири Бекназар чидамай, «пауза»ни пойлаб туриб.

– Бу ёруғ дунёда асил қўшиқнинг ўзи шу, укам, – деди киракаш иззат-нафси оғригандай. Бироқ бу «оғриқ» тезда ўтиб кетди шекилли, бир оз жим кетгач, энди яна ҳам астароқ ғинғирлашга тушди.

Хуллас, ўшанда Бекназарнинг хийла энсаси қотган, лекин «Кимнинг аравасига тушсанг, ўшанинг ашуласини айтасан» («эшитасан» дейиш керак экан деганди у ичида) мақолини эслаб, тишини тишига қўйиб келган.

Қайта-қайта эшитаверганидан муғаннийнинг нолаи афғони хотирасининг қат-қатига ўрнашиб қолган экан, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, хиргойининг сўзлари хаёлига маржондай тизилиб кела бошлади. Қўшиқ матни аслида бор-йўғи ўн қаторгина эди.

***Бу дунё нотугалдир,
Тақдир ипи чигалдир.
Чигалликнинг чораси
Қаламқош бир гўзалдир.***

***Гўзалларда вафо йўқ,
Чин ошиққа сафо йўқ.
Бу кўп кўҳна масалдир –
Умр йўқки, жафо йўқ.***

***Ишқ дардига даво йўқ,
Бундан ўзга наво йўқ.***

Қўшиқ маъносини Бекназар энди тўлароқ англаб етди. Лекин ўшанда аравакашнинг нега бошқа ашулаларни пучакка чиқарганини мушоҳада ҳам қилиб ўтирмаганди. Ҳа, аслида у шунчаки ишқ нағмаси эмас, ҳақиқий ошиқ ноласи, куйган кўнгил охи-зори экан. Бечора девона, шўрига шўрва тўкилган дарвеш!.. У ҳам бошидан кўп мушкул синоатларни

кечирган шекилли-да. Бу ишқ балоси подшоҳдан ҳам истиҳола қилмаганидай, нотавон ғариб раҳмини еб ўтирмайдиган савдо экан.

Ана шундай хаёллар у ёқдан-бу ёққа шафқатсизлик билан отаётган паллаларда Бекназар Фазилатларникида айнан ўша мавзуда мунозара бораётганидан беҳабар эди.

XIII

Тақяда савдогар тоғанинг танишини кўриши билан қизнинг кўнглига ҳеч кутилмаган кўрқув, ваҳима тушди. Отаси вафотидан кейин сўна бошлаган юртни кўриш истаги Бекназарни учратгач, қишдан чиқиб жонланган дарранда каби яна ғимирлаб, тинчи бузилган эди. Бунгача у ўзи сезмаган, ўйламаган ҳолда тақдирга тан бера бошлаган, бепоён денгизда мўлжални йўқотиб, ўзини ўлик оқим ихтиёрига топширган қайиқчи сингари, умрининг давоми қандай кечишини деярли ўйламай қўйган эди. Аввалига у Бекназарнинг нияти, оҳ-воҳларини ҳам шунчаки ўткинчи ҳавас, орқа-кети ўйланмай айтилаётган пуч ваъдалар эмасмикин деб хаёллади. Йигит режаларининг рўёбга чиқмоғи мушкулдай, умуман иложи йўқдай туюлар, қолаверса, узундан-узоқ, юртма-юрт кезилган йўллар, қийинчиликларни, айниқса, Жайхун дарёсидан ўтишдаги хавфу хатарни ўйласа ваҳимага тушиб безиллар, бир қарорга кела олмасди. Онасининг бир куни: «Отаннинг анови оғайниси Зайнулла афанди сени ўғлига мўлжаллаяпти чоғи, сўзларидан сал сезиб қолдим», дегандан кейин Фазилат ҳам ўзича савдогар тоғанинг кўз остидан бунга синчков назар ташлашлари, унинг арзандаси Зийнатбекнинг эса ғалатироқ, қиз боланинг юрагини жиғиллатиб, ҳадиклантирадиган қарашлари мағзини чаққан (унинг олдида чоршаф ёпинмасди), лекин бу борада қайта гап қўзғалмагани учун гумонни унутиб ҳам юборувди. Бояги одамни кўрди-ю, негадир ўша гап ёдига тушди. Агар отаси ҳам, ўғли ҳам ростдан шу ниятда бўлса, улар раъйини қайтариш қийин... Унда илалабад шу ерда қолиб кетишлари аниқ.

Шаҳарнинг Фазилатлар яшайдиган мавзеи нисбатан тинч, осойишта эди, қолаверса, тақдир Шарифа опа билан қизни ҳар хил синовлардан ўтказиб, ҳар қандай қийинчиликка ҳам мослаштириб, кўникувчан қилиб қўйган эди. Зайнулла тоға сафарларга кетганида унинг завжаси ва ўғли баъзи-баъзида Фазилатлардан ҳабар олиш учун уларникига ташриф буюриб туришарди. Ғийбатчироқ ва зиқнароқ кўринадиган Лаъли опани Фазилат унча хуш кўрмасди. Лекин Шарифа опа қизига оғир бўлишни маслаҳат берарди. Ҳар қалай, улар далда эдилар-да. Эрқаги йўқ хонадон аёлларига осон эмас. Шарифа опа Фазилатни тақядан ўзга жойга деярли юбормас, зарурат юзасидан дўкон ё гузарга ўзи чиқар, доим дарвозани ичидан беркитиб ол, дея тайинлагани-тайинлаган эди. Бошқа маҳал ҳам эшикни маҳкам ёпиб ўтиришарди. Илгарилари Исмоил ака уйда кам бўлса-да, ҳар ҳолда кўнгиллари тўқ ва ишонч билан яшашарди. Қиблагоҳсиз – хожасизликдаги кунлар ниҳоятда узоқ туюларди. Кун-туннинг одатдан ташқари чўзилиб, вақт ўтишининг қийинлашуви аксарият ҳолларда умидсизлик, истиқболга ишончсизликдан далолат беради. Она билан қиз ҳеч кимни кутишмасди, бирон ёққа боришни мўлжаллашмасди. Зийнатбей ўзи ё онаси иккови қадам ранжида қилишганда, нима бўлсаям, Фазилатлар ҳовлисида сал жонланиш юзага келарди.

Зийнатбей дегани оқ юзли, бўйи Бекназарникидан пастроқ, семиз-тўлалиги келишган деган таърифга бир оз ҳалал берса-да, истарали, ҳар ҳолда биров айб топмагудай эди. Рангини аниқ ажратиш маҳол бўлган кўзлари йирик-йирик, қарашлари ўткир, меҳрли. Лекин... Фазилатнинг отаси «барибир бир куни қайтамиз» дегани-деган эди...

– Энди унинг қабрини ташлаб қайга кетамиз, ким бизни ўз паноҳига, қаноти остига олади, – деб кўзёш тўқарди Шарифа опа.

Отанинг йўқлиги кўп билинди, уни эслаб эзилишарди. Аёл кишини ожиза деб бекорга айтишмас экан. Агар Фазилатнинг ўрнида ўғил бўлса, балки отасини катта дўхтирларга кўрсатармиди, чет элларга олиб бориб даволатиб келармиди?.. Пушти паноҳлари бўлганда кимга тегсаям, қаерда яшасаям майли эди. Энди бу ёт ўлкаларда умрбод қолгандан кўра, қийналишсаям, сарсон бўлишсаям ўзлари томонга кетишгани яхшийди. Шунинг учун, Зайнулла тоғалар ошқора оғиз солмай туриб, Бекназар аканинг таклифига розилик билдириш, бунга онасини ҳам бир амаллаб кўндириш керакмикин? Ахир у ҳам келишимли, гап-сўзи жойида экан, онасигаям маъқул кўринди-ку. Ёқтириши ҳам ростга ўхшайди. Унинг астойдиллигига имони комил бўлса, онаси ҳам йўқ демас. Отасининг қабри бу ерда қолса, на чора, кимларнинг қабри қаерларда қолмайди. Агар... агар бир кун онасининг ҳам кўзи юмилса...(Фазилатнинг азои бадани уюшгандек чимиллади)...

Унда тамом, туғилган макони, уруғ-аймоғини бир бора кўриш умиди ҳам чиппакка чиқади! Интилсанг-у, интилганинга етолмасанг, бу – кўлинг калта, оёғинг шол, тилинг ожиз, кўзинг кўр яшагандай гап-ку. Йўқ, онасини бир амаллаб унатиш керак. Бекназар ака бир оила бўлволамиз, деб онасиниям бирга олиб кетишга шама қилди-ку. Бунақаси яна учрайдим, йўқми? Энг муҳими... энг муҳими – ўзининг ҳам кўнгли чошиб турибди. Бир йигит шунчалик бўлар-да, қайтага тақдир у билан учраштирганидан мамнун бўлишлари керак.

Фазилат чорпояда пешин намозини ўқийдиган онаси ибодатни тугатиши билан ёнига борди, иккала қўли панжаларини бир-бирига кириштириб, унинг елкасига қўйди-да, оғирлигини солмай, эркалангандай суркаларкан, чала суҳбатларини яна давом эттириш ниятида ҳазил бир оҳангда сўз қотди.

– Ҳозир-ку иккаламиз бир-биримизга суюниб, бир-биримизни юпатиб юрибмиз, биттамызнинг бошимиз ёстиққа теккудай бўлса... – у мени назарда тутяпти деб ўйламаяптимикан, деб, онасининг кўзларига хавотир билан қараб қўйди. – Қачонгача қони қўшилмайдиган бегоналар кўзига мўлтираймиз, онажон?

Шарифа опа гап нима ҳақда бораётганини ҳамдард қалби, тақдирдошлик туйғуси билан англаб турарди. Рост айтади, кўнглидан ўтказди у, ёш бўлсам, мусофирчилик кўрди-да, гаплари бутун, кўп нарсага ақли етади. Бахтига, яхшиям шу қизнинг борлиги, худодан айлансин, у бўлмаса, бир ўзи қаерга сиғарди?.. У ўзинию қизининг ҳозирги турмушларини, яқин ва узоқ келажақдаги тақдирларини кечасию кундузи ўйлагани-ўйлаган, ичидан эзилгани-эзилган эди, фақат буни мумкин қадар Фазилатга сездирмас, аксинча, хотиржам, бепарво кўриниш пайида бўларди. Баъзан ярим тунларда ўйғониб кетиб, қайтиб мижжа қоқолмайди. Бўй етган қиз билан ўзга элда ёлғиз яшаш турган-битгани ташвиш, ҳадик эди. Оёғининг учида юргандай юради, шитир этган товушдан чўчийди, дарвоза беҳос тақилласа бир ирғиб тушади. Сал илгарироқ жой сўраб келадиган мусофирлардан, ҳовли гавжумроқ бўлади, ҳам ҳарна уч-тўрт сўм рўзғорга ёрдам деб, вақтинчалик ижарачилар қўйиб кўришганди. Онанинг ўзи тортиниб қолди – худди бировникида кўшни тургандай. Бунисиям майлийди, бир сафар хотинли каттагина киши ғалати қараш қилавериб зериктирди, кенг йўлақдан туртилиб ўтадим-ей... Қараса, бўлмайдиган, тезда думини тугувди. Кейинги гал иккита кўноқнинг бири – кўринишидан қўй оғзидан чўп олмаган, одамнинг бетига тик қарашга уяладиган ёшгина гўрсўхта бир кун тунаб, эртасига: «Опа, кечалари зерикмайсизларми?..» деб гапни индаллосидан бошласа бўладими, кесақдан ўт чиққандай. Опанинг оғзи очилиб қолди. Бир-икки Фазилатга ҳам ўғринча назар ташлаганини сезувдию, унча эътибор бермаганди. Ўша пайтдаёқ унга такянинг йўлини кўрсатиб қўйди. Шу-шу ёшния, кексаниям яқинлаштирамайди. Оч қорним, тинч қулоғим. Эркак киши хўроздай гап экан – макиён кўрди дегунча пайига тушаркан... Чўлоқми, букрими, эринг бўлсин экан...

Фазилатнинг бошига яна ҳар хил савдолар ёғилмаслиги учун уни узатишда адашмаслик, бу борада етти ўлчаб бир кесиш, энг зарури – ўзидан узоқлаштирамаслиги лозим эди.

Она хаёлан бир кесак билан иккита эмас, бирданига учта қуённи ўлжа туширмоқни – бўлажак қуённинг Фазилатга муносиб, ҳар жиҳатдан мақбул ва марғуб чиқмоғини, эрининг руҳи шод бўлмоғини ҳамда ўзининг саҳродаги якка қайрағочдай шумтираб қолмаслигини орзу қиларди. «Худо хоҳласа, албатта шундай бўлади, мана кўрасиз», дея Фазилат рағбатлантиришга уринарди. Аммо опага хоҳишларининг тўқис ушалиши эҳтимолдан жуда йироқ туюларди, шу боис Бекназарнинг олислардан, боз устига айнан ўз музофотларидан келиб, уларнинг маҳалласидаги такяда тўхташи, Фазилатни бир кўрибоқ ёқтириб қолишни аллоҳнинг иноятимикан деб, йигитнинг хонадонига киришига розилик билдирган ва у билан суҳбат асносида кўнглида умид учқунлаган эди. Фақат дилидаги ғулғулани сиртга чиқаришдан тийилиб турарди. У кечадан бери Бекназарнинг гапларини тарозига солиб, ўйлаб ўйининг тагига етолмасди, иккиланарди. Шошган одам адашиб, алданиб қолиши мумкин. Фазилатнинг юзига синовчан тикилди.

– Сен у йигитнинг ваъдаларига ишоняпанми, қизим?

– Тузук одамдай кўриняптию. Биз қатори анча машаққат тортибди, алдамас...

– Барибир синалмаган от-да, қизим.

– Қайдам, тепадиган отга ўхшамайди.

– Хўп, майли, лекин Ўзбекистон – Россиянинг қўлида қарам. Ўзинг кўриб, билиб турибсан, ҳамма ундан безиган. Ўзи қочиб, бошпана истаб юрган одам, бизни бошқа ёққа

олиб кетса билмадим-у, юртга қайтолмаса керак. Борган тақдиримиздаям у ерда бизни ким танийди, сен қандай яшайсан? Тўғри, киндик қонинг ўша ёқда тўкилган, қон тортади, лекин...

– Бошга тушганини кўз кўрар, ая, шунчасига чидаб келяпмизу... Ҳар ҳолда, ота ватанимизни кўрамузу...

– Рози бўлаверайлик демоқчимисан? – яна ўсмоқчилади она.

Фазилат елка қисди.

– Отангинг қабри-чи? Унинг арвоҳи чирқирамайдимикин, болам?

Савол оҳанги майинроқ, она ҳам калавани узиб қўймаслик эҳтиётда эканлиги аён эди. Фақат у узоқ йиллар бир ёстиққа бош қўйган танмахрам ҳамда волида, шунингдек, катта сифатида ёшлар унча эътибор қилмайдиган, аммо кейинчалик армон бўладиган муаммони эслатиб, таъкидлаб қўйишни бурчи ҳисобларди. Вақтлар келиб таъна-маломатга қолиши мумкин-да. Ҳар қалай, у асил она эмас, Фазилатнинг: «ўзимники бўлганида...» дея алам-афсус чекмаслигига кафолат бериш қийин, гарчи у эрига «ўғай» бўлмаса-да...

– Ўтганлар руҳи яқинлари атрофида юради дейишади-ку, – деди Фазилат секингина.

«Вой қизи тушмагур-ей, бунақа гапларни қаердан ўргандийкин?..» – ўйларди она.

– Бу кунларимиз ҳам ҳолва бўлиб қолмасмикин деб кўрқаман-да. Бу ергача қандай етиб келганимизни ўйласам, ваҳимага тушаман... Бекназар деганинг Қашқарни гапиряпти, у шаҳарда бизнинг қариндошимиз ё бир тутқумиз бўлмаса...

– Яқин танишларим бор деяпти, эркак кишику, сўзининг уддасидан чиқишига кўзи етиб гапирятгандир... Барибир мусофир бўлганимиздан кейин, бу ерда яшадик нимаю, Қашқарда яшадик нима?.. Яна бундай... имконият туғиладимми, йўқми... Мана шунча пайтдан бери бировдан бунақа таклиф эшитмовдик. Энг муҳими, сиз билан бирга бўламиз. Ахир ўзингиз ҳам юртга қайтишни кўп гапирардингиз-ку... Отам ҳам...

– Сенга маъқулми ўзи, бу йигит? – таъкидлаб сўради она.

– Қайдам... – Қиз юзини онасининг кўксига яширди.

Мусибат кейинги икки йил мобайнида Шарифа опа билан Фазилатни бир-бирига янада яқинлаштириб, меҳрибонлаштириб қўйган эди. Қиз юрагининг туб-тубида мудом ғимирлаб, шаштини қайтариб келган «минг қилсаям, барибир ўз онам эмас» деган ўжар туйғу уни бутунлай тарк этди. Энди улар ўзларини ҳақиқий она-боладан ҳам кўра опасингилдай, баъзида ҳатто ҳамроз дугоналардай тутишарди. Аксарият, онасининг пинжиги тиқилиб олган кўзичоқдай Шарифа опанинг кўкси билан елкаси оралиғига, гоҳо шундоқ юраги устига бош қўйганича ухлаб тонг оттирарди Фазилат. Айрим кечалари эса алламаҳалгача дардлашиб, бир-бирига таскин бериб ётишар, бирга кулиб, бирга кўзёш тўкишарди. Ҳолбуки, энди Шарифа опа Фазилатга ҳам она, ҳам ота эди.

– Ҳа, шайтон, маслаҳатни пишириб, гапни бир жойга қўйиб бўлдиларингми? Айтдим-а, такка деса пешонаси тиришадиган қиз ўша ёққа танда қўйиб қолди деб.

– Мен ҳали унга чучук сўзимни берганим йўқ, аяжон, ўлай агар, уям «сизни ёқтириб қолдим» деди, холос.

– Шу битта гапига лаққа тушиб, тақдиримизни унинг ихтиёрига топшираверамизми? Сен-ку, сен... Мен унга ортиқча юк бўлиб... Қизиқ устида осмондаги ойни ваъда қилиб, кейин бўлакча бўлиб олмасмикин?

– Вой аяжоним-ей, гапингизни қаранг-а, мен ҳозир унга тегиб кетяпману... Ахир мениям ўзимга яраша каллам бор. Олдин ўша Қашқарига борайлик, у ердаги шарт-шароитни кўрайлик. Унгача унияма қанақалигини билиб, шунга қараб иш тутармиз. Худо бир йўлга бошлар...

– Бунақа таваккал гапларни қўй, қизим. Сени деб ҳажга боришданам кечиб, шунча жойдан орқага қайтсаю, у ерга боргандан кейин сени қаерда кўрувдим деса...

– Нима, айби борми, айтавераман: йўл-йўлақай бир-биримизни сина-аб борамиз, кейин ўйлаб кўрамуз дейман, шу шартимга кўнсангиз майли дейман.

Опа кулди.

– Ёшлигингга борасан-да, Фазилат. Йўл машаққатлари ёдиндан чиқдимми дейман. Ҳар хил жойларда тунашга тўғри келади, чегаралардан ўтиш осонмас. Юқларимиз бўлади. Кейин, ҳазилакам пул кетмайди, болам...

Қиз ҳовлини сотишни эслатиб, онасини ҳовуридан туширишга, ҳадигини енгиллаштишга уринди.

– Агар пешонамизга шу иш ёзилган бўлса, худо йўлимизни ўнглайди, сиз сира ташвиш чекманг, аяжон, – деб Шарифа опани маҳкам кучоқлади. Нега бирдан шундай

қилгиси келди – билмасди. У ҳаяжонда эди, хаёлида кўзларини жавдиратиб Бек ака турарди...

Таомил юзасидан Фазилат эртани кутмоғи лозим эди, бироқ, қизга фурсат жуда ғаниматдай, ҳали замон Зайнулла тоғалар томондан совчи келиб, иш бутунлай чаппасига кетадигандай туюлар ва ниҳоят онасининг салгина (ҳа, шундай дейди!) мойиллик билдираётганга ўхшаётганини айтса, Бек аканинг қай ҳолатга тушишини кўришга ошиқиб, юраги потирларди. Албатта қиз туғилган гўшасини, илк бор кўрган ёруғ олам манзараларини кўз олдига келтиролмасди, лекин гоҳи-гоҳида қалбининг ошёнига интилган қушдай талпинишини сезарди. Ўшанақа пайтларда қачондир, кимдир қўлларидан етаклаб олиб кетишини орзу қиларди. Балки... ўша кимдир мана шу йигитдир?..

У чоршафни бошига солди.

– Яна қаёққа? – сўради она норози оҳангда.

– Ўша ёққа, эрталаб одамлар кеп қолиб, яхши гаплашолмадик. Бечора менга маҳтал бўлиб ўтирибди. Бирпасда қайтаман.

– Ҳой қиз, эсингни йиғ, – таъкидлади она, – «ўлдим-куйдим»ига учиб, ҳамма гапларимизни айтиб ўтирмагин тагин.

– Хотиржам бўлинг, ая!

– Узоқлаб кетмагин!.. – Шарифа опанинг бу тайинлови оҳангидан хавотирдан ташқари, унинг ҳам йигитнинг қатъийроқ ният-мақсудини тезроқ билиш истагида эканини чамалаш мумкин эди.

XIV

Фазилат ҳам Бекназарни ғойибдан юборилган, онаси икковини мусофирлик, мазлумликдан қутқарувчи халоскор билиб, унга қизиқиши, мойиллигини ғайриихтиёрий чора илинжи деб ўйлаётган эди. Ҳозир қияликдан кўтарилиб бораркан, таъя дарвозаси ёнида, пастак курсичада шу тарафга қараб ўтирган кимсага кўзи тушдию, юраги алланечук орзиқиб, беихтиёр қадамини тезлатди. Қиз қорасини кўрсатиши билан йигит ҳам ўрнидан даст туриб шу томонга талпинди. Демак, чоршафи остидан ҳам уни таниди. Фазилат Бекназарнинг шошиб келишидан яна билакларига ёпишишини туйиб, унга бир қадам қолганда тўхтади-да, «юринг» деб, ортига бурилди. Бекназар илдам босиб, унга ёндашди.

– Гапиринг.

– Ўзингиз гапиринг.

– Нимага яна юзингизни тўсволдингиз?

– «Суқ ёмон нарса» дейди аям.

– Ўша куни чоршаф тутмаган экансиз, а?

– Сизни ўлжа излаган оч бўридай саҳарлаб чиқишингиз тушимга кирибдими?

– Ҳали биз сизга бўриям бўлдикми, хоним афандим?

– Тулки демаганимгаям шукр қилинг, – Фазилат шундай деб кулиб юборди. Бекназар ҳам унга беихтиёр жўр бўлди.

– Буни ҳар доим тутиб юрмайсиз шекилли?

– Ҳа, отам ўтгандан кейин аям энди катта қиз бўп қолдинг, деб туттирган. Асли, бу матони жиним суймайди, нафасим қайтиб, юрагим қисилиб кетади. Зарур маҳалларда, аям айтгандай, номаҳрамлар орасига кирган пайтларда солволаман.

– Ҳозир ҳеч ким йўғу ё мен ҳам?..

– Бўлмасам-чи...

– Майли, ҳозирча номаҳрам бўп тура қолайлик.

– Кейин-чи? – Қиз чоршафини хиёл кўтариб қия қараб кулимсиди.

– Кейин ажабмас, аллоҳнинг биз ғарибларга раҳми келса...

– Ҳо, шунақа денг. Аллоҳдан фақат ўзингизга мурувват тиларкансиз-да.

Бекназар доврираб қолди. Бир нафас жимиб деди:

– Камина зориқиб турган нарсаларга ўзгалар ҳожат сезмаса керак деб ўйлайман.

– Раҳм-шафқат ҳаммага, ҳамиша керак дейишади.

– Унда ҳаммага тилаганим бўлсин. – Бекназар орқа-олдига қаради, яқин-ўртада биров йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қўлларини дуога очди: –Эй парвардигори олам, ҳамминг дилига, шу қаторда Фазилатхоннинг дилигаям кўпгина раҳм-шафқат солгин, токи муҳтожлардан меҳр-муруватини аямасин, омин.

– Тилак тилашга уста экансиз.

– Худо бизга ўхшаган мусофир-бечоранинг тилагини тезда ижобат қилармиш. Бандлар бўлса, ўзларини тушунмаганга солиб, меровсираб тураверишади, одамни қийнаб...

– Жим... – деди Фазилат. Рўпарадан чоршаф ёпинган, кийинишидан ёши улуғроқ бир аёл етти-саккиз ёшлардаги болани етаклаб келарди. Улар ўтиб кетишгач, қиз давом этди. – Мусофирлик риёзатларига чидаб юрган кишига бўлак анча-мунча қийинчилик нима деган гап?

– Анча-мунча денг. Бу қийинчилик олдида бошқа ҳар қандай риёзату азоблар ҳолва экан.

– Кўп китоб ўқийсизми дейман?

– Мусофирликда китоб ўқиш кўнгилга сиғадими? Айниқса, мушкул бир дардга мубтало бўлиб қолсанг...

– Қанақа дард? Бирон жойингиз оғрияптими?

– Юрак... жуда қаттиқ санчяпти.

– Ҳа-а, юракнинг давоси чинданам мушкул дейишади.

– Ҳа-да, табиб даволашни истамаса...

– Табибнинг ўзиниям ғам-ташвиши кўпдир-да...

Улар каттагина хиёбонга етиб боришди. Том мазмунда чорси майдон ўртасининг бу бошида ва нариги чеккасида биттадан чор қиррали йўғон, баландлиги тахминан йигирма беш метрли тош устун қўққайиб турар, ўнг тарафда эса маҳобатли, кўринишидан анча қадимий масжид бўлиб, атрофда бошқа деярли кўзга алоҳида ташланадиган бино, иншоот йўқ эди. Сайроғонинг ҳар ер-ҳар ерида каштан, акас каби манзарали дарахтлар андак файз бағишлаб туришини ҳисобга олмаганда, кимсасизлигиданми, ўсимлик камлигиданми, худуд қандайдир нообод, мароксиздай туюларди. Бекназар тош устунларга қараб серрайиб қолди. Уларнинг нима мақсадда қўйилганини, қандай маъно ва аҳамият касб этишини англамади. Зотан, ҳозир у бу ёдгорлик маънисини чақадиган кайфиятда эмас, кўнгли, фикри бутунлай ўзга муаммода эди. Фазилат бу тошларни кўп кўргани боис, уларга эътибор бермасди.

– Хўш, аянгиз нима деди? – мавзуни асосий муддаога бурди Бекназар бетоқатланиб.

– Ҳозирча тайинли гап айтгани йўқ. Қайдам, у йигитни яхши билмасак деяпти. Ростиям, ўзингиз тўғрингизда тузукроқ сўзлаб бермадингиз, аям баъзи нарсаларни сўровди, нима дейишни билмадим.

Кишига авайлаган ярасига худди бир нарса тегиб кетаётгандай туюлаверади, қанча эҳтиётланган сари ўзини бир нималарга уриб олаверади. Шунга ўхшаб, муҳим бир сирингни бошқалардан яширишга ҳаракат қилганинг сайин, улар худди ана шу нозик жойингни пайпаслашиб, сени ҳадиклантиришаверади.

Бекназарнинг наздида қиз ҳам, онаси ҳам айнан унинг уйланган-уйланмаганини билишга қизиқишаётганга ўхшарди. Шарқона одоб, орият нуқтаи назаридан Бекназар ҳам, Фазилат ҳам ўз туйғулари ва мойилликларини мумкин қадар узоқроқ пинҳон сақлашлари, шу билан бирга, бир-бирларини тафтишдан, синовдан ўтказмоқлари лозим эди. Бироқ вазиятнинг танглиги, вақтнинг қисталанглиги бундай мураккаб жараённи босиб, енгиб ўтишни тақозо этмас эди. Лекин барибир баъзи гапларни ойдинлаштириб олмаса бўлмаслигини дилидан ўтказди йигит. Қиз боланинг кўнгли нозик, бердисини айтиб тушунтиргунча тўнини тескари кийиб олса, тамом. Биринчи кунданоқ унга кўнгилсиз эдим, ҳеч қанча яшаганимиз ҳам йўқ, жавобини бериб келганман, деганига ишонармиди. Ишонган тақдирдаям, мен хотин кўрган, сондан чиққан кишига тегаманми, дейиши турган гап. Ёлғон сўзлаш оғир гуноҳ албатта, аммо начора... Бу дунёни ёлғон дунё дейишади-ку, демек, бу нақлда бир ҳикмат бор...

– Мана, кўриб турибсиз, шу – мен. Мусофирман, бу ҳам етмагандай, мубталоман. Каттагина ҳовли-жойимиз, ота-онам, акам, синглим олисда қолиб кетишган, лекин уларнинг ҳозирги аҳволдан беҳабарман, ҳар қалай, мен уларни соғингандай, улар ҳам мени эшикдан лоп этиб кириб келармикин, деб ҳар куни йўл қарашаётгани аниқ. Чунки, мўлжалимиз бўйича мен бу пайтгача уйга қайтишим керак эди. Сабабини сизга айтганман. Қисқаси, Саудияга бораётувдим, бошим айланиб, Истанбулда қолиб кетдим. Аммо ҳозирча тақдиримдан суюниб турибман, ишқилиб, суюнганим қут бўлсин. Хў-ўш, энди яқинларимни қачон кўраман – худонинг амрига, сизнинг хоҳишингизгаюм боғлиқ. Агар хўп десангиз, аянгизни кўндирсангиз, Қашқарга борамиз. Андижон билан хабарлашамиз, келаверишсин дейишса ўтиб кетамиз, бўлмаса, вақтинча ўша ерда ижарага уй олиб яшаб турамыз. Ишлаб пул топаман, қўлимда хунарим бор – тузуккина устаман. Танишла-

рим ёрдам беришади. Вазият ўзгариши билан юртимизга қараб йўлга тушамиз. Менинг аҳдим, ниятим шу.

Инсон аксарият ҳолларда худбинлик туйғусига, манфаатни ҳамма нарсадан устун қўйиш, бекусур, олижаноб кўриниш майлига қандай ён берганини ўзи ҳам сезмай қолади. Йигит хижолат чекди, албатта. Лекин, «Ахир мен унинг ўтмишини, феъл-атвори, юриш-туришини, шу пайтгача қандай яшаганини суриштирмаяпман-ку», дея ичида ўзига тасалли берди. Бу севгининг сени авраб, бош-кўзингни айлантириб қўйгани оқибати бўлса керак. Ростиям, буларни умрингда кўрмаган бўлсанг! Қандай одамларикин? Келиб чиқишлари, дунёқарашлари, эътиқодлари қанақайкин? Мана, икки йилдан бери она-бола бош эгасиз, эркаксиз ҳовлида кун кечиришаркан... Аммо, қаердан, кимдан, нима деб ҳам суриштиради?

Фазилат қачон, қандай кетиш ва бошқа масалалар ҳақида сўрагиси келар, ўз шартларини айтмоқ учун оғиз жуфтлар, лекин иззат-нафси, онаси эслатган қизлик ғурури йўл бермас эди. Ҳа, чин исломий қиз бечораларнинг йигитлардан фарқи шуки, улар эшитадилар, кутадилар, илҳақ бўладилар ва... кўнадилар. Фазилат ўзини Бекназарнинг салобати босаётганини ҳам сизди. Айни дамда йигитнинг орзу-режаларига, лафзига ишонгиси, юртига етиб борса, қариндошларига бошидан кечирганларини ҳикоя қилиб, кўнглини бир ёзгиси, хумордан чиққиси келарди. Ҳаёт унга зерикарли туюладиган вақтлар кўп бўларди, баъзи-баъзида юраги бирдан сиқилиб, ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Шунақа пайтларда кенг ҳовли-жойлари торлик қилар, ўзини тутқун тўти ўрнида кўрар, қани энди, қафасдан чиқиб узоқ-узоқларга учиб кетсам дерди. Дарҳақиқат, уззу-кун она-бола ўтиришади. Тўғри, маҳаллада тенгқур қизлар йўқ эмас, лекин улар орасида Фазилат хануз ўзини бегонадай, янги кўчиб келган кимсадай тутади, у атайлаб қилмайди, балки шундай ҳиссиётлар гирдобидан қутулолмайди. Ерликлар унга бошқача назар билан қарашаётгандай, кўнгилларидаги гапларини унга очиқ-ойдин ошкор этишмаётгандай, баъзида унга бир оз ғашлари келаётгандай, айримлар у билан шунчаки қўл учида кўришиб, тил учида саломлашиб қўйгандай, хуллас, ўрталарида кўринмас қора парда бордай туюлаверади.

Агар... агар Бекназар ака буларнинг ёнига кирса, ҳар қалай, анча далда бўлармиди. Маҳаллада-ку ҳеч ким Фазилатни ҳам, онасини ҳам бетинг курсин дегани йўқ, кўни-кўшни билан кирди-чиқдилари тузук, бироқ хонадонга бир эркак киши жуда зарур экан. Бозор-ўчарга... Дазмолнинг сими узилса ё бошқа бирон буюм ишламай қолса, кимга боришингни билмайсан, жавон ё эшигинг қийшайиб-нетса, ниманидир бир ердан иккинчи жойга жилдиришга тўғри келса, кўшни эркаклардан илтимос қилиш керак. Оқшомлари эшик тиқ этса, юраклари гупиллай бошлайди. Шунақа қилиб, қисиниб, омонат яшагандан кўра, қийинчилик, сарсонгарчилик бўлсаям, ўз ватанларига кетишгани яхшимасми?

Ҳаммаҳалла Нажотнинг одоби, хулқи Фазилатга маъқулга ўхшаб, уни кўрганда ўзида ғалати ҳиссиётлар уйғонаётганини сезарди. Йигит дугонаси Турконнинг акаси эди. Уларники беш-олти ҳовли нарида эди. Фазилат мактабда ўқимади. Бир жойда муқим туришмагани, эртанги тақдирлари номаълумлиги учун бунга шароит ҳам, имконият ҳам бўлмади. Истанбулда туркистонлик муҳожирларнинг фарзандлари ҳам мактабга қабул қилинарди, лекин Фазилатнинг ёши ўтиб қолган, коллежда ўқиш учун аввал мактабни битириш лозим эди. Қолаверса, Исмоил ака танҳогина қизларининг бегона шаҳарларнинг нотаниш кўчаларида якка-ёлғиз юришини хоҳламас ҳам эди. Ўқиб-ёзишни билади, шу кифоя дерди. (Йўл бўйларидаги, гузарлардаги қаҳвахона, суҳбатгоҳга ўхшаган жойларда ҳар хил тоифадаги ёш-яланглар карта, нарда ўйнаб ўтиришарди). Нажот қайси бир коллежни битириб, олийгоҳга ўқишга кириш тараддудида эди. Улар ҳар замонда кўчада учрашиб қолишарди. Фазилат ўн саккизда – айни гулгун ёшда, китоблар таъсирига берилган, қиз боланинг унга ёқаётган йигитни кўрганда нега ўзида ғайрича бир туйғулар пайдо бўла бошлаши сабабларини яхши туядиган паллада эди, фақат ўша кимсага кўнгил бериб, боғланиб қолишдан чўчирди. Унинг фаразича, ўзаро маъноли, хиёл табасумли қарашлар, гоҳи ошкор, гоҳи пинҳон кузатишлар ҳали чинакам муҳаббатга айланиб улгурмаганди; севги домига ўралашиб улгурмасдан бир чорасини кўрмоқни ўйлаб-ўйлаб қўярди. Одатда қизлар қалбларида уйғонаётган ишқ туйғулари, эҳтиросларини интиқлик билан кутилган ғоят азиз ва мўътабар меҳмон истиқболига пешвоз чиққандек катта ҳаяжон ва ифтихор билан қаршилайдилар. Аммо Фазилат сиртдан шўх табиатли, шаддоод кўринса-да, чуқур мулоҳазали, саботли қиз эди – буларни ҳам унга мусофирлик ўргатганди – ҳолати ва шарт-шароити ўз ҳиссиётларига ортиқча эрк бериб юбормасликни, ақл билан иш тутишни тақозо этишини теран англади. Балки Шарифа опа ҳам очиқ

сезмаса-да, қизининг кўзга яқинлигидан ҳар хил гумонларга борар, ташвиш чекарди, буни қиз онанинг уни «Қаёққа чиқдинг, нима қилдинг?», «Нега узоқ юрдинг?» дея сўраб-тергашларидан, «Бўй қиз бўп қолдинг, иложи борича ўзингни сипо тут, қадамингни ўйлаб бос, ҳар кимларга (бунда албатта йигитлар назарда тутилаётгани тайин эди) кулиб, сузилиб қарамагин», дея тайинлашларидан пайқарди. Бир куни яна шу ҳақда сўзлашиб ўтиришганди, она гапнинг пўст калласини айтди.

– Майли, ёқтирсанг қаршилигим йўқ, Нажот ёмон йигит эмас, ота-оналари ҳам тузук одамлар. Унда... шу юртда бутунлай қолиб кетишга тўғри келади-да, қизим...

– Тўғриси, уни ёқтиришимниям, ёқтирмаслигимниям билмайман, – деди Фазилат довдираб. – Кейин мен отамниям, сизниям хоҳишларингизга зид бир иш қилмайман, аяжон. Сиз нима десангиз шу, менинг сиздан бўлак кимим бор...

Ўшанда, эҳтимол ҳар иккисининг ҳам онгидан юртга қайтиш имкони туғилгунча қари қиз бўлиб ўтириб қолиш мумкин-ку, деган ўй кечгандир, лекин бу мулоҳаза уларнинг тилига чиқмаганди. Бекназарга рўпара келгач, Фазилатга турк йигитидан узоқлашиш, ундан кўнгил узмоққа баҳона топилгандай туюлди. Бекназар дам кўз олдида уни ҳамма балодан асраб, қафасдан олиб чиқиб кетадиган ҳақиқий нажоткор сифатида гавдаланар, дам унга қизиқиши, мойиллигини ғайриихтиёрий чора илинжи деб ўзини ишонтиришга уринарди. Айни вақтда, оқ-сарикдан келган, мулоим табиатли Нажот билан Бек акасини таққослаб, кейингисининг алп қомати, феълидаги дадиллик ва шиддатни, қора қош-кўзларининг ярашимлигини, энг муҳими, энг асосийси – юртдошлигини ўйлаб юрагида илиқлик туярди.

Улар майдонда бир оз айланишди. Иккисининг ҳам хаёлларида қатланиб турган гаплари, саволлари бисёр эди, лекин андиша, истиҳола уларга халал берарди... Фазилат сал наридаги Илча мавзеига бошлади. Айюб Ансорий мақбараси ўрнашган ҳовлисимон ҳудудга киришди. Зиёратчилар кўп эди. Демак, Ансорий ҳазратлари анча машхур, мўътабар зотлардан экан-да, деб ўйлади Бекназар, марқадни ҳайрат билан томоша қиларкан. Кейин яна Фазилат етовида дахма ортидаги қабристонга ўтишди. Мозорга ажратилган жой чекланганиданми, қабрлар жуда зич бўлиб, аксариятининг тепасига ҳар хил рандаги мрамрдан сағана тоши ўрнатилганди. Бекназар ҳайрон бўлди: бунақа одат ғайридинларга хос дейиларди-ку, демак мусулмонларга ҳам мумкин экан-да...

– Қайта қолайлик, у ёғи гўристон экан-да, – деди у.

– Юраверинг, – ундади қиз овозини пастлатиб ва олдинга ўтди. Йигит эргашди.

Қабртошлар одам бўйи, ундан пастроқ эди, ораллиқларда бир киши сиққудай йўлак бор эди, холос. Ер кўп-ку, шунақаям зикналик қилишадими, дерди Бекназар ичида. Юриш ноқулайлигидан ғубор босган мрамр устун-тахталарга сурканмай ўтишнинг иложи йўқ эди. Фазилат кийимларига чанг тегаётганига аҳамият бермай, ортига ҳам қарамай илгариларди. Мозоротнинг деярли нариги чеккасига чиқиб қолишди. Ниҳоят, қиз чоғроққина қабртош олдида тўхтади.

– Отам шу ерда ётибди, – деди ва чоршафини қайириб бошига ташлади-да, чўнқайиб ўтирди. Бекназар ҳам беихтиёр унинг ёнига чўқди.

Бўйи бир, эни ярим метр чамаси оқиш мрамр тахтага фақат «Исмоил Фиёс ўғли. Туркистон» деган ёзув битилган, суратсиз эди.

Сокин қабристонда кишининг кўнглини чўктирувчи ҳазиният ҳукмрон эди.

Фазилат паст товушда, қарийб пичирлаб «Оятал курси» сурасини ўқимоққа киришди. Бекназар кўлига илашган қуруқ чўпни беихтиёр бармоқлари орасида айлантирганча, хаёлга чўмган қиёфада ўтирарди. Фазилатнинг боя жаранглаб чиқаётган овози энди мунгли нолага айланган эди. Йигит мутаассир бўлди, юраги тўлқинланиб, қизга ихлоси, меҳри янада ортаётганини ҳис этарди. Отасининг қабригача олиб келиб кўрсатдики, бу қизнинг унга ишончидан, фақат шодлигини эмас, шунақа дардли, қайғули онларини ҳам баҳам кўришга ҳозирлигидан ва уни ҳамдард, қайғудош сифатида кўра бошлаганидан нишона...

Кўзлари жиққа ёшга тўлган Фазилат тиловатни тугатиб, қўл очаркан, Бекназарга бир қараб яна юзини қабрга бурди. Йигит худодан ўтганларнинг, алапхусус, шу қабрда ётган банди мўминнинг бу ёруғ дунёда билиб-билмай йўл қўйган гуноҳларини мағфират айлаб, қоронғи гўрларини ўқилган қуръон нурлари билан мунаввар, охиратини обод этишини, қолганларга, хусусан, аёли Шарифа опа ва якка-ёлғиз жигарпорасига сабр-тоқат,

бахтли-саодатли умр тилаб, дуо қилди. У қиз олдида уни хижолатдан, исноддан асраган озгина диний тушунчага эгалигидан мамнун, шу тушунчани онгига сингдирган бобосидан, падари бузрукворидан миннатдор бўлди, зеро, ўша даврда Ўзбекистонда қуръон сураларини биладиган, тилидан шунчалик дуои фотиҳа келадиган ёшлар (айниқса, йигитлар) кам, жуда кам эди.

Бояги аллозда орқага қайтишаркан, Фазилатнинг ҳамон унсиз йиғлаётгани сезилиб турарди. Майли, бир оз кўнглини бўшатиб олсин, деди ичида Бекназар, кейин шунақа маҳалда айтиладиган одатий гаплар билан юпата бошлади. Тасаллиси қор қилавермагач, қизни чалғитиш ниятида деди:

– Бемалолроқ юрадиган йўл қолдиришмаган экан-да.

– Бошқа йўл бору узоқроқ, айланиб бориш керак, – деди Фазилат, – мусофирлар шунақа чеккароқ ерларга қўйилади шекилли.

XV

Учрашувлар мазмуни, мулоқотлар мавзуси деярли бир эди.

Пакка – Султон Аҳмад майдони эди. Уларнинг толеига хиёбон кўпинча холи, ўриндиқлар анча бўш бўларди.

– Отам юртимизга тегишли жойларни, ўзимизнинг қаерданлигимизни ёзиб қолдирганакан, – гап бошлади Фазилат кейинги гал музқаймоқ еб ўтиришаркан. – Ҳайрон бўлдим: ахир раҳматли у депараларни, кимларнинг авлодигимизни қулоғимга қуйиб ташловди-ку дейман.

Балки дарди, алами ичида кетган падари бузруквор хотирага ишониб бўлмайди, қиз бола... мenden кейин унутиб юбориши мумкин, деб ўйлагандир. Эҳтимол у бир кун ватанга қайтишларига ишонгандир, ё аксинча, бунга кўзи етмагани учун ҳам шундай қилгандир.

Онаизор сандиқнинг тагида худди ёмби сингари асраб келинаётган ўша дафтарни Фазилатга яқинда, турк йигити Нажот тўғрисида гап очилган пайтда ошкор этди. Балки у «Мана буни яхшилаб ўқиб, ўқиб ол, ўзинг хулоса чиқар» деган ниятда ёзувни қизига кўрсатгандир. Ушандан бери Фазилат дафтарни болиши остига қўйиб ётар, кунда бир неча марта қўлига олиб, қайта-қайта ўқир, кўзларига суртар, баъзи-баъзида ўша битиклар сабаб, ўз онасини, отасини кўмсаб, тақдир палахмони онаизорини ёвуз дарё комига, буни эса шунча узоққа – ўзи қайтолмайдиган, қайтса ҳам етолмайдиган жойларга улоқтирганидан ўкиниб-ўкиниб йиғларди. Дафтарда юрт, шаҳар отларидан ташқари, бир неча исм ҳам бўлиб, уларнинг ким, қандай қариндошлиги ёнларига қайд этилганди: «Саодат – амма, Абдурасул – почча, Хўжаойим – хола, Маъруф Хўжа – почча, Маҳмудахон – хола, Мақсудали – почча, Абдулҳамид, Абдулҳаким, Ортиқбой, Қорасоч, Эрмамат, Ҳалима, Шарофат, Шерали – жиянлар...» Фазилат бу номларнинг ҳам аксариятини кўп эшитганди, лекин баъзиларини билмас ё қандай туташлиги хаёлидан кўтарилаёзган эди. Англадики, уларниям ёдда сақлаши керак. Қиз отасига, демак, унга ҳам бевосита дахлдор кишилар ҳақидаги аниқ маълумотдан хабар топгач, дилининг бир чеккасида қаноат ва хотиржамлик ҳисси уйғонганини сезиб қолди. «Демак, қариндошларимиз, яқин кишиларимиз узоқда бўлсаям, анчагина бор экан», деган фикр уни тетиклаштирди. Уларнинг айримлари ўтиб кетишгандир, лекин лоақал ярим-ёлчиси ҳаётдир...

– Қисқаси, отамдан ёдгорлик ана шу дафтар кўлимига теккандан кейин юрагимга қандайдир ғулғула тушган, – деди Фазилат. – Худди сайёҳ мусофирлар ичидан қариндошларимиз чиқиб қоладигандай, оёқларим ўз-ўзидан таккага тортади. Бирон янгилик умидида Ҳожи ота билан гаплашгим келади. Аямга ўша чолга нон, овқат-повқат бериб турайлик дейман, бечора майли, қизим, савоб бўлади дейди. Бирам яхши аёл, бирор марта мени қаттиқ уришганини ё илтимосимни қайтарганини эслолмайман. Кўп ишларда мени катта одамдай кўриб маслаҳатлашади.

– Биттагинамисиз? – сўради Бекназар.

– Ҳа, қисқа жавоб айтди Фазилат, бошқа изоҳ бермади.

Аслида савол жавоб берувчини хурсанд қиладиган савол эмаслигини йигит ўйламади чоғи. Қиз жимиб қолди, балки ёдига ёлғизлиги ва бунинг сабаблари тушгандир. Икки йилки фарзанд кўрмаётган Шарифа келиноий юртдан чиқишганда оғироёқ эди, Амударёдаги ҳалокатда кўрқиб кетганидан ҳомиласи тушиб, қайтиб бўйида бўлмаганди.

– Энди кўпаясиз, – деди Бекназар андак тезоблиги, шошқалоқлиги оқибатидаги хатосига тузатиш киритмоқ, гапни буриб юбормоқ ниятида.

Фазилат табиатан ё балки юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар кезишлар, ҳар хил воқеа-ходисаларга дуч келишлар, кўп нарсаларга гувоҳ бўлишлар оқибатидир – хушёр, зийрак қиз эди, коса тагидаги нимкосани англагани, қизаринқираганини сездирмасликка ва чеҳрасига табассум балқитишга ҳаракат қилиб, ўз навбатида ҳазилни давом эттирди.

– Сиз фол очасизми ё башоратчимисиз?

Бекназар секин кулди. Унинг кулгиси самимий эди. Фазилат саволи ўзига ҳам наша қилгандай, «пиқ» этди-ю (бу орада у хижолат бўлиб, атрофга бирров назар ташлаб олган эди), ийманиб, лабларини қимтиди, аммо ақиқ, уятчан дудоқлар четидан таралган, назокатли жилмайиш юз-кўзларига ёйилиб улгурганди. Бу табассумни юзага келган яқинлик аломати деб ўйлаган Бекназар қизнинг қимтилган тиззалари устига қўйиб ўтирган кўлидан аста ушлади. Аввалига қиз қаршилиқ кўрсатмади, қани, нима қиларкин дегандай, қалтис ҳаракат оқибатини енгил ҳаяжон билан кутди. Бир оз титраётган кучли панжалар исканжасидаги бармоқларининг хиёл энгашган йигит лабларига яқинлашиб бораётганини пайқагач, шоша-пиша кўлини тортди, бироқ кечикканини, кафтининг орқаси чўғ босилгандай қизиб кетганини, ҳароратнинг яшин тезлигида тирсаги ва кифти орқали юраги томон югурганини тўйди, «одобсизлик»ка кескин эътироз билдириш лозим деган ўй келди, лекин бу гал тили панд берди.

– Ҳай, нима қиляпсиз, афандим, одамлар кўради.

– Афв этинг, хоним афандим, гуноҳқорман, – йигит ҳам қиздан кам ҳаяжонланмаётган эди.

– Ана, кўрдингизми, яхши биларкансизу. Сиз-да, мениям, ўзингизниям гуноҳга қўйиб...

– Ҳай-ҳай, жа оширворманг, юртдошларнинг кўришиб, учрашиб туриши гуноҳмасдир.

– Юртдошлар шунақа кўришарканми?

– Ҳадисларда бировни ёқтирсангиз, унга сездириб қўйинг дейилган.

– Ҳо-о, ёқтирганини ка-атта майдонда, шунақа қилиб сездирарканми?

– Бўлмаса, қанақа қилиб?..

– Билмадим, – Фазилат яна юзини ёнбошига ўгириб олди. Унинг кулгиси қистаган эди, лекин бу кулги қимтилган лаблари орасига қисилиб қолди. Қўлида тасбеҳ ўгирганича бир-бир босиб Султон Аҳмад масжидига кириб кетаётган узун бўйли бир кишининг бошини буриб, шу тарафга кўз қирида қараб қўйганини кўриб чалғиди. Ким бўлдийкин, маҳалласиданмикин? Нажотнинг отасига ўхшайди. Бир марта йигит билан бирга кўчада кетишаётганда дуч келишувди. Ўшанда Нажот қиз боладай қизариб, довираб, отасига тузук-қуруқ бир нарса ҳам деёлмаганди.

– Ана, қаранг, бизни кузатишяпти, – деди-да, Фазилат шартта ўрнидан турди.

XVI

Бекназарнинг Шарифа опа билан кейинги суҳбати анча жиддий кечди. Масала ҳар тарафлама муҳокама этилди, ўртадаги риоя, юз-хотир пардалари вақтинча бир четга суриб қўйилди. Бекназар аҳдининг қатъий, сидқидилдан эканини қайта-қайта таъкидлади. Фақат бирон жойда ишлаб, озроқ пул жамғариши лозимлигини ҳам яшириб ўтирмади. Йўлни билиб олгани, ҳар ҳолда унча қийналишмаслигини, иложи борича уларни эҳтиётлаб, авайлаб олиб кетишга ҳаракат қилажанинги гап орасида қистириб ўтди.

– Мумкин, ишончли ҳамроҳлар чиқса, Қашқардан сизларни Андижонга жўнатиб юборарман, – деди у опанинги ён бергандай бўшашганидан дадиллашиб. – Бизда, яна айтаман, аёлларни қамаб, ё бошқача зуғум қилишаётгани йўқ, таёқ эркаларнинг бошида синаяпти, холос.

Йигитнинг онгига «уларни бир амаллаб кўндириб олсам бас» деган фикр маҳкам ўрнашиб қолган эди. Балки Қашқарга етиб боришгунча муносабатлари яхши бўлиб кетар. Бекназар ҳозир арқонни узун ташлаш ақидасига суянар, асосий мақсади Фазилатнинг муҳаббатига эришишгина эмас, балки уларни юртга етказиб қўйишдан ҳам иборатлигига опани ҳам, қизни ҳам ишонтиришга уринар, фақат бу борада Фазилат билан ҳаммаслақлигини опага сездирмасликка тиришарди. Ниҳоят куйиб-пишиб уқдиришлари нишонлари бўй кўрсатди.

– Эҳтимол сизни бизга худонинг ўзи юборгандир, – деди Шарифа опа.

– Ҳамонки йўлимиз, дастурхонимиз бир бўлар экан, сармоя тўғрисида ортиқча бош қотиришга ҳожат йўқдир, ахир, кетадиган бўлсак, ҳовлини сотамиз-ку.

Албатта, Бекназарнинг нияти амалга ошса, уй-жойнинг пулланиши аниқ, лекин эр киши аёлларнинг ҳамёнига шерик бўлиб, икки қўлини бурнига тиқиб юролмайди-ку. Унда хушторлигию, ҳиммати қаёқда қолади?

– Майли, уйниям сотамиз, аммо менам озроқ маблағ жамғармасам бўлмас...

– Ҳовлининг пули етмайди деб ўйлаяпсизми? Уйдаям бир нимага ярайдиган анчамунча нарсаларимиз бор.

– Етишгаю етар, яна, узоқ йўл. Ҳар ҳолда ақчанинг ортиқчаси зарар қилмайди, опа.

– Гапингиз тўғри, аммо, бир аравага тушадиган бўлсак, сеники-меники деб юрмайлик дейман-да, унда биз хижолат бўлиб, тортиниб қоламиз, аҳилликкаям дарз етади, Бекназаржон иним.

– Сиз ташвиш чекманг, опа. Худо хоҳласа, сиз айтганча, топганимиз, қуюғимиз, суюғимиз ўртада бўлади. Мен фақат дард қолмайлик дейман-да. Қашқарда юртга ўтишга ҳаялласак, ижарада яшаб туришга тўғри келиб қолиши мумкин...

Бекназарнинг тили учиди: «Мен эркак кишиман, ёнимда ўз сармоям бўлиши керак», деган сўзлар тизилиб турардию, чиқиб кетолмасди.

– Бу, аканг тушмагур хийла ўжарга ўхшайди, Фазилат, – деди опа Бекназар чиқиб кетгач, лабини чимириб кулимсираркан.

– Тўғри-да, аяжон, эсингиздами, «Пул топаман деб, қачонгача шаҳарма-шаҳар юрасиз», деганингизда отам раҳматли нуқул «Пули кўпнинг қўли узун, пули йўқ пули борга тобе бўлади» дерди. Ориятли эркак сиз айтган гапга унамайди-да.

– Қайсарлик қилиб, йўл-чўлда бизни қийнамасмикин дейман-да, қизим.

– Қайсар – подшо дегани. Унақалар тутган жойини қўйвормайдиган, бир сўзли бўлади.

Опа қизига ҳайрон боқди.

– Бунақа гапларни қаёқдан биласан қиз бола жонинг билан?

– Биламан-да, отам мени бекорга «доно қизим» дермиди. Китоблардан ўқиганман.

– Китобларда ёзовради-да. Тўғри иш қиялпмизмикин дейман-да. Ёмғирдан қочиб дўлга тутилгандай, уй-жойни сотиб, тайёр бошпанадан айрилиб, сарсон бўлмасак-да ишқилиб. Китобларда сен ўқигандай бўлса бордир, ҳаётда бошқаларни фақат ўзининг йўлига юргизишга уринадиган одамлар қайсар дейилади. Қайсарлик яхши хислат саналмайди, қизим. Унақалар айтганида «гаҳ» деб турволишади, бошқалар билан муомала қилиши, иш битказиши қийин, муросага кўнмайди. «Ит қайсар» деган иборани эшитганмисан? Мана, қара, ҳозирдан бизнинг гапимизга хўп демаяпти. Лекин, ўзига тўқроқ хонадондан бўлса керак, бўлмаса бу ерларгача етиб келиши қийин эди. Отанг «Советлар сиёсати, зуғумидан ҳам пули, моли борлар қочиб қутиляпти, холос, кўри йўқлар қамоққа ё сургунга қулоғини ушлаб кетяпти» дегич эди.

– Ростиям, эркак киши, моли-давлати бўлмаса, бўйнини қисиб, индамай тураверади-да, ая.

– Ҳозир шуни мулоҳаза қиладиган вақтми Бек акангга?

– Майли, аяжон, ишлайман деса, ишласин. Унга дарров қаёқдаям иш қараб турибди, бу шаҳарда ҳеч кимни танимаса, ҳеч қаерни билмаса. Кейин, ўзиниям узоққа сабри чидамас... – Бирдан Фазилатнинг хаёлига бизникида яшаб тураверса-чи, деган ўй келди. Бу ҳарқалай, жўяли мулоҳаза эди, у ҳолда шошилишнинг ҳожати бўлмасди. Аммо... қиз ўз режасидан уялиб кетди, лаб тишлаб, онасига бирров нигоҳ ташлади, лекин унинг унча эътибор қилмаганини пайқаб, давом этди. – Икки ой ишлар, уч ой ишлар. Гапимиздан ўзича маъно чиқариб, зўрға туришган экан деган хаёлга бормасин тағин.

Она бу ёғини ўйламапман дегандай, бош қимирлатиб қўйди.

Аслида аёлнинг андишаси бошқа ёқда – Фазилатга индамаса-да, Зайнулла афанди ҳалал бериб қолмасмикин, дея хавотирлана бошлаган эди. Фазилат нима бўлсаям ёш-да, онаси уйни тузукроқ пулга сотамизмикин деса, ўйлаб-нетмай, ўша киши ёрдам бермасмикин ё ўзи олиб қўя қолмасмикин, деб ўтирибди. Унга айтиб бўларканми, лекин, айтмасликнинг иложиям йўқ. Ахир хайр-маъзурни насия қилиб жўнаб юборишмайди-ку.

Аммо савдогар она-бола ожизаларнинг аллақандай бир мусофир билан тил бириктириб қилаётган саъй-ҳаракатларини маъқулламаслиги тайин, зеро, Шарифа опанинг тахминича, унинг ўғлини Фазилатга уйлантириб, ҳовлини ҳам қўлга киритиш нияти ҳам йўқ бўлмаса керак. Опа ўзини унинг шамаларини англамагандай тутиши, рўйхушлик бермаётгани ҳам шундан эди. Зайнулла афанди бир куни гапни айлантриб, шунга тақади... «Дўстим сизларни менга, мени аллоҳга топширган. Биласиз, биз кўп қадрдон, ҳамдам

эдик, савдо йўлида бирга хийла азияту машаққатлар чекканимиздан ҳам озми-кўпми хабарингиз бор, нима топган бўлсак, бирга баҳам кўрганмиз. Шунинг учун унга сизларни ўз ҳифзи-ҳимоямга оламан деб ваъда берганман. Бошларингизда эркак йўқ, бизни яқин, синашта одамлар ўрнида кўриб, қандай юмуш бўлса, тортинмай, бемалол айтаверинглар, мен йўғимда, Зийнатбей ёрдам бериб туради, уям сизларни жуда ҳурмат қилади. Сизни худди ўз онасидай кўради, Фазилатни яхши қиз деб кўп мақтайди...»

Савдогар муддаосини очиқ-ошкор қилмагани сабабини опа ўғлининг ҳали бир оз ёш (Фазилат билан деярли тенгдош эди) эканлигида деб ўйларди. Бекназарга шу гапларнинг бир учини чиқарсамикин, ё унда бу ўжар йигит шошқалоқлик қилиб бирон ножўя иш кўрсатиб кўярмикин?.. Йўқ, ҳар қалай, унга билдиришмагани маъқулдир...

XVII

Бекназар ишнинг бу қадар жўн, ҳамирдан қил суғургандай осон битаётгани учун мамнун, қиз ҳам, Шарифа опа ҳам ўз таклифига, яъни Қашқарга кетишга розилик билдириш рағбати йўқ эмаслигини кўнгил ҳавасига ҳам мойиллик аломати деб билар, асосий муаммо ҳал бўлди деб ҳисоблар, умрида тўртта одамнинг ўртасига чиқиб қўл кўтармаган йигит, дам-бадам девоналардай, ўзидан-ўзи бармоқларини қисирлатиб ўйинга тушар эди.

У қишлоқ боласи, анчайин содда эди. Тақдир шамоли ҳали уни чирпирак қилиб учириб, не манзилу маконларга элтиб ташлашини, чархи кажрафтор ғариб бошига қандай шўришу ғавғолар тайёрлаб турганини хаёлига ҳам келтирмасди. Айни дамларда у чиндан ҳам бахтиёр эди. Гўё аёл зоти билан боғлиқ орзу-умидлари, завқу эҳтирослари қайта тирилиб, пажмурда жисми-жонига мислсиз кудрат, фавқулдда ғайрат ато этилганди. У мутлақо имконсиздай туюлган тилаги кутилмаганда жуда тез ушалаётганидан эсанкираб қолганди. Бунақа маҳалда осон қўлга киритилган бойлик, бахт кўпинча баракасиз ё омонат бўлиши ҳақидаги гаплар қайси бир омади чошиб турган ошиқнинг ёдига келарди? Бекназар назарида ҳам чиройли, ҳам хуштабиат, хушфеъл, бир сўз билан айтганда, айни кўнглидагидай дилдорни топган ва энди у билан бир умр саодатли, осуда ҳаёт кечириш мумкин, орадаги анча-мунча қийинчиликлар чикора деб ўйларди. Қийинчилик ҳам нима бўларди – йўл юриш, иссиқ-совуқ ҳаволи, тоғу тошли, сахрою даштли жойлардан ўтиш... Тинч, саломат Қашқарга етиб олишса, у ёғига иши юришиб кетишига ишонарди. Падари бузрукворининг кадрдонлари омон бўлишса, уни сарғайтириб қўйишмайди. У бобосию отасининг қадрли шунчалик баландлигини ўша одамларнинг ўзига кўрсатган муруввату илтифотларидан билди. Арабистондаги амакиси аҳволи қандоқ экан? Унга етиб боролмайдиган бўлди-да. Фазилат билан унинг онасини ҳозир у томонларда етаклаб юролмади – вақт ҳамда маблағ муаммоси бунга монелик қилади. Қолаверса, уларниям бунга раъйлари йўқ. Тезроқ уларни юртга яқинроқ жойга олиб кетиш зарур. Фақат маблағ керак, маблағ... Фазилатларнинг уйлари қанчага сотилсаям, ўзларига ҳаржлашади-да, Бекназар аёл кишилардан пул олиб ишлатармиди. Энди жадалроқ иш ахтаришга тушиш лозим. Арра-тешаси наф бермаса, бақувват қўллари бор...

Парвардигор бандасининг ишини ўнглайман деса, ҳеч гапмас. Бекназар иш борасида кимдан маслаҳат, ёрдам сўрасамикин деб, ўзича Жавдар оғани мўлжаллаб ётган эди, очиқ эшик тақиллаб қолди. У шартта тикланиб қаради. Остонада ўрта буйдан баландроқ, ялангбош, оқ оралаган сочларининг олд томони, хусусан икки чаккаси сийраклашган, соқоли киртишлаб олинган, ихчам мўйловли, кўзлари майдароқ киши кулимсираб турарди.

– Ассалому алайкум, андижонлик йигит ўзларими?

Бекназар ирғиб туриб эшик томон юраркан, хаёлланди: «Ким бўлдийкин? Фазилатнинг отасини оғайнисимикин?..»

– Ва алайкум ассалом, – деди у ҳамон ажабланганича меҳмонга қўл узатиб. – Ҳа, мен, хуш келибсиз, ичкарига марҳамат.

– Йўқ, раҳмат. Ҳожи отани йўқлаб кирувдим, бир ватандош келган деб қолди, шунга кўришиб кўяй дедим, айбга буюрмайсиз.

– Қадр қилганингиз учун раҳмат, ака, қани, бу ёққа ўтирайлик, – Бекназар ўзи солиб ётган, оҳори кетган кўрпачага ишора қилди.

– Ташаккур, ҳамюрт, яхшиси, Ҳожи аканинг хонасига юринг, бирпас отамлашиб, кўнглини оламиз бечора ғарибнинг. Улуғ шоир айтганидай, «Кимки бир кўнгли бузқўни

хотирин шод айлағай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай». Мени исми-насабим Сабо Раҳмат.

Меҳмоннинг очиклиги, илашимлиги Бекназарга ёқди.

– Ҳожи ака Маккатиллодан қайтишда шу ерда қолган. Ватанга яқинроқ деб, Афғонистонни мўлжаллагану, аммо у ерда мусофирларга муносабат ёмонлигини ўйлаб, шу таккани бошпана қилиб олган, йўл-йўлакай изоҳ берди у.

Ҳожи ота Бекназар ўтган сафар кўрган ҳолатда ўтирар, анжомлар ҳам жой-жойида эди. Мўйсафид ўрнидан турмоққа шайланган эди, Сабо Раҳмат унинг ёнига илдам ўтди-да, елкасига кафтини босди.

– Қўзғалмасинлар, тақсир. Мана, юртдошни бошлаб келдим.

Улар хонанинг бир томониға – мезбоннинг ўнг тарафиға солинган юпқагина сурранг тўшакка чўккаладилар. Хона соҳиби дуоға қўл очди.

– Файридинларға инсоф берсин, ўлкамиздан балои офатларни худонинг ўзи даф этсин, омин.

– Омин, омин, – жўр бўлишди меҳмонлар.

– Қани, тақсирим, бир тортамлими? – деди Сабо Раҳмат жилмайиб, чилимға ишора қиларкан.

– Куласиз-да, а, қисматдош, куласиз.

– Хўриллатиб тортишингизға борман-да. Ўзиям жуда-а ҳузур қиласиз, а?

– Энди буям кор қилмай қолди, мулла.

– Кучлироғидан топайлими? – Сабо Раҳмат Бекназарға қараб кўз қисиб қўйди.

– Аллақачон топиб қўйганман, Сабоҳиддин.

– Об-бў, Ҳожи акаси тушмагур-ей, ўтирган ўрнингизда анча-мунча ишни битириб ташлайсиз-а. Қани, кўрайлик-чи, ўша зўрини...

– Рост айтсам, яшил чойға, яъни ўзимизнинг кўк чойға етадигани йўқ экан, – Ҳожи ота Бекназарға юзланди. – Ўғлим, самоварда чой қайнаётимикин?

– Ҳозир қарай-чи, – Бекназар ўрнидан даст туриб, хонтахтадаги муштдайгина сариқ сопол аралаш чинни чойнакни олиб, ташқарига чиқиб кетди.

– Дуруст йигитға ўхшайди. У бечораям сиз билан биз сингари зуғумдан, чақувдан қуйиб қочганлардан экан, – деди Ҳожи ота ва Бекназарнинг баъзи гапларини айтиб берди.

Сабо Раҳматнинг кулимсираб турган юзи жиддий тус олди.

– Ҳа, тақдирдошлар кўпайпти, Ҳожи ака. Ўртада «қочди-келди»лар сал босилиб қолувди, яна бошланибди-да. Бу яхши аломатмас. Шўро устунлари чириб боряпти, деб уларнинг кулашини қанча интизорлик билан орзуласак, қанча илтижо билан тиласак, тобора мустаҳкамланиб, истибодди авж оляпти-я.

– Аммо Жалолиддин Мангубердидай қаҳрамонларимизгаям ўзимизникилар панд беришган.

– Тўғри айтасиз, Ҳожи ака. Бобур Мирзодай улуғ шоир, адолатли ҳукмдорниям юртдан мосувою дарбадар қилганлар ҳам ўзининг энг яқинлари, ишонганлари эди.

– Локин, шундоқ деб, бутун халқни айблаб бўлмайди, ватандош.

– Тўғрикуя, албатта, сопининг ўзидан чиқариш Сталин давлати сиёсатининг ўзаги десаям бўлади, лекин у даюсининг одам ҳайрон қоладиган феъллариям бор. Азиз фарзандини генералға алмаштирмай, воз кечиб юборганини айтаман-да. Тарихда тантиқ шахзодалар давлат, бойлик иштиёқиди юрт бошига нима кўргуликлар солмаган?.. – Бекназар пичирлагандай ассалому алайкум деб кирди-да, чойнакни хонтахтага қўйди. Ҳожи ота хонтахтанинг нариги чеккасидаги пиёлаларни унинг олдига сурди. – Бироқ, – давом этди анча қизиқиб қолган Сабо Раҳмат, – одамларимиз шунча тез, шунча осонлик билан ўша сиёсатнинг ялоқбардорларига, айғоқчиларига айланиб кетадими деб хунобингиз ошади-да.

Ҳожи ота шикаста товушда «Ҳа-а...» деб қўйди.

Бекназар чойни уч марта қайтаргач, пиёлаларға қуйиб Ҳожи отаға, Сабоҳиддин акаға узатди.

– Салласини олиб кел деса, каллага югуришади-да, – деди Сабо Раҳмат чойдан ҳўплаб.

– Унақаларға ҳам осон тутиб бўлмайди, мулла, жон ширин, қоронғи хонада, қон чиқмайдиган жойиға икки-уч тепки егандан кейин қийин-қистовға дош бериш қийин. Ахир зах хужрада, бурға, искаптопарларға таланиб, бир қошиқ хўрдаға зор бўлиб ётиш ё узок, қора балчиқли ўрмонларда азоб-укубатлар билан итдай ўлиб кетиш кимға ёқади?

– Жуда кўнгилчансиз-да, Ҳожи ака. Туркистонликлар деган сўз менга ватангадолар дегандай эшитиладиган бўп қолди.

– Ўзимизнинг айбимиз уларникидан енгилми? Пешонамизга қочоқ, хоин деган тамғалар босиб бўлинган. Тўғри, биз сиёсий муҳожирмасмиз, аммо ҳукумат бизни аллақачон қора сиёҳ билан ёзиладиган рўйхатга тиркагани аниқ.

– Биз бировни сотмадик, кимгадир хоинлик қилмадик-ку.

– Ватанга хоинлик қилдик, ватанга, мулла Сабоҳиддин. Жон қутқарган ботир деб, юртни мустамлакачиларга ташлаб қочганимиз қандай хиёнатдан кам?

– Вазият тақозо этганда пайғамбаримиз ҳам ҳижратни маъқул кўрган экан...

– Э, мулла, пайғамбаримиз билан бизни қочишимизнинг фарқи катта. Расулulloҳ кўл остидагиларни, саҳобаю жангчиларини аҳтиёт қилган, биз эса ўзимизни... Аслида қамалиш ё бадарға бўлишданмас, мол-дунёимиздан ажраб қолишдан қўрққанмиз.

– Унақа деманг, Ҳожи ака, биз мутелиқда, динсизликда, яшагандан кўра, сарсон-саргардонликни афзал кўрганлармиз. Қолаверса, барибир кўлимиздан ҳеч нарса келмасди-да... Ўз юртинг бўла туриб, Зокиржон Фурқат ёзганидай, ўзга элларда адашган итдай қаёққа боришингни билмай, довдираб юриш одамга алам қилади-да. Оламда ўз ватанини ташлаб, қорни тўйган ерни макон тутиб яшайверадиганлар ҳам кўп экан. Ўзбекистонни босди ўшанақалар.

– Энди жуда қаттиқ кетдингиз, – ўтирган ўрнида бир тўлғаниб олди Ҳожи ота. – Таёқнинг бир учи ўзимизга келиб тегишиниям ҳисобга оляпсизми? Асосийси, тақдир деган нарса бор. Ким қачон, қаерда жаноби азроилга рўпара келиши фақат парвардигорга аён.

– Дуруст, аммо бандалар ҳам бир-бирига сабаб бўляпти-ку. Уларга ўйлаш, мушоҳада қилиш учун ақл-идрок ато этилган-ку, Ҳожи ака. Мана, сиз нима учун ватан, юрт деб куюниб, йиғлаганингиз йиғлаган?

– Ҳа, энди, ҳамманинг феъли ўзига, ҳамма ҳар хил яратилган... Мени кўяверинг, камина тўридан гўри яқин бир фақир. Аламимни йиғидан олишдан бўлак нимагаям ярадим. Осмон – узоқ, ер – қаттиқ.

– Ноумид шайтон, Ҳожи ака, ҳали бардамсиз. Юртда бир эврилиш юз бериб, омон-омон замонлар бошланиб қолса, сизни ўзим олиб кетаман.

– Мабодо, айтганингиздай, юртга қайтадиган бўлиб қолсаларинг, илтижо қиламан, албатта мениям отми, эшакми, биронта уловнинг думига бойлаб, бир амаллаб олиб кетасизлар, жон ватандош. Бу дунёдаку яхшиликларингизни қайтаролмайман, илло, у дунёда қанча савобим бўлса, дўст сифатида ҳаммасини сизга олиб беришни яратгандан ўтиниб сўрайман. Унгача умрим етмаса, ақалли қабримдан бир ҳовуч тупроқ олиб кетиб, Ўзбекистон чегараси бошланган ерларга сочиб юборсангиз ҳам мингдан-минг розиман.

– Хотиржам бўлинг, Ҳожи ака, сизсиз ҳеч қаёққа кетмаймиз.

– Локин энди биз юртга қайтолмаймиз, жигар, ахир қайси юз билан борамиз?..

Бекназар «музокара»ни қизиқиш билан тинглаб ўтираркан, дилидан ҳамсуҳбатларникига яқин ҳиссиётлар кечарди. Наҳотки улар ҳам бунга ўхшаб, арзимаган сабаб билан юртдан чиқиб ё қочиб юришган бўлса?..

Сабо Раҳмат ёнида одам борлиги бирдан эсига тушгандай, бошини Бекназар томон бурди.

– Сиз ҳам гапиринг, юртдош, ё ҳали бундай савдолар каллангизни гаранг қилиб улгурмадимми?

Бекназар мужмалгина жавоб берди. Сабо Раҳмат энди унинг қаерданлиги, бу ёқларга қандай келиб қолгани, ният-режалари билан қизиқиб, аниқ саволга ўтди.

– Исм-шарифлари қандай?

– Бекназар.

– О, жуда тахаллусбоп экан. Бек Назар. Бобур Мирзо дегандай. Мабодо шеър-перёзиб турмайдиларми?

– Йўқ, – деди Бекназар ўзини бир оз ўнғайсиз сезиб. У адабиётдан жуда узоқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда бадиий ижодга ҳам унча яқин эмас эди.

– Падари бузрукворининг отлари-чи?

Бекназар айтди.

– Демак, Бекназар Дармон... Туркияда исм-шарифлар шундоқ айтилади, биздагига ўхшаб, ғайри миллатчасига «...ев,...ов» дейишмайди. Мен ҳам ҳужжатда Сабоҳиддин Раҳматуллаев юритиламан, лекин турк биродарларимиз Сабо Раҳмат тахаллусини беришди. – У яна кулди. – Ҳожи аканиям исми-шарифи узундан-узоқ – Абдузухриддин Фароҳиддинов. Абду Фараҳ ёки Ҳожи Фараҳ деб айтақолайлик, десам, ҳеч кўнмайди-да. Отасиниям, ўзиниям исмларини яримта қилишни хоҳламасмишлар. Ватансиз одамга номи бутун бўлди нимаю, яримта бўлди нима дейман. Худо хоҳласа, ватанимиз бутун

бўлади дейди. Майли, ишқилиб, айтгани келсин. Хў-ўш, шундай қилиб, Андижонданман денг. Ён қўшни эканмиз. Бизники Фарғонанинг Қувасидан. Ҳожи ака билан қадрдонмиз, тўғрироғи, ҳасратдош, дарддошмиз. Ҳар замонда суҳбатлашиб ҳумор ёзгани келиб тураман. Шу баҳона, бу қарвонсаройга қўниб ўтадиган ҳаммиллатлардан анча-мунча ахборот, маълумотлар оламиз. Мана, энг кейинги хабар ва янгиликларни сиздан эшитамиз. Юртда ҳозир сиёсий ҳолат қандай? Халқнинг руҳи-кайфияти нечук?..

Бекназар бир лаҳза тараддудланиб қолди. Унинг ўзи сиёсат жабрини тортиб юрганлардан бири эса-да, бу ёқимсиз ибора билан боғлиқ хатарли, бетайин вазиятга қандай ҳолат ва воқеалар киришини ичида мулоҳаза қила бошлади. Ниҳоят, хаёлига чўлларни ўзлаштириш шиори билан қишлоқ аҳлининг айримларини оиласи билан туғилган, униб-ўсган маконларидан юлқиб олиниб, мажбуран Мирзачўл, Янгиер, Бўз каби дашт-биёбонларга кўчирилаётгани келди. Бу энди қариндош-уруғлар, бир-бирини қўллаши мумкин бўлган ўзаро яқин, ҳамфикр одамларни бир-биридан узоқлаштириш, пароканда-лаштиришнинг «доҳиёна» йўли, большевикча усули эди. Бўшаб қолган ҳовли-жойларга эса Русиянинг олис, овлоқ бурчакларидан чўчкабоқар Зоялар келиб ўрнашарди. Шунингдек, «халқлар отаси»нинг қаҳрига учраб, иссиқ ўринларидан ярим тунда бир залп билан қўзғатилган чеченлар, қрим татарлар, месхети туркларини ҳам «манжаник»ларга солишиб, кўзни юмиб, Ўрта Осиё минтақаси тарафга отишар ва улар тўзғоқдай ҳар томонга ёйилиб тушишарди...

Аҳолининг руҳи-кайфияти... Иккинчи жаҳон урушидан қай бир аъзосидан ажралиб, танию қалб жароҳатлари битма, умуман меҳнатга яроқсиз бўлиб қайтган собиқ аскарларнинг, оналар, келинчаклар юрагидан жанггоҳларда, Сталинград «тўғон»ида¹, фронт орқасида, меҳнат фронтларида ўқдан ва очликдан ўлган ота-онаси, эри, ака-укасию бошқа яқинларидан жудолик аламининг заҳри ҳали кетмаган эди. Улар бор-будини – оғзидаги нонию эғнидаги кийимигача «ватан мудофаачилари»га юбориб, ўзлари ҳануз ўша юпунлик ва ночорликдан чиқишмаганди. Қолмишига уларга ҳар турли ўлпонлару тўловлар – гўшт, сут, сарёғ, жун, тухум каби куракда турмайдиган, тарихнинг энг аянчли даврларида ҳам бўлмаган солиқлар солиниб, уларни тўлашга қурби етмаганларнинг гўдаклари озиқлигига яраб турган соғин қўй ё эчкисини қароқчилар каби судраб чиқиб кетишар, бечоралар чирқираб қолишаверарди. Хуллас, ҳали ўмганини ростлаб олмаган, қачон ростлаши ҳам даргумон одамларнинг ҳолати, кайфияти қандай бўларди? Тўғри, улар бир нарсага – чақалоқдан мункиллаган қарияларгача тинкасини, миллион-миллион кишиларнинг ёстиғини қуритган бенўхта, бедаво урушнинг тугаганига шукрона келтириб кун кечиришарди. Лекин уруш даврида қисқа муддат карахт ётган қатагон аждаҳоси яна бош кўтарган эди, у ҳамшиагидай оч ва ёвуз – тинимсиз қурбонлик тиларди – ҳали у сабаб, ҳали бу баҳона билан қатллар, «қама-қама»лар, сургун-итоблар давом этарди. Салгина аввалроқ Саид Аҳмад, Шухрат, Шукрулло, Мирзакалон Исмоилий, Шайхзода каби таниқли шоир-ёзувчилар қамалган, улардан бирига уйда исириқ сақлаган, оиласида чақалоқни бешикка белаттирган, деган айб тақалган эди.

Бекназар шулар ҳақида билганича гапириб берди. Сабоҳиддин аканинг ҳам, Ҳожи отанинг ҳам пешоналари тиришди, қовоқлари уйилиб, лунжлари осилди. Улардаги бояги тетикликдан, эҳтиросли хитоблардан асар ҳам қолмаган эди.

Анчагача ҳеч кимдан чурқ этган садо чиқмади.

Бекназар ер остидан катталарга разм солди. Ҳожи отанинг боши эгилиб, юзи умуман кўринмас, ушоққина елкалари силкинарди. Каттагина калласини оҳиста, бир маромда тебратиб ўтирган Сабоҳиддин аканинг ҳам миждалари намдан йилтирарди.

Ниҳоят, Ҳожи ота бошини кўтарди, унинг кўзлари қизариб кетган эди.

– Шунақа денг, Бек Назар. Биз кўрган кунлар ҳам бир нави экан-да. Ё аллоҳ! Бу қандоқ кофирларким, бешик тутганларни, исириқ тутатганларни, эскича китоб ўқиганларниям ясоққа тортишаверса-я!..

– Иштонсизнинг ҳадиғи чўпдан деганлари шу-да, Ҳожи ака. Лекин биздаги коммунистларнинг зуғумлари япон коммунистларининг хитойликларга, хитой коммунистларининг уйғурларга берган жазолари олдида ҳолва. Улар ҳукуматнинг бирон мулозимига нисбатан билиб-билмай ноўринроқ сўз айтган ёки ёзилган ва ёзилмаган қонунларга хилофроқ ҳаракат содир этиб қўйганларнинг оёғига кишан солиб судрашаркан, маҳбусларни қозиққа боғлаб, итларга талатишаркан.

– Умуман, большевик дегани бир бало экан-да, мулла Сабоҳиддин. Локин ҳаммаси унақамасдир...

¹ Ўзбекистондан урушга олинган қуролсиз кучларнинг катта бир қисмини фашистларни Сталинграддан қайтаришга, яъни «тўғон»га босишган, дейишарди собиқ фронтчилар.

– Ҳа, албатта, бари гап буйруқ берадиганларда-да... – Сабо Раҳмат Бекназарга қаради.

– Энди, ука, бу бекорчи чоллар мунча менга ёпишиб олишди демасангиз, малол келмаса, саргузаштларни, шундай деймизда, а, Ҳожи ака, аслида саргузаштмас, жафозашт, аламзашт, мухтасар гапириб берсангиз. Қайси томонлар билан келдингиз, йўллар, чегараларда аҳвол қанақа?

Бекназар бир оз ижирғанди, «Худди терговчидай сўрайди-я» дея ўйлади, лекин кўнглидагини сездирмасликка уринди. Ўзининг қарийб беш ойлик кўрган-кечирганларини Сабоҳиддин ака кутганидан ҳам қисқа – тўрт-беш дақиқада ихчам, лўнда айтди-қўйди. У умуман кўп гапиришни ёқтирмасди. Аммо тўғриси сўзлади. Ўрни келиб қолганда, муддаосини қистириб ўтишни ҳам унутмади. Очиқ-ошкор баён этмаса-да, шу шаҳарга етганида ҳамёнининг таги кўришиб қолгани, шунинг учун ишлаб, сармоя жамғаришни мўлжаллаётганини шама қилди. Фазилат билан боғлиқ савдоси ҳақида оғиз очмади, тўғри-да, умрида биринчи кўриб турган одамларга дарров шайдолик достонини ўқиб ўтирадимми?

– Сиз Абдулла Қодирий деган адибни биласизми? «Ўткан кунлар» рўмонини ўқиганмисиз? – Бирдан бутунлай бошқа мавзуда савол бериб қолди Сабоҳиддин ака.

Бекназар шундай бир зўр ёзувчи ўтганини эшитгану, лекин биронта китобини ҳам кўрмаган эди.

– Атанг... Андижонлик Чўлпон деган шоирни-чи?

– Йўқ, ўқимаганман.

– Афсус. Чўлпонни Туркияда яхши билишади, айниқса, ёшлар суйиб ўқишади. Иккала адибнинг ҳам қисмати доғли. Чўлпонни мутолаа қилсам, унинг ёш кетганига жуда ачинаман. Ўлмаса, шу пайтгача қандоқ инжу шеърлар битардийкин... Сабо Раҳмат оҳиста, маромида ўқий бошлайди:

**Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тоши янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку...**

Ҳазалнинг сўнги байти Бекназарнинг қалбини тирнаб ўтгандай бўлди:

**Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай, ерга ботдим-ку.**

Ҳожи ота хонтахта остидан нос рангли мўъжазгина бир китоб олиб, варақлай бошлади.

– «**Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг ватан**», – деб алқаган Ўзбекистонимизни Сулаймон баззоз ўғли.

Бекназарнинг бўйлаганини кўриб Ҳожи ота китобни узатди. Лекин у лотин имло-сида, бу ҳарфга Бекназарнинг тиши ўтмас эди, китобни Сабоҳиддин ака олди, лекин саҳифасини очмай, ёд айтди:

**Кўз ёшимда ювсам
Юртнинг бағрини,
Тилим билан сўрсам
Оққан қонини.**

– Шундай истеъдодлар юртим, элим деб жувонмарг бўлиб кетди-я.

– Қаранг, бир банда худонинг омонати – ҳаётини халқ учун тикишга қодир, лекин халқ у муштдай жонни ҳифзи-ҳимоясига олишдан ожиз.

– Халқимизда ҳамжиҳатлик йўқ, Ҳожи ака, ҳамжиҳатлик. Тўп юрадиган, ҳашаки итдай келадиган чиябўрилар шерданам тап тортишмас экан. Чигитдай-чигитдай арилар ўқловдай илонни чақиб ишириб юборишади.

– Э, сиз уларни айтасиз, бир китобда ўқиб қолдим: кундуз бору – сувкаламаш, шулар жамлиқда қий-чув қилиб, тимсоҳдай баҳайбат, ваҳший нарсаниям қувиб солишаркан.

– Ҳукуматнинг халқмас, оломондан қўрқшининг сабабиям шу-да. Халқ қанча кўп бўлса, шунча пароканда бўлади.

– Бечора Чўлпон «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» деб ёзибдия, куйиб-ёниб.

– Ҳа, шундай одамларни бургадай эзиб ташлашди-ю, сиз билан биз нима деган гап, Ҳожи ака.

– Зап жуфтакни ростлаб қолган эканмиз демоқчисиз-да, а, мулла Сабоҳиддин? Локин бу ишларни ҳали сўроқ-саволиям бор...

Бекназар «банги чол» деб ўйлаган қариянинг ва Сабоҳиддин аканинг маънили шеър ўқиши, файласуф ё катта ёзувчилардай (ё чиндан ҳам шунақамикин?..) мулоҳаза юритишларига қойил қолиб ўтирар экан, ўзининг Қодирий рўмонлари, Чўлпон асарларидан бебахралигидан, ёшлари бир жойга борган манави ҳасратдошлар каби ўша ҳамшаҳарининг тўрт йўл байтини ёд билмаслигидан хижолат чекарди. Шунинг учун у ҳамсуҳбатларининг дам униси, дам бунисининг оғзига тикилганича, гап қўшмай, жимгина кулоқ солар, мисраларнинг мағзини чақмоққа уринарди. У Ватаннинг шунчалар азиз ва муқаддаслигини, илк субҳидам ҳавоси, атиргуллар ва бошқа тотли бўйлар димоғига, сойнинг шилдираши, кушлар чуғури кулоғига иниб, она сиймосию кўз очиб кўрган хона, атрофдаги дов-дарахтларнинг рангин япроқлари, мовий осмоннинг бир бўлаги қорачиқларига сингиб, муҳрланиб қолган табаррук макондан олисда, бегоналар орасида умргузаронлик қилишнинг нечоғлик фожиали қисмат эканлигини ўйламаган экан.

Айни вақтда у мавзунинг ўзгариб, тамом бошқа ёққа бурилиб кетганидан, Сабоҳиддин аканинг ҳам, Ҳожи отанинг ҳам унинг арзи-ҳолига эътибор қилишмаганидан ўкиниб ўтирар, унинг учун ҳаёт-мамонт масаласидай муҳим бўлган иш топиш тўғрисида қайта эслатишнинг ноқулайлигини ўйлаб зикланарди. Шаҳарнинг анча-мунча паст-баландини, дарвозасию дарчасини билиб олган одамлардан, хусусан, Сабо Раҳматдан жўяли бир маслаҳат, йўл-ўриқ чиқар деган илнжи дам сайин ингичкалашиб бораётганга ўшар, шунчаки ўксиниш энди росмана ранжувга айланаётганди. Лекин унинг ёзгириши, ранжиши ўринлимиди? Ҳа-да, сенинг етти туғиб бир қолганинг ё амма-холангнинг эримиди, ё ўтказиб қўйган жойинг бормидики, ундан умидвор бўлиб, тама қилишга, ўпкалашга ҳаққи-хуқуқим бор деб ҳисобласанг! Умрингда биринчи марта кўришиб, гаплашиб турган бўлсанг... Тўғри, юртдош, аммо юртдош экан дебон дуч келган кимсанинг этагига осилиб олишавермайди-ку. У ким ўзи, касби-кори қанақа, қаерда яшайди, нима юмуш билан шуғулланади, қўлидан бир иш келадими – булар сенга ҳали номаълум-ку. Кўп гапириш балки одатидир. Занг босган юрагини кимга бўшатишни билмай турган одам қайғудошини учратса дардини тўкади-да. Ҳа, икки оёғинг бир этикка тикилмай, озгина сабр қил-чи, жа бўлмаса, чолнинг олдидан чиққач, кулоғига «Сизда икки оғиз гапим бориди» деб, хонанга бошлаб кириб, алоҳида гаплашарсан, ҳар қанча дардинг, илтимосинг бўлса, ўша ерда ёлғиз ўзига айтарсан. Вой шоввоз-ей, феълингга тортасан-да. Сенга ҳамма иш кампир шафтолининг данагини айиргунча, шаппашуппа бита қолса-да, а? Умуман ҳе йўқ, бе йўқ, томдан тараша тушгандай, бирдан менга иш топиб беринг дейишинг қандоқ бўларкин?..

Лекин иш бунгача бориб етмади.

– Ҳа, хаёл суриб қолдингиз, иним? – Бекназарнинг ўйларини тўзтитди Сабо Раҳмат. – Сизниям ярангизни янгиладикми? Биз бенаволарга эътибор берманг. Манави акангиз, – ияк қоқиб Ҳожи акага ишора қилди, – менинг ягона ҳамдамим. Бошқа ҳамюртлар ҳам бор, аммо дардимни шу киши тушунади. Таъби назми ҳам хийлагина. Ёзмасаям, мутолаани яхши кўрадилар. Ўзлари Марғинондан.

Бош қимирлатиб, синиқ жилмайиб ўтирган Ҳожи ота Бекназарга юзланди.

– Хафа бўлмайсиз, ўғлим, бу кишимнинг тилларини ҳаққа салгина чўқилаб қочган, Марғилон дейишга қийналадилар.

– Эски китобларда шундоқ ёзилган, – қафт силкиди Сабо Раҳмат худди ростакамига мунозара қилаётгандай сохта тундлик билан. – Ҳофизу Чўлпонниқидан бошқа китоб ҳам ўқийдиларми ўзлари, тақсирим?

– Ҳазил, ҳазил, – соқолини селкиллаб қиқирлади Ҳожи ота. Кулганда кўзлари каттароқ очилиб, рангпар юзларига қон югургандай бўларди. – Ана шунақа, Бек Назар, биз баъзан тегишиб ҳам турамыз, булар фақат бир-бирига ҳасрат қилишар экан, деб ўйламанг. Ҳа, биз аламдийдалар дастлабки пайтларда жуда асабий эдик. Ўзаро суҳбатдаям қизишиб кетаверардик. Кейинча мусофирлик доғи-дардлари юракдан ўтгач, бир-биримизни анча авайлайдиган, қадрлайдиган бўп қолдик. Лекин ҳозир ҳам баъзан куюниб, ловуллаб кетамиз. Аслида-ку инсон боласи ҳамма вақт, ҳамма жойда ўзаро аҳил, интифоқ яшаши керак, ҳайвонларга ўхшаб шохлашмай.

– Ҳайвон шохлашгани билан кек, гина сақламайди, Ҳожи ота, бир пасдан кейин яна бирга ўтлаб кетаверишади, одамзод эса, биров билиб-билмай сал жигига тегса, кучи етса, дарров жавобини қайтаради, бўлмаса муштига тупуриб қўяди. Дарвоқе,

Бек Назар, энди каминанинг ҳоли баёнидан ҳам бир шингил эшитсангиз. Мени гапиртириб, номаи аъмолимни билиб олиб кетаверишди, деб юрманг тагин. Биз ҳам дунёни айланиб-айланиб, йигирма йилдан зиёд сарсону саргардон юриб, у юртда бир-икки йил, бу мамлакатда уч-тўрт йил тўхтаб, ниҳоят шу шаҳарда жойлашдик. Шу дарбадарликлар орасида ота-онани, бошқа қавму қариндошларни бой бердик... Бу ерда қанча турамыз – худо билади. Афғонистонда кўпроқ яшадик. Кейин Туркияга ўтдик. Марсин деган шаҳарда ўрнашдик, лекин чеккароқ эди... Ҳаждан қайтаётган истамбуллик бир афанди билан танишиб қолувдик, унга эргашиб бу ёққа қараб манғидик¹. Кадикўй деган манзилда узоқроқ қариндоши бор экан, ўшаларниқига ижара тушдик. Касбимиз майда тижоратчилик. Ҳар ҳолда, тирикчилик ўтиб турибди. Кадикўй ҳам чеккаю, ҳарқалай, Истанбулнинг шундоққина тумшуғи тагида. Беватан одам девонадай гап – қаерга, кимниқига бўлса кириб кетаверади. Ҳозир Туркияда, хусусан, Истанбулда ҳам ўзбеклар анча кўпайиб қолдик. «Туркистонийлар» деган жамият тузиш тўғрисида маслаҳатлар бўляпти. Бу жамият бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қиладиган, ўзаро моддий ва бошқа ёрдам кўрсатадиган хайру саховатли бир уюшма бўлиши кўзда тутиляпти. Бу ерда ҳозирча биров мушугимизни пишт, товугимизни кишт деётгани йўқ, фақат бир-биримизнинг ҳоли-аъмолларимиздан бохабар бўлиб турмоқ учун шундай воситага эҳтиёж сезиляпти. Сизга иш топишга ҳаракат қиламыз, юртдош. Танишлар бор, маслаҳатлашиб хабар бераман. Ҳа, айтгандай, сизга қандай хизмат маъқул?

– Қандай хизмат бўлсаям... – деди Бекназар тетикланиб. Унинг янги таниши ҳақидаги қараши дабдурустан ўзгарди. «Хийла ишбилармон, дадил одамга ўхшайди».

– Масалан? – таъкидлаб сўради Сабо Раҳмат.

– Энди, бу шаҳарда қанақа ишлар бўлиши мумкин – билмайман. Бизда ер очиш, шולי ўроқчилик, девор-тош сингари ишлар борида... – Бекназарнинг дилидан жуда паст кетдимми, деган ўй кечиб, тўхтади-да, суҳбатдошининг юзига оҳиста назар солди.

– Туркияда ҳам мавжуд унақа юмушлар, аммо Истанбулда эмас, қишлоқларда. Шаҳарда энг кўп хизмат – ҳамм... – Сабо Раҳмат «ҳаммол» сўзи оғир ботмасмикин, дея иккиланиб, туркчасига «йўкчилик» деди ва у ҳам меҳмонга ер остидан нигоҳ ташлади, унинг юзига малоллик ё оғриниш сезилмагач, давом этди. – Истанбул денгиз ўртасидаги шаҳар, шунинг учун бу ерда бандаргоҳ кўп, кемаларга юк ортиб-туширишда ишчи кучига ҳожат катта.

– Жуда яхши, фақат... – Бекназар «кўпроқ ҳақ берса бўлди» демоқчи эди, андишасизликка йўйишмасин деб фикридан қайтди.

– Хўш, хўш, тортинмай айтаверинг, – қистади Сабо Раҳмат.

Бекназарнинг хаёлига бирдан бошқа мулоҳаза келиб қолди ва ўзи ҳам ичида суюниб кетди.

– Фақат, яқинроқдан бўлса... – деди у энди Сабоҳиддин аканинг юзига ошкора илтижоли кўз тикиб. У мана шу истагига ўзи кутгандай жавоб олишни жуда-жуда хоҳларди.

– Шаҳар катта бўлсаям, улов катта муаммо эмас, иним. Албатта яқинроқдан суриштирамыз, – Бекназарнинг кўнглини тинчитди Сабо Раҳмат.

– Маъзур тутасиз, Сабо Раҳ... Сабоҳиддин ака, туркларнинг тили ўзимизниқига ўхшасаям, тушунишга қийналяпман. Қолаверса, шаҳарни яхши билмайман. – Бекназар ўзининг заиф томонини тан олди.

– Хижолат бўлманг, ишни бирга излаймиз. Тилниям ҳаш-паш дегунча ўрганволасиз.

Бошда сал мушкулроқ туюлади, холос. Биз ҳам икки-уч ой Али деса, Вали деб, кўзнинг ўрнига қошни кўрсатиб юрганмиз. Келинаянгизлар ҳалиям бу тилни яхши билишмайди. Кўчага қиқишмайди-да. Аслида унча қийинмас, ўзбек тилини сал букиб гапирсангиз, туркча бўлаверади. Масалан «хоним»ни «ханум», «афандим»ни «эфендим» дейсиз, вассалом, – кулди Сабо Раҳмат ва тезгина жиддий тортиди. – Чунки турклар билан бир миллатмиз, азалдан тилимиз ҳам, ер-молимиз ҳам бир бўлган, кейинчалик шунча кенг ерлар торлик қилиб, бемаъни урушлар, худбинлик, иттифоқсизлик туфайли бир-биримиздан йироқлашиб кетганмиз, холос. Энди мусофирлик бизни қайта яқинлаштиради чоғи. Туркияда қозоқ, туркман ва бошқа туркий миллатга мансуб кишилар ҳам бор, аммо улар бизга нисбатан анча кам.

Бекназар Ҳожи отанинг хонасидан қалбида хийла хотиржамлик туйган ҳолда чиқди.


Иккинчи қисм тугади.

¹ Манғимоқ – йўл олмоқ, жўнамоқ.

ШЕЪРИЯТ



Илҳом АҲРОР



Кеџинма

ИБН СИНО ХАЁЛИГА ЧИЗГИЛАР

Туркум

1

Балки, жисминг чидар саргардонликка,
 Чиниққан руҳинг ҳам бера олар дош.
 Лекин эгаллаган илминг ошмаскан,
 Ҳатто тунларинг ҳам ганимга сирдош.
 Ўзингда бориға шукрона айтиб
 Юрмоқлик саҳрода сойға айланмоқ.
 Нурли хужраи қани, қани Афшонам,
 Бағринг дарди – дунёларга сўйланмоқ.
 Маҳмуд Масоҳ қўйган инжиқ жумбоқни,
 Исмоил Зоҳиднинг илмидан ечдим.
 Дунё босқини не ақлим элига,
 Гоҳо май ўрнида ўзимни ичдим.
 Оч қўйсанг розиман, яратган эгам,
 Илму асрорингга етмоқ аҳдимдир.
 Ихлосдан ортиқроқ не аъмолим бор,
 Энг катта бойлигим, ахир, вақтимдир...

2

Яхши деб билганим, яхшими, эгам,
 Ёмон деб билганим, ёмонми, ўзи?
 Хотиржам кунларим нега бунча кам,
 Нечун байтларимда оловнинг сўзи?
 “Яшаш” тўртгина ҳарф, гўё тўрт девор,

*Ғаним тўрт деворни боғлаган эшик.
Ғазнавийдан қочсам, Қорахоний бор,
Бухоро – қалбимда дард. Илма-тешик...*

3

*Қочдим-ку, отамнинг қабри совимай,
Тубсиз саҳроларда бир йўллар очдим.
Жайхун, ижозат бер, қўлимни ювай,
Хоразм, қабул эт, юртимдан қочдим.
Яна қувиб келди ортимдан хатар,
Азиз дийдор бағри бўлди омонат.
Ойдин орзулардан безди қумликлар,
Кўрганим динсизу диндор хиёнат.
Элдан-элга кўчиб, бир эл изладим,
Изимдан қуварди тузалмас бемор.
Тагин телба таъқиб ичра бўзладим,
Мен кўзимни очсам, улар кўз юмар.
Гиёҳлар тузатди, қиличлар чопди,
Ўлимга тутилди хушёр ёв кўзи.
Ким кимни сийлади, ким кимни қопди,
Мен кимдан, ким учун қочганман ўзи?!.*

4

*Мусофир мўминга азоб тайинму,
Ранжисанг, ранжийсан фақат ўзингдан.
Яхшиям, изингни илғаб оларлар,
Кечирган кунингдан, айтган сўзингдан...*

5

*Ғанимни қолдирмоқ учун гафлатга
Гоҳ сабрим богида ўстирдим тикон.
Шаробдан маст каби тутдим ўзимни,
Нокас қувончига яратдим имкон.
У ҳам рост сўзласин, дедим, бир бора,
Айтадиган гапи бўлсин унинг ҳам.
Мен-ку, танни дарддан халос этарак,
Ғамни шароб билан кўрарман баҳам.
Кўчаман, ичаман ғамлар селобин,
Ечаман дилимдан таъна, дашиномни.
Ғанимлар қувонса қувонсин, англай,
Шаробни эслатган шафақни, шомни...*

6

*Йўқ, доим ўзингни алдай олмайсан,
Шалола шодлигинг этма намоён.
Кулгудай ҳеч қачон уйғонолмайсан,*

Бедаво бемордай аҳволинг ёмон.
Элга ош берасан, элдан ош ейсан,
Ўртадаги хурмат зарба руҳингга.
Ўзингни ҳар куни, ҳар он тергайсан,
Аммо дуч келасан ботин қаҳрингга...

7

Табиий огоҳдан дилимда ҳадик,
Муз қаърида қолган ночор учқундай.
Ёрлақагин мени, яратган эгам,
Нурсиз кўзларимга боқма чақиндай.
Гоҳ шодон, гоҳида мунгаяр кўзлар,
Уммонлар дилларда қуриб, тугайди.
Орзу-армонлардан улғаяр сўзлар,
Санги еллар зўр тоғларни тергайди.
Сойнинг зилолига боқар хавотир,
Дарахт ҳам сўзларди бўлмаганда лол.
Огоҳлик малоли дунёга татир,
Тупроқ оч шер каби боқади, алҳол.
Чирмовуқ билмайди ойнинг борлигин,
Дарахтнинг шохлари жавобсиз савол.
Тош қачон англаган сойнинг зорлигин,
Фасллар боғдаги савоб ва увол.
Илдиз отган таъма нечун кўкармас,
Нима ҳақда гуллаётган ақида?
Дунё, даъвойинг не? Боғлар кўкармас,
Ўсаётган ҳасад кимнинг ўқидан?..

8

Юракларга тушган пинҳона йўлнинг
Йўловчиси қайси манзилни кўзлар?
Қандай селга тушди баҳорнинг куни,
Омон очилдими боғларда гуллар?..

9

Соям, чидадингми саҳрога сен ҳам,
Сен ҳам эргашидингми тинмай изимдан?
Товоним куймоқда куйгандек жоним,
Гўё қочаяпман фақат ўзимдан.
Сенинг оламингда, айтгин, нима гап,
Бу маҳзун ҳолимни айлайсан такрор?
Ёки тиллашгансан ганим-ла, ажаб,
Мушит тугсам, мушитингни ўқталдинг бекор.
Нега олмоқ бўлсам ёқангдан, соям
Чақноқ кўзларимни тўсади тиззанг?
Ғанимнинг-ку қўли узун жудаям,
Бўлар сен ҳам кўзёшингни кўрсатсанг.

Нега кўзёшимнинг акси кўринмас,
 Кимдан келаяпти, билмам, бу фарёд?
 Зўр бўлсанг сен нега Ватандан қочдинг,
 Сен нега яккасан, ўтдинг безурёт?
 Тош отсам, келмайди отарган тошинг,
 Ё у юрагимга аталганмиди?
 Бошим омон эмас, омонми бошинг,
 Ё чўлда у қумдан яралганмиди?
 Ҳатто сени енга олмадим йўлдош,
 Қуёш ҳам ботмади, бўлмадинг зойиб.
 Жузжоний толиб лол қолганда нохос
 Бадантарбия-да, дедим, мунгайиб...

10

Исминг нима, дея, сўраманг ундан,
 Яшаш жойинг борми, деманг, кулгандай.
 Отин излаб ўтар отига миниб,
 Мен дилдан – дилларга кўчиб юргандай.
 Тарихга ноламдай номаларим кўп,
 Мен тутган томирлар каби узундир.
 Мен олган савоблар қон янглиг оқди,
 Авлодлар, сиз тутган томир сўзимдир...

11

Тундан зўрғагина қутилган чоғим,
 Жоним саҳросида йитди томчи онг.
 Нетай, қандай қилиб чиқай кўчага,
 Ғуссаларга тўлиб отаверса тонг?!
 Хиёбонга қочиб чиқсам ҳам атай,
 Майсалар бўлса-да содиқ дўстларим.
 Шу жойда ҳам жоним тўяр жонидан,
 Ёшланар бир ҳиссиз хасдан кўзларим.
 Нимадир ўзгарар тагин кўнглимда,
 Эртанинг соғинчи умиддай сезгир.
 Мени адашган, деб, айтар йўлсизлар,
 Асли, қандай умр пар каби тўзгир?
 Ҳаяжонга берма экан қадрингни,
 Жисм уфқида тундай жим ётаверма.
 Ишорангни ёлғиз англайсан ўзинг,
 Мени тушундилар, деб, кетаверма...

12

Меҳринг бошга солган гамдир – бу дунё,
 Ҳаёт ором олиб бўлмас бир тундир.
 Соҳирлиги яхши, қолма гафлатга,
 Тонг бизни янгилаш ишига банддир...

наср



Улуғбек ҲАМДАМ

ҲИКОЯЛАР

БИР ПИЁЛА СУВ

Менга вазифа юклатилган эди.

Бироқ нима учун айнан менга? – билмайман. Ким ва қандай вазиятда топширик берди? – буни ҳам негадир эслай олмайман. Ёдимда қолгани – нимадир ортилган, иккита от кўшилган аравани шом тушгунга қадар манзилга элтишим зарур. Нега энди шомга қадар? Бу саволнинг жавоби ҳам менга қоронғи... Яна “йўлда чалғимасанг бас, юкни манзилга ўз вақтида эсон-омон элтасан”, дейилгани ҳаммасидан ошиб тушди: жумбоқмисан жумбоқ!

Тавба, ўзимга ҳам қизиқ бу иш. Шунча замонавий улов турганда, алмисоқдан қолган аравага нима бор? Унга ортилган юк-чи? Нима у ўзи? Устига аллақандай матолар ташланган, ўралган, чирмалган. Аммо бори – шу. Ортиғини истасам ҳам сизга айтолмайман.

Энди бош кўтарган бобоқуёш навқирон танимга илиқ нурларини сочади. Отлар бир маромда йўртиб бормоқда. Аҳён-аҳёнда жиловни қимирлатиб кўяман, шунинг ўзи фаросатли ҳайвонларга кифоя – имиллаш йўқ. Намунча эсли бўлмаса булар? – дейман ўзимга ўзим. – Худди вазифадан бохабардек! Тавба...

Аввалига овозимни баланд кўйиб кўшиқ айтаман. Куч-қувватни тежаш зарурлигини пайқабми, беихтиёр хиргойига ўтаман, билган-билмаган кўшиқларимдан замзама қиламан. Кейин ғинғиллашга ора бериб атрофга аланглайман, шу кўйи ёш дилимни овутишга чоғланаман. Уфқларга туташ кенгликлар ҳисларимни жунбишга келтиради. Ичим тўла ҳаёт, кучим танамга сиғмай теваракни титратиб ҳайқираман – “Ууу-лууу-уууғ!...” Сал ўтмай атрофдан акс-садо қайтади: “Ғууу-лууу-ууу-ууу!!!” Илқис чўчиб тушаман, ичим музлаб кетади. Саратоннинг иссиғида пешонамдан совуқдан-совуқ тер қуйилади. Наҳот истаб кўзларимни яна атрофга оламан. Бошқа ҳайқиргим келмайди... Бирпас юргач эса жавонибдаги бир хил йўл манзарасию осудалиқдан зерика бошлайман...

Бу орада кун ёйилиб, оламини ўз оғушига ола боради. Бир маҳал ичимга ўрмалаб кирган чанқоқни ҳис қиламан. Тадбирга бош ураман: йўлнинг икки бетига кўз югуртириб, чашмами-булоқми қидираман. Лекин савил ҳадеганда топила қолмайди. “Йўл юраман, йўл юрсам ҳам мўл юраман” – ҳар ҳолда менга шундай туюлади. Ҳаммасига боис чанқоғимдир, эҳтимол. Аслида, унчалик кўп йўл юрмагандирман. Э-э, нима бўлсаям майли. Ҳозир бунинг муҳокамаси эмас, сув муҳим, уни топишга қаратилган ўй муҳим. Қани энди бу қақраган чўл аро бир зилол сувли қудуққа дуч келсаму ундан қониб-қониб ичиб ташналигимни қондирсам. Ақалли бир пиёла сув бўлсаям розийдим. Бир пиёла сув...

Қуёшнинг қиёмга келишига ҳали анча бор – олазарак қараб-қараб қўяман. Фақат кўк юзида парча-парча булутлар сузиб юрибди. Сарсор солсам, отларнинг юришига ҳамоҳангдек. Яъни уларнинг устига соя ташлаб бораётгандек. Сал олдинда икки-уч қуш ҳам ажабтовур чуғурлашганча учиб боришяпти. Эсладим: улар сафаримизнинг ибтидосиданоқ бизга ҳамроҳлик қилишган экан. Ажабо!.. Бир пасда ийиб-жўшиб кетдим. Ахир бутун борлик: ерда йўл, ўрқач-ўрқач қумтепаликлар, кўқда эса булут ва қушлар... ҳамма-ҳаммаси менга кўмақдош экан, ҳеч шубҳа йўқки, уҳдамдаги вазифани бекаму кўст бажаргумдир! Ақлимга келган бу фикрдан оламни тўлдириб яна бир хайқиргим келдию, кўрқдим: истагим боягидек тескарига айланиб кетмасин тагин...

Ёз эмасми, ҳалитдан қиздиргани-қиздирган. Ташналик жон-жонимдан ўтганда йўл узоғи чайқалиб-жимирлаб, ҳалқоб-ҳалқоб сувга айланади: “саро-о-о-об” дейман-у, изтироб билан тамшанаман. “Шунчалар нодон бўламанми, – койийман ўзимни ўзим, – нега биттагина кўзада сув олволмадим? Ахир йўлга чиқаётганимни билардим, боз устига жазирамада!..”

Ичимга беҳузурлик кириб нажотни атрофдан излай бошлашим билан негадир аравамнинг маромига ҳам путур етди: отлар сезиларли даражада секинлашди. Энди жилловни силташни бас қиламан – бош устларида булутлардан шамсия бўлса-да, иссиқда бояқиш жониворларга ҳам жабр дейман. Ўзлари хоҳлаганча тортиб боришаверсин-чи, бир гап бўлар. Аммо вақт ўтгани сайин, аравага ортилган юк залвор босаётганини, уловнинг ғичирлаб бораётган ғилдираклари тобора ювош айланаётганини ич-ичимдан сезаман. Бу ёғи неча пулга тушди деб қўяман, пешонамга тошиб чиққан реза-реза терни кўлимдаги оппоқ дурра билан сириб артарканман.

Манзил!.. Эҳ-хе, у ҳали жуда олисда, уфқларга ёндош сарҳадларга эш гўё. Аммо менга бир текисда ҳаракатлансанг, қош қорайгунча мазгилга дорийсан, шу йўлнинг ўзи у ерга элтади, деб уқтиришган. Мен ҳам шунга ишонганман, сувсаганимни айтмаганда, ишончим ҳали-ҳамон бус-бутун. Бироқ чанқоқ ҳам борган сари забтига олар, ичимга анави ўрқач-ўрқач қайноқ қумликлар кўчиб ўтаётганга ўхшарди.

Бир маҳал узоқдан сардоба монанд нимадир кўзга чалинди. Бошида кўп-да умидланмадим, зеро саробдан юрак олдириб қўйгандим-да. Бироқ ёвуқлашсам ҳамки, сардобанинг қораси ўчавермади. Қайтага тобора тиниқ тортиб, кўз ўнгимда бутун маҳобати билан юксалиб, қад кўтарди. У – йўл четидаги каттакан карвонсарой бўлиб чиқди. Қувонганимдан отларни қандай тўхтатиб, аравадан қандай тушганимни-ю, кўз очиб юмгунча табақалари ланг очиқ дарвоза қаршисида қандай пайдо бўлганимни билмайман. Оҳ! Шу тобда менга ҳаёт гўё қайтиб берилгандек эди!..

Бўсағада мени сарвқомат, кўзлари охуникини эслатадиган жонон қиз қирмизи дудоқларида ним табассум ила кутиб олди. Оғиз очишга улгурмасимдан нарироқда шилдираб оқиб турган чашмага ишора қилди. Чопиб ўша ерга ўзимни урдим. Қулоғига – олиб кетилмаслиги учун бўлса керак, – ингичка занжир боғланган мунаққаш мис пиёлани тўлатиб ичдим. Ютоқиб-ютоқиб симирдим. Тўрт-беш пиёла сипқараман, деб ўйлагандим, янглишган эканман, бир пиёла кифоя қилди. Ажабландим. Бақувват, яғриндор йигит бўлсам, ёзнинг чилласида, қуёшнинг тиғида субҳи содиқдан бери йўл юриб обдон чанқаган эсам-у, қаёқдаги мунчоқдек бир пиёла сув билан ташналигим тамоман қонса?.. Ҳай майли, бу гапларни ҳам қўяйлик. Муҳими, азобларим барҳам топиб, кўзларим ярақлаб очилди. Вужудим ором олиб, йўл юришга ўзимни яна тайёр сездим. Кейин юз-қўлимни ювдим. Ва, бас!..

Энди олға интилишим керак! Бу ерда ва умуман ҳеч қаерда ҳаяллашим мумкин эмас, оғишмай манзил томон йўл юришим шарт! Менга шундай жиддий бир вазифа тайинланган, мен ҳам сидқидилдан қабул айлаган эдим. Қабул айламаганимда сафарга чиқмасдим, буниям билардим. Фурдатни бой бермай ёнимни кавлаб ақча чиқардим. Лекин мутавозеъ қиз уни олмай, қўл ишораси билан ичкарига йўллади. Яъни у ёққа бориб тўланг демоқчи бўлди. Мен беихтиёр ичкарига одимладим. Эҳ-хе! Қаерга келиб қолдим ўзи! Намунча серҳашам ва мўл-кўл бўлмаса биёбоннинг қоқ ўртасидаги бу гўша! Одамни айтмайсизми, қайнайди-я қайнайди! Чор томондаги қўшқаватли иморату ҳовли саҳни қалдирғочдек тизилиб ўтирган хўрандалар билан тўла. Уларнинг нашъали юзларига боқарканман, ҳавасландим. Агар... агар масъулиятли вазифам бўлмаганида

мен ҳам шу ерда қолардим, улардек маишатга толардим, деб суқландим. Агар вазифам бўлмаганида...

Бир зум каловланиб қолдим: қаерга бориб, кимга тўлайман сув ҳақини?..

Кўзим этакдаги, умумий манзарадан панароқдаги одамларга тушди: улар саф тортиб туришарди. Аммо юзларида негадир шодлик аломатини кўрмадим. Тавба-а-а, дедим тонг қолиб. Чунки тунд қиёфалар бу ердаги салобатга, дабдабага, еб-ичиб, кайф-сафо қилиб ўтирган кишиларнинг ялпи кўтаринки кайфиятига уйғун келмасдида! Беихтиёр ўша ёққа юрдим: ҳақ тўланадиган туйнук деганлари шу томонда бўлса керак – чамаладим. Хушхон ва мастон давраларни айланиб ўтарканман, оғзимнинг суви қочди...

Воқеан, менга керакли бўлган жой шу ер чиқди. Навбатга туришга турдим, ичимга ғулғула тушди: наҳотки, бир пиёла сув ҳақини тўлайман деб шунча одамни пойласам, олтиндек вақтимни кўкларга совурсам? Ахир менинг вазифам бор, вазифам!.. Аланглаб хизмат қилиб юрган лаганбардорларга, кўринишларидан маъмурият ходимларига ўхшаган олифта кишиларга умид билан қарардим, ҳатто икки-учтасининг олдигаям бордим, не ёзиқки, улар дардимни эшитишнинг хоҳлашмади: ҳаммаси совуқ бир тарзда туйнук тарафни, у ерда қатор турган одамларни кўрсатишди. Шундагина хўрандаларнинг ҳолини, забун кайфиятларини тушундим. Бояги англашилмовчилик тумандек тарқаб кетди. Индамай бориб, куйруққа тикилдим.

...агар билганимда, бир пиёла сувни деб шунча вақт оёқда тик туриб кутишимни, вақтимни сувларга оқизишимни, вазифамни ўйлаб виждон азобида қолишимни олдиндан сезганимда бу ерга кирармидим? Айтишга осон, холос. Аслида тоқатим тоқ бўлди. Қисматдошларим билан дардлашаман, дея оғиз очаману жавоб ололмайман. Ҳаммасининг оғзида талқони борми? Ё бари соқовми?..

Қоқилган қозикдек тик туравериш жонга тегади. Оёқларга бир зум дам бериш учун чўккалайман, кўп ўтмай эса тиззаларим уюшиб чор-ночор кўзгаламан. Энди менинг ҳам гаплашишга на ҳушиму на кучим қолади... Шунда мен ҳам сафда турганларнинг биттасига айланганимни алам билан ҳис қиламан: соқов ва гунг бўлиб оламан... Шу кўйи саҳнада ўтирганлари навбатда тик турганларга азмойиш-ла қарайман: ҳайҳот! – бу ерга кираётганда ҳамманинг кўзларида умид ва қувонч чарақларди-ю, чиқаётганда эса ўкинч ва малол ёлқинланарди. Қаторда тураркан, саҳна ва кўшқаватда ястаниб олганча кўнгилхушлик қилаётганларга энди ачиниш билан боқаман. Қанийди бир пасдан кейинги ҳолларини кўра-билсафдилар дейман... ичимда...

Вақт айланди, мен атрофни кузатишдан чарчадим. Чўкка тушган кўйи кўзларимни юмдим. Лаҳза ўтмай вужудимда яна таниш ташналик ўрмалай бошлади – ярқ этиб кўзларимни очдим! Во дариг, бу нимаси? Мен чанқоғимни босиш учун бир пиёла сув сипқардим-у, унинг ҳақини тўлаш учун сирада тураркан, тагин сувсадимми?!.. Тушиб қолган ҳолимга маймунлар йиғлайдиган эди. Лекин навбатни тарк этиб, яна ўша чашманинг бошига бориб сув ичишга ботинмасдим: ахир, сирам кўлдан кетади. Ахир, навбатда турган одамлар издиҳомининг на боши, на охири кўринади!.. Шу ерда ҳам ўз ўрнинга эга бўлишинг кераклиги мени жинни қилаёзди... Шундай экан, навбатдан чиқишга кимнинг ҳам юраги дов берарди? Тишимни тишимга босиб кутишда давом этдим...

Ғоят имиллаб олдинга ҳаракатланаётган сафда баъзан худ, баъзан бехуд эдим. Гоҳ ҳушимга келиб, олдиндаги сафдошимни туртиб юришга ундасам, гоҳ иссиқ ва ташналиқдан, зўриқиш ва диққинафасликдан не кўйларга тушганимни билмай алаҳсиганимда, изимдан келаётган шўрлик мени нуқиб ҳаракатланишга ундарди... Шу тарзда қанча фурсат кечди? – билмайман. Елкамдан биров қаттиқ итарди, ўзимга келиб кўзимни очиб қарасам, туйнукнинг шундоқ рўпарасидаман! «Оҳ!» деб юбордим беихтиёр. Азза-базза киссамдан пул чиқариб ғазначига узатдим-да, шошиб у ердан узоқлашдим...

Одим отарканман, негадир вужудимда лоҳаслик, чарчоқ сезардим. Қадамларим ҳам негадир бу ерга илк кирганимдагидек дадил эмас, аллақандай оғир, кучсиз ва ҳафсаласиз... лекин нега? Ё шунчалар узоқ вақт қолиб кетдимми бу ерда: толиқдимми, эзилдимми?..

Аммо булар нима деган гап? Ахир навбатдан қутулдим-ку! Ташқарига эсон-омон чиқиб олганимдан севинчим ичимга сиғмасди, ҳадеб кўкка сақрагим келарди. Шу маҳал

аллақандай ғайришуурий савқ ила сезиб қолдимки, вужудим бу ишга қодир эмас! Ҳайрон бўлиб қўл-оёқларимга қарадим: ё парвардигор! Бу нимаси!? Қандай жодуга учрадим мен? Кирганимда ёшлик шижоати уфуриб, тийиқсиз куч-қувватга тўлган танзим тиришиб, эти устихонига ёпишиб қолган, суяклар теридан бўртиб чиқиб турар, жуда-жуда мўрт ва қувватсиз туюларди. Анграйиб, оғзим очилганча атрофга кўмак илинжида боқдим ва... ва кўзларим яна ўша эшиқбон қизга тушди! Тушдию лолу ҳайронлигим минг чандон ортди: қиз мен кираётганда қандай зириллама ёш ва лобар бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшандоғича турар, қирмизи лабларидаги нимтабассум билан ташналарни ичкарига тинмай чорлар, ташрифчиларнинг бўлса кети узилмасди... Дарвоқе, назаримда бирон-та арава ҳам қарвонсаройни четлаб ўтиб кетмаётгандек, аксинча, бари-барчаси тўхтаб, улардан сакраб тушаётган аравақашлар ўламан саттор деярчасига ўзларини ёш қиз кўрсатаётган ўша чашмага, унинг бир пиёлагина сувига ураётгандек эди...

Бошим айланиб, гандираклар юзтубан йиқилдим. Кўзимга, оғзимга тупроқ кирди. Негадир у илиқ эди. Лабларим ёрилди, шекилли, ачиша бошлади. Ётган кўйи сурундим, пайпасландим. Иттифоқо, бармоқларим таёқни ҳис қилди: маҳкам тутиб, суяниб дол қаддимни ростлашга урундим. Юз-кўзларимни артиб, қобоқларимни очдим: қаршимда арава турарди. Лоп этиб ҳаммаси ёдимга тушди. Ахир... ахир менинг вазифам бормасмиди, жуда муҳим топшириқ билан йўлга тушмаганмидим! Кейин... кейин тўсатдан қош қорайганини пайқаб, даҳшатдан кесакдай қотдим: ҳаммаси соб бўлдимми?! Ўз зиммамга юклатилган муқаддас вазифани уддалаёлмай доғда қолдимми?! – дея бақирмоқчи бўлдим... Лекин овозим чиқмади, чиқмади-ю, ҳайқириқ нақ миямда портлаганини аниқ ҳис қилдим...

Ҳассага таяна-таяна, бир-бир босиб аравага яқинлашиб, ҳасрат-ла унга суяндим. Шунда ўмганим, ёнбошим жиққа ҳўл бўлганини сезиб, тисландим-да кўзларимни йириб аравага қарадим: ундан сув сизар ва тупроқ бетида намлик ҳосил қилган эди. Ажабландим, бор мадоримни тўплаб, арава устига ёпилган матони қалтироқ, рамақижон қўлларим билан тирмалаб очдим... Э воҳ, шу чоққача бошимга тушган ажабтовур воқеалар бир ёну буниси бир ён бўлди: не кўз билан кўрайки, араваинг ичида сув тўла кўзалар қатор тизилишиб турар, улардан биттаси йиқилиб синган-у, суви қуйига – асрий ташна қумликларга чак-чак томарди...

2011 йил, февраль

КЎЗИНИ ОЧИБ ЮМГАН ОДАМ

Кўзларимни очганим ҳамон савқитабийй ёрдамида ҳис қилдимки, устозимнинг кўзлари мангуга юмилибди. Э воҳ!..

Жанозасига улгурай, дея жадал йўл тадоригини кўрдим. Уйдан ташқарига чиқарканман, кўзим негадир ҳув баланд тоғлар бошида худди оқ рўмол янглиғ солланган чиройли, маҳобатли, оппоқ булутларга тушди. Азадор бўлишимга қарамай, намунча сеҳрли бўлмаса улар, деган ўй кечди дилимдан. Шу баробари иродамни тўплаб, мени хижолатга қўяётган ўйларимни қувиб солдим-да, йўлга равона бўлдим.

Йўлда устоз билан бирга ўтказган дамларимни бир-бир хотирладим. Унинг ҳар бири икки жаҳонга бадал ўгитларини ёдга олганимда кўзларимдан аччиқ ёшлар қуюлиб келаверди. Маънолар султони ҳам ўларкан-да, дейман ёноқларимни кафтимнинг орқаси билан тез-тез артиб. Худди оддий одамлар каби, а! Ишонмайсан киши...

Ул зоти шариф мен йўл олган юртда яшаб ўтди. Мана, энди ўлим ҳақ келиб, бу дунёи бебақони ташлабгина кетди. Ҳамма қатори. Шуниси алам қилади-да, наҳот ҳамма қатори бўлса?!..

Ажаб, кетиб боряпману ўйлайман: нега пиёдаман? Нима, улов йўқми ёки унга чиқиш истаги? Ҳеч қурса, қадим замонларнинг от-араваси бўлсаям майлийдим. Лекин атрофимда нақлия борми-йўқми, дея қаранмайман, бунга негадир қизиқмайман ҳам. Йўқса, яланг оёқларимга тиканлар кириб, тошлар тегиб ачишиб беряпти. Шундаям,

улов ҳақида негадир бош қотирмайман. Кўп ўтмай товонларим ҳам ёрилиб, қонаблар кетди. Ботинимга азмойиш-ла сарсор солсам, сафар заҳматларининг бари негадир мени тўппа-тўғри устоз томон йўллаётгандек туюлди. Ажаб, кўп ажаб...

Анча йўл босиб, ғаройиб чорраҳага дуч келиб қолдим. Чорраҳадан йўллар дунёнинг тўртта томонига улоққан экан. Энди қайси томонга юз бураман? – деган салобатли савол қаршимда пайдо бўлганди. (Саволни айланиб ўтиб бўлмасди: ҳайбати нақ Улуғ тоғча бор, ахир!) Бу йўлларнинг қайси бири мени устозим яшаган мамлакатга элтар экан, а?.. Шу ўйда турар эканман, бирдан кўксимдан нимадир мумдек эриб тушди. Қарасам, у ҳалиги ҳайбати тоғ қадар савол экан. Ҳали замон у ташқарида эди, энди бўлса ичимда эриб ётибди... Бунинг синоати не экан? – деб мушоҳада юришиб улгурмайин ҳаммаси аён бўлди-қолди. Ажаб, во ажаб, мен қаёққа кетяпман ўзи? Нега бир пайтнинг ўзида ҳамма томонга қараб йўл олдим? Бу қандай рўй берди? Инсоний мантиққа кўра мумкинми ўзи бу?.. Қаранг, мен ҳам кунчиқарга, ҳам кунботарга ҳамда иссиқ, жудаям иссиқ юртга жўнаб боряпман!.. Шу асно ичимдан нидо келди: “Чунки кунчиқарда буғдойранглилар, кунботарда оқ-сариклар ва ниҳоят, иссиқ, жудаям иссиқ юртда қоратанлилар истиқомат қилади-и-и-и-и!” Ботиним титраб кетди, ки устозимнинг овозини эшитгандек бўлдим... “Лекин у йўқ, у ўлди ахир!..” – дея ҳайқираман ўзимга ўзим.

Яширмайман: қаттиқ чўчиб тушганимдан бирпасда лабларим четига учуқлар тошди – қичишиб ачиша бошлади. Ҳайратимдан турган ўрнимда тарашадек қотдим. Нима қилишимни билмасдим. Агар устоз ҳаёт бўлганида бу ғаройибликни бир зумда жавоблаган бўларди, дейман ичимда. Боз устига, биргина мисол билан. Оддийгина рамз воситасида ҳамма чалкашликларни бартараф айларди. Мисол қидириб узоққа ҳам кетмасди: турган ўрнида шундоқ энгашарди-ю, оёғи остидан ниманидир, масалан, бир хасни кўтарарди-да, ундан калит ясаб, менинг тангу мураккаб ҳолимдан бино бўлган сандиқни очиб юборарди. Қарабсизки, ҳаммаси кафтдагидек тушунарли бўларди-қоларди... Билсангиз, шундай пайтда ҳикматнинг сеҳру жодуси ҳаётнинг ўзидан-да жо-зибадорун маънодорроқ бўлиб кетади, ҳа...

Бу не кўргуликки, энди устоз йўқ! Гўё осмон бошим узра қулагандек, мен эса ернинг заранг бағрига қапишиб кетгандек, қил устида турган озурда жоним ҳам мана, ҳозир, шу лаҳза узиладигандек ҳис қиламан ўзимни... Энди нима бўлади? Ахир, у – маънолар султони абадий кетди? Энди маъносиз қандай яшаш мумкин? Инсон зотидан маънони айирса, нима қолади ўзи?.. Қизиқ, ўша қолган нарсани инсон деб атаб бўлармикан?..

Бирдан ўзимни ёлғиз ҳис қиламан ва бу ҳис мени ернинг тубига қадар тортиб кетади... Беихтиёр яна ҳикматга эҳтиёж сезаман. Устоз йўқ, ундан қолган битиклар эса ўйда қолиб кетган. Нима қилиш керак? Қайтсамми? Бориб, у қолдирган китобларни ўқисаму ўз ҳолимни англасам, сўнг йўлимда давом этсам-чи?.. Шундай дейману лоп этиб хаёлимга кўҳна бир ривоят тушади: толиби илм бўлган киши олис бир юртга илму ирфон истаб сафарга чиқибди. Кўзланган манзилга етиб келиб китоб тўппабди ва эшакка ортиб уйига қайтибди. Йўлда эса қароқчига дуч келибди. Қароқчи унинг бор-будини шилиб олибди. Шунда толиби илм йиғлаб дийдиё айлабди: ақчаму эшагимни олсанг олу, лекин китобларимни қайтиб бер, ахир улар сенга нимага керак? Мен эса уларсиз ҳеч кимман, хароб бўламан, шунча умрим шамолларга соврилиб кетади...

Шунда қароқчи унинг кўзини мошдек очиб қўйгич гапни айтибди: қандай нодонсанки, илмни ақл ва юрагинга жойламай, қаёқдаги эшакка ортибсан? Ҳозир-ку, мен китобларни сенга қайтиб берарман, лекин йўлда тагин бир зўравонга йўлиқсанг, ҳолинг нима кечади? У ҳам мендек раҳмдил чиқармикан?..

Толиби илм ўз фожиасини тушуниб етиб, мулзам бир аҳволда келган жойига қайтиб борибди-да, зўр ғайрат ила илмни қалбию онгига сингдира бошлабди...

Э воҳ, шу тобда менинг ҳолим ҳам ана шу ношуд талабаникига ўхшаб қопти! Устоз йўқ – мен йўқ, унинг битиклари йўқ – яна мен йўқ! Хўрлигим келиб кетди. Одам ҳам шунақа пандавоқи бўладими?.. Шундай деб ортимга бурилдим, қарасам, у ер ҳам

олдимдаги йўлга ўхшаб турибди. Тавба дедим ва тушундим: ахир мен бир пайтнинг ўзида ҳам мағрибга, ҳам машриққа ҳаракатланаётган эдим-да. Шундай экан, ортимга қайтишнинг нима маъниси бор?.. Туйқус хаёлимга устознинг ўғитлари келади: бирон нимасини йўқотган киши ҳам чап ёнини, ҳам ўнг ёнини, ҳам тепасию ҳам оёқ остини – ҳамма-ҳамма ерни қидира бошлайди. Агар қидирганини топса, у ҳеч қаерни изламайди, чунки муроди ҳосил бўлган ҳисобланади-да...

Йўл юрдим. Юравердим... Ниҳоят, каттакон элнинг чўнг бир шаҳрига келиб қолдим. Марказ. Одам гавжум. Лекин менга эътибор берадиган, илтифот кўрсатадиган аҳволда эмас эди издиҳом. Ҳар ким зўр бир ташвиш чангалида қолганга ўхшар, мусибатдан нес ва гаранг бўлиб бир-бирларига етим қўзилардек боқиб сасланишарди. Назаримда, уларни йиғлапти деб бўлмасди. Ҳатто айтиш мумкинки, ичларидан тошиб келаётган фарёду додни тўхтатиб, мажбуран кулишга, атрофга табассум айлашга уринишаётганга ўхшарди улар. Тавба, қизиқ, жуда қизиқ. Ёки шундай амр бўлганмикан? Ва бу ложарам, кучсиз жамоа амру истакни қўлидан келганча адо этишаётганмикан?.. Азани тўй деб эълон қилишга кимнинг журъати етди экан?!..

Ўзимни издиҳомнинг ичига ураман. Олисданоқ кўрдимки, ўртада нимадир бор, бу нимадир баҳайбат тобут бўлиб, ҳамма унга интилар, майит билан видолашар, уни сўнги бор тавоб этиб қолишга ошиқар эди. Ботинимдаги недир бир туйғу айтардики, бул зот менинг устозим эди!.. Хайҳот, муборак пойингга етиб келибман, ҳазратим!..

Ҳеч ким менга эътибор қилмаётган бўлса ҳам, одамлар орасидан ёриб бориш йўлаганимчалик мушкул кечмади. Ҳамма ён бериб мени олдинга, устозимнинг қошига тезроқ боришимга кўмаклашаётгандек кўринди. Хайрону лол бўламан, лекин илдам юриб, одамлар гуруҳини оралаб одимлашимдан қолмайман. Чунки бундай қилмасам, издиҳомнинг ўртасидаги тобутга етмоғим душворлигини биламан. Узоқ юрдим. Шу даражадаки, гўё уйимдан чиқиб бу ерга келганим бир бўлди-ю, майитни сўнги йўлга кузатишга чиққанларнинг орасидан тобутга етиб боришим бир бўлди. Билмасам, бу гапда андак муболаға бордир. Эҳтимол, макон масофасига кўра иккаласи бир эмасдир. Аммо замон, чекилган заҳматлар масофаси ҳам бор-ку! Шуларга кўра иккаласи бир бўлди, ҳатто кейингиси ортиқроқдек туюлди.

Бир маҳал устига кўк мато ташланган улкан тобутнинг ёнига келдим. Кўз очиб юмгунимча эса майитнинг бош томонида кўрдим ўзимни. Худди тушдагидек эди ҳолу руҳиям. Ёки эртакка ўхшарди буларнинг бари. Аммо бу на туш ва на афсона, балки орий ҳақиқат эди!

Бир қарашда менга мулозамат кўрсатмаётган, аслида эса мақсадимга эришмоғимда ёрдамчи бўлаётган халойиққа миннатдор боқдим: ажаб, улар шу даражада турфа эдики, анчагача оғзим очилганча анграйдим. Кийимларига қарасанг, бойу камбағал, баққолу қассоб, деҳқону чорвадор... ҳаммаси аралаш-қуралаш, рангларига қарасанг, кими оқ, кими қора, кими буғдойранг... Тавба дейман яна. Лекин нимага келганим ёдимга тушади ва тездагина паришон хаёлларимни йиғиштириб, маросимга уйғун йўл тутаман: энгашиб, майит устига ёпилган оқ матони аста очаман! Очаману шошиб уни қайта ёпаман: хайҳот, бу ким?! Нега у устозга ўхшамайди? Йўқ, сурати ўхшайди... лекин ранги... Нега унинг ранги қоп-қора, турки нақ занжининг ўзгинаси? Қаерга келиб қолдим мен? Адашдимми ё?..

Бир зум мен ҳам несу гарангга айланаман. Кейин кўрганимга яна бир бор шохид бўлмоқ учун матони қайта очиб, диққат билан тикиламан: “Йўқ, бу устоз эмас. Майит шу ерда яшаётган юртнинг бир улуғи, занжи бир киши экан”, деган қарорга келаман.

Менинг қаноатим шундай бўлди ва тез бурилиб издиҳомдан чиқдим. Чиқа солиб яна ўнг келган тарафга равона бўлдим. Зеро, қайси тарафга боришимнинг аҳамияти йўқ эди. Бунини мен сизга бошда айтгандим. Қай сори йўналмай, томонларнинг бари мени манзилимга элтар эди... Ҳар ҳолда менга шундай туюлар эди...

Шундаймикан? Балки янглишаётгандирман... Адашганимнинг далили, мана, бошқа жанозага келиб қолдим-ку!..

Бироқ ичимдаги аввалги қаноат кучлироқ чиқди. Мен йўлимда давом этдим. Хато қилипман деган фикрни хаёлимдан бутунлай ҳайдаб юбордим...

Яна йўл... яна хаёллар... яна хотира... Ҳаммаси устозга элтади!..

Тағин ғаройиб бир эл... чайқалаётган уммон янглиғ издиҳом ва унинг ўртасида кўм-кўк бир кема... қўлма-қўл ўтаётгани учун худди сузиб бораётгандек таассурот қолдиради узоқдан. Издиҳом эса кеманинг ортидан эргашади...

Мен уларнинг сафига келиб қўшилдим. Бир аҳволда эдим. “Наҳотки, дийдор охирага қолди, устоз!?!..” Мусибатнинг зўридан оёқларим чалкашиб кетади. Оқим шиддати мени олдинга олиб чиқди ва мен беихтиёр гандираклар бориб елкамни тобутга бердим. Шунда мен тобутни эмас, тобут мени тутиб қолди. Йўқса, минглаб оёқлар остига юзтубан йиқилардим. Валлоҳи! Кейин нима бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ўз дарди баҳрига ғарқ бўлган тумонат халойиқнинг пойидан омон чиқмоқ осонми?..

Ниҳоят, қабристонга келиниб, тобут ерга қўйилди. Шунда мен оҳиста юриб тобутга яқинлашдим ва худди ўтган галдагидек, майит юзидаги матони кўтариб боқдим: ё тангрим, ўзи нималар бўляпти? Ким – бу ётган? Нега унинг танаси, қошу кўзи, соч-соқоли сап-сарик? Устозим эмас-ку! Қайси юртга келиб қолдим мен бу сафар?..

Мозорни тарк этиб, яна бошим оққан ёққа йўналдим...

Бир маҳал қарасам, навбатдаги юртга қадам қўйибман. Тавба дейман ўзимча, ахир устозим битта, тайинли юртда вафот этмаганмиди? Нега мен турфа-турфа мамлакатларга келиб қоляпман?..

Энди шаҳар ҳам, унинг марказида тўпланган издиҳом ҳам мени ажаблантирмай қўйганди. Бу ерда ҳам ўша манзара менга мунтазир турарди. Бошқа нимаям қилардим, келиб ўзимни даврага бердим. Бора солиб ҳамма тавоб қилаётган майитнинг юзини шоша-пиша очдим: ётган киши ниҳоятда таниш чехралаи, буғдойранг, хуллас, ўзимизга ўхшаган бир одам!..

Ажабланмадим, матони эран-қаран ёпдим орадан сирғалиб чиқдим. Эвоҳ, энди қайга бораман? Қани менинг устозим? Тушиб қолган ҳолимга қаранг: қани аввалги қаноатим, ғурурим, собитлигим?.. Оғзи куйган одам мен эдим бу гал... Оғзи деймиз, балки муроди соб бўлган, афсурда, абгор кишига айлангандим... На илож, қўлдан келганини қилдим. Лекин натижа ҳеч бўлди. Ўзингиз кўрдингиз-ку ҳаммасини. Қай ерга борсам ҳам устозим қолиб, ўзгаларга рўбарў қилаверди қисмат. Тўғри, тобутда ётганларнинг қиёфаларидаги қай бир чизиқлар устозникига ўхшар эди... Ўхшар эди-ю, аммо айнан унинг ўзи эмасди-да. Бунинг сирига етолмадим мен ва қаттиқ чарчаганимни ҳис қилдим...

Энди ботинимга шубҳа ўрлаганди. Ахир, қайдадир мени манзилга элтадиган битта йўл бўлса-чи?!.. Мен бўлсам, дуч келган томонга тўшимни уриб, мазгилга дорийман деб бехуда чирандим, чоғи...

Юра-юра, кеза-кеза, турли-туман йўллар кесишган ҳув анави чорраҳадан чиқиб қолдим. Аланглаб, чор томонга боқдим: энди қайси йўлдан борсам экан? Дунёнинг тўрт томонига улоққан йўлларнинг қай бири мени устозимнинг қошига хатосиз олиб борар экан?.. Ҳа, энди мен битта йўлни, ўзимнинг йўлимни қидира бошлагандим...

Шу турганча анча вақт қолиб кетдим. Кутар эканман, аввал кунлар, ойлар, кейин йиллар ва асрлар ўтганини ҳис қилдим. Буни мен чорраҳа марказида туриб олганча, тўртта кўчадан чор томонга тинимсиз равишда ўтиб турган одамлардан, уларнинг қиёфаларидан, минган турфа уловларидан, қулоғимга чалиниб турган турли лаҳжалардаги гап-сўзларидан билар эдим. Даврлар ҳам кетма-кет алмаша бошлади, тавба!..

Лекин нега мен қаримаяпман? Нега анави туғилиб-ўлаётган миллионлаб одамлар каби бу дунё билан видолашиб кетмаяпман? – деган саволлар хаёлимни сира тарк

этмасди. Айни дамда “ўлишим мумкин эмас, ўлсам, бу саргузаштнинг тақдири, охир-оқибати нима бўлади, ахир ҳаммасининг негизида мен борман-ку?” – деган тасалли ҳам ғимирларди қайдадир. Яна шуни билардимки, устозни албатта топишим, у билан сўнги бор кўришишим, юзига боқишим ва уни тоабат ёдлаб олишим шарт эди. Хўш, нима учун дейсизми? Тан олай: бунинг жавобини билмасдим...

Оламнинг ҳамма тарафига элтувчи йўлларга тикилавериб кўзларим оғриб, шафақланиб кетди. Дамо-дам артаман, тупигим билан силаб-сийпайман, қаёқда? Аллабир замонда англаб қолдимки, бу тарзда мен ўлақолсам мақсад-муддаойимга етолмайман. Шунда... шунда ички бир ҳиссиётга бўйсуниб, касалланган кўзларимни юмдим, яъни уларнинг хизматидан воз кечдим, бутунлай, тамомила! Шу кўйи, қобокларимни чирт юмган ҳолда чорраҳанинг ўртасида турган кўйи кўкка юзландим ва беихтиёр тарзда иккала қўлимни парвозга шайланаётган куш мисол ҳавога кўтардим, сўнг уларнинг бири ўз-ўзидан осмону фалакка, бошқаси эса заминга боқди, бошим ҳам ўнг томонга хиёл эгилди-да, туйқус айлана бошладим. Аввалига гавдам айланди, кейин бошим... ундан кейин эса ҳис қилдимки, менинг атрофимда олам айланди, эшитяпсизми, олам!.. Оламнинг барча йўллари менга келиб боғланаётган ва мендан бошланаётган эди!.. Кўп ўтмай, бу ҳис мени олам билан бир бутун айлади, мен оламга дўндим, олам бўлдим ва англадимки, қидирганим оламда бор бўлса, демак, у менда ҳам мавжуд...

Гир айланиб турарканман, юмилган қобокларим ичра нур пайдо бўлди ва мен яна кўра бошладим. Дастлаб, ҳув анави булутларни кўриб қолдим. Тоғнинг бошига рўмол янглиғ ташланган оппоқ булутлар бор-ку, ўшаларни. Фақат энди улар бошқа қиёфада кўринишди. Айланиб турганим боис, қандай қиёфа эканлигини бирданга фарқлаёлмадим. Лекин секин-аста булутлар пастроқ эниб, менга яқин келишганда, билдимки, улар кўзгуни ёдга соларкан. Мен эса ҳамон чир айланиб турардим. Шу пайт ҳууув ўша тоғнинг рўмоли ечилган бошида қуёш балқди. Унинг заррин нурлари булутлар кўзгуси юзини ёритиб юборди ва унда менинг айланиб турган аксим намоён бўлди. Бир айландим, икки айландим, уч, тўрт... Билмадим, нечанчиси эди, бирдан кўзгудаги менинг юзим оқ, қора ва буғдойранг тусларга кириб чиқа бошлади. Ҳайҳот! Бу қандай сеҳр? Бир айланганимда ўша... тобутда ётган қора одам – занжининг қиёфасида намоён бўлдим, кейингисида эса оқ-сарик одам сувратига кирдим, навбатдагисида эса иссиқ юзли, буғдойранг инсон кўз олдимда гавдаланди. Ниҳоят, уларнинг бари қўшилиб-чатишиб, рўбарўмда устоз қад ростлади!

Устоз!!!

Эшитяпсизми?!

У тирик экан!!

Ва у менга қараб майин жилмайганча шивирлади:

***Нарса йўқки, хорижи олам эрур,
Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур.***



ШЕЪРИЯТ



Замира РЎЗИЕВА

... Яшил ерда ҳаёт гўзал

* * *

Боглар сарин саболарга куй беради,
Кўзга ҳайрат, дилга ёруғ ўй беради.
Офтобжамол орзулари кўп бу элнинг,
Ҳар кунда бир мўъжиза рўй беради.
Мўъжизалар юрти бугун Ўзбекистон,
Буюк йўлдан юрди бугун Ўзбекистон.

У бир дарахт – илдизлари кетган чуқур,
Аждодларнинг қони авлодларда оқур.
Болалари баркамоллик супасида
Тик кўксига тиллолардан нишон тақур.
Мўъжизалар юрти бугун Ўзбекистон,
Буюк йўлдан юрди бугун Ўзбекистон.

Ҳурлик топган кўнгил дарду алам чекмас,
Мағрур яшар, бадниятга бўйин эгмас.
Байрогини баланд илар майдонларда,
Полвонларин елкалари ерга тегмас.
Олам ичра машҳур бугун Ўзбекистон,
Мукарраму мағрур бугун Ўзбекистон .

Тинч осмону яшил ерда ҳаёт гўзал,
Таранг тордан таралган куй, баёт гўзал.
Юрти хуррам, юртбошиси элпарвардир,
Парвоздаги Ҳумо қушда қанот гўзал.
Мўъжизалар юрти бугун Ўзбекистон,
Буюк йўлдан юрди бугун Ўзбекистон .

* * *

*Билмам, сени қачон топдим, муҳаббат,
Оромимга эшик ёндим, муҳаббат?
Қарогимга дарё йўлин бурдингми,
Дардим ошкор сели обдин, муҳаббат?*

*Севдим дейиш, тилимга ҳеч инмади,
Ғоз гурурим эгилмади, синмади,
Ёмон куйдим – кундузмиди, тунмиди,
Ўт туташиб бир офтобдин, муҳаббат.*

*Ақлим бир ён, туйғуларим бир ён, ваҳ,
Жабр қайдан, қайдан сурур ва фараҳ,
Дил қушимми гул деб сайраган чаҳ-чаҳ,
Айро бўлиб ҳамма хобдин, муҳаббат.*

*Кокилларим қирқ ўримми, юз ўрим,
Ҳадя қилдинг куйиб яшаш ҳузурин,
Ишқсизларга етказиб қўй узурим,
Кечиб бўлдим бу аҳбобдин, муҳаббат.*

*Хоҳла гул эт, хоҳла хазон, хас қил сен,
Мен бойланган кўнгилни топ, қасд қил сен,
Сехрлагин, уни ҳам сармаст қил сен,
Мен маст бўлган бу гулобдин, муҳаббат.*

* * *

*...Сизга етмоқ учун бир тонг навраста
Баргдаги шудрингга айлансам қани?!
Офтоб нурларига илашиб аста,
Сизнинг манзилгача учиб боргани.*

*Кўзимдаги мунғлар кетгай тўкилиб,
Зулматдаги кўнглим ярақлай бошлар.
Туйғулар қамалган зиндон сўкилиб,
Гуллаб юборарди қоп-қора тошлар.*

*Мен етсам... Сиз кутган бўлсангиз илҳақ,
Лаҳзалар умримнинг дардин оларди.
Тақдир ёзигимни ўзгартириб ҳақ,
Аччиқ қисматимни ҳайдаб соларди...*

* * *

Сайёҳликдан қайтган куним лабларимдан
 Энг аввали, шукр деган бир сўз учди.
 Танидимми, ўтиб ўнгу чапларимдан
 Эрка шамол омонлашиб, суйиб қучди.
 Яйраб кетди қошу кўзим, дилу жоним,
 Ахир, бу ўз еримдаги ўз шамолим.

Учиб, қўниб ўйнаётган барглар гўзал,
 Боқсам, рақси халос этар чарчоғимдан.
 Менга фарқсиз яшилми у ва ё зарҳал,
 Муҳими, у ўз дарахтим, ўз боғимдан.
 Избосканим ўз-ўзимнинг тупроқларим,
 Ўйнаётган ўз-ўзимнинг япроқларим.

Қулоғимга наво келар, толиқаман,
 Янграётган ўз оҳангим, ўз куйим-ку.
 Юрган сарим бир меҳрга йўлиқаман,
 Чироқлари ёниб турган ўз уйим-ку.
 Ўз эшигим, ўз устуним, ўз синчларим,
 Жилмаяман, юзим ювар соғинчларим.

* * *

Мени тушунади кўклам,
 Саратон ҳам тушунар таниб.
 Учган сариқ дардларим тўплаб
 Тушунади куз ҳам ўртаниб.


Изгирини, қорлари билан
 Етиб келар аёз беолқиши,
 Юрагимнинг зорлари билан
 Омонлаша бошлар бояқиши.

Тўрт фаслни ҳайрон қаратиб,
 Яна ёлғиз... Яна гарибман...
 Сизни хаёлимда яратиб,
 Хаёлотим ичра юрибман...



Абдурахмон ЖўРА

*Ватан десам дилим
қувнайди*



* * *

*Эркаланар заминга қуёш,
Жилмаяди тоғлар ортидан.
Яйраб кетар меҳрдан замин,
Кўз очгиси келмай уйқудан.*

*Ер қуёшга даста гул тутар,
Дудогида биллурий томчи.
Қуёш қувнаб, қиқирлаб кулар,
Нурларида тошар қувончи.*

*Жилмаяди, меҳри билмай ҳад,
Гўё ернинг арзандасидай,
Гул-майсаю, яшинаган дарахт
Шу меҳрнинг фарзандларидай.*

* * *

*Уйқу билан чиқишолмайман,
Тонгни кутиб айланадурман.
Ҳисларимни тинглар оқ қозоғ,
Тола нурга айланадурман.*

*Кўкдан келар юлдузлар саси,
Онам мени кузатар гўё.
Тополмайин онамдай дўстни,
Болаликка бойланадурман.*

*Отам суянч, мисли тоғ эди,
Меҳри ҳамон дилим иситар.
Яхшилар ҳам суянсин, дея,
Зўр қояга айланадурман.*

*Яхшиларга боримни тутдим,
Савоб ишдан қувнади дил.
Ёмонларни лой қиламан, деб,
Гоҳ ўзим ҳам лойланадурман.*

*Зиё излаб умрим ўтказдим,
Гоҳ йиғладим азобланганда.
Қалб кўзини очайин, дея,
Гоҳ нолага айланадурман.*

*Чанқаб қолган дарахтни кўрсам,
Сув тутаман унинг лабига.
Сув ташишига кучим етмаса
Ирмоқ чорлаб сойланадурман.*

*Ватан десам дилим қувнайди,
Оқар жисму жонимга қувват.
Ўзбекистон гуллаган чаман,
Мен булбулга айланадурман.*

* * *

*Сизга қараб ҳавасим келди,
Кимларгадир ҳасадим келди,
Бир дил билди, бир дўстим билди,
Ҳар бир шогирдниям устоз талашсин.*

*Дерларки: устозлар отадек улуг,
Уларнинг ўзидан сўзлари улуг,
Шу қадр барчамизга бўлгайдир қутлуг,
Ҳар бир шогирдниям устоз талашсин.*

*Ман деган зўрлар ҳам бош эгган сизга,
Қалб кўзи кўрлар ҳам бош эгган сизга,
Бизга қалам теккан, сўз теккан сизга,
Ҳар бир шогирдниям устоз талашсин.*

*Кузатдим, бариси гўзал мастона,
Сизга эҳтиромим юксак, пинҳона,
Сиз ўша-ўшасиз, кийим шарқона,
Ҳар бир шогирдниям устоз талашсин.*

Менинг устозим бор, Анвар Обиджон,
 Ҳар сўзи малҳамдир, садқа бўлсин эсон,
 Сизга эҳтиромим ҳар нафас, ҳар он,
 Ҳар бир шогирдниям устоз талашсин.

* * *

Туни билан замин айланиб,
 Яна кўкдан мўралар қуёш.
 Туни билан дилдираб чиққан
 Майсаларнинг кўзларида ёш.

Бутун борлиқ сукутга чўмган,
 Сездирмайин солади зеҳн.
 Қуёш ерни жуда согинган,
 Нурлари-ла тўқар бор меҳрин.

Чанқаб кетган яқинларига
 Сув тутади дарёлар лаби,
 Одоб билан иниларига
 Чой узатган келинчак каби.

* * *

Ортига бир ўғирилди қиш,
 Баҳоройга келгандек рашики.
 Гўзал юзга қайралдию тиш,
 Изгиринлар тигини санчди.



Сукунатга чўмилган боғлар,
 Сукут ичра турибди ҳайрон.
 Ғунчаларин қордай асролмай
 Ўрикларнинг юрак-бағри қон.

Ҳали туннинг дасти узундир,
 Наврўзгача қолди бир қадам.
 Новдалари қорга бурканган
 Дарахтларга қилмасми алам.

Йиғиламиз яна хонага,
 Гоҳи ширин суҳбат қурамыз.
 Бел боғлаймиз хайрли ишга,
 Биргалашиб режа тузамиз.

Суҳбатлашсак билинтирмайин,
 Юраклардан ечилар тугун.
 Чиқмаганди бу сўз тилимга,
 Раҳмат сенинг борлигинг учун.

тафаккур дурдоналари



ГЕГЕЛЬ

САНЪАТНИНГ МАҚСАДИ

Биз инсон бу мазмунни бадий асар шаклида яратар экан, қандай манфаатларга асосланиб иш кўради, ўз олдига қандай мақсадлар қўяди, деган савол кўямиз. Бу, аслида, бадий асарга ёндашишнинг учинчи жиҳати бўлиб, уни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш санъатни тўғри тушунишга олиб келади.

Бу ҳақдаги нисбий тасаввурларга мурожаат этар эканмиз, дарҳол санъатнинг табиатга тақлидчилик принципларига тўқнаш келамиз.

А) Табиатга тақлидчилик принципи. Бу қарашга кўра, санъатнинг бош мақсади ҳисобланган тақлидчилик табиат кўринишлари аслан қандай бўлса, шундай нусха кўчириш лаёқатини англатади. Бу вазифани табиатга мувофиқ тасвирлаш инсонга тўлақонли мамнулик бериши керак, деб ҳисоблайдилар.

а. Бу таърифга кўра, инсон ташқи олам нарса-ҳодисаларини қандай шакл, кўринишда бўлса, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, иккинчи марта ўшандай қайта яратишни расман мақсад қилиб олади. Лекин биз бундай такрорни дарҳол ортиқча иш деб ҳисоблашимиз лозим.

аа. Нега деганда, суратлар, театр тамошалари ва бошқалар ўзига андоза оладиган нарсалар – ҳайвонлар, табиат кўринишлари, инсон ҳаётига оид воқеаларни боғ-роғлар ёки уйимизда, қариндош-уруғлар ёки узоқ танишларимиз даврасида аллақачон кўриб улгурганмиз ва бундай тақлидчиликнинг барчасига табиатдан ажралиб қолган ортиқча ўйин деб, жилваланиш деб, қараш лозим. Санъат ҳақиқатан ҳам тақлидчиликнинг фақат расмий мақсадлари билан чекланиб қолса, ҳаққоний ҳаётни тасвирлаш ўрнига унинг сиртки кўринишларини яратиши мумкин. Масалан, мусулмон туркларда фаолиятнинг тасвирий санъат, портрет чизиш билан боғлиқ ҳар қандай тури қатъий тақиқланади; Жемс Брюс (1730-1794. Инглиз саёҳатчиси) Абиссинияга бораётиб, бир туркка балиқ сурати туширилган асарни кўрсатганда, унинг дафъатан ҳайратга тушгани, қутилмаганда: «Бу балиқ сенга қиёмат куни қарши чиқиб, менга тана бердинг, бироқ тирик жон ато этмадинг, деса, ўзингни оқлаш учун қандай жавоб қайтарасан?» деганини эслайди. Суннада айтилишича, пайғамбарнинг хотинлари – Умма Ҳабиба билан Умма Салъама Эфиопия черковларида кўрган нарсалари ҳақида ҳикоя қилиб берганида, у: «Бу образлар қиёмат куни уларни тасвирлаганларга қарши айбловчиларга айланади», деб қатъий жавоб берган.

Тўғри, ҳақиқатан ҳам мутлақ уйдирмадан иборат тасвирлар кўпдир. Зевксис (Эра-миздан олдинги V аср охири – IV аср бошида яшаган қадимги юнон rassomi)нинг ток новдаларини чўқиётган жонли каптарларни тасвирлаган суратлари аллақачон санъат ва

табиатга тақлиднинг юксак намунасига айланиб кетганлиги маълум. Бундай кўхна мисолларга Резел (1705-1759. Немис зоологи)нинг «Ҳашоратларнинг эрмаклари»да майқўнғизни ғажийётган маймун тасвирини ҳам киритса бўлади. Гарчи бу тасвир қимматбаҳо китобнинг гўзал нусхасига путур етказган эса-да, лекин унинг муаллифи яхлит манзарани ўта яққол тасвирлагани учун бунга эътироз билдирмаган. Аммо-лекин бу мисолларга кўз ташлаганда, бизнинг миямизда каптару маймунларни лақиллатган бундай асарларни мақташ ўрнига, аксинча, уларнинг обрўсини кўтаришда ночор воқеликни олий ва пировард мақсад қилиб олганларга нисбатан кескин эътироз туғилиши керак, деган фикр ҳосил бўлиши лозим. Умуман олганда, санъат биргина тақлид қилиш орқали табиат билан ким ўзарлик қила олмайди, акс ҳолда, фил ортидан судралиб бораётган кумурсқани эслатади.

Табиий аслият билан унинг нусхаси ўртасидаги бундай омадсизлик қиёс қилинса, санъатнинг табиатникига ўхшаш нарсаларни яратишда ўз қобилиятдан қониқиши унинг ягона мақсади эканлиги ойдинлашади. Инсон ўз фаолияти ва табиий нарсаларни қайта яратиш лаёқатидан мамнун бўлиши мумкин. Бироқ, нусха табиий аслиятга қанчалик кўп ўхшаса, бу хурсандчилик, бу ҳайратланиш шунча тез даҳмаза ва кўнгилсизлик туғдиради. Зукколик билан айтилганидек, “шундай қиёфалар борки, ўта ёқимсизлиги билан, айнан, бир-бирига қуйиб қўйгандек ўхшайди”. Кант тақлидчилик бахш этувчи мамнунлик ҳақида тўхталар экан, инсон булбулдай хониш қилса ҳам, бу овоз қуш эмас, балки одамники эканлиги билиниб қолса, тезда меъдага тегишини таъкидлаган. Биз бу ерда на табиатнинг, на бадиий асарнинг ижодий эркинлигини, балки кўзбойлоқчиликни кўрамиз. Ҳолбуки, биз инсон сийнасидан булбул хониши янглиғ ғайритабиий тарқалаётган мусиқани эмас, балки эркин қобилиятнинг ижодийлиги ва самарадорлигини кутамиз, бундай ўзига хос ҳаётийлик инсон туйғуларини ифода этувчи оҳанглarga ўхшаб кетади.

Умуман, тақлидчилик учун уддабуронлик келтирувчи бу шодмонлик ўта аҳамиятсиз бўлиши ва инсон эса ўз-ўзини яратишдан кўпроқ шодланмоғи мумкин. Шу маънода, ҳар қандай техникавий ихтирочиликка мослашув ҳам муҳимдир ва инсон кўзбоғлаш, яхши тақлидга қараганда болға, миҳ ва шу кабиларни яратишдан кўпроқ фахрланиши лозим. Бинобарин, тақлидчиликдаги бу абстракт ҳолатни дуккакли ясмиқ донини тор тешикка беҳато туширган инсон маҳоратига қиёсласа бўлади. У Искандар Зулқарнайнга бу соҳада ўз эпчиллигини намойиш қилган, Искандар эса бу бефойда ва бемаъни маҳоратни бир аравага қўшилган тўрт от билан сийлаган.

б. Тақлидчилик принципи расмий характерга эга бўлиб, фақат мақсаддан иборат бўлса, унда бутунлай объектив гўзаллик барҳам топади. Бинобарин, бунда биз фақат тўлақонли тақлид ҳақида ғамхўрлик қиламиз-у, лекин унинг табиати ҳақида бош қотирмаймиз, гўзалликнинг предмети ва мазмунига эса қандайдир эътиборсиз қараймиз. Бундан ташқари, агар гўзал ва хунук ҳайвонлар, одамлар, жойлар, хатти-ҳаракат ва характерлар ҳақида яна сўз борса, агар абстракт тақлид, барибир, санъат принципи қилиб олинса, санъат учун гўзаллик билан хунуклик ўртасидаги тафовут жиддийлигини йўқотади. Бироқ тасвир предметларини танлашда гўзаллик билан хунукликни табиатнинг ранг-баранг кўринишларига татбиқ этиш мезонлари бўлмаса, у ҳолда тартиб-қоида тайинлаш ва баҳс юритиш мумкин эмаслиги ҳақидаги субъектив дидга асосланишга тўғри келади.

Аслини олганда, тасвир предметларини белгилашда кишиларнинг дидлари, уларнинг гўзал ва хунук деб ҳисобловчи нарсалари ва шунга мувофиқ санъат тақлид қилишга лойиқ нарсаларга асослансак, у ҳолда биз табиатнинг ҳар қандай нарсасини танлаб олишимиз мумкин, зеро, уларнинг ҳар бири ўз мухлисларига эга. Бинобарин, кишиларнинг индивидуал дидлари хусусида сўз борганда, масалан, ҳар бир йигит ўз севгилиси тимсолида гўзал жононни тасаввур этмаган тақдирда ҳам, лоақал уни фавқулудда, шундай гўзал деб ҳисоблаши, бинобарин, гўзалликни баҳолашда субъектив дид талабларидан бир оз чекиниш куёв-келин учун бахтли ҳодисага айланиши мумкин.

Алоҳида кишиларнинг индивидуал дидини ҳисобга олмаган ҳолда, бутун-бутун халқларнинг диди тўғрисида фикр юритганда, уларнинг ўта ранг-баранг ва зиддиятли эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Кўпинча европалик гўзал хоним хитойлик, айниқса, готтентот (Африканинг жануби-ғарбида яшовчи халқ)га ёқмайди, чунки гўзаллик тўғрисида хитойларда негрларга қараганда бутунлай бошқа, шунингдек, негрларда ҳам европаликлардан айрича қарашлар мавжуд, деган фикрларни эшитишга тўғри келади. Агар биз

европалик бўлмаган бу халқларнинг бадиий асарлари, хусусан, уларнинг фантазияси томонидан яратилган улуғ ва топинишга сазовор худолар образи билан танишсак, бизга улар ёқимсиз санамлар бўлиб кўриниши, музыкалари қулоқларимиз остида ғализ эшитилиши мумкин. Ўз навбатида, улар ҳам бизнинг ҳайкаллар, суратлар, мусиқавий асарларимизни тушунмаслиги ёки қандайдир ёқимсиз асарлар, деб баҳолаши, табиий.

в. Бордию биз ҳатто санъатдаги объектив принципларни излаб топишдан воз кечган тақдирда ҳам, алоҳида кишиларнинг субъектив ва шахсий дидлари гўзаллик асоси бўлиб хизмат қилса бўладики, буюк даҳолар асослаб берган табиатга тақлидчилик моҳиятан умумий принцип ҳисобланса-да, уни бундай умумийлик орқали мутлақ абстракт тушунмаслик лозим. Санъатнинг алоҳида, хусусан, агар рассомлик ва ҳайкалтарошлик каби турларига мурожаат қилиб, улар предметларни табиат ёки ўз йўналиши бўйича олинган нарсаларга, айнан, ўхшаш ёки яққол қилиб тасвирлашини қайд этмай иложимиз йўқ, шундай экан, бадиий ижод ҳисобланган меъморчилик асарлари ҳам, шунингдек, поэтик асарлар ҳам шунчаки тафсилотлар билан чекланиб қолмайди, шу боис, уларни табиатга тақлид деб бўлмайди. Мабодоки, биз уларни шундай ҳисоблаган тақдирда ҳам қўшимча изох ва чеклашларга ва, бундан ташқари, тақлидчилик принципини ҳақиқат эмас, балки шунчаки эҳтимоллик деб эътироф этишга зарурият туғилади. Лекин бу ерда нима эҳтимолу нима эҳтимол эмас, деган масалада қийинчилик туғилади, бинобарин, бундан ташқари, ғайриихтиёрий, мутлақ фантастик уйдирмаларни поэзия соҳасидан чиқариб ташлаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди.

Шунинг учун санъатнинг мақсади мавжуд нарсаларга фақат сунъий, расмий тақлиддан иборат бўлиб қолмайди, негаки, бу нарса бадиий асарни эмас, балки маҳорат билан ясалган нарсаларни вужудга келтиради. Тўғри, санъат учун унинг асосида ётувчи ташқи ва, шу билан бирга, табиий ҳодисалар шаклида ижод қилиш муҳимдир. Масалан, тасвирий санъат учун ранглар уйғунлигини ёруғлик таъсири, инъикос ва шу кабиларнинг ўзаро муносабати, аниқроғи, предметларнинг кичик зарра ва образлари шакллари қадар ўрганиш, шунингдек, улардан нусха олиш муҳимдир. Шу жиҳатдан энг янги замонда табиат ва табиийликка тақлид принциплари яна қайта жонланди. Бу принцип сунъийлик ва ноэркинлик таъсирида йўлдан озган, заифлашган ва хиралашган, бадиий ижоддан ҳам, табиатдан ҳам йироқлашган санъатга энди табиатнинг таъсири ва қатъияти, қонуний, самимий ва барқарор изчиллигини қайтариши керак. Бунда қандайдир қатъият мавжуд бўлса-да, бироқ табиийлик санъат асосида ётган жиддий ва асосий нарса эмасдир. Гарчанд санъатнинг энг муҳим хусусиятларидан бирини ташқи тасвирдаги табиийлик ташкил этсада, табиатдаги табиийлик унинг мезони эмас, ташқи ҳодисаларга бундай тақлидчилик эса санъатнинг асл мақсади бўла олмайди.

Б) Руҳнинг ҳаяжонланиши. Шу боис, энди, биз санъатнинг ҳақиқий мазмуни нима? Нима сабабдан санъат уни гавдалантириши керак? деган саволлар қўйишимиз лозим. Бу ҳақда ўйлашимиз биланок, санъат инсон руҳиятида кечувчи барча нарсаларни бизнинг ташқи ва ички туйғу, кечинмаларимизга қандайдир тарзда етказиши керак, деган оддий фикрга келамиз. Санъат «инсонийликка хос барча нарсалар менга ҳам ёт эмас», деган машҳур ҳикматни амалга ошириши лозим. Унинг мақсадини бизда мудраб ётган ранг-баранг туйғу, майл ва эҳтиросларга туртки бериш, қалбни чулғаш, инсон руҳиятининг энг нозик ва сирли нуқталарида нарсаларнинг комил ёки нокомил инсон томонидан ҳис этиш, қалбни жунбишга келтирувчи барча нарсаларнинг имконият ва хусусиятларини аниқлашга даъват қилишда кўрадилар. Санъат инсонни руҳнинг ўз тафаккури ва ғоясига хос олижаноблиги, абадийлиги ва ҳақиқатнинг улуғворлиги, барча муҳим ва кўтаринки ҳодисаларни ҳис этиш ва мушоҳада қилишдан завқлантирмоғи керак.

Худди шунга ўхшаб санъат шунчаки бахтсизлик ва мусибат, ёвузлик ва жиноятни кўрсатмаслиги, балки бизни ҳар қандай роҳат-фароғат, ҳузур-ҳаловат билан рўй берганидек, руҳан улар билан боғлаши, ниҳоят, образ ва сезгиларнинг ҳиссий мафтункорлигига халал бермаган ҳолда фантазия ва тасаввурнинг ғайриихтиёрий фаоллигига кенг йўл очиши зарур. Санъат шу билан ташқи борлиғимизнинг табиий тажрибасини бойитиши, эҳтирослар туғдириши, шунингдек, бу руҳий кечинмалардан айри бўлмаслик, уларга фаол муносабат билдириб, воқеалар ранг-баранглиги ва мазмундорлигини ифодалаши ҳам лозим.

Бироқ бундай ҳиссиёт бу ерда ҳақиқий тажрибадан эмас, балки унинг ташқи кўриниши, яъни, санъатнинг воқелик ўрнини босувчи намуналарини яратиши таъсирида туғилади. Санъат бизни бундай кўриниш билан ўзига жалб этиш учун ҳар қандай воқелик инсон мушоҳадаси ва иродасига сингиб, сўнгра, унинг кузатиш ва тасаввурларидан ўтиш имкониятини юзага келтиради. Бунда ташқи воқелик бошқача йўл билан бевосита ёки бавосита, ўзида воқелик мазмунини ифодаловчи ва гавдалантирувчи образлар, белгилар ва тасаввурлар шаклида юз берадимиз-йўқми, бундан қатъи назар, аҳамиятсиздир. Инсон воқелиқда йўқ нарсаларни худди мавжуддек тасаввур эта олиши мумкин. Шунинг учун ташқи воқеликнинг бирор-бир жиҳати ва ҳаётий мазмуни ёхуд унинг кўринишлари бизнинг онгимизга таъсир қилиб, руҳиятимизда бир хилда таассурот уйғотиши, ҳар икки ҳолатда ҳам мазмунан азоблаши ёки шодлантириши, ҳаяжонлантириши ёки изтиробга солиши, шу билан бирга, ҳаяжон ва нафрат, ғазаб, ғам-ташвиш, бесаранжомлик, қўрқинч, муҳаббат, ҳурмат, ҳайратланиш, шаън ва номус каби туйғуларни ҳосил қилиши мумкин.

Шундай қилиб, санъатнинг ўзига хос таъсирчанлик кучи руҳиятимизни сохта монандлик ва воқелик таъсирида ранг-баранг ҳаётий мазмун билан бойитишда, туйғуларимизни жонлантиришда, кечинмаларимизни шакллантиришда намоён бўлади.

Бироқ санъат руҳиятимизда эзгу ҳамда нохуш туйғулар қўзғатганидек, олижаноб ниятларимизни барқарорлаштирганидек, ҳиссий ва худбин хоҳиш-истаклар уйғотиш орқали ҳам таъсир қиладики, бу ундан мутлақ расмий вазифаларни адо этишни талаб қилади, бордию унда бундан бошқача, жиддийроқ мақсад бўлмаса, ҳар қандай мазмун ва материални фақат юзаки кўриниш орқали бериш билан чегараланиб қолади.

В) Олий субстанциал мақсад. Санъатда расмий жиҳатлар ҳам йўқ эмас, ишончли даъваткор фикр сингари санъат мушоҳада ва ҳиссиёт даражасига кўтарилиши ва ўта ранг-баранг материал ва хатти-ҳаракат усуллари билан шуғулланишга асос ва исбот топиши мумкин. Бунда, авваламбор, мазмуннинг ранг-баранглиги ва санъатни юзага келтирувчи ёки барқарорлаштирувчи тасаввур ва ҳиссиётлар ўзаро зиддиятга киради ва бир-бирини йўқотади, деган фикр-мулоҳаза пайдо бўлади. Айтиш мумкинки, санъат туйғуларимизга туртки беради, эҳтиросларимизни жиддийлаштиради, софистика ва скептицизмга даъват қилувчи ақл сингари бизни тартибсиз сархушлик томон парвона бўлиш ёки улар билан ўралашиб қолишга олиб келади.

Материалнинг турли-туманлиги бизда бундай расмий таърифдан қониқмаслик ҳиссини уйғотади, бинобарин, бу ҳашамдор ранг-барангликни ҳис этувчи ақл ботинан олий, умумий мақсаднинг бу ўта зиддиятли элементлар орқали қандай амал қилишини қараб чиқиш ва тушунишни талаб қилади. Масалан, бутун инсоний қобилиятлар ва индивидуал кучларнинг жамики йўналиш ва томонлар бўйича ривожланиши ҳамда гавдаланишини эътироф этиш инсоният турмуши ва давлатнинг пировард мақсади дидир. Бироқ бундай расмий қарашга нисбатан дарҳол, хўш, бу ўта ранг-баранглик қандай яхлитликдан иборату уларнинг асосий тушунча ва, пировард, интилишини қайси ягона мақсад гавдалантиради, деган савол пайдо бўлади. Мақсад соҳасида давлатга нисбатан бўлганидек, санъат тушунчасига нисбатан ҳам – қисман, умуман, барча хусусий томонларга, қисман эса олий субстанционал мақсадга нисбатан эҳтиёж туғилади.

Рефлексия бизга далолат берадики, санъатнинг субстанционал мақсади унинг хоҳиш-истакларга мойиллигида ва уни юмшатиш қобилиятида намоён бўлади.

а. Бу биринчи қараш ҳақида шуни айтиш мумкинки, санъатнинг хоҳиш-истаклар қолақлигига барҳам бериш имконияти унинг қайси жиҳатларида ифодаланишини белгилаш, тийиш ҳамда муддао, иштиёқ, эҳтиросларга маданий тус беришини аниқлаб олиш зарур.

Қолақлик замирида фақат ўз хоҳиш-истакларини табиий қондиришга ўч майлларнинг ошқора худбинлиги ётади. Бироқ хоҳиш-истак ўзига инсонни чекланган маҳдудлиги билан ром этса, шунча дағаллашади ва зулмкор бўлади, шу сабабли, бундай муайянликдан умумийлик сифатида айри бўлолмайди ва умумийликни эркинлаштира олмайди. Агар бундай ҳолатларда инсон эҳтирос мендан кучли, дея эътироф этса, у ҳолда мавҳум онда «мен» шахсий жўшқинликдан расман ажралади, негаки, бундай ажралиш туфайли, «мен»нинг умумий ибтидо сифатидаги эҳтирослари куч-қудрат билан қиёс қилинганда мутлоқ эътибордан четда қолишини қайд этадилар. Бинобарин, бунда мазмунан чекли умумибтидоий асос – «мен»нинг хоҳиш-истаги билан бирга эҳтироснинг тўпорилиги ҳам

ўрин олади, шундай экан, инсон бу эҳтирослардан ташқарида ҳеч қандай эркинликка эриша олмайди.

Санъат эҳтироснинг бу бемаъни ва тийиқсиз таъсирини инсон ҳис қилувчи ва гавдалантирувчи жами ҳолатларни унинг онгига етказиш йўли билан камайтиради. Ва, ҳаттоки, санъат томонидан мушоҳадага мўлжалланиб тасвирланган эҳтирослар чегараланганда ҳам, ҳаттоки, тилёғламачиликка йўл қўйилганда ҳам улар мулойим куч бўлиб гавдаланади; бу билан табиий туюлган нарсалар инсон онгига сингдирилади. Энди, инсон, айти пайтда, аввалда устида мулоҳаза юритиб қўрмаган майл ва интилишларини мушоҳада қилади, уларни қарама-қарши турувчи қандайдир объективлик тарзида ўзидан узоқлаштиради ва улардан холис бўла боради.

Шунинг учун кўпинча санъаткор уларни тасвирлар экан, ғам-ғуссага дош бериб, ўз туйғулари шиддатини пасайтиради ва мулойимлаштиради, ҳаттоки, кўзёшлардан таскин топади; мутлақ ғам-ғуссага берилганда ҳам кечинмаларини ифодалашга интилади. Сўз, образ, оҳанг ва қиёфаларда акс этган фикр-мулоҳазалар ҳам унинг ўзини яна кўпроқ енгил ҳис этишига таъсир қилади. Илгари замонларда яхши бир одат бўлган, унга кўра, бошга тушган мусибатни таъзия пайтида четдан қузатиш мақсадида махсус кишилар йиғичи қилиб тайинланарди. Табиийки, ҳамдардлик ҳам инсоннинг ўз бахтсизлигини тушунишига таъсир кўрсатади; мусибатларни қайта-қайта эслаш чуқур ўйларга толдиради ва таскин беради. Шунинг учун бундай йиғи-сиғи, гап-сўзлар инсоннинг маънан енгил тортишида, ҳеч бўлмаса, қалбини қийноқлардан фориг этишда муҳим восита саналади.

Эҳтирослар таъсирини пасайтирувчи шундай умум сабаблар мавжудки, улар инсоннинг бевосита туйғуларга тобелиқдан холи қилади, уларга қандайдир ташқи нарса сифатида ёндашиш, фикран, идеал муносабатда бўлишини таъминлайди. Санъат ҳиссий ҳадада туйғуларни ҳирс ҳукмронлигидан ўз тасвирлари билан меъёрида халос этади. Баъзида инсон бевосита табиат билан бирга бўлиб қолиши керак, деган гапларни эшитишга тўғри келади; бироқ ўз абстракклиги жиҳатидан бундай алоқадорлик дағаллик ва маданиятсизликни англатиши мумкин, ҳолбуки, санъат бу бирликни ўз сеҳру назокати билан бузиб, инсонни табиий тобелиқдан халос қилади ва обрўсини кўтаради. Санъат предметларини ўрганиш назарий хусусиятга эга бўлиб, эътиборимизни, даставвал фақат берилган тасвирлар, сўнгра, уларнинг маъноси, бир мазмуннинг бошқаси билан қиёслашга йўналтиради ва мушоҳада ҳамда унинг нуқтаи назарларига умумий характер берадиган муҳитни юзага келтиради.

б. Бу хусусият билан санъатнинг эҳтиросларни поклаш, панд-насихат ва ахлоқий камолотни тарбиялаш билан боғлиқ иккинчи муҳим фазилати изчил қўшилиб кетади. Бинобарин, санъат бутунлай дағалликни жиловлаши, эҳтиросларни маданийлаштириши керак, деган таъриф мутлоқ расмий ва умумийдир, шундай экан, бу тарбиянинг муайян тури ва унинг асосий мақсади нимадан иборатлиги ҳақидаги масала қайта қўйилиши лозим.

а. Санъатнинг хоҳиш-истакларни мулойимлаштириш хусусияти ҳақидаги олдинги тасаввурлар билан уни эҳтиросларни поклаш воситаси сифатида эътироф этиш ўзаро боғланган бўлиб, айти камчиликлардан ҳам холи эмас. Бироқ бу фикр санъат тасвирлаган воқеа-ҳодисаларнинг аҳамияти бор-йўқлигига қараб, уларни баҳолаш миқёсини назарда тутуди. Уларнинг эҳтиросларни носоғлом ҳолатлардан поклантиришдаги фаоллиги ана шундай миқёс билан белгиланади. Шунинг учун бундай таъсир мазмунини ифодалашдан санъат ҳамиша манфаат кўради, модомики, бу таъсир санъатнинг субстанционал мақсадини ташкил этар экан, биз бундай поклантирувчи мазмунни унинг умумийлиги ва жиддийлиги асосида англаб олоғимиз лозим.

бб. Шу муносабат билан санъатнинг мақсади насихатгўйликдан иборат бўлиши керак, деган фикр илгари сурилади. Шундай қилиб, санъатнинг ўзига хос хусусиятларини, бир томондан, ҳиссиётларни мавжлантириш ва улардан туғилувчи мамнунликда кўрқинч, раҳмшафқат, ҳаяжон ва изтироб ҳисларини уйғотишда, яъни, ҳиссий ва эҳтиросий эҳтиёжларни қондириш вазифасида кўрадилар, демак, бу хусусиятлар санъат предметлари, уларнинг тасвири ва таъсирларидан баҳра олиш ва завқланишда намоён бўлади. Бироқ санъатнинг олий мақсадини белгиловчи мезон бу – фақат панд-насихат, *fabu1a docet* деб, хуллас, бадиий асарнинг идрок субъектига етказувчи фойдаси, деб ҳисоблайдилар. Шу маънода, кейинги замонларда санъат ҳақидаги турли-туман, ўта мижғов ва чекланган фикрлар Горадийнинг ҳикматларида фавқуллодда лўнда берилганини эслаш кифоя.

Биз бадиий асарда бундай насиҳатгўйлик очиқ-ойдин ёки яширин акс этадими? деган савол қўйишимиз керак.

Мабодо, санъатнинг тасодифий эмас, балки умумий мақсади ҳақида фикр юритилса, унинг маънавий моҳиятига таянувчи бу пировард мақсад табиатан характерга хослигига эътибор қаратиш лозим. Насиҳатгўйликка нисбатан бундай мақсад муҳим маънавий мазмунни бевосита бадиий асар орқали онга сингдиришда кўзга ташланади. Шу маънода, санъат ўзини қанча юқори тутса, мазмунан шу даражада теранлашади ва бадиий асарда ифодаланган ижобий ёки салбий баҳо бу мазмунда ўз меърига эришади. Санъат ҳақиқатан ҳам халқларнинг чинакам биринчи устози бўлиб қолади.

Агар насиҳатгўйлик *implicte*да акс этган конкрет бадиий образ шаклида эмас, балки асарда тасвирланган мазмуннинг бевосита абстракт ҳукм, оддий мулоҳаза, умумий таълимотда акс этган умумий характери маъносида қараб чиқилса, санъат ҳодисасини бадиий асарга айлантирувчи ҳиссий образли шакл ажралиб қолади, ортиқча ниқоб ва арзимас зоҳирий кўринишга айланади.

Бу нарса, табиийки, бадиий асарнинг табиатини сохталаштиради. Ҳолбуки, бадиий асар мазмунни умумийлик эмас, балки, ҳиссий алоҳидалик шаклида индивидуаллаштирмоғи, унга алоҳида ҳиссий характер бағишламоғи лозим-ку. Агар бадиий асар бу тамойиллар асосида эмас, аксинча, умумийликни мавҳум насиҳатга айлантириш мақсадида яратилса, ундаги образли ва ҳиссий элементлар ортиқча безакдан, асар шакл билан мазмун яхлитлиги эмас, балки оддий майда-чуйда бўлакчалар йиғилмасидан иборат бўлади, бу ерда ҳиссий алоҳидалик билан маънавий яхлитлик бир-бирига нисбатан фақат юзаки, ташқи аҳамият касб этади, холос.

Яна давом этадиган бўлсак, санъат фақат насиҳатгўйлик келтурувчи фойдани фақат мақсадига айлантирса, санъатнинг завқ-шавқ, мароқ, роҳат-фароғат бағишловчи бошқа хусусиятларини ҳам номуҳим, фақат панд-насиҳатга илова, фойда кўриш деб баҳолашга тўғри келади. Бироқ шуни ҳам эътироф қиладиларки, санъат ўз вазифа ва пировард мақсадларини ўз-ўзига сингдириб қолмайди, балки унинг мазмуни қандайдир бошқа нарсалар, ўзи хизмат қилувчи воситалардан ўрин олади. Санъат бундай ҳолатда фақат бу мақсадларга эришишнинг энг мақбул ва амалий воситасига айланади. Бу ерда энди биз санъатнинг ўз-ўзича биргина оддий мақсад, мароқли ўйин ёки насиҳатгўйликнинг оддий воситасига айланмаган муҳим нуқтасига етиб келдик.

ббб. Санъатнинг олий мақсади эҳтиросларни поклантириш ва кишиларга панд-насиҳат бериш эканлигига яна бир бор эътибор қаратсак, бу чегара чизиги ўта жиддий эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Энг янги даврда бу ният кўпинча ахлоқий ўзгартиришларни тартибга солишга йўйилди ва санъатнинг вазифаси эҳтирос ва майлларни ахлоқан камол топтириш ва шу пировард мақсадларни амалга оширишдан иборат, деб ҳисобладилар. Бу тасаввурда насиҳатгўйлик билан покланиш бирлаштирилди, негаки, санъат эҳтиросларни ахлоқий эзгуликни тушуниш билан, панд-насиҳат орқали поклантиради, кишиларга тўғри йўл кўрсатади, зеро, унинг нафи ва олий манфаати ҳам айни шундан иборат.

Санъатнинг насиҳатгўйликнинг мақсадига бўлганидек, ахлоқий тузатишларга муносабати ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Аслида, санъат ахлоқсизлик ёйилишига таъсир ўтказмаслиги лозим. Бироқ ахлоқсизликни бадиий тасвир мақсадига айлантириш билан ахлоқийликни шундай тарғиб қилиш бутунлай бошқа-бошқа нарсалардир.

Ҳар қандай бадиий асардан ахлоқий хулоса чиқариш мумкин, лекин энг асосий нарса – тасвирланган ахлоқий қадриятлардан айни кимларнинг ўғит олишидадир. Масалан, ҳар бир одам ахлоқий хатти-ҳаракат кўрсатиши учун ёвузлик, айб-гуноҳ кабиларнинг моҳиятини билиб олиши зарур, деган фикрдан келиб чиқиб, санъатда ахлоқсизликни тасвирлашни оқлаш мумкин. Тийиқсизлиги туфайли охир-оқибатида тавба-тазарру қилган ёқимтой Мария Магдалинанинг образи кўпларни гуноҳ қилишга ундагани тўғрисида ўта зиддиятли фикрлар кенг тарқалган, шунинг учун санъат асарлари тавба-тазарруни бизда ҳавас уйғотадиган даражада гўзал қилиб тасвирлайди, бунинг учун эса, авваламбор, гуноҳ юз бериши лозим.

Бироқ кишиларни ахлоқий ўзгартириш билан ҳаётни бошқариш тўғрисидаги таълимотни изчил амалга ошириш ўзини шу маънода оқламайдики, бунда бадиий асарнинг талқини ундан фақат шундай ибрат олишни тарғиб қилади, ахлоқий панд-насиҳат эса

унинг субстанционал, муҳим мақсадига айланади, шундай қилиб унда фақат ахлоқий предметлар, ахлоқий характерлар, хатти-ҳаракатлар ва ҳодисалар тасвирланиши шарт қилиб қўйилади. Ахир, санъат тадқиқот соҳаси олдиндан аниқ бўлган тарих ёки фанга қарама-қарши ўлароқ, аввало, ўз тасвир предметини ўзи белгилаб олиши керакмасми?

Санъатнинг пировард мақсади кишиларни ахлоқан ўзгартиришдан иборат бўлиши керак, деган эътирофга баҳо беришдан олдин биз бу ёндашув тарафдорларининг ахлоқ ҳақидаги қарашларини кўриб чиқишимиз керак.

Сўзнинг асл маъносига ахлоқнинг теран нуқтаи назарига эътибор қаратиб, бугун ахлоқни қандай тушунишимизга асосланиб, шуни тезда эътироф қилса бўладик, саховат, ахлоқийлик, яхшилик каби бир турфа фазилатлар унинг тушунчасига мос келмаслиги ҳам мумкин. Ахлоқан олижаноб инсон одобли бўлиши шарт дегани эмас; бинобарин, ахлоқ бурч, хатти-ҳаракатларни улуғловчи ва бундан келиб чиқувчи тушунчадан туғилган мулоҳазани, муайян онгни тақозо қилади. Аслида, бурчнинг ўзи ирода қонуни бўлиб, уни инсон ўз-ўзига ишониб юзага келтиради, сўнгра, эзгуликнинг ҳақиқийлигига ишонган ҳолда бурч ва ижро юзасидан амалга оширади.

Масъулият, эркин эътиқод ва ботиний эҳтиёж йўлида ижро қилинувчи бу қонун, бу бурч ироданинг бевосита табиат, ҳиссий майл, худбин манфаат, интилиш, умуман жон ва қалб, деб аталувчи нарсаларга зид турувчи абстракт умумий ибтидосини англатади. Бу зиддиятли икки жиҳатга асосланган субъект улардан бирини мустақил танлаб олиб, бошқаларига барҳам беради.

Бироқ бу ахлоқий қарор ва унга мос хатти-ҳаракатлар фақат бурч майли нималигига тўла ишонч ҳосил қилиш йўли билан ва, нафақат, алоҳида эркинлик, табиий истак, ҳавас ва бошқаларни, шу билан бирга, олижаноб туйғу ва кўтаринки майлларни бартараф этиш туфайли ҳам амал қилади. Бинобарин, ахлоқнинг ҳозирги замон таълимоти эркинликнинг умум-маънавий жиҳати билан унинг ҳиссий, табиий хусусиятлари ўртасидаги кескин муросасиз зиддиятлардан келиб чиқади. Мазкур таълимот бу зиддиятли томонларни бавосита ифодалашга эмас, балки ўзаро баҳсга киритиб, ўртада юз берувчи тўхтовсиз курашни эътироф этувчи ва бурчнинг майллар устидан ғалабасини таъминловчи талабларга асосланади.

Бундай қарама-қаршилик онгда, нафақат, тор ахлоқий таъсир орқали юзага келади, шу билан бирга, ташқи реаллик билан ташқи борлиқнинг ўзида ва ўзи учун борлиқдаги барча нарсаларнинг умумий бўлиниши ва қарама-қаршилиги тарзида ҳам намоён бўлади. Абстракт шаклда бу – бир-бирига терс турувчи кучларни ўзида қайд этувчи умумийлик билан хусусийлик ўртасидаги қарама-қаршиликдир. Янада конкрет ҳолда бу – табиатда абстракт қонун билан ҳодисаларнинг ўзи учун алоҳидалиги, ўзига хос тўлақонлиги ўртасидаги қарама-қаршиликдир. У руҳ соҳасида инсондаги маънавийлик билан ҳиссийлик ўртасидаги қарама-қаршилик, бурч ниқобидаги қандайдир эътиборсиз ақида билан айрим манфаат, жўшқин туйғу, ҳиссий интилиш билан ниятлар, яъни, умуман, бутун индивидуаллик ўртасидаги ўзаро кураш; руҳий эркинлик билан ташқи табиий заруриятнинг шафқатсиз антогонизми, яна давом этсак, ўлик, ботинан арзимас тушунча билан конкрет ҳаётнинг тўлақонлилиги, назария, субъектив фикр билан объектив борлиқ, объектив синов ўртасидаги зиддиятлар орқали юз беради.

Бу зиддиятлар нозик рефлексия ёки мактаб фалсафаси томонидан кашф этилган эмас, албатта. Ҳолбуки, энг замонавий маданият бу ҳақда кенг фикр юритиб, уларнинг ўта зиддиятли эканлигини энди чуқур тасаввур этаётган бўлса-да, лекин бу масала инсоният онгини узоқ замонлардан бери безовта қилиб келаётганлиги маълум. Маънавий маданият билан замонавий ақл-идроқ инсонда бу зиддиятни амфибия қиёфасида юзага чиқаради, шундай экан, инсоннинг бу зиддиятли икки оламда яшашдан бошқа иложи йўқ. Онг ҳам шу қарама-қаршиликлар теграсида у ёқдан бу ёққа ташланиб ялтоқланишга, тусланишга мажбур, лекин уларнинг бирортасидан қаноат ҳосил қилмайди. Бир томондан, инсон табиий майл ва эҳтирослар, кундалик турмуш ва дунёвий ташвиш, одатий эҳтиёж ва талаблар, табиатнинг қаҳри, моддий юмуш, тирикчилик талаблари ва уларни қондиришнинг мураккаб жараёнлари исканжасида озор чекиб яшайди. Бошқа томондан, у абадий ғоя, тафаккур ва эркинликнинг юксакликларига кўтарилади, ўзини умумий қонунлар ифодачиси ва мақсади сифатида англайди, атроф воқелиқдан жонли, ривожланувчан пардани сидириб ташлайди ва уни мавҳумлик таркибига кириб йўлдан озди-

ради. Бошидан мусибат ва азобларни кечирган руҳ сингари у ҳам табиатнинг ҳақсизлиги ва дилгирлигидан ўз ҳақиқатини излаб топади.


Ҳаёт билан онг ўртасидаги бу нифоқлик ҳозирги замон маданияти ва унинг ақл-тафаккури олдига зиддиятларни биргаликда бартараф этишни зарурият қилиб қўяди. Бироқ ақл-идрок бу қарама-қаршиликларнинг ўзгармаслигидан ҳам воз кеча олмайди. Онгда зиддиятлар ечимини топиш оддий нарсага айланади, мавжуд воқелик эса муроса излаб безовталанади. Бу ерда оддий муқаррарлик билан талаб чегарасидаги зиддият – айнан шу кенг қамровли зиддият ўзида ва ўзи учун ва умуман, олий пировард мақсадлар учун ҳақиқат бўла оладими? деган савол туғилади.

Бордию умумий маданият бундай зиддиятлар исканжасига тушиб қолса, фалсафанинг вазифаси уларни бартараф этиш, яъни қарама-қаршиликларнинг ҳар иккисига хос ҳақиқатнинг чекланган мавҳум тафсилотини эмас, балки уларнинг шу тарзда ўз-ўзини бузишини ҳам кўрсатиб беришдан иборат бўлади. Ҳақиқат – қарама-қаршиликларни муросага келтириш ва уларни бевосита ифодалаш, бу бевоситаликни қатъий эҳтиёж эмас, балки ўзида ва ўзи учун мавжудлик ва мунтазамлик тарзида мукамаллаштириш демакдир. Ечилажак зиддиятларни назарда тутувчи, ҳал этувчи ва уни амалга оширишни мақсад қилиб олувчи бу қараш доимо сохта эътиқод ва истакларга мос келади. Фалсафа бизга фикран бундай қарама-қаршиликлар моҳиятига нигоҳ ташласа, шу боис, ҳақиқат қарама-қаршиликларнинг ечимига айланишига, боз устига, бундай ечим зиддият, зиддиятли томонлар йўқлиги эмас, балки уларнинг муросасоз эканлигини асослаб беришга имкон беради.

Шундай қилиб, ахлоқий ўзгартириш санъатнинг пировард мақсади сифатида бир қадар олий нуқтаи назар саналади, шундай экан, биз ҳам уни санъатда қўллашни талаб қиламиз. Бунинг оқибатида санъатнинг юқорида биз тилга олган ахлоқий манфаатларга хизмат қилиши, насиҳатгўйлиги ва кишиларни тарбиялаб, уларни оламнинг пировард ахлоқий мақсадларига етаклаши ҳақидаги сохта позиция барҳам топади, боз устига, бу қараш санъатдаги субстанциал мақсад ўз-ўзидан эмас, балки бошқалар томонидан тайин этилишини ҳам кўзда тутуди. Агар биз санъатнинг пировард мақсадлари ҳақидаги фикрларни яна давом эттирадиган бўлсак, авваламбор, санъатнинг мақсади фақат фойда келтиришдан иборат, деган нотўғри тасаввурга барҳам беришимиз лозим. Бадиий асарнинг қандайдир бошқа муҳим ва зарур нарсалар билан мувофиқ келиши ва санъатдан ташқаридаги онг соҳасида алоҳида мақсадларни амалга оширишда ҳам фойдали восита эканлигини қараб чиқишда бу қарашнинг сохталиги маълум бўлади. Бунга қарама-қарши ўлароқ таъкидлаймизки, санъат юқорида кўрсатилганидек, ҳақиқатни фақат ҳиссий шаклда ёритади, муроса топган зиддиятларни тасвирлайди, зеро, унинг пировард мақсади воқеликни айна шундай тасвирлаш ва ёритишдан иборат, демак, бу мақсад ёлғиз унинг ўзида мавжуддир. Бинобарин, бадиий асарнинг бошқа мақсадлар, чунончи, насиҳатгўйлик, поклантириш, тартибга солиш, пул топиш, шуҳрат ва иззат-икромга ружъу қўйиш каби талаблар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ ва булар санъатнинг моҳиятини белгиламайди.

Русчадан Маҳмуд АБДУЛЛАЕВ таржимаси

бир дарахт новдалари



Жуманиёз ЎТЕНИЁЗОВ

*Кўнлимнинг хуш шоним***ВАТАН**

*Отадан олтов тугилсам –
ватаним учун ёлғизман,
Шу Ватанни куйлашга
дедим қалам-қоғоз ман,
Тунлар зиё тилайман,
она юрт, сени куйлашга
Улуғ шоир Навоий,
Бердақ деган юлдуздан.*

*Кун бўйи илҳом оламан
Беруний ютган ҳаводан,
Ҳорисам дармон оламан
Темур ўтган даладан,
Бибихонимдай кўриб
севаман сулув қизларни
Сайлаб юриб, ичидан
Бибихожарни оламан.*

*Ватани бўлар йигитнинг –
қўргони бўлар эмасми,
Қўргони бўлар йигитнинг –
дармони бўлар эмасми,
Ортада эли турганда,
кўкрагин баланд кериб,
Едигедек мард бўлмоқ
орзуси бўлар эмасми?*

Сен турганда изимда
нега ваҳима қилайин,
Күёш яшнар тепамада,
ой ҳам излар жубайин,
Сув озайса Оролда,
Қоратовнинг устидан
Обизамзам булоқдай
чаималар қазиб олайин.

Дунёда тенги-тойи йўқ,
Самарқанд нонин тотарман,
Туркистонни юртим деб,
Қўқонда қўниб ётарман,
Қариши оларлар Қаришида,
Термизда тушланиб ўтарман,
Навоийдан ўтсам, сўнг,
Бухоро, Хивага етарман.

Ватанинг – онанг дейишар,
онам ишончин оқлайман,
Хизматига ярай деб,
тунларда киприк қоқмайман,
Ватанимга – онамга
тенг келар эл йўқ дунёда,
Қаламим тўзиб битгунча,
юртим, ўзингни мақтайман.

ЁЗ ҚЎШИҒИ

Аяб турсам қумда гуллар сўлди, деб,
Йўлдошим: “Юр, кетдик, бергин қўлни”, дер,
“Жайхун жар қулатиб, тошиб-тўлди”, дер,
Саратонда сувнинг бўйи, оҳ, роҳат!

Күёш қайнаб, темир-тошлар балқиса,
Атроф нурдан яшнаб, ифор анқиса,
Дарё тошиб, тўлқин дилни шод қилса,
Саратонда сувнинг бўйи, оҳ, роҳат!

Лой сувлар шошилиб, манзилин излар,
Кўш ёқа тўрангил, яшнайти кўзлар,
Яшил либос кияр ёзда кундузлар,
Саратонда сувнинг бўйи, оҳ, роҳат!

*Амударём – кўнглимнинг хуш тонгги – сен,
Йилда тўлиб-тошиб турсанг, қани, сен,
Лойқа сувлар, жонга шифо, дори – сен,
Саратонда сувнинг бўйи, оҳ, роҳат!*

ЖИНГҒИЛ ГУЛЛАРИ

*Сунбула ойининг сўнги кунлари,
Чимбойнинг йўлида жинггил гуллади
Кўр сочган чўғ каби порлаб туради,
Қизларнинг юпқагул рўмолларидай.*

*Табиат деганинг қанчалар чевар,
Ётган қабр бугун ол-қизил дўнар,
Кузда сарғиш тортиб, шудринг тўкилар,
Ёшликнинг бир келар ҳур жамолиндай.*

*Чимбойнинг йўлида кимлар юрмади,
Билмадим, ким кўрди, кимлар кўрмади,
Йўл бўйи тебранар жинггил гуллари
Ўтган йўловчининг армонларидай.*

ОЙ СУЗАДИ

*Ой сузади осмонда қалқиб,
Кўлда сузар яна битта ой.
Сузар улар фақат мен томон,
Чор атрофда бетимсол чирой.*

*Ой сузади олтиндай балқиб,
Кўз ўнгимда нурлар қуйилар.
Бу кўрк менинг қалбимга ўрлар,
Шамол: “Ойни ўп!” деб шивирлар.*

*Ой сузади симобдай балқиб,
Бармоқларим шуъласин силар.
Қочиб, ўйнаб, майда тўлқинлар
Гоҳ яқинлаб, гоҳо олислар.*

*Ой сузади ойдинда қалқиб,
Қиқир-қиқир... – қизми, тўлқинми?
Сувпарими қамиш ортинда,
Кел, фариштам, мендан тортинма.*

**Қорақалпоқ тилидан
Музаффар АҲМАД таржимаси**



МУТОЛАА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари доктори

МАНБА МАНТИҚИЙ МУШОҲАДАНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

“Ҳақиқат – нисбий” деган улуғ ҳикмат бор. Тасаввуфда мутлақ ҳақиқат фақат битта – ягона парвардигор борлиги ва борлигидир, дейилади. Уни англаш ва идрок этиш ҳақиқатга эришувдир. Буни аксиома деб қабул қилсак, унда биз билган-билмаган барча мутафаккирларнинг ҳақиқатнинг нисбийлиги ҳақидаги қарашлари асос-эътибори билан изланиш босқичларидаги кайфиятларига тааллуқлилиги аён бўлади. Илм – инсон миясига жойланган “ирфон махзани”. Унинг тилсимлари илмий изланишлар, баҳслар, ўқиб-ўрганиш сирасида очилади. Шундай экан, “ҳақиқат – баҳсларда туғилади”, деган ҳикмат ҳам бежиз дунёга келмаган.

Камина икки йил муқаддам “Тафаккур” журналида бир мақола эълон қилган эдим. Унда сўфийларнинг пайдо бўлиши ва табақаланиши ҳақида манбаларда берилган маълумотлар келтирилган эди. Ундан илгарироқ 2003 ва 2005 йиллар нақшбандия тариқати ривожланиш босқичларидаги турли жараёнлар моҳияти ҳақида мақолалар тайёрлаганман. Улар Тошкент ислом университети бюллетени ва “Имом Бухорий сабоқлари” журналида чоп этилган. Шу боис, ушбу мақолаларда тилга олинган муҳим масалалар кенг жамоатчилик назаридан четга қолганга ўхшайди. Буни матбуотда кўринаётган айрим чиқишлардаги номукамалликлардан сезса бўлади. Сўфий ва мутасаввуф каби атамалар атрофидаги баҳслар ҳам шу жумладандир. Демак, айрим маълумотларни такрорлашга бугун ҳам зарурат бор.

Чаҳорёв халифаларнинг даври тугаб, Сурия, Ироқ ва Миср ҳудудларидаги амирликларда дунёвий ҳаёт устуворлашгандан сўнг, амир ал-мўмининлар шариятни ўз манфаатлари йўлида хизмат қилдиришга ўтган, ҳашаматли ҳаёт ва айш-ишрат ижтимоий идеалга айлана бошлаган эди. Тақводорлар давлатнинг дунёвийлашуви, жамиятнинг табақаланиши, дин пешволарининг дунёвий ҳою ҳавасларга берилиши, ислом уммати орасида тафриқанинг пайдо бўлиши, мазҳаблар ва турли оқимларнинг шаклланишига исён тарзида тоғ-тошларни макон қилиш, ғорларда яшашни ўзларига афзал билдилар. Улар зоҳидлар деб аталди. Сўфийлик асли ана шу зоҳидликдан бошланган. Улар пайғамбаримиз Ҳиро тоғида хилватда ўтирганидек, кечаю кундуз аллоҳни зикр қилиш билан шуғулландилар. Изоляциядаги зикр (биз уни чилла деб атаймиз) ҳинд йога тизимида бўлгани каби медитация усули натижасида эришиладиган ғайритабиий қобилиятни туғдирган. Зоҳидлар транс ҳолатида ғайб олами сир-синоатларидан хабардор бўла бошлаганлар, каромат соҳибига айланганлар. Илмий адабиётларда бундай тоифа мистиклар деб аталади.

VIII асрнинг охирига келиб Ироқдаги барча мистик гуруҳлар “сўфийлар”, уларнинг йўллари “тасаввуф” деб атала бошлади.

Бу даврларда сўфийларни табақалаштириш биз ўйлаганча, сифат даражасига кўра эмас, мактаб ва авлодга мансублик аломатига қараб ажратилган. Тасаввуф ўз тарихида

бир неча фундаментал мактабларга эга бўлганлиги маълум. Илк сўфийлар, асосан, дин олимлари ва мулкдорлар табақаси вакиллари эди. Уларнинг ғоялари тасаввуф назариясининг асосий тамойилларини белгилаб берди. Сўфийлар ҳис, илҳом, қалб билан билиш ғоясини биринчи ўринга қўйдилар. Шариат билан зоҳирни поклашни (диний илмлар, ҳадис ва фикҳ олими бўлиш) сўфийликнинг биринчи шarti, деб эълон қилган Ҳасан Басрий ҳисобланади. У Ҳазрат Алининг талабаси бўлиб, шариат илмларини чуқур эгаллаган олим эди. У ўткинчи дунё ҳаётидан юз ўгириб, фақатгина ёлғиз аллоҳга йўналиб, унга **таваккул қилиш**, суяниш ва ҳар лаҳзада ундан кўрқмоқ лозимлигини тарғиб қилди. У кўркувнинг эзгу амаллар қилишдаги катта аҳамияти борлигини уқтирди. Ҳасан Басрий инсон ўз нафсини идора этиш ва ўз фаолиятини **тафаккур қилишга** чақирди. Унингча, тафаккур инсонга яхши-ёмонни кўрсатувчи бир ойна бўлиб, ёмонликдан сақловчи воситадир. Шу даврда машҳур зоҳидлардан яна бири Робия Адавия (вафоти 752 йил) **аллоҳга муҳаббат** ғоясини илгари сурди. Унингча, жаннат орзуси ва дўзах азобидан кўркув нажот воситаси бўла олмайди. Инсон аллоҳни шундай севиши керакки, унинг ишқи бу дунё ҳою ҳавасларини куйдириб юбориши керак. У аллоҳни фақат аллоҳ бўлгани учун севиш, ўз борлигини аллоҳнинг борлигида сингдириш ва аллоҳ жамолига эришиш ғояларини илгари сурди. Робия Адавия тасаввуф тарихига «илоҳий ишқ» тушунчасини олиб кирган биринчи зоҳид дейилади. Абдуллоҳ Ҳорис Муҳосибий Басрий етақчилигида мактаб намояндалари **аллоҳ маърифатига эришиш**ни биринчи ўринга қўйдилар. Улар маърифат амалдан устун, аллоҳни амаллар билан эмас, маърифат билан билиш муҳим деган ғоялар билан чиқдилар. Ушбу мактаб **Муҳосибия мактаби** сифатида машҳур бўлди. Сарри Сақатий мақомот ва ҳол тизимини тартибга солди. Қуйидаги гап шу олимга тегишлидир: “Илм аллоҳнинг сифати ва амал банданинг сифатидир. Бир соатлик тафаккур икки олам ибодатидан яхшидир”. Зуннун Мисрий (859) тасаввуф ҳақида илк асар ёзиб, тасаввуфнинг ҳол ва мақомларини таснифлаб берган олимдир. Унинг тафаккури Робия Адавия ғоялари таъсирида шаклланган. Унинг фикрича, аллоҳни севиш мезони – Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатига астойдил амал қилиш орқали ахлоқни юксалтиришдир. Аллоҳ ва инсон ўртасида икки томонлама илоҳий муҳаббат ётади. Бу ишқ воситасида инсон аллоҳга эриша олади. Унга эришган инсон ўзининг илоҳий зотда ғарқ бўлганини, содда қилиб айтганда, ўзининг илоҳийлашганини ҳис этади.

Уша давр машҳур сўфий мутафаккирларидан яна бири Боязид Бистомийдир (вафоти 874 йил). У фикҳ олими эди. Робия Адавия ва унинг издошлари ғоялари таъсирида тасаввуфга қаттиқ берилиб, бу соҳада улкан муваффақиятларни қўлга киритади. Жумладан, “ишқ” ва “вахдат” тушунчаларини мистик платформада шарҳлаб, суқр (мастлик) концепциясини ишлаб чиқди. Тасаввуфда “тавҳид дарахтини Боязид эккан”, деган гап шундан қолган. Унинг мактаби тайфурия деб аталди. Жунайд Бағдодий мактаби эса суқр йўналишига қарама-қарши ўлароқ, **сахв**, яъни, хушёрлик концепциясини илгари сурди. У тасаввуф илмини тартибга солишга интилган, шариат ва тасаввуфий илмларни бир-бирига мувофиқлаштиришга ҳаракат қилган илк мутафаккирдир. Унинг асосий ғояси шундан иборатки, инсон руҳий ҳол-мақомлардан юксалиб, аллоҳ васлига эришганда сахв, яъни, хушёрлик йўлини танлаши керак. Жунайдия мактаби наздида, энг буюк мақом Муҳаммад расулуллоҳникидир. Бу мактабга хос бўлган асосий хусусият **мувоқабат** усулининг устуворлигидадир. Жунайд Бағдодийнинг фикр-қарашлари кўплаб сўфийлар учун дастурамалга айланган. Имом Қушайрий ва Имом Ғаззолий каби буюк мутафаккирларнинг дунёқарашларига катта таъсир кўрсатган.

Сўфийлар орасида зоҳидликни қоралаганлар ҳам бўлган. Шулардан бири Абу Ҳасан ибн Муҳаммад Нурийдир. У Зуннун Мисрийнинг шоғирди бўлиб, шаховатпешаликни тарғиб этди. Унинг ақидаси бўйича, инсон ўзининг энг сеvimли нарсасини аллоҳ йўлида сарф қилмас экан, бахт-саодатга эриша олмайди. У Жунайд Бағдодий билан бирга бозорларга бориб, қўлидаги бор нарсаларини халққа улашиб юрар экан. Унинг мактаби “нурия” деб аталди.

Суҳайл ибн Абдуллоҳ Тустарий (вафоти 896 йил) тасаввуфда **нафс** мавзусини бош мавзуга айлантди. Унинг мактаби танлаган йўналиш “мувоқабат йўли” дейилади. “Ким аллоҳ йўлида риёзат чекмоқчи бўлса, биз уларни ҳидоятга элтамиз”, шиори уларга тегишлидир. Улар Муҳаммад пайғамбаримизнинг: “Биз кичик жиҳоддан катта жиҳодга ўтамиз”, деган даъватларини асос қилиб, катта жиҳод – нафс билан курашга чақирдилар. Суҳайл мувоқабатни мувоқабатга олиб боровчи ягона йўл деб ҳисоблади. Унингча,

бу шарият йўлидир. Нафс, аслида, зарурдир. У худо томонидан яратилган. У аллоҳни билишга восита. Расули акрам айтган: “Ким нафсини таниса, аллоҳни танийди”. Суҳайл нафсни ўлдириш тарафдори эмас, балки уни тарбиялаш тарафдоридир. Ёмондан яхши фазилатлар касб этишга ўтиш суҳайлийлар ғоясининг мағзидир. Сўфийлик ҳаракатининг дастлабки босқичларида улар ўз маслақларини диний асосга қўйиш йўлларини излай бошладилар. Бунинг йўлларида бири сўфийлик моҳияти ва тарихини пайғамбаримиз ҳаёти, исломнинг илк даври билан боғлаш эди.

Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги мистиклар Х асрнинг охириги даврларигача сўфий деб аталмаган. Ҳақим Термизийнинг асарларида, гарчи чуқур мистик мазмунда бўлса-да, сўфий истилоҳи ишлатилмаган. Бунинг ўз сабаби бор эди. Сўфий деганда, фақат Ироқда шаклланган (Басра, Куфа, Бағдод) мистик гуруҳлар тушунилган. Тасаввуф таълимотига бағишланган дастлабки икки асар-Қалободийнинг (вафоти 990 йил) “Китоб ат-таарруф” ва Сарроҳнинг (вафоти 988 йил) “Китоб ал-лума” асарларида, асосан, Бағдод мактаби вакиллари ҳақида маълумот берилганлиги ҳам шундан далолат беради. Бу асарларда маломатийлик ҳаракатининг асосчиси нишопурлик Ҳамдун ал-Қассор ёки, дейлик, ватандошимиз, буюк мистик олим Ҳақим Термизий ҳақида гапирилмаган. Нишопурлик олим Абу Абдурахмон Суламий (вафоти 1021йил) биринчилардан бўлиб, Хуросон мистикларини сўфийлар қаторига қўшишга уринди. Эрон ва Марказий Осиёдаги улуғ тақво соҳиблари, валийлар туқли номларда, жумладан, аҳли маърифат, аҳли ҳақиқат, орифлар, солиқлар, зоҳидлар, фақирлар, ҳақимлар, маломатийлар, деб аталган. Буларнинг орасида сўфийларга ўхшаб уюшган жамоа фақат маломатийлар эди. Маломатийлик ҳаракати Хуросондаги Нишопур шаҳрида IX асрда вужудга келган. Суламий “Табақот ус-суфия” тазкирасида Нишопурда мавжуд бўлган уч маломатий мактабининг бирини бошқарган Абу Усмон Ҳирийнинг (вафоти 910 йил) Бағдодда таълим олганлигига урғу бериб, маломатийларни сўфийларнинг бир тоифаси қилиб кўрсатди.

Шу тариқа, XI асрдан бошлаб Бағдод ва Хуросон мистик мактаблари ўртасига ворисийлик чизиғини тортиш бошланди. Бу жараён Қушайрийнинг “Рисола фи илм ал-тасаввуф”, Хужвирийнинг “Кашф ал-маҳжуб” асарларида изчил давом эттирилди. Кейинги даврларда барча мистик мактаб ва йўналишлар тасаввуф номи остида умумлаштирилди. Тасаввуф таълимоти диний-ирфоний билишнинг етакчи таълимотига айлангандан сўнг, нафақат Бағдод ва Хуросондаги мистик жамоалар, балки сўфий бўлмаган тақводор ва билимдон олимлар ҳам сўфийлар деб атала бошлади.

Тасаввуф тариқатларини юзага келтирган асосий сабаб ана шу IX-X асрларда кенг минтақаларга ёйилган тасаввуф мактабларининг бир-бирларидан фарқланиб бориши билан боғлиқ ҳодисадир. Бу даврларда “пир-мурид” – тарбия шакли бўлмаган, асосан, юнон ва ҳинддан ўзлаштирилган метафизик ғоялар устозлар томонидан исломлаштирилиб, шогирдларга суҳбатларда сингдирилган. Зикр ва мувоқабат техникаси ҳам ҳинд анъаналаридан ўзлаштирилган. Аста-секин тариқат қонун-қоидалари қатъийлашиб, мактаблар атрофида темир интизом ва мустаҳкам иерархияга буйсундирилган ташкилотлар (даргоҳлар) шаклланди. Ушбу ташкилотларда, асосан, зикр билан шуғулланганлар ва пирнинг мунтазам назорати остида кун кечирганлар. Фанда амалий тасаввуф деганда ана шу ташкилотлар (тариқатлар) фаолияти тушунилади. Тариқат тизими зоҳидликни қоралаган. Фақат тариқат ичида махсус тарбия кўриш сўфийликка муносиб деган қараш расм бўлган. Жумладан, Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг тариқат аҳлига қолдирган қуйидаги насиҳатларида шундай дейилади:

“Илм ўрганмасдан туриб ишга (риёзатга) киришмагил. Дин йўл-йўриқларини пухта билишинг учун мудом фикр ва ҳадис ўргангил...” (Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Васиятнома, Тошкент, 1993, 14-бет).

Нақшбандия тарихига назар ташласак, XV асрдан эътиборан, ҳукмдорлар ва молдавлатга муносабат билан боғлиқ жиҳатлар эркинлаштирилиб, баъзи руҳсатлар берилганлигини кўрамиз. Бу, асосан, Хожа Аҳрор фаолиятининг сиёсийлашуви билан боғлиқдир.

Хожа Аҳрор халқ тақдири ва давлат манфаатларини ўйлаб, буюк маданият ва бебаҳо маънавий қадриятларни сақлаб қолиш йўлида подшоҳлар ва шаҳзодалар орасига тушишга, ўзаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилди. Хожа Аҳрор халқ тақдири учун қайғуриш, султонларни адолатга чақириш масаласини сўфийларнинг бурчи даражасига кўтарди. Ҳукмдорлар томонидан миннатдорчилик рамзи сифатида

ҳада қилинган ер-сувлар Хожа Аҳрордек сўфийнинг қўлида тариқат тамойилларига зид равишда ортиқча мол-мулкнинг тўпланиб қолишига сабаб бўлди. Айтишларича, у ўзига тегишли мол-мулкка мутлақо даъво қилмаган ва умумжамоа мулки сифатида қараган. Унинг яқин шогирди ва халифаси Муҳаммад Қози ёзади: “Ҳазрат мол-мулкларининг барчаси фуқаро учун сарфланарди. Баъзан эса харажат даромаддан кўп бўлар ва йилнинг охирида қарздор бўлиб қолардилар”.

Афсуски, Хожа Аҳрорнинг фаолияти ибрат намунасига айланиб, баъзи шайхлар пирликка даромад манбаи сифатида қарай бошладилар. Аҳвол шу даражага етдики, тариқат мол-мулк ва обрў орттиришга қулай имконият яратадиган “имтиёзли” ташкилотга айланди.

Риёкор шайхлар кўпайди. Маърифатли зотларда уларга нисбатан муросасиз муносабат шаклланди. Ўз даврида Навоий бундай риёкор шайхларни кескин танқид қилгани маълум. Айни шу даврда, тасаввуф тарихида биринчи бўлиб Жомий асл сўфийларни сохта сўфийлардан ажратиш мақсадида, уларнинг сифат даражаларини батафсил тасниф этиб берди.

Жомий “Нафаҳот ал-унс” тазкираси муқаддимасида тасаввуф аҳли даражаларини уч табақага бўлиб кўрсатади. У сўфий деб аталишга фақат олий табақага кўтарилган тақводорлар, яъни, валий даражасига етган инсонлар лойиқ, деб ҳисоблайди. Валийлик икки турга – “валояти авом”, яъни, барча мўминларга хос валийлик ва “валояти хоса”, яъни, хос кишиларга мансуб валийликка бўлинади.

Жомий “валояти авом” ҳақида ортиқча тўхталмаган. Бу ўринда, аллома тариқатларда, хусусан, нақшбандий пирларнинг қудсий калималаридан халққа яхши маълум, “ҳар бир кишида валийлик хислати мужассам”, деган ақидадан келиб чиқиб, шарҳга ҳожат сезмаган бўлиши ҳам мумкин. Унинг асосий диққати “хослар валояти”ни тушунтиришга қаратилган. Айтиладикки, хосларга мансуб валийлик тасаввуф аҳли табақаларининг энг юқори, олий поғонасида турувчи арбобларда зоҳир бўлади. Жомий уларни “восиллар”, яъни, аллоҳ васлига восил бўлганлар ва “комиллар”, яъни, камолотга эришганлар, деб атайди.

Олий табақа восиллар ва комиллар мартабасига эришган муқарриблар, яъни, аллоҳга яқинлик ҳосил қилганлар табақасидир. Жомий бу табақа вакиллари пайғамбаримиздан кейин турувчи зотлар эканлигини таъкидларкан, уларни икки тоифага ажратади: “**Биринчисини, машойих дерлар**”, – дейди аллома. Машойихлар расуллulloҳга эргашишда камолот даражасига етиб, вусул мартабасини қўлга киритганлар. Ушбу мақомда уларнинг зиммасига халқни Расулulloҳ суннати асосида тарбиялаш юклатилган. Улар “комили мукамал” инсонлардир. Улар “айни жамъ”да фарқ қилиниб тавҳид шарафига мушарраф қилингандан сўнг, халқни нажот сари етаклаш ва камолот даражаларини ўстириш учун орқага, яъни, жамиятга қайтарилгандирлар.

Иккинчи тоифа **мажзублар тоифаси** бўлиб, Жомий: “Камол даражасига эришгандан сўнг, улар фано бағрида шундай ночор қолдилар ва ҳалокатга учрадиларки, улардан на хабар, на из қолди. Уларга халқ орасига қайтиш насиб қилмади. Васлга эришган бу тоифага халқни тарбия қилиш вазифаси топширилмади”, – деб қайд этади.

Ўрта табақа. Бундагилар олий табақага номзод бўлган сулук аҳли табақасидир. Жомий унга олти тоифани киритади. Булар мутасаввуфлар, маломатийлар, зоҳидлар, фақирлар, ходимлар ва обидлар тоифасидир. Жомий мутасаввуфлар ва маломатийларни бошқалардан афзал кўради ва уларни олий мақсадга интилувчилар (толибони мақсади олий), деб атайди. Улар илоҳий ҳақиқатни изловчилардир. Қолган тўрт тоифа аллоҳ юзини кўришни истовчилардир (муридони ваҳжulloҳ). Уларнинг олий мақсади жаннат даъвоси ва охираат савобидан умидворликдир.

Жомий ҳар бир тоифага хос белгиларни аниқ ва равшан тушунтириб ўтади. Масалан, **мутасаввуфлар** шундай жамоаки, нафснинг баъзи сифатларидан қутулганлар, сўфийларга хос баъзи ҳол ва васфларга эга бўлиб, руҳоний йўлнинг ниҳояти кўринай деб қолган. Аммо ҳануз нафснинг баъзи жиҳатларидан қутулмаганлар. Шунинг учун аҳли қурб бўлган сўфийларнинг вусули даражасига ета олмаганлар. Сўфийлар ва мутасаввуфлар шу жиҳатлар билан бир-бирларидан фарқланадилар.

Маломатийлар аллоҳга ихлос ва садоқат қондасига қаттиқ риоя қиладилар ва тоат-ибодатларини халқдан яширишга уринадилар. Солиҳ амалларни қилишни шарт деб биладилар. Улар учун тоат-ибодат ва солиҳ амалларни халққа кўрсатиш риёдир. Улар ўз аъмол ва аҳволини қанчалик яширсалар ҳам аммо вужудий ва нафсий истаклардан

кутулмаганлар. Ана шу нарса тавҳид жамолини мушоҳада қилишга монелик қилади. **Зоҳидлар** шундай тоифаки, иймон нури билан охират жамолини мушоҳада қиладилар. Дунёни қабих деб биладилар ва унинг зийнатидан воз кечадилар. Таркидунё қиладилар. Уларнинг сўфийлардан фарқи шуки, зоҳиднинг жамиятдан юз буриши нафсининг истаги билан бўлади. Зотан, жаннат талаби – нафс истагидир. Сўфий эса аллоҳ жамоли истагида икки оламдан воз кечган. Демак, зуҳдда ҳам юксак мартабага эришгандир.

Фақирлар шундай тоифаки, мол-дунё масаласида ҳеч вақоси йўқ.

Жомий фақирлар тоифасининг сулук аҳли ичидаги ўзига хос фарқларини кўрсатади. Маломатий ва мутасаввуф жаннат эмас, аллоҳ талабгори бўлиб, унга яқинлашиш истагида бўлса, фақирлар жаннат талабгорларидир ва шу жиҳатдан ўз нафсларига ён босувчилардир. “Сўфийларнинг фақирлардан фарқи шундаки, – дейди Жомий – сўфий мақомига эришганлар учун фақр ва ғино (бойлик) масаласи ҳақ иродатида йўқ бўлиб кетган (маҳв бўлган)”.

Фақир икки хил бўлади: расмий ва ҳақиқий. Расмийси, мулки бўлмай, ростдан ҳам фақирликда яшайди. Ҳар қанча давлати бўлса ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам мол-дунёга берилмасдан яшаган одам ҳақиқий фақирдир. Ҳақ таоло баъзи авлиёларнинг зоҳирини бойлик либоси билан кийинтиради, шу сабабдан баъзи зоҳир аҳли уларни дунёга кўнгил қўйганлардан, деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, улар ҳақиқий фақирдирлар ва ўз ботинларини, ботиний ҳолларини уларни тушунмайдиганлардан яширгандирлар.

Аммо баъзи машоихлар расмий фақирини ихтиёр этадилар. Сабаби, халқни анбиёлар йўлига эргаштиришда халқни фақир суратида тарғиб ва даъват этиш самаралидир. Улар халқни ухровий лаззатларга эмас, балки ҳақ даргоҳига даъват этадилар.

Ходимлар шундай жамоаки, улуғ тақво соҳибларига хизмат қилишдан завқ оладилар. Улар фарз ибодатларидан ортган барча вақтларини шайхларига бағишлайдилар ва барча ишларида ёрдам берадилар. Буни ўзларининг нафл ибодатлари, деб биладилар ва шу хизматлари эвазига охират савобидан умид қиладилар.

Обидлар шундай тоифадирларки, охират савоби учун ибодат ва фойдали илмлар билан шуғулланадилар. Бу сифат сўфийларга ҳам хос. Бироқ, сўфийлар тангрини ҳақ бўлгани учун севадилар, охират савоби учун эмас.

Обидлар фақирлардан фарқли ўлароқ, охират савоби умидида ибодат қилишда бой ёки фақир бўлишнинг фарқи йўқ, деб ҳисоблайдилар. Ҳар қанча бойлиги бўлса ҳам инсон обид мартабасида бўлиши мумкин.

Жомий сўфий бўлишга интилганларнинг учинчи табақасини таърифлашга ўтар экан, уни **нуқсонлилар табақаси** деб номлайди. Бу табақа вакиллари тасаввуф аҳлининг ҳар бир тоифаси орасида учрайди. Жомий зикр этган сулук аҳли “муташаббихун муҳиқ”, яъни, ҳақиқатда, сидқидилдан сўфий бўлишга интилган, ҳақиқатдан сўфийларга ўхшаб кетадиганлар бўлса, учинчи табақа уларнинг акси бўлган риёкор солиқлар, яъни, Жомий тили билан айтганда, “муташаббихун мубаттал” лардир.

Жомий тасаввуф аҳлининг икки табақасини қандай тартибда таснифлаган бўлса, қуйи табакани ҳам шу тартибда баён этади. Жумладан, комили мукамал сўфийликка даъво қилувчи риёкор одамларга ботинийлар ва мубоҳийлар киради. Улар ўзларини ориф ва сўфий санайдилар аммо ақоид, аъмол ва аҳволлари арзимас ва юзакидир. Шариатга итоат этмаслар ва бу ишни авом иши деб ҳисоблайдилар.

Мажзубларнинг риёкори шундай тоифаки, фано денгизига ғарқ бўлганлик ва тавҳид айнида ҳалок бўлганлик даъвосини қиладилар. Ўз ҳаракат ва жидду жаҳдларини янада орттирмайдилар ва дейдиларки, бизнинг ҳаракатларимиз эшикларнинг ҳаракатига ўхшайди, ҳаракатлантирувчи кучга муҳтож. Жомий таъкидича, бу қиёс тўғри бўлса-да, уларнинг ҳолига мувофиқ эмас. Бу тоифани зиндиқлар деб атайдилар. Саҳл б. Абдуллоҳ: “Агар киши шариат усулига риоя қилса ва ибодатлар аҳқомини муҳофаза этса, улар сиддиқлардир, агар киши шариатни ҳисобга олмай иш тутса, улар зиндиқлардир”, деб айтган.

Жомий маломатийларнинг риёкорлари ҳақида тўхталар экан, қаландарларнинг XV асрга келиб риёкор тоифага айланганини таъкидлайди. Асл қаландарлар маломатийларга ўхшашни истайдилар. Жорий этилган расм-русумлар, қонун-қоидалар, ахлоқ-одоб қоидаларини бузишдан қўрқмайдилар. Тоат-ибодатларнинг кўпчилигида улар эркин. Фақат фарзларни бажарадилар. Маломатийлар камолотга етиш ва фазилатларини кўпайтириш борасида қаттиқ ишлайдилар. Бу ҳаракатларини халқдан пинҳон тутадилар.

Қаландарлар эса ўз амалларини халқдан яширмайдилар. Жомий замона қаландарлари “ҳашвийлар”, яъни бангиларга айланиб, исломни унутганликларини таъкидлайди. Улар зиндиқларга ўхшаш, ихлос даъвосини қиладилар аммо фисқу фуҷур ва гуноҳга берилганлар. Уларнинг айтишича, бундай хатти-ҳаракат халқ маломат қилиши учун керак эмиш. Ҳақ халқнинг тоатиға зор эмас ва гуноҳ ҳам зарарли эмас эмиш.

Зоҳидларнинг риёкори халқнинг назарига тушиш учун дунё зийнатларидан воз кечадилар. Жамиятдан юз ўгирадилар. Шу орқали халқ орасида обрў-эътибор қозонишга интиладилар. Кўп ҳолларда халқни ишонтира оладилар ҳам. Улар мол тарки эвазига обрў сотиб олувчилардир.

Фақирнинг риёкори шундайки, зоҳирда расмий фақирни бўйнига олган, ботини эса фақирдан йироқ. Унинг муроди – фақир бўлиб кўриниш орқали халқ олқишиға сазовор бўлишдир.

Ходимларнинг риёкори шундай одамларки, сўфийларга хизмат қилишдан муроди охират савоби эмас, балки халқ хизматини дунёвий манфаатларга эришиш йўли, деб билишдир. Мақсади обрў-эътибор, шахсий манфаат ва мол-давлатдир. Уларни “мутаҳаддим” деб атайдилар.

Обидларнинг риёкорлари ўзини обид ҳисоблагани билан кўнглида охират савобига бепарволик бор. Ибодатдан мақсади халқ назарига тушишдир.

Кўриб ўтилганлардан сўнг, устоз навоийшуносларимизнинг Навоийни нега мутасаввуф шоир деб атаганликлари сабабини изоҳламаса ҳам бўлар. Унинг нақшбандия тариқатига ҳақиқатан ҳам кирганми ёки йўқми, деган саволға жавобни манбалардан қидириш керак. Маълумки, Навоий Самарқандда йигитлик чоғида тўрт йил яшаган ва таҳсил олган. Унинг Саййид Ҳасан Ардашерға ёзган мактубидан биламизки, бу даврларда у ўзига пир топиш ва дунё машғулотларини тарк этишни жуда ҳам хоҳлаган. Шундай экан, у Самарқандда Хожа Аҳрорға байъат қилиб, унинг кўлида тарбияланиши мумкин эди. Навоийға бу масалада ҳеч нарса монелик қилолмасди. Абдураззоқ Самарқандий унинг Хожа Аҳрор сўхбатларида бўлганини қайд этган. (“Матлаъ ус-саъдайн”). Аммо негадир, у Хожа Аҳрорға мурид тушмади. Бу ҳақда унинг бирор-бир асари ёки хотираларида ёзилмаган. Акс ҳолда, у, албатта, Хожа Аҳрор ҳақида “Ҳолот” ёзган бўлар эди. Жилла қурса, Хожа Аҳрорға мурид тушиб, унинг ёнида анча муддат яшаган Фаҳриддин Али Сафий улуг пир ҳақида китоб ёзар экан, ўзига марҳамат кўрсатиб турган Амир Алишернинг байъати ҳақида, албатта, тўхталган бўлар эди. Жомий Ҳусайн Бойқаро даврида Хуросоннинг муршиди комили бўлган. Навоий Жомийға ҳам байъат қилмаган. Акс ҳолда, Жомий муридларидан бўлган Абулвосеъ Низомий Жомий ҳақидаги “Мақомоти мавлавий Жомий”да (ушбу китоб Навоийнинг шахсан ҳомийлиги ва тавсияси билан ёзилган) бу ҳақда маълумот қолдирган бўлар эди. Шунингдек, Абдулғафур Лорий «**Такмилаи нафаҳот ал-унс**» асарида ўз замондоши Навоий ва Жомий ҳақида анча маълумот келтира туриб, бу ҳақда тўхталмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Шуниси аниқки, Навоий Жомийни ўзига устоз, маънавий пир сифатида жуда эъзозлаган. Унинг нақшбандия тариқатига юксак ихлоси унинг шеърларида аниқ кўриниб туради. Лекин уларнинг барчасида умид изҳори мавжуд, қатъий қарор йўқ. Зеро, тариқат йўлини танлаш, унинг темир қонун-қоидаларини зиммага олиш, давлат юмушларидан батамом озод бўлишни талаб этарди. Навоий, манбалардан маълумки, бир-икки марта истеъфоға чиқишға эришган бўлса-да, умрининг охиригача сарой хизматидан қутула олмаган. Шунинг учун ҳам у ўзини “ишқ аҳли”нинг иккинчи, ўрта тоифасига қўшган. Буни, у ўзини мутасаввуф санаганлигиға бир ишора сифатида тушунмоқ нотўғри бўлмаса керак.





НАЗМ ГУЛШАНИ



Ойдин ТЕМИРОВА

Сен ҳақинда шивирлайди ел

* * *

Сендан хабар келтирди улар,
 Дунёларга сизмади жоним.
 Қанот қоқиб кетди туйғулар,
 Зоҳир бўлди дарду – пинҳоним.
 Ҳар тонг сенинг илқингни ўнган
 Майса бўлолмайман, биламан.
 Йўл бўйида қузатиб, қутган,
 Дарахтга ҳам ҳавас қиламан.
 Сўзларингни тинглайди кимдир,
 Қунда юз бор ва ундан ортиқ.
 Мен-чи, бир бор тингламоқ учун
 Қилсам, дейман, жонимни тортиқ.
 Балки, шудир менинг қисматим,
 Қайда мезон, қайда тарозу?
 Сўхбатингга бир бор тўймоқни
 Умр бўйи қиларман орзу.
 Сен ҳақингда шивирлайди ел,
 Бордир бир қун учиб бормоғим.
 Аммо, қўйиб юбормайди ер,
 Узилмайди ундан оёғим...

* * *

Сув юзида кулдиргич
 чувалашиб айланар,
 Қайда юрсам, ўйларим
 ўйларингга бойланар.
 Бу дунёдан изладим
 гулдан тоза муҳаббат,
 Толе ва бахт ахтариб,
 асли гам топдим фақат.
 Мени ожиз санама,
 юраклари ботирман,
 Жондан севган кишидан
 айрилмоққа қодирман.
 Бир тўйиб ийглаб олсам
 гина қилмай кетардим,
 Шум тақдирнинг ишига
 хўрсиниб ҳам нетардим?

*Умр бўйи сезмадинг
ёнгинангда турганим,
Менга алам қилади
ҳамон излаб юрганинг.*

Фаргона

* * *

*Мени тингла, тингла кўзларинг билан,
Кўнглинг кўзгусида рақс тушсин само,
Соясиз сояси тарасин наво,
Икки қибла ичра, майли, ёқ гулхан.*

*Нур ҳужраси сенга бўлгай ҳамхона –
Ҳар заррада ишқнинг қудрати ошкор.
Ошиқда жон қайда, ул руҳи меъмор
Арининг қандилидан олгай нишиона.*

*Нодўстдан дўст бўлмас – зулминг қули,
Дардсизлик, ишқсизлик – азалий гули.
Ишқ бир елтигички, оламни елтир,*

*Кўёш тожсин ечиб, бўлгайдир фаррош.
Мени тингла, майли, менга май келтир,
Кўнглинг қушин чизгум, кўзимдир наққош.*

* * *

*Олисга боқади бир аёл маҳзун,
Кўёш – кўзидан жим томар ёш бўлиб,
Кўринади тоғ ҳам муштдек тош бўлиб,
Кўклам шабадаси беролмас таскин.*

*У бахтдан яриммас, суйган ёри бор,
Бор шунқор ўғлони ва дилбар қизи.
Зухрадан мунаввар толе юлдузи,
Аммо, тоғ ортида чорлар бир диёр.*

*Баъзан уйқусида тўлғонади жим,
Тушида онасин рўмоли гижим.
Отасин чалгиси учар – оқчарлоқ,*

*Кенгликлар силкиниб, титраб йиғлар сой.
Қизалоқ кафтидан тўкилар тупроқ...
Оптоқ ўтов бўлиб кўринади ой.*

Қашқадарё



Ўроз ХАЙДАР

Арининг қандили...



Шахноза ҚАЮМОВА

...
Айшмаман сирим

* * *

Сахар туриб, кўча супурар,
Сўнгра, тайёрлайди ширин нонушта.
Ҳовлилар чиннидек, уйлар чиннидек,
Ҳаммаёқ озода, жуда саришта.

Тайёрланар ишга бормоққа аста,
Кийимлар ярашган, сўзлар бехато.
Гўзаллигин кўрган кимсалар хаста,
Унга тенг келолмас ганимлар ҳатто.

Иш учун жон олиб, жонин берар у,
Эл-юрт хизматида дуолар олгай.
Тарбия беради, билим берар у,
Шогирдлар қалбида бир умр қолгай.

Ишларини кўриб ҳайрон қоласиз,
Ишчи ҳам ўзидир, фидо ҳам ўзи.
Ортидан ҳавас-ла қараб қоласиз,
Барчанинг гамхўри, дилдоши ўзи.

Ишин яқунлайди кунни кеч қилиб,
Меҳр билан боқиб эшик ёпади.
Кимдир йўл тополмаса бирор ишга
Маслаҳат беради, йўлин топади.

Сўнгра, шошиб-шошиб қадам ташлайди
Қадрдон-жонажон ўз уйи томон.
Уйга кирадию таом бошлайди,
Чарчоғин сезмайди, тинмайди бир он.

Ҳар доим шундайин сарфлайди кунни,
Чегараси йўқдир учқур хаёлнинг.
Бедор ўтказади дуода тунни,
Ҳар иши аълодир фидо аёлнинг.

* * *

Кўзларим йўлингга бўлди интизор,
Хаёлимга келар шундайин бир пайт.
Ўзим боролмасман ёнингга ёрим,
Кўргим келса сени, нима қилай, айт?

Ҳижрон дарёсида сузиб юраман,
Бунда тошга тегиб, қалби яраман,
Согинч азобига кўниб бораман,
Кўргим келса сени, нима қилай, айт?

Бағринга бошимни қўйгим келади,
Не, деб, яна ҳолинг сўргим келади,
Қачон ҳижрон йиғлаб, висол кулади,
Кўргим келса сени, нима қилай, айт?

Ёнимга келсангу вақт тўхтаб қолса,
Ташна юрак кўриб, дийдорга қонса,
Қанийди, ҳолимни қалбинг тушунса,
Кўргим келса сени, нима қилай, айт?

Юрак ўртанади, билмайди тиним,
Бефайз, ҳаловатсиз ҳар қуну туним,
Ҳеч кимга, ҳеч қачон айтмаган уним –
Кўргим келса сени, нима қилай, айт?

Шукр қилиб, ботаман яна хаёлга,
Сабр-тоқат хешдир ёлғиз аёлга,
Азизим, жавоб бер, шу бир саволга,
Кўргим келса сени, нима қилай, айт?

Андижон



Жўра МАҲЗУНИЙ

Гул хусн бермиш...

Кўшиб нозинга ишқингни, эй кўрсат жамолингни,
Сарви гулларга монанди, эй қадди ниҳолингни.

Истарман тоза чаманни, жилвали сарв сумандек,
Қайси бир порлаган юлдуз банд этмиш хаёлингни.

Субҳнинг ноzi бор гўё шарм, ҳаё, одобингда,
Сенга муносибдир иқбол, кўрмайин заволингни.

Гул хусн бермиш, ажаб, ошиқлар орзу қилгандек,
Кибрсиз меҳрингни кўрсат, мен тиларман камолингни.

Олам аҳли йиғлар, гул юзингда гам кўрса агар,
Қиров қўнғай юзинга, сочма чашми зилолингни.

Олур андоза шодликлар сенинг гулчеҳрандан ёр,
Умрим авжсида боқарман, тополмай мисолингни.

Висолига етарман, деб, сабрли бўл Маҳзуний,
Тилдан қўймай: “Сабр таги олтин”, дер мақолингни.

Ёр кетдинг-у кўзим йўлингда ҳамон интизорман,
Ўзинг бир кўрмайин, васлинга куно-қун хуморман.

Қозонмай бир дам эътиборинг ул рақиб олдида,
Бир Мажнунвор хокисорингман, пойинга зор – зорман.

Ошиқларинг кўп ишқзоринг аро, эй дилбаригон,
Остонанда бечораҳол, ҳануз безътиборман.

*Излаб гул юзингни туңу кун йўлингда бўлдим зор,
Догинг билан юрак – бағримни тирнаб лозорман.*

*Бўлсам боғингда пайдо булбули гўёдек субҳ-шом,
Аё, дилбар кечир мени, уйқу келмай бедорман.*

*Эй ситампарварим, хаёлингга келарманми ҳеч, айт,
Бир бора қиё боқ мен томонга, ахир, мен борман.*

*Маҳзуний дилининг дарди жафо бирла ортадур,
Дардимни сенга айтай, кел, интизорман.*

Жиззах



Моҳигул ЎКТАМ қизи

Бухорода шундай гўша бор

* * *

*Беркинмачоқ ўйнайди минор,
Офтоб билан ҳар кундуз, ҳар кеч.
Бухорода шундай гўша бор,
Таффот унга киролмайди ҳеч.
Юрагини осмонга очиб,
Жимирлаган Лабиҳовузми?
Қайгуларни кетаман сочиб,
Бу кеч соғинч, мендай ёлғизми?
Чатнаса-да атроф, кўчалар,
Бу ерга ҳеч киролмайди ёз.
Лабиҳовуз – салқин кечалар
Тухфа қилсанг юрагимга мос.
Сувинг зилол қувончга ўхшар,
Гавжумлигинг гўёки тўйдай.
Сенда тарих шу тарзда яшар,
Маҳзунгина чалинган куйдай.
Бухорода шундай гўша бор,
Таффот унга киролмайди ҳеч.*

* * *

*Тун бағрида эркатой шамол,
Нима истар, ўзи билмайди?
Унга яна эргаиша хаёл,
Оғушига юрак қулайди.
Энтикади борлиқда баҳор,
Шамол уни чирпирак қилса.
Тирикликми вужудда малол,
Нима қилай боримни эзса?
Тун бағрида рақс тушади барг,
Шивирлаб-ла, қандайдир куйни.
Шамол уни қилиб жувонмарг,
Ўзи яна бошлайди тўйни.*



Насриддин БОТИРОВ

Қалба нақшин китоб...

Баҳор шундай топади якун,
Қайғусини айтади ёмғир.
Бошланади яна янги кун,
Рангларида умид бор, ахир...

Бухоро

* * *

Ватан – бобо, Ватан – момо,
Ватан – ота, Ватан – она.
Ватан – қуёш, Ватан – само,
Ватан – макон, Ватан – хона.

Ватан – соғинч, Ватан – сеҳр,
Ватан – қадр, Ватан – юрак.
Ватан – иймон, Ватан – меҳр,
Ватан – мангу эзгу тилак.

Ватан – ойдир, Ватан – юлдуз,
Ватан – сувдир, Ватан – тупроқ.
Ватан – порлоқ кеча, кундуз,
Ватан – руҳдир, доим уйғоқ.

Ватан – шуқуҳ, Ватан – сурур,
Ватан – эътиқодли хитоб.
Ватан – севинч, Ватан – гурур,
Ватан – қалбга нақшин китоб.

* * *

Сен – менинг суянчим, ўзинг гурурим,
Сен – менинг ардогим, кўздаги нурим,
Истайман, доимо билмайин тиним,
Ёнингда бўлмоқни қадрдон иним.

Акамсан, опамсан, дўстимсан софдил,
Сенинг борлигингдан тафт олгайдир дил,
Ҳаётсан, меҳрибон инсон бўл, оқил,
Истагим – яхшилик туморин таққил.

Мен сенга интилиб, топдим ўз бахтим,
Меҳрибон аёлим, жон ўғлим, қизим.
Менинг бойлигим шу, шудир ҳақ аҳдим,
Шудир менинг ерим, кўку юлдузим.

Мен сенга интилиб яшадим доим,
Сен мен учун, бил, энг буюк виждон.
Сен – юрагимдирсан, энг буюк бойим,
Сенга бош эгайин, бўлсам-да осмон.

Тошкент



Хушида
АХМАДЖОН қизи

Орзулар осмони чорлар

* * *

Мен сизга бермадим заррача умид,
Олмадим илк бора берган гулингиз.
Озорланманг бўлиб ноумид,
Ўйламай ранжитдим мурғак дилингиз.

Йўқ, мен бундан, асло, афсус чекмайман,
Куюб қолмасингиз хоҳладим фақат.
Сизни қадрлайман, лек, суя олмайман,
Унутишга топинг куч ва қаноат.

Азоб – кутиш, ҳижрон – жавобсиз сеvgи,
Не қилай, юракка буюриб бўлмас?
Ишиқингиз меҳримга арзирли туйғу,
Лек, сизни суюшга туйғулар кўнмас.

* * *

Осмоннинг кўксига бошимни қўйсам,
Юлдузлар сочимни ўрса, қанийди?
Майин қўли ила тутиб қўлимдан
Ой мени ёнига олса, қанийди?

Кўкларга учмасдан, ерда яшаш-чун,
Замин поёнига етолсам, қани?
Амалга ошса гар истаклар бутун,
Йиғлата олмасди қайғу ҳам мени.

Орзулар осмони чорлар ўзига,
Тинч қўймас бир лаҳза бесар хаёллар.
Бахтим кашф этурман шундай ўзимга,
Умид бахш этади дилга хаёллар.

Бўйларим етмагай ҳаттоки шифтга,
Булутдан юксакда беназир хаёл.
Ҳатто, олиб кирур мени беҳиштга,
Бўламан дунёда энг бахтли аёл.

Лайли менга ҳавас қилади хиёл,
Бахтлиман. Шу бахтга эришидим ҳалол.
Дардларим олади фалакда – ҳилол,
Ҳар недан улугдир орзу-ла, хаёл.

Тошкент

меъросимизни ўрганамиз



Орзигул ҲАМРОЕВА,
аспирант

ҚАДИМГИ ДАВР ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ДАСТАЛБКИ МАЖМУАСИ

Шоир, драматург, адабиётшунос Фитрат биринчилардан бўлиб адабий парчаларни ўз таркибига жамлаштирган хрестоматия яратди. У яратган мажмуа ўз даври учун катта янгилик эди. Баёзларнинг кенгайиб, такомиллашиб бориши натижасида, мажмуаларнинг илк намуналари пайдо бўла бошлаган бир даврда, Фитратнинг “Ўзбек адабиёти намуналари” асари илк тўплам сифатида дунёга келди. Асар 1928 йилда араб ёзувида нашр эттирилган. “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуа бўлибгина қолмай, Фитратнинг адабиётшуносликка оид қарашларини ўзида жамлаган етук асар ҳамдир. Олим ўз асарида адабиётшуносликда муҳим саналган даврлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, ўша давр асосида адабий парчаларни тақсимлайди. Мажмуа уч бўлимдан ташкил топган. Биринчи бўлимда “Қабилавий давр адабиёти” намуналари, иккинчи бўлимда “Феодаллик даври адабиёти”га оид парчалар, учинчи бўлимда “Савдо сармоёси даври адабиёти” намуналари жамланган. Олим ҳар бир асарни бўлимлар бўйича тақсимлаётганда, уларни қайси даврда яратилганлигига эмас, балки мазмун-моҳиятига эътиборини қаратади. Хусусан, Фитрат “Девону луғатит турк” асаридан келтирилган парчаларнинг бир қисмини “Қабилавий давр адабиёти” сифатида қайд этса, “Алп Эртўнға” марсиясини “Феодаллик даври адабиёти” намунаси тарзида бериб ўтади. Чуқурроқ таҳлилга тортаётганимиз, Ўрхун-Енисей битиктошлари мажмуанинг “Феодаллик даври адабиёти” қисмидан ўрин олган.

Феодаллик даври адабиёти қандай адабиёт ўзи? Бу борада Фитрат шундай қайдни келтиради: “Қабилчилик даврида бошланган дoston адабиётининг феодаллик даврида ҳам кенгайиб, бадий камчиликларини тўлдириб, тугалланиб давом қилгани маълум. Бу даврнинг дostonлари воқеаларни ҳар вақт катта феодаллар теграсида юргүзиб, шу муносабат билан уларни махтайдирлар”. (Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд. Ўзнашр, 1928. 50-бет). Шу муносабат билан айна шу хусусиятни ўзида акс эттирган “Култегин” битиктоши мажмуанинг иккинчи бўлимидан ўрин олган. Фитрат феодаллик даврининг илк намунаси сифатида берилаётган Ўрхун-Енисей битиктошларидан, айнан, “Култегин” ёдномасидан парча келтирганлигининг сабабини қуйидагича изоҳлайди: “Бу даврнинг бизга эсон-омон келган энг бурунги намунаси Йенисей Ўрхунда топилган тошбитиклардирким, энг муҳимлари милодий олтинчи асрда улуг бир давлат қурган Тукйу туркларнинг саккизинчи асрдаги хонлари Билка қоон билан унинг иниси Култакиннинг ёдномаларидир. Мен бу китобда феодаллик даврининг биринчи намунаси этиб, “Култакин” ёдномасидан бир бўлагини хулоса қилиб олдим”.

(Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд. Ўзнашр, 51-бет). Демаки, олим “Култегин” ёдномасини бошқа битиктошлардан муҳим деб билган. Мажмуада келтирилган парчалар у қадар катта ҳажмга эга бўлмаса-да, олим тошбитикнинг асл моҳиятини очиб берувчи матнларни танлаб олган. Бугунги кунда Ўрхун-Енисей ёдгорликлари турли манбаларда нашр этилган. Уларнинг тўлиқ вариантлари ҳам мавжуд. Феодаллик адабиёти намунаси сифатида келтирилган “тукийу” феодаллиги давридан қолган Ўрхун-Енисей ёзувидаги ёдгорликлар қадимги туркий адабиётнинг алоҳида бир қатлами сифатида туркийшуносликда, ўзбек адабиётида кам ўрганилган. Бу ёдгорликларнинг ўзига хос бадий ҳамда тил хусусиятларини ўрганиш эса жаҳон туркийшунослигида, адабиётшунослигида етакчи мавқени эгаллайди. Айни пайтда, бу ёдгорликлар қадимги туркий қавмларнинг ижтимоий, сиёсий тарихи, дини, урф-одатлари, тарихини ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, туркий ёзув ёдгорликлари Турк хоқонлиги ва ундан олдинги давр манзарасидир.

Қадимги туркий ёдномалар хусусида тўхталганда, уларни халқ оғзаки ижоди намунаси бўлмиш дostonлар билан боғлаб ўрганиш жоиз бўлади. Чунки олимларимиз туркий ёдномаларни эпослар заминидан ўсиб чиққан адабиёт сифатида баҳолашади. Эпослар замиридаги сюжет, бадий тасвир воситаларининг ишлатилиши ёдномаларда ҳам акс этган. Улардаги тасвирлаш йўсини ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Олимларимиз бу ўхшашликни эпосларнинг энг асосий хусусияти бўлмиш анъанавий уч қисмдан иборат баён қилиш усули билан боғлашади. Улар: бошланма, воқеалар ривожини (мазмун тараққиёти) ва тугалланма. Ушбу хусусият туркий ёдномаларда ҳам ўз аксини топган. Солиштирамиз: хусусан, Култегин (731 йили яратилган), Билга хоқон (735 йили яратилган), Тўноқуқ (716 йили яратилган) ёдномалари бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Ёдномалардаги бундай хусусиятни туркийшунос олимлар В. Томсон, П. Мелиоранский ва П. Фалёвлар аниқлаган эдилар. Хусусан, П. Мелиоранскийнинг “Култегин” ёдномасига бағишланган магистрлик диссертациясида “ёдномалардаги кўтаринки руҳ эпосларнинг маҳсулидир”, деган фикри тўғри экани ўз исботини топди. Бу тасвир қуйидаги ифодаларда акс эттирилган: “Уза кўк тангри асра йағыз йар қылынтуқта акин арса киси оғлы қылынмыс. Киси оғлынта уза ачум апам Бомын қаған, Истами қаған олурмыс. Олурыпан, турк бодунын алин, торусин тутта бирмис, иту бирмис – Юқорида кўк осмон, остида қорамтил ер қилинганда икиси аро одам боласи пайдо бўлган Одам боласида улуг бобом Бумин хоқон, Истами хоқон бўлган экан. Бўлиб турк қавмининг элини, қонунини тутиб яхшилаиб борган”. (Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд. Ўзнашр, 1928. 51-бет).

Ёдномадан келтирилган парчада бошланма, воқеалар ривожини (мазмун тараққиёти) ва тугалланма бор. Еру осмоннинг ҳамда инсониятнинг яратилиши – бошланиш, Бумин ва Истами хоқонларнинг фаолияти – мазмун тараққиёти, қонун-қоидаларга риоя қилишлари эса тугалланмадир.

Қадимги туркий ёдгорликлар ёзма адабиётнинг ўзига хос тури саналади. Ёдгорликларда муаллифларнинг қахрамонларга, маълум воқеаларга муносабати акс эттирилади. Айниқса, феодалларнинг, умуман, ҳоким синфнинг омма билан муносабати, оммага қарашлари, феодал шахсни идеаллаштириш ёдномаларнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Эпос қахрамонларига ёндош образларга асос солинганини ёдномалардаги жанг лавҳаларида кўриш мумкин.

“Култегин” битиктоши икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм кичик битик, иккинчи қисм улуг битикдан иборатдир. Йўллик тигин битиктошнинг муаллифи саналади. Фитрат ўз мажмуасида “Култегин” битиктошининг улуг битик қисмидан намуналар келтиради. Улуг битик қисмида Култегиннинг жасоратларига алоҳида эътибор берилади. Кичик битик эса қадимги турк давридаги нотиклик санъатидан хабардор этади.

“Култегин” битиктоши 1889 йилда туркийшунос олим Н. М. Ядринцев томонидан топилган. Айни шу даврдан эътиборан, мазкур битиктошни ўрганишга бўлган ҳаракат бошланган. Ёнома мраммардан ишланган. Қалинлиги 41 см, баландлиги 3 м 15 см, кенглиги туб қисмида 1 м 24 см бўлиб, юқорига қараб торайиб борган. Ёдгорликда нотиклик санъатига хос гўзал намуналар келтирилган. Ҳар икки қисм ҳам Кўк тангрига эътиқод руҳи билан бошланади. Туркийлар билан ёнма-ён яшаган табғачларнинг босқинчилиги,

ҳийлакорлиги каби салбий иллатлар қораланади. “Қултегин” ёдгорлигидаги кичик ва катта битик жанр хусусиятига кўра хотира асарга ўхшаб кетади. Бу икки қисм бир-бири билан узвий боғлиқ. Битиктошнинг аввали анъанавий оламнинг яратилиши тўғрисидаги миф билан бошланади. Кейинроқда эса, битиктошни битган шахс ўзини таништириб, ҳаёт хусусида ўз мулоҳазаларини билдириб, нима сабабдан Қултегин шарафига ёднома ўрнатаётганлигини изоҳлайди. Улуғ битик қисмини мадҳ қисм деб атаса бўлади. Чунки бу қисмда туркийларнинг хоқонлари, уларнинг жасорати мадҳ этилади. Хусусан, дастлабки турк хоқонлари – Бумин ва Истами хоқонлар мадҳига кенг ўрин ажратилган. Бу икки қисм ўртасидаги воқеалар тизими бир-бири билан мантиқан боғланган. Кичик битикдаги “не-не сўзим эса мангу тошга урдим”, каби сатрлардаги “сўз”нинг жавоби улуғ битикда ўз ифодасини топган. Улуғ битикда кўплаб тарихий шахсларнинг номлари қайд этилган.

Олим мажмуада улуғ битикдан намуналар келтирар экан, уларнинг таржимасини ҳам бериб ўтади. Фитрат ўз даврида биринчилардан бўлиб, Ўрхун-Енисей битиктошларидан намуналар келтиради. Олим мажмуада битиктошларнинг транскрипцион шаклини бермайди. Бунинг сабабини турлича изоҳлаш мумкин. Аввало, ёддан чиқармаслик керакки, 1928 йилда араб ёзуви давлат ёзуви саналган. Ўз-ўзидан маълумки, араб ёзувида битиктошларнинг транскрипциясини, шаклини бериш имконсиз эди. Иккинчидан, ўша давр илми учун битиктошлардан намуналар келтиришнинг ўзи катта янгилик ҳисобланган. Бу янгилик ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Учунчидан, Фитрат ўз мажмуасини илмий асар сифатида эмас, балки кенг оммага мўлжалланган бадиий асар сифатида тузган. Шу сабабли ҳам бадиий асар сифатида ундан намуналар келтиради, холос.

Ушбу мулоҳазалар сирасидан англаш мумкинки, Фитрат ўз мажмуасини бадиий асар сифатида яратди ва шунинг учун ҳам битиктошларни бадиийликка йўғрилган ҳолда эркин таржима қилди, уни илмга таништирди.



Қулига айланиб қолмаслик учун ўз туй-гуларингни назорат қила олишинг зарур.

Эпиктет

Озига қаноат қилса, камбағал киши ҳам ўзини давлатманддек ҳис қилади.

Демокрит



ЁДНОМА

Озод Шарафиддинов,

Ўзбекистон Қаҳрамони

ОЛИМНИНГ СУВРАТИ ВА СИЙРАТИ

Одамки бор, унинг суврати сийрати учун ниқоб вазифасини ўтайди. Одамки бор, унинг суврати ва сийрати бир-бирига монанд, улар ўртасида ажиб бир уйғунлик бор. Бундай одамларни нуруний одамлар деб аташади – уларнинг чеҳрасидан нур ёғилиб турганга ўхшайди. Бу нур бир қарашда дабдурустдан кўзга ташланмайдиган, лекин одамнинг бутун хулқи-атворида, хатти-ҳаракатида, гап-сўзларида сезилиб турадиган фазилатлар нури.

Бу гал шундай инсонлардан бири тўғрисида ҳикоя қилиб бермоқчиман. (Бу Шоислом Шомухамедов)...

...Менинг Шоислом Шомухамедов билан яқиндан танишувим 1957 йилда содир бўлди. Шу йили Тошкентда, ҳозир Ғафур Ғулум номи билан аталаётган Адабиёт ва санъат нашриёти ташкил қилинди. Нашриёт директори Насрулло Охундий мени адабиётшунослик бўлимида ишлашга таклиф қилди. Мен билан бирга шарқ бўлимида ишлаш учун Шоислом Шомухамедов ҳам таклиф қилинган экан. Биз қисқа муддатда жуда иноқлашиб кетдик. Шоислом ака мендан саккиз ёш катта эди – у урушга бориб келган, кейин университетда ўқиган, бир неча йил амалий ишларда ишлаб дурустгина тажриба орттирган эди. У ҳам мен каби аввал нашриётларда ишлаб кўрмаган бўлса-да, адабиётни яхши кўргани ва яхши билгани учун, ақл-заковати ва идроки юқори бўлгани сабабли биринчи кунлардан бошлаб бутун умри нашриётда ўтган одамдек ишга киришиб кетди...

...У шарқнинг машҳур асарларини нашр эттиришда ҳар гал қандайдир янгиликка интилар, китобларнинг жозибадорлиги юксак бўлишига, китобхон қўлида чўғдай ёниб туришига эришишга ҳаракат қиларди. Мана, буюк шарқ булбули Ҳофизнинг ғазалларини олайлик. Бу китобнинг ўзбек тилида чиқишининг ўзи-ку ҳар бир ўзбек учун улўғ бир тўхфа. Лекин Шоислом ака бу билан қаноатланмайди. У китобнинг бир бетида ғазалнинг ўзбекча таржимасини беради-да, иккинчи бетида унинг форсча матнини арабча ҳуснихатда беради. Тиши ўтадиган одам таржимани аслият билан таққослаб, керакли хулосани чиқариб олаверади. Ёки Умар Хайём рубойларини олайлик...

...Шоислом ака, назаримда, Умар Хайёмни бошқача бир меҳр билан суяр ва шунинг учун иш кабинетида бу буюк инсоннинг руҳини барқарор қилишга интиларди. Китоб жавонларида шоирнинг рус, инглиз, француз, эстон, ҳинд, турк, ўзбек ва форс тилларида чиққан китоблари терилиб турарди. Бир куни Шоислом аканикига бориб, кабинетга кўтарилдим. Ёзув столининг ёнида ўртачароқ катталиқда бир хум пайдо бўлипти. Унинг усти сирланмаган, лекин арабча чиройли ёзувда Умар Хайёмнинг бир рубойиси ёзиб қўйилипти. Хайрон бўлиб, Шоислом акага қарадим.

– Ота-боболаримиз шунақа хумларда шароб ичишган. Биз ҳам шу удумни қилайлик-да...

Шоислом ака хумнинг олдига бориб, унинг ичига қўлини тикди-да, икки шиша оқ мусаллас олди. Хайём рубойларини ўқий-ўқий мусалласдан нўш қилмоқнинг гашти бошқача бўлар экан. Хуллас, Шоислом ака ана шунақа шинаванда, дилкаш одам...

2001 йил

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ҲАЁТ

Бир пайтлар Шоислом Шомуҳамедов, Асқар Мухтор, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Жуманиёз Жабборовлар билан оилавий суҳбат (“гап”)имиз бўларди. Тажрибали, ишни кўзини биладиган инсон сифатида Шоислом ака бундай суҳбатларимизнинг ташкилотчиси бўлиб, улар жуда сипо, ботартиб, камтар, болалар тарбиясига алоҳида эътиборли, умуман, оилага меҳрибон инсон эдилар.

Суҳбатларимиз, асосан, адабиёт тўғрисида борар, бу шажаранинг катта бир шохи бўлмиш шеърият тўғрисида ҳам баҳслар бўларди. Дунё адабиёти устида гап кетганда, албатта, шарқ адабиёти, жумладан, форс шеърияти кўпроқ ўзига тортар эди. Аслида, биз маънавий хазина эшигигача борардик. Миртемир домла айтганларидай, бизни “эшик оғо” си Шоислом Шомуҳамедов кутиб олиб, форс шеърияти дурдоналари билан ошно этардилар...

... Истеъдодли олим ва таржимоннинг Фирдавсий “Шоҳнома”си устида олиб борган ижодий меҳнати, ташкилий ишлари, айниқса, таҳсинга лойиқ. Жаҳон шеъриятининг дурдонаси, улғу шоирнинг ўттиз йиллик меҳнати маҳсули бўлган бу улкан адабий ёдгорликни бир неча йил ичида ўзбек китобхонага етказиш учун Шоислом акадек ҳурматли инсоннинг куюнчаклиги керак эди. Домла ўзлари ҳам кеча-кундуз ишлаб, Миртемир, Ҳамид Ғулом, Жуманиёз Жабборовларга ҳам тинчлик бермай қилган саъй-ҳаракатлари натижаси бўлиб, ўзбекнинг уйига ўзбек тилида сўзлаб Фирдавсий кириб борди.

“Шоҳнома” битилган вазн – мутақориб жанговар шиддат баробарида, ҳарбий машқлар ўйноқлиги акс этган вазн. “Садди Искандарий” шу вазнда ёзилган.

Шоислом Шомуҳамедовнинг аруз ва бармоқ вазнларида таржималар қилиб орттирган тажрибаси “Шоҳнома”ни ўгиришда қўл келди. Мутақориб вазнининг ўн бир ҳижоли бармоқ вазнига яқинлигидан фойдаланиб “Шоҳнома” таржимасида шундай йўл танландики, дostonни аруз вазнида ҳам, бармоқ вазнида ҳам ўқиш мумкин. Бу иш билимдонлик баробарида, катта маҳоратни ҳам талаб этади.

“Гап” йиғинларимиздан бирида навбат шеър ўқишга келди. Шоислом ака Ҳаётхон кеннойимизга бағишлаган рубойисини ўқиб бердилар:

*Бахтиёр десалар арзир отимни,
Келтирайин бунга қўш исботимни:
Қўкракдан ўқ едим, ўлмайин қолдим,
Муҳаббатдан топдим чин Ҳаётимни...*

– Ҳаётхон опа, – деди қарсақлар тингач Жуманиёз Жабборов, – устознинг рубойига меҳр кўйганларига сиз сабабчисиз. Номингиз тўрт ҳарфдан иборат. Ҳар бир ҳарфига бир сатрдан мувашшах ёзиб, ўзбекнинг Умар Хайёми бўлдилар. Шоислом ака ва Ҳаётхон кеннойи тотув турмуш кечирдилар, оилада олим-олима фарзандлар камол топдилар. Домладан илмий монографиялар, бадиий ижод, нодир асарлардан таржималар, кўплаб шогирдлар, энг аввало, яхши ном қолди.

*Бори элга яхшилик қилғилки, бундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик...*

Мирзо Бобурнинг бу сатрларини севиб такрорлаган устоз олим ва шоир-таржимоннинг ҳаёт китобига яхшилик сўзи сарлавҳа бўлғулиқдир.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ИЛМ, ИЖОД ПЕШВОСИ

Ўз умрини илм-маърифат ривожига, ижодга бағишлаган одамлар жисман орамиздан кетсалар ҳам, аммо руҳан ва қалбан ҳамиша тириклар ичра тирикдирлар. Зеро, бундай инсонларнинг орзу-армонлари, ёниқ сўзи, тафаккур мевалари ёзган асарларида муҳрланиб, авлоддан-авлодга ўтади ва янги қалбларни ёритиб, ҳаёт ҳақиқатларини англашга кўмаклашиб туради.

Шоислом Шомухамедов домла Ўзбекистоннинг ана шундай нурбахш сиймоларидан бири эди. Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, таниқли таржимон-шоир, заковатли шарқшунос олим Ш.Шомухамедов номини эшитмаган одам кам эди. Унинг таржимасида янграган Умар Хайёмнинг олам ва одам моҳиятини изҳор этувчи дилбар рубоийларини бутун мамлакатимизда ва ундан ташқарида туркийзабон аҳоли севиб ўқир, аксари ёд бўлиб, эл оғзида юрадиган бўлганди. Рубоийлар ўзбекча таржималардан қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, татар тилларига ўгирилди. Хайём рубоийларининг ўзбекча таржималари 1958 йилда биринчи марта чоп этилганда, катта бир адабий воқеа бўлгани эсимда. Шундан кейин бу китоб ҳар сафар тўлдирилиб (илк нашрда 200 та рубоий бор эди), кўп марта қайта нашр этилди. Умар Хайём рубоийларини Ш.Шомухамедовдан кейин яна бир неча киши ўзбек тилига ўгирди, аммо ўша биринчи таржима китобхонлар қалбидан чуқур жой олганини айтиш жоиз. Ш.Шомухамедов форс-тожик адабиётини ўзбек китобхонлари учун кашф этди, катта бир маънавий хазинани очди: у Рудакий, Фирдавсий, Н.Хисрав, Х.Дехлавий, Саъдий Шерозий, Камол Хўжандий, Жомий, Бедил асарларидан намуналар таржима қилди, уларнинг энг машҳур, ҳикматомуз асарларини тадқиқ қилиб, китобхонларга тухфа этди.

Бу таржималардан ўнлаб байтлар эл орасида машҳур бўлиб, халқ ҳикматлари каторидан жой олди.

Рудакийнинг:

*Кимдаким ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим;*

ёки:

*Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлмагай устун,*

кабилар...

Бу байтларни кўпчилик давралару суҳбатларда такрорлашади, аммо бу Шоислом Шомухамедов таржимонлик истеъдодининг тухфаси эканини баъзан билмайдилар. Бу ҳам шоир-таржимоннинг бахти, ижод меваларининг умумхалқ мулкига айланганига далилдир...

...Камина гарчи бевосита у кишининг қўлида таҳсил олмаган бўлсам-да, бироқ бу одамдан, унинг асарларидан кўп нарса ўрганганман. Мен буни яна шу учун таъкидламоқчиманки, Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)да ишлаган йилларим (1971-1993) Шоислом ака билан илмий анжуманларда, баъзан иш юзасидан тез-тез мулоқотда бўлганман. Шоислом ака ҳам талабчан, тўғри сўз ва ҳам меҳрибон инсон эди. Номзодлик диссертациямга оппонентлик қилганлар, маслаҳатлари, амалий кўмаklarини аямаганлар. У киши университет проректори, Шарқшунослик факультети декани, кафедра мудирини бўлиб ишлади. Аммо у ҳамма ерда – хоҳ мансаб курсида бўлсин, хоҳ оддий давраларда бўлсин, бир хил эди, ўзгармас эди. Ва, энг асосийси, ҳар доим олим ва ижодкор инсон сифатидаги борлигини сақлаб юрарди, шу билан талабалар, касбдошлар ҳурматини қозонган эди.

Домланинг самарали умри, ишлари ибратли, хизматлари бениҳоя катта. У Ватанимизнинг ёрқин сиймоларидан биридир, шу боис номи ҳам, ишлари ҳам унутилмайди, қалбларда яшайверади.

болалар дунёси



Абдурахмон АКБАР

Шамол билан кўкни кез

СИНФДОШИМ

Китобдан узмай кўзин,
Унутиб ҳатто ўзин,
Эшитмай бирор сўзим,
Сочин ўйнаб ўтирар.

Бир қаторда партамиз,
Ҳар кун доска артамиз,
Қолди деганда ёлғиз,
Сочин ўйнаб ўтирар.

Баъзан жуда шўх, шодон,
Баъзан серкулги, гандон,
Гоҳ жим қолиб, ногаҳон,
Сочин ўйнаб ўтирар.

Ўўталаман атайин,
Жилмаяр майин-майин,
Ёқтиришим билмайин,
Сочин ўйнаб ўтирар.

Кўнглимда йўқ ҳеч кириш,
Синфдошим – ширин сирим,
Билсангиз, айтинг, у ким,
Сочин ўйнаб ўтирар?

БУЛУТ

Кўкда оғир кезинган булут,
Қай юртлардан келиб қолдинг, айт?
Кўй, йиғлама, гамларинг унут,
Ҳозир айни қувнайидиган пайт.

Кўёш билан ўйнаб, яйрагин,
Шамол билан кўкни кез гир-гир.
Кўзёш тўкиб адо бўлмагин,
Ўйнаганинг қолади, ахир.

ОЛТИН БАЛИҚ

Пушкинга

Олтин балиқ мен сенга
Ҳануз қойил қолмайман,
Чолга тўловларингни
Асло оқлай олмайман.

Менимча, шарт эмасди
Не тиласа кампиришо,
Оғзидан чиқмай туриб,
Барин айламоқ бажо.

Қаср устига қаср,
Уй-у саройлар қуриб,

*Бечора балиқчини
Қўйдинг-ку югуртириб.*

*Тўрга илашмай қолгур,
Нафсни этмайин ўпқон,
Тогорани ямасанг,
Олам эди гулистон.*

*Олтин балиқ қалбимни
Кўндан ўртар бир савол.
Жавоб берсанг дегандим,
Агар келмаса малол?*

*Айтганинг, айтган экан,
Учқур экан омадинг:
Тўрга нега тушидинг-у,
Нега қочиб қолмадинг?*

ТОШПЎЛАТ

*Кучлилардан кучли санар
Тошпўлат ўзин,
Исботламоқ бўлар бизга
Чинлигин сўзин.*

*Йўл четида ётган бўлса
Харсангтош, гўла,
Иргитади даст кўтариб
Уни бир йўла.*

*Кафти билан қоқ иккига
Бўлади гишитни,
Жимжилоқда михни букиб,
Дер: – Шу ҳам шими?*

*Қойил қолиб, ҳурматлардик
Биз уни жуда,
Бир кун билиб қолдик бари
Экан беҳуда...*


*... Автобусда қайтар эдик
Уйимиз томон,
Қўл кўтариб, йўлдан чиқди
Тўрт-беш отахон.*

*Бизлар дарров жой бўшатиб,
Десак: – Марҳамат!
Ойна томон юзин буриб
Олди Тошпўлат.*

*Бор-йўғи қирқ дақиқалик
Йўл эди манзил –
Дўстимизнинг қилигидан
Бўлдик мулзам, зил.*

*Тошпўлатнинг полвонлиги
Экан ёлгон, пуч –
Тополмади тик туришига
У ўзида куч.*





Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

БАДИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ҚИРРАЛАРИ

Интеллектуал шеърятнинг табиати

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухратнинг бадиий асар, адабий жараён, сўз санъаткорларининг шахсияти ва истеъдодининг табиати хусусида фикр юритилган мақолаларида шоирона эҳтирос, теран мушоҳадакорлик балқиб туради.

Шу жиҳатдан қараганда, Шухратнинг “Ҳақгўй ва некбин” мақоласи Шайхзода ижоди мисолида фалсафий шеърятнинг муҳим белгиларини кўрсатишлиги, хусусиятларини очиб беришига, эстетик баҳолашга қаратилган моҳияти билан нажиб. “Шайхзода табиатан мулоҳазакор, файласуф шоир эди. Бу нарса мавзунинг туб моҳиятини очиб ташлашни, йирик масалаларни, кўламли мавзуларни қаламга олишни тақозо этарди”. Кўринадики, масала ижодкор шахсиятига келиб боғланыпти. Хусусан, мавзуни танлаш, белгилаш ва унга ёндашув, чиқарилажак бадиий-эстетик ёхуд ижтимоий-фалсафий хулоса-фикрлар адабий асар табиатини тайин этар экан. Шайхзода шахсиятини безаган “илмий мулоҳазаларининг баркамоллиги, сўхбатининг ширинлиги ва кўнглининг очиклиги” ижодининг юксак савиясини белгилашда асосий омиллардан бири вазифасини ўтади. Адиб Шайхзоданинг табиатан ўта камтарлиги, фикрлари теран ва зийраклиги, чақиндек тиниқ ва ёрқинлиги сингари сифатларни алоҳида кўрсатиб ўтади. “Ўта ҳозиржавоб, оқ кўнгил, зийрак, фикрлари равон, ҳазил-мутойибага доим майли бор шоир эди. Сўхбатда энгил юмор ишлатишга, қутилмаган иборалар топишга, қисқа ва лўнда фикр билдиришга ҳаракат қиларди”.

Шухрат устози Шайхзоданинг шахсиятини зийнатлаган хусусиятларга асосий урғу бераркан, бадиий ижод давр-замон билан, эл-юрт юмушларию ташвишлари билан боғлиқ воқе бўлади, дея тушунтиради. Ана шу омиллар адиб ижодининг ижтимоий аҳамиятини ташкил қилади. “Замоннинг аниқ позициясида туриб энг муҳим мавзуларга ёндашиши, ўзига хос оригинал, муболағали тасвирлари, қутилмаган ва тутилмаган қофиялари, янги зарбдор вазнлари” Шайхзода шеърятининг бадиияти нечоғли ўзига хос бўлганлиги далолатидир. Демак, сўз санъаткорининг онг-шуури ўзлигини, интеллектуал салоҳиятини тайин этаётир ва шу билан баробар, ана шу ақлий заковатни ўрганишга, таҳлил этишга асос яратаётир. Сўз санъаткорининг онг-шуури ўзининг нечоғли мавжудлигини ошкор этаркан, шахслик даражаси ҳаётини муҳит ва шарт-шароит билан кўп жиҳатдан боғлиқ намоён бўларкан.

Шухрат интеллектуал шеърятнинг ўзига хос аломатларини кўрсатиш баробарида, уч омилнинг чамбарчас уйғунлигига алоҳида диққатни қаратади. Хусусан, истеъдоднинг фаоллиги поэтик моҳиятни белгилаш баробарида, ижодий ҳолат мазмунини, етакчи хусусиятларини тажассум этади. Бу борада, асар тили ҳал қилувчи омиллардан биридир. Фалсафий асар тили алоҳида чархланган, тарашланган, ёниб турган сўзлар тизимидан ташкил топади. Оддий сўзлашув нутқи ёки публицистик қасида йўсинидан кескин фарқ қилади. Ижодий ғоя ва поэтик образлар билан узвий алоқадорликда шоирнинг муайян ҳиссий-эмоционал ҳолатини, тафаккур закосини ёритишга қаратилади. Шайхзоданинг шахсияти билан поэтик

заковати уйғун ҳолда намоён бўлганлигини “Мирзо Улуғбек”, “Жалолиддин Мангуберди” трагедиялари мисолида кўрсатади. “Шоирнинг тили юксак услубдаги адабий тил. Унда маълум даражада улуғворлик, тантанаворлик бор. Бу тил унинг фалсафий шеърларига жуда монанд, катта, кенг, чуқур масалаларни кўтаришга қўл келади. Назаримда, шоир ижодий табиатидаги бу ўзига хослик тарихнинг катта қатламларини кўтаришда унга ёрдам берганлиги, шубҳасиз. “Жалолиддин Мангуберди” ва “Мирзо Улуғбек” трагедияларининг кўпчилиги қахрамонлари билимли кишилар, улар чуқур мулоҳаза юритадилар, замон ва тарихга, ҳаётнинг катта масалаларига муносабат билдирадилар”.

Фалсафий асар ҳаёт, жамият, одамлар ва тақдирлар тўғрисида фикрлар экан, бадиий идрок ва ифода маданияти ҳам шунга монанд кечади. Теран мушоҳадакорлик ҳар бир сўзнинг замирига чўғ солиб нурлантиради. Шухрат юқорида қайд этилган мақоласида Шайхзода трагедияларининг бадиий-эстетик хусусиятларига, яратилиш тарихига, поэтик тили ва образлари психологиясига оид қимматли кузатишларини айтади: “... У Жалолиддин ёки Улуғбек ҳаётини ёзмоқ учун жуда катта тайёргарлик кўрди. Киши ҳайратда қоладиган даражада кунт билан синчиклаб ўрганди, улар ўтган ерларни қайта-қайта бориб кўрди, турли кишилар билан суҳбатлашди. Айниқса, Улуғбек образини яратиш мураккаб ва масъулиятли иш эди. Адабиётда кўп тилга олинган, талай китоблар ёзилган бу машҳур зотнинг яна бир турда, ҳали ҳеч ким қаламга олмаган фазилат ва хислатлари билан тасвирлаш, баркамол бадиий образини яратиш оғир ва завқли иш эди”.

Шухрат мулоҳазаларида Шайхзода бадииятини таъминлаган ҳаётий ҳамда психологик ҳолатлар уйғунлиги алоҳида ўрин тутаяди. Хусусан, Мирзо Улуғбекнинг фикрлаш йўсини атроф-муҳитнинг деталлаштирилган аниқ ҳолатлари, ҳаётий омиллар тиниқлиги асосида ёритилади. Характер хусусиятларини белгиловчи фазилат ва хислатлар психологиясини яратиш орқали теран мушоҳадалари табиатини акс эттириш бирламчи эканлиги таъкидланади. Ушбу омиллар Мирзо Улуғбекдек бетакрор ва беназир шахс феноменини ёритишда ҳам асос, ҳам ёрдамчи воситалар вазифасини ўтаяпти. Зеро, улар орқали Шайхзоданинг бадиий-эстетик тажрибасини ёритиш бирламчи ўрин тутаяпти. Шайхзоданинг ўз қахрамонлари ҳаёти ва тақдирига, маънавиятига бўлган муносабатни очиб бермоқда; беқиёс ижодий тажрибаси Мирзо Улуғбекнинг жамиятга, илм-фанга, тириклик тамойилларига бўлган шахс ва олим тимсолини ўзида мужассамлаштирган оламгир шахсиятини нурлантиришга хизмат қилаётир.

Шайхзоданинг ижодий изланишларини ёритиш жараёнида (бадиий тажрибанинг ўрни улуғ, самараси қутлуғ деб билади) Шухратнинг фалсафий шеърият табиати билан боғлиқ эстетик қарашлари намоёнлик топган. Шу маънода, Шухрат шеъриятни ҳаёт ҳикматини ўзида мужассамлаштирган, туйғуларни тарбияловчи, тафаккурга қувват бағишловчи юксак маънавий-интеллектуал маданият, деб билади. Воқеа-ҳодисалардан, одамлар қисматидан ибрат ва ҳикмат излаш, ана шу фалсафий мазмунни тимсоллар, образлар тилига кўчириш, ҳаёт ва тақдирлар тўғрисида, олам, одам ва жамият сир-синаотлари хусусида мутафаккирона мушоҳадаларга берилиш Шайхзода услубининг устувор хусусиятидир, деб тушунтиради. Энг муҳими, ана шу жараёнда – интеллектуал шеърият табиатини англаш баробарида, Шухратнинг ҳам ўзига хос индивидуал нуқтаи назари кўзга ташланди.

Маълумки, воқелиқдан, теварак-атрофимиздан орттирган таассуротлар, тушунчалар дастлаб хиссиётлар силсиласи тариқасида кўнглимизга кўчиб ўтади. Сўнгра эса, у онг-шууримизда фикр уйғотади, тафаккур тўфонларини кўзғайди. Шухрат “Мирзо Улуғбек” билан “Жалолиддин Мангуберди” трагедияларининг бадиий-эстетик хусусиятларига тўхталар экан, адабиётимизда ҳиссий идрокка асосланган фалсафий тафаккур маданияти устувор йўналишга айланганлигини Шайхзоданинг сўз санъати мисолида исботлайди.

Шухратнинг эстетик қарашларида бадиий ижоднинг ўқувчи онг-шуури, психологик ҳолатлари билан боғлиқ жиҳатлари катта ўрин тутаяди. Ижодкор ўзининг “Қувноқ соз” мақоласида Ҳасан Пўлат қаламига мансуб поэмаларнинг бадиий хусусиятлари ҳақида фикр юритаркан, даврнинг маънавий эҳтиёжларига жавоб излаш, замоннинг ижтимоий талаблари қорига яраш сингари омилларни асос сифатида кўрсатади. “Шу боисдан поэма (“Жанговар”) уруш арафасидаги яхши асарлардан бири бўлиб қолди. Унинг жанговар руҳи китобхонни ҳаяжонлантиради, ҳушёрликка чақиради. Чинакам ижоднинг вазифаларидан бири ҳам шу бўлса керак”.

Агар, эътибор берсак, Шухрат қарашлари асар нафосати билан бадииятини белгиловчи туйғу-тафаккур уйғунлиги масаласига келиб тақалаяпти. Жисм-ашёллар, мавжудот ернинг тортиш кучидан узилмагани сингари кечинмалар ҳақиқати билан фикр-тафаккур салоҳияти

яхлит бир вужудга айланиб кетади. Бири иккинчисини инкор этмаган ҳолда, қаҳрамон руҳияти билан у яшаган жамият психологияси вобаста очишга қаратилади. Бу борада, Шухрат “Бизнинг домла” мақоласида “Сароб” асарининг бадиий тароватини таъминлаган тил хусусиятларига доир Абдулла Қодирий билан Чўлпон суҳбатини келтиради. “Худди шу кунларда катта проза асарларига эълон қилинган танлов якунланган, “Сароб” романи иккинчи мукофотни олган, “Кеча ва кундуз” билан “Обид кетмон” шундайгина тақдирланган кез эди. Шунинг учун бўлса керак, бу икки улкан ёзувчининг суҳбати мусобақалашган китоблар устида борарди. Абдулла Қодирий “Сароб”нинг тилини мақтаб келиб, “тили жуда яхши шиб-баланган, нам ўтмайди”, деган эди. Чўлпон ҳам уни қувватлаб тўлдирди. “Тилига шак йўқ, жуда пухта. Ҳар сўзни алоҳида жойига михлайди. Образлари-чи? Яхши ишланган. Лекин тилида сал курғоқлик борга ўхшайди. Хотин-қизларга хос нозикликни ифодалашда майинлик ва нафосат етмаётгандай”. “Менимча, – деди Абдулла Қодирий, – адиб сиз кутган кўтаринки услубдан кетмас. Унда танқид ва фош этиш кучли бўлади. Услуби юморга мойил”.

Бадиий тил зарофати Абдулла Қаҳҳор истеъдодининг олмос қирраларидан бири тариқасида таҳлил этилади. Айниқса, унинг ижодий лабораториясида тил бебаҳо хазинадир, дейди адиб. “Абдулла ака тили нақадар бой ва ширали, нақадар табиий ва жонли, нақадар ранг-баранг ва мусиқий. Абдулла аканинг асар тили устида жуда оғир, узок, машаққатли иш олиб боришини биламиз. Бир асарни қоғозга тушуриб олишидан кўра, унинг пардози, сайқалига кўпроқ вақти кетади. Асарга жило беришда тоқатли, инсофли заргардай эринмайди, толмайди, пешона терини аямайди. Ана шундай зўр кунт, фил бардоши билан чекилган захматгина Абдулла Қаҳҳорни замондош ёзувчиларимизнинг пешқадамлари қаторига, устозлар даврасига олиб чиқди”, – деб ёзади Шухрат.

Кўринадик, воқеликни, инсон руҳиятини реалистик идрок ва ифода этишда ҳиссий тафаккурдан сизиб чиқувчи туйғу маданияти бирламчи ўрин тутади. Реализм, аввало, туйғу билан тафаккурнинг юксак омехталиги, синтези самарасидир. Ҳақ ва ҳақиқатга етишишнинг воситаларидан биридир. Ижтимоий воқелик билан боғлиқликдаги мавзу-мундарижа, сўз санъаткорининг олам ва одам сир-синаотларига муносабатидаги маънавий-интеллектуал қадриятлар Шухрат эстетик қарашларининг мағзини ташкил этади. Шеърининг, сўз санъатининг инсон эҳтиёжларини қондиришдан, манфаатларини қадрлашдан ортиқ вазифаси йўқ. Интеллектуал инсон – табиат ва жамият ҳақидаги тафаккур маданиятининг энг баланд ҳолати. Рамзларга, бадиий шартлиликка, тимсолларга таянган фикрлаш тарзи туйғулар реаллигига, ҳаёт ҳақиқатига етишиш, кўриш ҳам кўрсатиш воситаларидир.

Шухратнинг қатъий ишончига кўра, дунёни тушуниш ҳамда тушунтиришда ҳиссий-эмоционал идрок бош омил ҳисобланади. Туйғу фикрни уйғотади, такомиллаштиради, эзгулик, адолат, гўзаллик мақомидаги маънавий-ахлоқий қадриятларни ёқловчи тафаккур маданияти тарзида қиёмига етказидади. У билим, ижтимоий-фалсафий фикр тариқасида зоҳир бўлади. Шоир туйғу-тафаккурнинг қули ҳам, ҳукмдори ҳам эмас. Фақат туйғу-тафаккурлар ҳақиқатини рўёбга чиқарувчи, бир умр кўнглига эктивор келтириб яшаган, унинг ройишлари билан истакларини амалга оширувчи фидойи бир шахс. Шу маънода, шоир ҳеч қачон ўз кўнглини енголмайди. Кўнглига фармойиш ҳам беролмайди. Унинг буюклигию ожизлиги ҳам шунда.

Шухрат эстетикасида кўнгил эрки масаласи ғоят кенг ва рангин қирраларда воқе бўлади. Бадиий асар табиати, ижод психологияси, адабий жараён тамойиллари билан омехта кузатилгани боисдан у образлар қатимиға, сўз санъаткорининг тафаккур тарзига, ижодий индивидуаллигига синдириб юборилади. Айнан ана шу қалбга “мутелик” ошноликка айланиб, ҳамкор-ҳамнафас ҳолатида инсон қувончлари ва дард-аламларини ифодалайди: ҳаёт, инсон, жамият ҳақидаги теран мушоадалар тусини олади. Сўз санъати намуналари шу тариқа қадриятлар мақомига эга бўлади: фалсафий, ахлоқий-маърифий мазмун-моҳияти билан ижтимоий аҳамият касб этади, эстетик ҳодисага айланади.

Фалсафий лирикада табиат тимсоллари

Агар, чиғаноқни қулоғингизга тутсангиз ундан уммоннинг долғали шиддатнок ғузури эшитилади. Улкан сўз санъаткорларининг нафақат мақолалари, суҳбатлари, интервьюлари, шунингдек, шеърлари, поэмалари, қиссалари романларидан ҳам адабий-эстетик қарашларининг эпкинни уфуриб туради. Бадиий сўзларига қулоқ тутар, адабий қаҳрамонлари эътирофларини тинглар эканмиз, катта ижодкорларнинг шахс ва санъаткорлик маснадини белгилаб берувчи дунёқараши, ижодий идеали ва эътиқоди уларнинг қалбига сингиб кет-

ганлигидан воқиф бўламиз. Шу боисдан ҳам ижодкорларнинг фикр-мушоҳадлари, адабий қаҳрамонларининг ўй-кечинмалари ёлғиз дил эътирофлари эмас, аслида, улар бизнинг замондошларимиз ҳисобланади.

Ана шу мазмун-моҳиятга кўра нафис сўз санъати вужудга келган кўҳна замонлардан бери лирика олам билан одамни бадиий-эстетик ўрганишдаги ингичка салоҳияти билан бадиий маданиятимиз тарихида салмоқли ўрин тутди. Лирика ҳиссий нафосати, фикрий теранлиги боис, адабиётнинг бошқа турлари силсиласида нуфузи ўзгача. У олам билан одам юрагини забт этган кечинмалару мушоҳадалар уйғунлигида юзага келган объектив моҳияти билан гўзал. Шу боис, халқимизнинг маънавий ҳаётини, шахснинг фикрий-ҳиссий камолотини, миллатнинг ижтимоий-маданий тараққиётини баркамол лирика асарларисиз тасаввур этиш қийин.

Шухрат лирикасида ҳам мазкур ёруғ хусусиятлар устувор. Бадиий тафаккур табиатидаги сифат ўзгаришлари ўзига хос бадиий шакллари (иккилик, тўртлик, олтилик, саккизлик сингари) жанр (баллада, поэма, эртак) ва ифода усуллари хилма-хиллигини тақозо этади. Ҳар бир авлод шоирларининг образлар тизими бир-бирига ўхшамаганидек сўз санъаткорларининг лирик қаҳрамонлари ҳам ҳар бир шеърда бетакрор йўсинда фикрлайди. Ушбу ҳол ҳар бир ижодкор авлодининг бадиият тарихидаги ўзлик қиёфасини белгилаб бериш баробарида, шоирларнинг индивидуал дунёсини ҳам тайин этади. Олам сир-синаотларини, инсон руҳияти иқлимларини теран идрок этиш борасида Шухрат тинимсиз бадиий изланишлар олиб борганлигидан далолат беради.

Куш қанотидаги майда патлари катта патларига қанчалик мададкор бўлса, ҳар бир ижодкор бадииятидаги янги нуқтаи назар, тушунча ва талқинлар бадиий тафаккурнинг ёруғлик даражасини оширади, янги-янги идрок поғоналарига кўтаради. Шу маънода, бадиий тафаккур моҳиятан ҳамшиша янгиланишга мойил. Бу нарса унинг ўзгарувчан табиатидаги ўзгармас боқий хусусиятидир. Шухрат лирикаси жанрларининг бойлиги, ранг-баранг шаклий изланишлар илдизи ана шу заминдан – ҳаётни, инсонни янгича тушуниш ҳамда ташунтиришдан озиқланади. Табиат ва жамият ҳодисаларини, инсон сир-синаотларини фалсафий тадқиқ этишга мойиллик самарасида сонет, рубоий сингари аъъанавий жанрлар, иккилик, тўртлик, фард, олтилик, саккизлик, ўнлик сингари поэтик шакллар Шухрат ижодидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Бадиий тафаккур табиатидаги сифат ўзгаришлари шоир шеърятининг эстетик ифода имкониятларини бойитди. Хилма-хил поэтик жанрлар ва шеърый шакллар ҳисобига Шухрат фалсафий лирикаси канораларини кенгайтириб юборди.

Бақо ва фано, ёруғлик ва зулмат, эзулик ва ёвузлик сингари боқий масалалар Шухрат лирикасига янги нуқтаи назарлар, бадиий талқинлар, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-маърифий хулосалар, янги умумлашма фикрлар олиб келди. Воқеликни янгича эстетик ўзлаштириш, табиийки, Шухрат шеърятинида янги йўналишларни вужудга келтирди.

Шухратнинг бадиий тафаккур тарзида халқона ҳикмат хис-туйғу ва фикрнинг омихта синтезидан сизиб чиқади. Бу борада, тахайюллар асосига қурилган образлилик устувор. Хусусан, ижтимоий воқелик юзага келтирган, табиат ҳодисалари уйғотган бадиий фикр лирик қаҳрамоннинг кўнгил чиғиригидан ўтади, туйғу-кечинмаларини ўзига сингдиради, онг-шуурида муайян поэтик образ сифатида шакллангач, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-тарбиявий маъно касб этган ҳолда теран мушоҳадакорлик ҳосиласига айланади. У бир йўла ўқувчи кўнглида ҳам фикр гулларини ундиради, халқона ҳикматнинг гўзал намуналари сифатида кўз очади:

*Сен болта урасан, бечора дарахт
Бир чўчиб, бағрига кетар зирқироқ.
Сен ундан ўзинга бунёд этсанг бахт,
У эса мангуға кўз юмар бироқ.*

Бадиий фикр тарбиявий-маърифий моҳияти билан юзага чиқаётир. Хусусан, кимнингдир иқболи бировларнинг заволи эвазига бўлмаслиги лозим, деган маъно етакчи. Яна, гўзаллиқни ҳимоя қилиш ҳақиқатни қарор топтириш билан вобаста намоён бўлади, деган ибратни ҳам англаш мумкин. Умуман, шоирнинг табиат ва инсон талқинидаги шеърларида (“Боғ ичидан қараб ўтдинг”, “Инжунинг таърифи бир олам”, “Шу тупроқнинг қулоғиман, кўзиман”, “Мен сенинг номингни тошга ўйибман”, “Сен сувга тош отдинг, балиққа теғди”, “Ўчоқни қазибсан, энди олов ёқ”) она юрт манзараларидан ҳикмат ўқиш, ибрат олиш баробарида, инсонсеварлик, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялайди. Янаям муҳими,

Ўзбекистон табиати халқимизнинг юксак ахлоқий-гуманистик қарашлари билан боғлиқ талқин этилади. Уларда шоир лирикасидаги она юрт образини белгиллаган, кечинмаларга тўйинган, фикрга бой маъноли бўёқлар ёрқин ифодасини топган:

*Ўчоқни қазибсан, энди олов ёқ,
Устига ос, дўстим, тоза бир қозон.
Бўлмаса нимага қазидинг, ўртоқ,
Нимага керакдир бу чанг, бу тўзон.*

Ёки:

*Субутсиз сўзини тонгги туман бил,
Ё кўприк ўрнига солинган бир қил.
Туманнинг ҳаёти қуёш чиққунча,
Қил ҳоли маълумдир чиқса агар фил.*

Шуҳратнинг интеллектуал лирикасида фалсафий маъно табиат образлари – деталлар рангдорлиги ва бўёқлар замиридан балқиб туради, бадииятни таъминловчи хос хусусиятга айланади. Бу, шоир эстетик қарашларининг зоҳир бўлишида табиат унсурлари инсоний хислат-фазилатлар касб этаётир, шоирнинг олам ва одам сир-синаотларини тушуниш ҳамда тушунтиришдаги ўзига хос нуқтаи назарлари тизимини белгилаётир.

Шуҳрат табиатнинг сирдош куйчиси дейиш камлик қилади. Табиат шоир учун боқий бемисол устоз. Яна, ибрат, ҳикмат ва ҳақиқат тимсоли. Она ўлка табиати, Ўзбекистон тупроғи шоир кўнглига сўз сеҳри ва меҳрини сингдирди, адиблик зуваласини пишитиб, камол топирди.

Шуҳрат эстетикасида ҳар бир сўз қанотли, рамзли. Осмону фалақда қушлар парвозию булутлар ҳаёли эмас, одамларнинг табиат, жамият, дунё ҳақидаги тасаввур ва тушунчалари ғужғон ўйнайди. Офтоб қозонида қайнайди. Дарахтларнинг кўм-кўк булут шаклини олган фикр-ўйлари нималарнидир айтишликка ошиқиб энтикади. Қалдирғочлар толиқиб симёғочларга, ток сўриларининг ёғоч бағазларига эмас, шоирнинг киприқларига келиб кўнади. Бўғотлардан чак-чак томган томчилар баҳорнинг кўзёшлари эмас, улар дарёлару кўлларнинг, уммонларнинг уруғи. Хурмонинг кўм-кўк шапалоқ баргларида сизиб оққан симсим томчилар, аслида, осмоннинг ерга айтмоқчи бўлган сўзлари. Юлдузларнинг товушлари, офтобнинг эриб сувга айланган, силқиган хотиралари.

Ёмғир томчилари ҳам кўкни ер билан боғлайди. Кўнгилларни барру баҳрларга улайди. Ёмғирдан кейин томчилар ойдин тиниқликни, ёруғ бокираликни, нурли мусаффоликни бошлаб келади. Ер гуллайди. Осмон гуллайди. Олам ёмғир бўйларига тўлиб кетади. Худди тунлар оғушида тонглар бўй кўрсатганидек, тунлар бағрида ёруғлик гуллагани мисоли.

Тимсоллар Шуҳрат поэтикасида сўз-образлар, қиёслар, ишоралар тизимидан иборат рангин бир олам. Ана шу ғоят турфа образли тахайюллар орқали акс этган маънолар дарахти у. Қалбнинг тўрт фасли шабадалари ошён қурган. Шу боисдан ҳам биз унга ҳаммиша таппинамиз, баҳра оламиз.

*Сен қорда изингни мағрур кўрсатиб,
Дедингки, муҳрдек ёнишига боқ.
Исмими қор эмас, тошга нақш этиб,
Хокисор юрганлар бордир, эй ўртоқ.*

Ушбу сатрларда ифодаланган ҳар икки ҳолат ҳам фикрляпти. Бургут билан илоннинг хатти-ҳаракатига рамзли маъно юклаш орқали шоир табиатдан ибрат олишга, ҳикматли маъно ўқишга ундайди. Мазкур хусусият Шуҳрат шеърлятида тасвирий санъатнинг таъсири самарали ва салмоқли кечганлигидан далолат беради. Аслида, тасвирий санъат – ҳистуйғуларнинг ифода маданиятидир. У Шуҳратнинг шеърлий шакллардаги изланишларида фалсафий мушоҳадакорликни акс эттиришига кўра, алоҳида йўналишга айланган.

Шуҳрат тўртликларида лирик қаҳрамоннинг психологик ҳолати, кайфияти ва кечинмаларини суратлантириш тимсолнинг муҳим белгиларидан бири сифатида бўй кўрсатади. (“Нурдан ўз қалбинг бебаҳра экан, кўксинга таққанинг гул эмас, тикан”; “Тулкилар минбарда нутқ сўзлаганда, Лозимдир хўрозлар ҳушёр тортиши”; “Бу умр нодонга беқиёс узун, Донога туянинг думидек қисқа”; “Қатикнинг юзини ёғ босса агар, “Хўп яхши бўпти!” – қувонар онам. Дўстларнинг кўзини ёғ босса агар, фарёдки, ғафлатда қолибди олам”; “Сен кеккайма!

Кеккайган қамиш бўйра бўлиб ётар, ана боқ! Эзғиласа кўксини оёқ, эшитилар ҳасрату нолиш” сингари). Мазкур тасвирларда шоирнинг оҳорли бадиий-фалсафий, ахлоқий фикрлари табиат бўёқлари ва рангларига сингдириб юборилган. Бу – тасвирий санъатнинг самарасидир. Шеърга кўчиб ўтган ранглар фалсафасидир. Табиат унсурларининг шоир шеърларига инсонийлашган маъноли ҳолат ва кечинмалари тасвири бизни ўйга толдиради, мушоҳадакорликка ундайди. Зеро, тасвир тимсолга, ранглар тафаккурга айланади. “Ўтган умр...”, “Ирмоқ оқар...”, “Баҳорнинг кўрки бор...”, “Куз ҳам келди, япроқлар...”, “Кечқурун шафақни ўғирлаб...” каби тўртликлари шу жиҳатдан эътиборли.

*Ўтган умр – куйган кўмир,
Эсга тушса кўнглим хира:
Куйдирмайди, ёндирмайди,
Фақат қилар кўлни қора.*

Бу – бенаф кечган умрнинг оғриғи. У куйган кўмир сингари қора, олқинди. Ваҳоланки, алангалар ҳосил қилиб ёниши ҳам мумкин эди. Узидан бозиллаган, ловуллаган чўғ қолдирарди. Не тонгки, у шундай муҳитга тушиб қолди, оқибатда, ёна олмади, гуруллаб билмади. Шу боисдан ҳам лирик қаҳрамоннинг кўнгли хира. Бу, аслида, эрка талпинган ва сўнган ниятнинг ўлими, хурликка интилган ёруғ умиднинг алал-оқибат қора кўмирга айланган қисмати. У ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундайди. Фақат ўй суриш билан кифояланмасликка, фаолликка даъват этади (“Бир онлик иш билан оламда, номини умрбод қолдирганлар бор”).

Шуҳрат лирикасида табиат талқини орқали намоён бўлган муҳим тамойиллардан яна бири, бу – маънавий-ахлоқий қадриятларни қадрлаш ва шу асосда, халқона ҳикматга йўғрилган ибратли фикрларни айтишдир. Хусусан, тўртлик, олтилик, саккизлик, ўнлик сингари шеърини шакллардаги табиат ва инсон талқинларида, пейзаж лирикасида ана шу хусусиятлар етакчи. Дўстликка, меҳрга, севги-муҳаббат сингари қадриятлар қадрсизланаётганидан, хиёнат болалаб кетаётганидан қаттиқ ўкинади. Бу хил маънавий-ахлоқий қашшоқлик оқибатлари жамият руҳиятига, интеллектуал асосларига раҳна солади, дея ёзғиради. Шоирнинг лирик қаҳрамони самимийлик, ишонч-оқибат, олижаноблик, эзгулик сингари беназир қадриятлар тобора тақчил бўлиб бораётганидан изтироб чекади.

Шуҳратнинг пейзаж лирикасидаги табиат ва инсон талқинларида умумбашарий маъно касб этган гўзал бадиият намуналари яратилди. Шахснинг табиатга муносабати жамиятнинг маънавий-интеллектуал маданияти билан узвий боғлиқликда ёритилади. Боқий масалаларга муносабатда фаол ўзбекона нуқтаи назар юксак ватанпарварлик туйғуларининг ўғунлигини юзага келтиради.

Шуҳратнинг “... шеърлари камсўз, пойдор, халқчил доноликка мойил, – деб ёзади Асқад Мухтор. – Китобларининг катта қисмини кичик жанрдаги лирик мулоҳазалар, саккизликлар, тўртликлар ташкил қилади. Ихчам, афористик ифодага интилиш, умр мазмуни, одамнинг ҳаётдаги ўрни, изи, ёшлик, кексалик, вақт ва мангулик ҳақидаги фикр ҳамда ҳаётини тажрибаларни айтиб олишга интилиш, ҳаракат қилиш унинг бутун ижодига поэтик бир ўйчанлик руҳини бағишлайди. Поэзиянинг бу турида ишлашнинг ўз қийинчиликлари бор. Унда шоирни ҳар қадамда дидактикага, насиҳатгўйликка берилиб кетиш хавфи пойлаб туради”.

Шуҳрат шеърини шакллар борасидаги изланишлари, хусусан, тўртликларининг эстетик табиати ҳақида ёзади: “Ёзувчи ... бошқалардан фарқли ўлароқ ҳаётни ижодкорга хос кўз билан кўради. Ижодкорга хос қалб билан ҳис этади. Наинки ҳаётни ўзига хос кўради ва ижод этади. Ҳатто уни ўзига хос йўл билан таҳлил қилади. Ўз муносабатини билдиради. Ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашади. Шу таҳлил ва муносабатларининг тўғрилигига кенг китобхон оммасини ишонтириши, унинг қалбини ҳаяжонга солиши, завқлантириши, эзгуликка меҳр, қабихликка қаҳр уйғотиши керак. Уни янги нурли чўққиларга чорлаши, юрагига куч-ғайрат бахш этиши лозим. Қабихликка қарши ўт очишга олантириши керак.

Шеър эса, ана шу ижодкор ниятларини ифодалашда шаклга солинган ҳис-туйғу ва фикрлардир. Унинг ўз мусикаси, қонун-қоидаси ва тартиботи бор... Тўртликдаги ихчамлик, фикрларни лўнда қилиб айтиш менга ёқиб қолди. Лекин булар рубоийлар эмас. Ҳамма тўртлик рубоий бўлавермаганидек, ҳамма рубоий ҳам тўртликдан юқори эмас. Мен рубоийнинг анъанавий қатъий шаклини сақлаб ўтирмадим, ўзимни эркинроқ тутиб, қофиялаш тартибини фикр-ҳиснинг оқиб келишига қараб тузатавердим”.

Табиат – жамият – инсон ўртасидаги алоқаларни бадиий тадқиқ этишда Шуҳратга ик-

килик, тўртлик, оптилик, саккизлик сингари поэтик шакллар кўпроқ қўл келади. Зеро, дунёни тушуниш ҳамда тушунтиришдаги халқона ҳикматга мойиллик шоирга фалсафий маънодорликни ўзида тажассум этган ана шу шаклларга кўпроқ мурожаат этишни тақозо қилган.

Шу ўринда, ғоят нозик бир жиҳат бор. Хусусан, ижодкорнинг фаол нуқтаи назари билан давр ғояларини, актуаллик билан ҳозиржавобликни ўзаро фарқлаб олиш, бир-бирига чоғиштириб юбормаслик жоиз кўринади.

Ижодкор, аввало, ўз даврининг фаол фуқароси, ўз халқининг фарзанди. Даврнинг долзарб муаммоларига муносабат билдириш баробарида миллат ва Ватан манфаатларини ҳимоя қилади.

Шуҳрат шеъриятидаги бадиий-эстетик талқинларда табиатнинг оёқ ости этилиши, бу – инсонийликнинг путурдан кетиши, интеллектуал масъулиятга куя тушиши, ахлоқсизликнинг бетийиқлиги оқибатидир, деган концепция етакчилик қилади. Бу – умумбашарий оғриқ мундарижасини тайин этади.

Шу маънода, Шуҳратнинг эстетик ғоялари табиат ва инсон талқинидаги асарларида ёрқин тажассум топганлигини кузатишимиз мумкин. Зеро, улар бадииятнинг тансиқ намуналари сифатида ҳозиржавобликни, актуаллик билан умумбашарийликни чалкаштириб юбормасликни ҳам эслатиб туради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Шуҳратнинг пейзаж лирикасида табиат-жамият-инсон талқини орқали намоён бўлган етакчи тамойиллардан бири, бу – ҳаётни, гўзалликни улғулаш орқали хунукликка қарши курашдир. Турмушдаги иллатларни, одамлар феъли-фаолиятидаги ноқислик кўринишларини бартараф этишга даъват алоҳида йўналиш касб этган. Иккинчидан, табиатга зуғум, табиатни оёқ ости қилиш инсон маънавиятининг қашшоқланиши оқибатлари тариқасида кўрсатилади. Учунчидан, табиатнинг тенгсиз ва мукамал нафосатидан онгли баҳрамандлик инсоннинг ақлий савияси билан ахлоқий маданиятини англатувчи устувор мезонлардир, дея баҳоланади. Шахслик маснадини, комиллик даражасини билдирувчи омиллар сирасидандир, дейилади.

Демак, Шуҳратнинг адабий тажрибаси орқали эстетик ва ахлоқий қарашларининг етакчи жиҳатларидан воқиф топамиз. Илло, мазкур хусусиятлар шеъримиз табиатида кечган сифат ўзгаришларидан ҳам воқиф этади. Биринчидан, Шуҳратнинг поэтик изланишларида фаол фуқаролик руҳи гўзалликни ҳис этиш, ардоқлаш ва қадрлаш туйғуси билан омихталикда намоён бўлди. Бу – замондошларимизда фаол нуқтаи назарни шакллантириш билан баробар, эстетик дидини тарбиялашга, такомиллаштиришга ҳам хизмат қилди. Мазкур жиҳатлар келажак насларнинг маънавий-интеллектуал савиясини юксалтиришга, эстетик тарбиялашга, табиатнинг гўзалликларини, маънавиятнинг ҳақиқатни қарор топтиришга қаратилган моҳиятини асраб-авайлашга даъват этаётир.

Иккинчидан, шоир шеърияти табиатни ўксинтиришга қарши исён орқали шахснинг табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларидан халқона ҳикматга йўғрилган ибрат билан ижтимоий маъно излаш, топиш ва образлар тилига кўчириш устувор. Ва, алал-моҳиятан шахс маънавий маданиятини бойитишга, камол топтиришга хизмат қилаётир. Долзарб масалаларга бадиий жавоб излаш воситасида келажак авлодларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига қаратилган бадиий-фалсафий фикр илгари сурилади. Мазкур фазилатлар шеъримизда ижтимоий тадқиқотчилик маданияти юксалиб бораётганлигининг тасдиғидир. Табиат нафосати жамият маънавиятини янада гўзаллаштиришига йўналтирилган моҳияти билан нуфузlidir. Шуҳрат бадииятининг ижтимоий-эстетик аҳамияти ҳам ана шунда.



Марҳабо ҚҶЧҚОРОВА,
филология фанлари номзоди

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА РАМЗ ВА МЕТАФОРА

Ҳозирги ўзбек ҳикоя ва қиссачилигида Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Собир Ўнар, Абдуқоюм Йўлдош, Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдам, Зулфия Қуролбой қизи сингари ижодкорлар қалам тебратилмоқда. Улар яратган ҳикоя ва қисса намуналари ҳам услуб, ҳам шакл жиҳатидан ўзгариб бормоқда.

Хусусан, ўзбек ҳикоячилиги икки хил услубий йўналишда ривожланаётганлигини кузатиш мумкин: анъанавий реалистик ва модернистик. Замонавий ўзбек ёзувчилари устоз ўзбек ҳикоянависларининг, шунингдек, жаҳон ҳикоячилиги ижодий тажрибалари билан, рамзий-мажозий образлар ва услуб жиҳатдан Ғарб адабиётига хос модернистик шакл ва усуллардан кенг фойдаланишиб, ҳикоячиликда янгича бадиий-эстетик янгиланишлар яшашмоқда. Уларда қаҳрамон руҳиятига янада чуқур кириш, бадиий психологизмнинг янгича тасвирий воситалари бўлган адабий галлюцинация, иллюзия сингари тасвирлар, янгича рамзий-психологик тимсоллар яратиш, ҳатто ёзувчи фантазияси билан яратилган бадиий-романтик тўқима образлар талқини ҳам учрайди.

Шу маънода, сўнгги ўн йиллик ўзбек ҳикоячилигида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Безор қушнинг қарғиши”, Собир Ўнарнинг “Чамбилбейнинг ойдаласи”, Назар Эшонқулнинг “Ялпиз хиди”, Абдуқоюм Йўлдошнинг “Бир тун ва бир умр”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Узоқдаги Дилнура” номли қисса ва ҳикояларидан жамланган китоблари эътиборга лойиқ.

Бинобарин, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жим ўтирган одам” ҳикоясида битта илмий институтда қирқ йил хизмат қилган олим – Қурбоналининг ҳаёти, хусусан, унинг писмиқ характери, яъни, кўриб, билиб туриб, билмаганликка олиш каби жамиятимизда кун кечираётган шахсларга хос лоқайдлик ижтимоий салбий иллати бадиий муҳокама этилади. Ҳикоя қаҳрамони Қурбонали, аслида, ҳаётининг биринчи қисмида ботир, гапга чечан эди. Аммо ҳаётининг иккинчи қисмида худди отаси каби, падари васият этиб кетганидек, тилига қулф солиб, жим яшайди. Бинобарин, Қурбоналининг одамови, ажабтовур характерини ҳикоя матнида муаллиф ўз баёни воситасида шундай тасвирлайди: *“Қитмирлигим, писмиқлигим тутганида у ҳеч бир мўминнинг етти ухлаб тушига кирмаган қилиқларни ўйлаб топади. Дейлик, уйдан чиққач, рўпарасидан таниш-билиш яқинлашаётганини кўрган заҳоти кўзини чирт юмиб, йўлда давом этаверади. Йўл беш қўлдай маълум – на қоқилади, на суқилади. Бетма-бет келган таниш эса ҳайрон саломлашайми-ўйқми, дея бир қарорга келгунча Қурбонали бекатга етиб улгуради. Қилиғидан ўзи мутаассир бўлиб мириқиб ... ичида кулади. Ҳа, бу инсон ичида кулиб, ичида қувониб, ичида хуноб бўлишни, нимаики бўлмасин, барини ичига ютиш санъатини мукамал эгаллаган”. Ҳикояда баён этилаётган онаси вафоти билан ўтказилган Илбсвойникидаги (Қурбоналининг кўшниси) худойи маърака, таъзияга келган чолларнинг гурунги, бу баҳсга ўзгача талқин берган номаълум шахснинг деярли ҳар куни ҳикоя қаҳрамони олдидан чиқиб, маъракадаги воқеани эслатиш орқали, гўёки, рамзий маънода, жамиятда олимлик мақомини олгану аммо одамийлик мақомига эриша олмаган Қурбоналининг фожиавий ҳаёти муҳокама этилади. Қурбонали ҳар куни кутилмаганда олдидан чиқиб, маъракадаги воқеани эслатувчи бу кишини “Кимсан” деб атайди. Бизнингча, ёзувчи бу образга ҳикоя қаҳрамони Қурбонали тили ва нигоҳи билан “Кимсан” деб исм берар экан, мазкур ифодада ҳам ҳикоянависнинг муайян бадиий мақсади ниш бериб турибди. Назаримизда, Кимсан образи ҳикоянинг бош қаҳрамони Қурбоналига, унинг бутун бошли ҳаётига, ҳаётини аъмолига, қирқ йиллик илмий фаолиятига “Сен ўзи кимсан?”, “Бу дунёда яшаб, умринг поёнига етганида ўзинга савол бериб кўр-чи, сен нимага интилдинг? Нимага эришдинг? Нимани ютқаздинг?” – деган бир қатор залворли саволларни ўртага ташлаётгандек таассурот уйғотади. Демак, Кимсан ҳикоя сюжетини ва унинг муҳим композицион ғоясини шакллантирувчи аниқ мақсадли, мантқиқли образ саналади.*

Шу боис, ҳикояда атай ўйлаб топилган топилдиқ образ “Кимсан” асар бадиий ғоясини очишда очқич ҳисобланади. Кимсаннинг луқмали гап-сўзларидан, чунончи, “жим ўтирган одам энг хавфли одам”, деган ҳукм-хулосасидан сўнг, Қурбонали оёғи куйган товукдек типирчилаб, виждони азобда қолади. Қурбонали қандай фан соҳаси билан шуғулланган, қандай илмий кашфиёт қилди каби тафсилотларга ёзувчи мутлақо тўхталмайди. Асарда

илгари сурилаётган иккита муҳим ғоя ўсимликнинг ўқ томири сингари кўриниш бериб турибди. Биринчидан, Қурбонали ҳаёти мисолида: “Олим бўлиш осон, аммо одам бўлиш қийин”, деган жайдари бир халқона фалсафа кўрсатиб берилади.

Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоя қаҳрамонлари исмига (Қурбонали, Кимсан, Қуролбой, Тўлаш тараша, Илёсвой, Одилхон ювощ) ва маъракадаги: “Илмли киши қандай хусусиятларга эга бўлмоғи лозим?” деган баҳсли мунозарага ҳам миллий, ҳам фалсафий-рамзий маъно юклайди.

Энг муҳими, ҳикояда миллатнинг тили қулф бўлиб қолишига сабаб бўлган шўро даври, ҳатто ўз дини ва эътиқодини баралла айта олишдан ҳам қўрқадиган халқ фожиаси Қурбонали ва унинг отаси ҳаёти мисолида ва институт раҳбари гап-сўзлари орқали бадий тасвирда акс эттирилади. Таъмирталаб бўлиб қолган идоранинг зинаси Қурбоналининг ташаббуси билан цемент қилинади, сўнгра, жамиятдаги ижтимоий ўзгаришдан сўнг оддий цемент зиналар томигача мармардан қилинади. Мазкур тасвирларда, хусусан, Қурбоналининг идорадоши Одилхон ювощнинг қуйидаги гап-сўзлариданок, зиёли шахсининг нақадар қашшоқона ҳаёт кечириётганидан воқиф бўламиз: “– Қурбон ака, – деди кўзини чимириб. Кўзойнагига кўрсаткич бармоғини нуқди. Сўнг ғоятда махфий янгиликни ошкор қилаётган одамдек, бўзрайиб туриб шипшиди: – Зина қолиб, девору томларгача мармар қопланиб кетдию, саккиз йилдан бери ойнакни бутлолмайман!..” Жамиятда чиройли, замонавий бинолар қад ростлаши ва улар, шубҳасиз, инсониятга хизмат қилиши давлатнинг тараққий этганлигидан нишона. Аммо ишхонадаги мармар зиналарнинг совуқлиги, ялтироқлиги ва тойқоқлиги сингари инсон ҳис-туйғулари ҳам совуқлашиб, бадбинлашиб, одамовлашиб кетмоғи асло ижобий хусусият эмас. “Жим ўтирган одам” ҳикоясидаги иккинчи ўқ чизиқ – мармар зиналар қайсидир маънода ҳикояда инсонларга хос “усти ялтироқ, ичи қалтироқ” инсонларнинг рамзий тимсоли маъносини бадий ифодалаган.

Замон кундан-кун шиддаткор, янгича ахборот технологияга, янги маълумотларни тез ўзлаштириб, жадал ҳаётга татбиқ эта оладиган уддабурон ёшларга, шахсларга муҳтож. Энди бундай тезкор жамиятда Одилхон ювощ сингари шахслар яхши ҳаёт кечиришга қодир эмас. Чунки тузум, жамият ва замона зайли ўзгарди. Ҳикоя қаҳрамони Қурбонали Одилхон ювощнинг қўли қалталиги сабабини замонадан эмас, ўзидан кўради: “Кўзойнагинг дарз кетибди-ю, мабодо кўзинг ситилиб оқсаям араванени ўзинг, ўз қўлинг билан судрайдиган замон келганига қанча бўлди, сўтак! Эпласанг – судра араванени, кўчани бошингга кўтариб судра, эпласанг – эгамнинг даргоҳи бепоён!..” Қурбоналининг ички монологи орқали ифодаланган фикрларидан аён бўлмоқдаки, у замондан орқада қолиб кетган қоқоқ одам ҳам эмас, у фикрлай олади, баҳолай олади, лекин дилидаги гапини тилига чиқармайди. Унинг энг катта нуқсони шу. Зеро, юқоридаги қаҳрамон ички монологида у саккиз йилдан бери дарз кетган кўзойнагини янгилай олмаётган касбдошининг шундай юришига эътироз билдириб: “Эпласанг – судра аравангни... эпласанг – эгамнинг даргоҳи бепоён!..” – дея Одилхон ювощни ўлимга маҳкум этиб, уни аёвсиз танқид этади.

Бесуяк тили туфайли Қурбоналининг беғуноҳ отаси икки мартаба қамалиб чиққан. Шу боис, отаси қалбига чўккан кўрқув ваҳимаси, оғиз ичидаги бир парча этни душман сифатида талқин этиш принципи бора-бора фарзанд юрагини ҳам забт этади. Гўёки, кўрқув – наслий-ирсий касаллик каби авлоддан-авлодга ўтиб, забонсизлик, тилини ичига ютиб яшаш санъатини эгаллаган қаҳрамоннинг оилавий шажараси кўз олдимизда гавдаланади.

Қурбонали эҳтиёткорликда, тилни беҳуда валдиратмасликка шу даражада берилиб кетадики, натижада, у одамови, инсоний сифатлардан маҳрум бўлиб қолган аянчли қиёфага тушиб қолади. Адиб Қурбонали образини сатирик образ даражасига олиб чиқиб тасвирлайди: “Бундай дамларда Қурбонали ич-ичидан ҳоҳолаб кулади. Кулади-ю, сиртига чиқармайди, шундай шодумон ҳолатида ҳам қовоғи солиқ, сипо, вазмин ва беозор қиёфасига содиқ қолади. Қиёфа қанчалик тўнг бўлса, ҳуда-беҳудага гаплашаверадиган, отамлашаверадиган кимсалар шунча камаяди. Қурбонали елимдек ёпишқоқ таниш-нотанишлардан етти газ нари юради...” Мазкур психологик портретда Хуршид Дўстмуҳаммаднинг қаҳрамон руҳий ҳолатини маҳорат билан акс эттиришда, ҳажвий наср ва сатирик образ яратишда рус ёзувчилари Гоголь, Чехов ҳамда таниқли ўзбек адиблари Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад сингари ҳикоянависларнинг ижодий тажрибалари унга қўл келганлиги яққол сезилиб турибди.

Қурбонали бесамар ҳаёти натижасида, “маҳалланинг сўписи” даражасигагина чиқа олган оддий олим, у бурнининг тагидан нарини кўра олмади. Аслида, олим шахс дунё илмидан, дунё афкор оммаси қизиқаётган муаммолар билан қизиқа олиши, улар билан баҳслашиши, жуда бўлмаганда, улар даражасида фикрлай олиши лозим эди. Адиб Қурбоналининг ҳашпаш дегунча ўтиб кетган бесамар умри мисолида, бугунги кун зиёлисини жадалроқ меҳнат

қилишга, фақат тор доирада эмас, хориж илмини ҳам эгаллаш даркорлигини уқтираётгандек хиссиёт уйғотади.

Ҳикояда Кимсан, мрамор зина, телехронитель каби сўзларга урғу бериб борилар экан, шулар орасида, Қурбоналининг шахсий қўриқчиси бор, деган гумонларга бориб қолган ҳаммаслақларнинг гап-сўзларидаги иккинчи тағмаъноли сўзни уқиб олишимиз мумкин. Бу, аслида, мустамлака шароитида яшаган ўзбекнинг ўтмишига ишора. Қаҳрамон исмининг “Қурбонали” деб аталишида ҳам аниқ бадиий-эстетик мақсад кўзланганлиги муқаррар.

Кузатганимиздек, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоясида қаватма-қават маъно мавжуд, шунга кўра, адиб ижодини полифоник бадиий тафаккурга эга, дейиш мумкин.

Адабиётшунос Баҳодир Саримсоқов метафора, метафорик образнинг назарий табиати ва хусусияти ҳақида тўхталиб, ўзининг “Бадиийлик асослари ва мезонлари” китобида шундай фикрни келтиради: “Бадиий асардаги кечинма шиддатини ошириш метафорик образга хос. ...Метафора ижодкорнинг у ёки бу нарса, воқеа-ҳодисага нисбатан ўзининг салбий муносабатини тўғридан-тўғри ифодалаш учун ҳам хизмат этади”. Олимнинг фикрларига қўшилган ҳолда, ёзувчи баъзида бадиий асарда акс эттираётган образни номлашда фақатгина салбий муносабатини ифодалабгина қолмай, холис ва очиқ-ошқора муносабатини ифодалаш мумкинлигини таъкидламоқчимиз. Лекин, барибир ҳам, Баҳодир Саримсоқов тўғри таъкидлаганидек, метафорик образда асосан салбий муносабат мужассам топади. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг санъатга, ҳақиқий ижодга муносабати “Нусхакашнинг меросхўри” ҳикоясида жуда ёрқин ифодаланган. Ҳикоя қаҳрамони расом бутун умр портрет жанрида ишлаб, ижодини тирикчилик манбаига айлантиради. Натижада, у оддий нусхакаш бўлиб қолади. Қаҳрамоннинг исмига айланган “нусхакаш” сўзи мазкур ҳикоядаги метафорик кўчим тарзида ифода топиб, ёзувчининг очиқ-ошқора муносабатини ўзида намоён этиб турибди.

Шунингдек, Собир Ўнар ва Абдуқоюм Йўлдош ҳикоялари, асосан, анъанавий реалистик услубга қурилган бўлиб, уларда маиший, маънавий-ахлоқий, ижтимоий муаммолар етакчилик қилади. Чунончи, Собир Ўнар “Тарвуз” ҳикоясида маиший ҳаёт лавҳаларини баён этиш орқали, инсоннинг тубанлашувини – ҳақиқий дўстлик, инсонийликдан кўра, пул-мол-дунёни афзал кўрувчи Худойқул образининг хатти-ҳаракатлари, руҳияти орқали очиқ беради. Ҳикояда тарвуз – психологик рамз воситасини ўтаган. Омондавлат дўстининг уйига тарвуз кўтариб келиши, Худойқулнинг пулдор дўстлари келганда, дастурхонга тарвуз тортилиши, ахлатхонага тарвуз чиқариб ташланиши барчаси узвий равишда боғланиб, ҳикояда муҳим бадиий ғояни ифодалашга хизмат этган. Назаримизда, Худойқул, аслида, ўзининг манфур, ташқи жиҳатдан ялтироқ, аммо ичи қалтироқ қиёфаси билан тарвузнинг ташқи ҳолатини эсга солади. Тарвуз силлиқ, ялтироқ, олачиפור бўлганидек, Худойқул, табиати ҳам жамиятда ҳар қандай ишни пул билан силлиқ битказадиган, ҳислари тўмтоқ, дағал инсоннинг рамзий тимсоли, дейишимиз мумкин.

Хуршид Дўстмуҳаммад “Сўроқ” қиссасида бош қаҳрамон Бозорнинг адабий галлюцинацияга учраган жараёни ва саргузаштли ҳаётини ифодалаш орқали, маънавий-ахлоқий, шунингдек, виждонан ҳалол йўл билан ҳаёт кечириш сингари ижтимоий муаммоларга жиддий урғу беради. У учар ликопчалар билан боғлиқ саргузаштлари, сўнгра, восвос бўлиб қолиши натижасида, бутун қишлоқ ва раҳбар ходимлар юрагига ваҳима солади. Мазкур қиссада ўзбек халқ эртақлари анъаналари ва фантастика элементлари ажиб бир тарзда бирикиб кетган. Қолаверса, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоя ва қиссаларида 60-70-йилларда нашр этилган кўплаб назарий адабиётларда қайд этилган ички монологнинг бадиий-ғоявий жиҳатдан монолог-муҳокама, монолог-хотира, монолог-кечинма турларидан ташқари, монолог-орзу, монолог-тафтиш, монолог-хаёлий-суҳбат турлари ҳам учрайди. Худди шу ҳолатни биз Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик”, Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссаларида ҳам кузатдик. Зеро, адабиётшунос олимлар ёзувчи ва шоирларимиз яратган бадиий адабиёт намуналари структурасини кузатиш ва ўрганиш натижасида, адабий тур ва жанрларнинг, асар композицияси, услуб, ёзувчи дунёқараши ва маҳорати ҳақида қонун-қоидалар яратади. Бу назариялар осмондан олиб яратилмайди, балки адиблар яратган гўзал муждалар илмий мулоҳазалар юритишга туртки беради. Демак, адабиётшунослик, бадиий асарнинг қонуниятлари ҳақида фикр юритар экан, реал бадиий асарлар асносида, муайян хулосалар чиқаришга асос беради.

Назар Эшонқул “Момоқўшиқ” қиссасида: “Инсон учун ҳаётда нима муҳим? Аёл бахти нимада?” – деган бадиий-фалсафий муаммони ўртага ташлайди, Муаззамнинг ҳаёти мисолида бу саволларга жавоб топади. Қисса марказий қаҳрамони – Шамси Салоҳнинг ҳою ҳавасларга, ҳашамларга, машхурликка ўчлиги нафақат кийинишида, гап-сўзларида, хатти-ҳаракатларида динамик тарзда акс эттирилади. Қиссада, айниқса, Муаззам билан боғлиқ бадиий тасвирларда лирик-романтик услуб етакчилик қилади. Тасодифан Муаззамнинг

аллавлочи, сеҳрловчи гўзал кўшиғини эшитган тўртта ҳашарчи (Шамси Салоҳ, Исмоил Али ва икки актёр) ҳақиқий санъат соҳибининг иқтидорига гувоҳ бўлиб қолишади. Муаззамнинг хатти-ҳаракатлари, ташқи кифасини ёзувчи кўчим турлари метафора, метонимик кўчим воситалари билан ифодалаб, тасвирда янада оригиналликка эришиш мақсадида ўхшатиш, жонлантириш, истиора каби тасвирий воситалардан унумли фойдаланади. Чунончи, адиб Муаззамнинг эркин ва озод кўшиқ куйлашини осмонда учиб юрган қушчага ўхшатади. Аёлнинг сеҳрли овози эса хаёлда тоза, беғубор, самимий болаликни ёдга солади. Қуйидаги бадиий тасвирга эътибор қаратсак: “Унинг қизил чит кўйлаги югураётган пайтда ростдан ҳам олислардан келаётган кеманинг алвон елканига ўхшаб, ҳилпираб кетарди”. Бир қарашда, бу жуда нотабиий метафорик кўчим бўлиб кўринади. Лекин иккинчи тарафдан, ҳақиқатан ҳам узоқдан кузатилганда қизил кўйлак кийиб югураётган аёлнинг хатти-ҳаракатлари қизил алвонли кемага ўхшатилиши кўнгилда ҳеч қандай эътироз уйғотмайди. Аксинча, янгича бадиий ифодадан кўнгил ғалати тарзда қониқади. Қиссада, айниқса, Шамси Салоҳ руҳияти билан пейзаж тасвири, ниҳоятда, бир-бирига уйғун ва мутаносиб акс эттирилганини кузатиш мумкин. Чунончи: “У сарғайиб қолган барглари дув тўкилаётган дарахтлар орасидан юриб борарди. Кўёш аллақачон ботган, уфқда қизил шафақ ёнарди. Оёқ остида чуркин новдалар қарс-курс синар, боғда пахта ва ғубор ҳиди анқирди.

...Ҳали кузнинг ярми ҳам ўтмаган бўлса-да, боғ ичида ва боғга туташ майсазорда қарғалар тўда-тўда бўлиб изғиб юришарди ва ҳар-ҳар дамда нимадандир чўчишгандек талвасали қағиллаб қўйишарди. Салоҳнинг юраги бирдан орқага тортиб кетди, қарғалар фақат қабристондагина шундай ваҳимали қағиллашади. У қачонлардир кимнингдир июноти билан экилган гужум дарахтининг тагидан ўтар экан, бўйнига чарс этиб нимадир тушди ва кўйлаги ичига сизиб кета бошлади”. Шамси Салоҳнинг қалби оёқ остида қарс-курс синаётган новдалар каби синиқ, ёйинки, барглари дув тўкилган дарахт танаси сингари юраги ҳам бўм-бўш, шип-шийдам. Осмонда тўда-тўда бўлиб қағиллаётган қарғаларнинг талвасали қағиллаши сингари Шамси Салоҳ юраги ҳам қўрқинчли ва ваҳимали. Унинг қалби қуруқ ҳою ҳаваслар, ёлғон, жирканч, ноинсоний муносабатлар туфайли қабристонга айланган. Боғдаги ғубор ҳиди, аслида, Шамси Салоҳнинг ғаразли, ғуборли ниятларига ишора бераётгандек. Гужум дарахти шохиди ўтирган қарғанинг Шамси Салоҳ устига нажас ташлаб кетиши ҳам бежиз тасвирланмаган. Рамзий маънода қаҳрамон қарға ахлати билан тақдир томонидан мукофотланади. Бу мукофот Шамси Салоҳнинг Муаззам ҳақидаги ғаразли мақсадлари, режаларига лойиқ ва муносиб тарзда белгиланган. Бизнингча, асар якунида Шамси Салоҳ Муаззам учун ҳақиқий бахт, умуман, инсон ҳис-туйғулари учун тозалик ва самимийликнинг нақадар муҳимлигини англаб етади. Бу мағлубият унга қанчалик оғир ботмасин, ночор қишлоқ шароитида яшаса-да, ўзида яшашга, меҳнат қилишга, қулишга, ўзини бахтли санашига куч топа олаётган Муаззам ва Отақулнинг бахтиёрона, масрурона ҳаётини кузатиб, хатоларини англаб етади. Унинг исмидаги Шамс – офтоб, кўёш маъносини англатади. Афсуски, Шамси Салоҳ ўз исмидаги чуқур маънога зид равишда Муаззам ва Отақул орасига нур, ёруғлик, эзгулик сочиш ўрнига, уларнинг ўртасига совуқчилик туширади. Муаззам – сўзи эса улкан, катта маъноларини англатади. Асар қаҳрамони Муаззам оғир шароитда, ўз истаклари ва хоҳишларидан кечиб бўлса-да, оила, фарзанд бахти учун ўзини фидо этган ўзбек аёлининг рамзий тимсоли.

Бугунги ўзбек ҳикоя ва қиссачилигини кўздан кечириш натижасида ғайриодатий услуб, ғайриоддий образларга дуч келамиз. Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссаси қаҳрамони Шамси Салоҳ нутқида узундан-узун монолог-орзулар учрайди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Сўроқ” қиссаси қаҳрамони Бозор нутқида эса кўпроқ монолог-хаёлий-суҳбат кўзга ташланади. Нутқ типлари бўйича жиддий изланишлар олиб борган адабиётшунос Йўлдош Солижонов монологнинг мазкур типини монолог-диалог деб атайди. Бизнингча, бу термин унчалик тўғри ишлатилмаяпти. Сабаби, диалог, албатта, иккита шахс ўртасида кечадиган мулоқот тури. Аммо монолог-хаёлий-суҳбатда реал шахс бўлмайди. Балки қаҳрамон хаёлан маъшуқаси, дўсти, рақиби, онаси ё ким биландир ёки ўз-ўзи билан баҳслашади.

Сўнги ўн йилликлар ўзбек ҳикоя ва қиссачилиги шакл ва мазмун эътибори билан бадиий (бадиий услубда, бадиий образда, бадиий тасвирий воситаларда) ва, шунингдек, эстетик янгилинишлар (аксар ўзбек ҳикояларида комиллик, ҳалоллик, маърифатпарварлик – эстетик идеал сифатида намоён бўлмоқда) қилганлигини яққол кузатишимиз мумкин. Хуллас, ҳозирги ўзбек ҳикоя ва қиссачилигига хос бадиий-эстетик янгилинишларни илмий асосда ўрганиш, таҳлил этиш, бугунги адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб масаладир.

Зариф ҚУВОНОВ,
тадқиқотчи

МУМТОЗ АДАБИЁТДА УСЛУБ МУАММОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Услуб – ғоявий-эстетик хусусиятлар умумлашмаси бўлиб, ижодкорнинг тасвир усули демакдир. Услуб – мумтоз адабиёт тадқиқи мисолида кам ўрганилган назарий масалалардан бири. Бу балки анъанавийликка асосланган мумтоз Шарқ шеърлятида сюжетлар, образлар, рамзлар бир хиллиги ижодкорнинг услубий индивидуаллигини маълум даражада чеклайди, деган қарашлар туфайли бўлса керак.

Адабиётшуносликда услубга доир берилган таърифларни қисқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, метод – ижодкор асарларида намоён бўлган хусусиятларнинг умумий кўриниши бўлса, услуб – ижодкор асарларида кўринган унинг индивидуаллиги, ўзига хослигидир. Бошқача айтганда, метод – умумийликка, услуб – хусусийликка таянади.

“Услуб, – деб ёзади адабиётшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов ўзининг “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан” номли тадқиқотида, – ижодий методнинг конкрет ва хилма-хил кўриниши бўлиб, давр ва ҳаёт характери билан яқиндан боғланади, унинг хусусиятларини ёзувчининг шахсий темпераменти, ҳаёт тажрибаси, миллий хусусиятлари, бирор адабий йўналишга хос тамойили ва ҳоказолар орқали акс эттиради”.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Навоийнинг ижодий методи масалалари”, “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан” каби тадқиқотлари кейинчалик уни услубий кўринишлар масаласида кузатишлар олиб боришга ундади. Ана шу илмий кузатишларнинг натижаси ўлароқ, адабиётшунос олимнинг мумтоз адабиёт асарлари таҳлили мисолида илк бор услуб масаласини текширишга бағишланган илмий мақолалари юзага келди. “Алишер Навоийнинг бадий поэтик услуби юзасидан мулоҳазалар”, “Улуғ шоир поэтик услубига доир”, “Туркистон ва Хуросон услублари”, “Ўзбек адабиётида халқчиллик ва халқчил услуб ҳақида”, “Ўзбек адабиётида халқчиллик тенденцияси”, “Сеҳрли назм” каби мақолалар шулар жумласидандир.

Абдуқодир Ҳайитметов талқинида услуб икки маънода қўлланилган: биринчиси – индивидуал услуб, иккинчиси – услубий оқим. Олимнинг “Улуғ шоир поэтик услубига доир” мақоласи 1974 йилда ёзилган. Умумий мулоҳазалар тарзида баён этилган мақола Навоий шеърлятининг ўрганилиши зарур бўлган яна бир қиррасига эътиборни жалб этади. “Бу масалани нисбатан кечикиб ўрганилаётганлигининг ўз сабаблари мавжуд, – деб ёзади адабиётшунос олим. – Чунки, адабиётшунослик тажрибаси шуни кўрсатадики, у ёки бу ижодкорнинг услуби масаласи одатда ижодининг умумий кўлами маълум бўлгандан кейингина яхшироқ ўрганилади”.

Абдуқодир Ҳайитметов мазкур мақоласида услуб масаласининг назарий асосларини тўғри талқин этган бўлса-да, унинг Навоий поэтик услубига доир мулоҳазалари баъзи эътирозларни туғдиради. Масалан, олим бу хусусда шундай деб ёзади: “У (Навоий назарда тутилмоқда – З.Қ.) фавқуллодда бир шеърлий талантга эга бўлиш билан бирга, ниҳоятда, чуқур билимга, бой ҳаётий тажрибага, атрофида юз берган воқеа-ҳодисаларни олимларча синчиклаб кузатиб, бу ҳақда файласуфларча теран мулоҳаза юритиш қобилиятига эга эди. Унинг бу шахсий хусусиятлари шеърларида ҳам, дostonларида ҳам, насрий асарларида ҳам ҳар доим ўз ифодасини топган. Буларнинг ҳаммаси жам бўлиб, унинг ўзига хос шеърлий ва насрий услубларини белгилаб берган”.

Навоий услубига доир билдирилган бу умумий мулоҳазаларни Навоий улуғлаган ва азиз билган қайси бир Шарқ шоирига нисбатан ишлатмаслик мумкин?

Шунингдек, олимнинг қуйидаги: “...Умуман, Навоий лирикасидаги тасвирий услубнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, шоирнинг ишқий-анъанавий мисра ва байтлари деярли ҳар қадамда ҳаётий мушоҳада ва мулоҳазалар, ҳаётий картина ва лавҳалар билан йўғрилган ҳамда безатилган”, – деган мулоҳазаларини Ҳофиз, Саъдий, Жомий ижодига ҳам нисбат бериш мумкин.

Тўғри, реалистик адабиётда масала бошқачароқ ҳал қилинади. Чунки, унда мумтоз адабиёт учун фазилат саналган анъанавийлик реалистик асар учун камчилик ёки катта қусур саналади. Сабаби, реалистик асардаги услуб – образларнинг, характер-руҳиятининг,

муаллиф ва персонаж нутқининг, сюжет ва композициянинг, бадиий тасвир воситалари ва бошқа қирраларни оригиналлиги ҳамда бетакрорлигидан келиб чиқади.

Назаримизда, баъзи ўринларда, Абдуқодир Ҳайитметов “услуг” атамасини “баён услуби” ва “пафос” маъносида ишлатган. “Улуғ шоир поэтик услубига доир” мақоласида яна шундай мулоҳазалар билдирилади: “Навоийнинг эпик услуби лирик асарлари услубига нисбатан ҳам анча мураккаб. Чунки бунда бир дostonнинг ёзилиши, ўқилиши, уни ёзишдан автор кузатган мақсад бошқасиникига ўхшамайди. “Хамса”даги “Ҳайрат ул-аброр” фалсафий-дидактик асар бўлса, “Фарҳод ва Ширин” ишқий-романтик дoston...”.

Олим назарда тутган “ёзилиши”, “ўқилиши” – асарнинг баён усулига, “унинг ёзишдан автор кузатган мақсад” эса ғояга алоқадор.

Навоий дostonлари турли хил пафосда ёзилган бўлса-да, Навоийнинг эпик услуби деганда, турли хилда ёзилган ана шу дostonлар учун хос бўлган хусусийлик, яъни, шоир индивидуаллиги намоён бўлиши керак. Бошқача айтганда, услуб тегириллаётганда, бу дostonларни бошқа ижодкор эмас, айнан, Навоий яратганлиги сезилиши лозим.

Албатта, бу масалаларни бир мақола доирасида ҳал этишнинг имкони йўқ. Шунинг учун Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўзи ҳам мақоласини “умумий мулоҳазалар” дея эътироф этади. Олимнинг ушбу мақоласи навоийшунослик зиммасида турган яна бир муҳим масалани кун тартибига қўйганлиги билан аҳамиятлидир.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Туркистон ва Хуросон услублари” мақоласи услубий оқимларни ўрганишда қимматли ва теран мулоҳазаларга бойлиги билан эътиборни тортади. “Назаримизда, ўзбек адабиёти тарихида бир адабий тил доирасида шартли равишда икки услубий йўналиш бўлган, – деб ёзади олим. Булардан бири XII асрда Аҳмад Яссавий асос солган ва кўпроқ Мовароуннаҳр доирасида ривожланган Туркистон услуби, иккинчиси эса Навоий асослаган ва XV асрнинг иккинчи ярмида юзага келган Хуросон услубидир”.

Олимнинг талқинича, туркистоний услубда жонли халқ тилига яқин туришга интилиш кучли бўлса, хуросоний услубда анъанавий мавзуларга, образларга кенг ўрин бериш жиҳати ҳамда уларга форсий тил таъсирининг хусуси намоён бўлади.

Услублар, услубий йўналишлар ранг-баранглиги ва бу масалани адабиётшунослик методологияси нуқтаи назардан илмий текшириш борасида адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқовнинг “Навоий ва ўзбек шеърлятида услублар масаласи” деб номланган мақоласи теран кузатишларга бойлиги билан эътиборни тортади. Олимнинг мулоҳазаларига кўра, туркий тилдаги поэзия ўз тараққиёти давомида уч асосий босқичда яратилган. Булар: туркона, классик ва олий ёки навоиёна босқичлардир. Бу услубларнинг ҳар бирининг ўзига хос қатор жиҳатлари бўлиб, кейинги асрларда ҳар бир услубнинг давомчилари бўлган.

Адабиётшунос Дилором Салоҳий “Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабий услублар ҳақидаги қарашлари” мақоласида олимнинг адабий услублар ҳақидаги қарашларига муносабат билдираётган экан, “Абдуқодир Ҳайитметов масалага ўзбек адабиётидаги халқчиллик тамойили хусусиятлари нуқтаи назардан ёндашди”, деган хулосага келади.

Ёқубжон Исҳоқов Навоий айрим шоирлар услубига нисбатан берган “туркона” атамасини туркона услуб вакиллари сифатида талқин этса, Абдуқодир Ҳайитметов ўша атамани “Туркистон услуби” тушунчаси билан изоҳлайди. Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Ўзбек адабиётида халқчиллик тенденцияси” мақоласида билдирилган бу изоҳ, шу мавзуга оид кейин ёзилган “Адабий меросимиз уфқлари” номли мақоласида учрамайди. Бизнингча, Абдуқодир Ҳайитметов Ёқубжон Исҳоқовнинг “туркона” атамаси муносабати билан билдирилган мулоҳазаларини тўғри ҳисоблаган бўлса керак. Адабиётшунос Дилором Салоҳий юқорида келтирилган мақоласида Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Туркистон ва Хуросон услублари” мақоласини таҳлилга тортмайди, шунинг учун бўлса керак, “туркона” атамасини қўллашда қайси олим ҳақ ё ноҳақлиги тўғрисида қатъий фикр билдирмайди.

Абдуқодир Ҳайитметов “Туркистон услуби”, “Хуросон услуби” каби атамаларни адабиётшунослик истеъмолига киритишда Эрон олимларининг тажрибасига таянади. Муаллифнинг ўзи “Адабий меросимиз уфқлари” номли мақоласида бунини шундай изоҳлайди: “Эрон олимлари форс-тожик адабиётида Ироқ услуби (“Сабки Ироқий”), Ҳинд услуби (“Сабки Ҳиндий”), Туркистон услуби (“Сабки Туркистоний”) каби услублар бўлганини ёзадилар”.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Сеҳрли назм” мақоласида Лутфийнинг поэтик услуби хусусида фикр юритилади. Гарчи бу мақолада бир ижодкор услуби тўғрисида сўз борса-да, бироқ, унда биргина Лутфийнинг эмас, умуман, унга яқин услубда ижод қилган шоирлар шеърлятининг тил хусусиятларига оид кузатишлари мавжуд. “Лутфий шеърлятида содда ва раvon услубни танлади. Бу услуб том маънода гўзал ва ёқимли услуб бўлиб, Лутфийга шоир сифатида катта шухрат келтирди. Унинг сўз бойлиги асос-эътибори билан жонли халқ тили ҳисобига бойиб борди. Бу билан у ўзига замондош шоирлар – Атойи, Саккокий, Гадоийларга

хам кучли таъсир кўрсатган эди”. Мақолада Лутфий поэтик услубига хос белгилар сифатида жумла тузилишидаги соддалик, тасвирнинг ҳаётийлигига интилиш ҳамда таъриф-тавсифда ҳазил-мутойбага ўрин бериш каби индивидуал услуб жиҳатлари таҳлил қилинади.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг услуб масаласига доир кузатишларида индивидуал услубдан кўра, услубий оқимлар масаласи катта ўрин эгаллайди. Адабиётшунос олим “Навоийнинг ижодий методи масаласи” номли мақоласида XV аср адабиётида реалистик йўналишдаги бадиий тасвир услуби, мажозий, яъни, аллегорик услуб ҳамда романтик характердаги тасвир услублари мавжуд бўлганлигини таъкидлайди. Навоий бу услубларнинг барчасидан бирдек фойдаланганлигини уқтирган адабиётшунос олим улуг шоирнинг реалистик асарларида автобиографик хусусиятлар, сатирик асарларида ҳаётий, реал тасвир, умуман, ижодида эса романтик услуб, яъни, метод устунлик қилади, деган хулосага келади. Кўриниб турибдики, “услуб” Абдуқодир Ҳайитметов талқинида баъзан “метод” маъносида ҳам ишлатилмоқда.

Метод ва услуб бир-бирига боғлиқ ажралмас тушунчалар, уларни бир-бирдан ажратиб текшириш унчалик маъқул натижани бермайди. Услуб ва метод – хусусийликнинг умумийлашувига ёки бир нарсанинг икки томонига ўхшаш қирралар. Шу боис, бундай кузатувларда доимо баҳс-мунозара бўлиб туриши табиий.

Адабиётшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов биринчилардан бўлиб, мумтоз адабиётимиздаги ана шу масалага эътибор қаратди. Бу эса адабиёт тадқиқотчилари зиммасида мумтоз адабиётда услублар ранг-баранглиги масаласини текширишдек катта вазифалар турганлигини кўрсатади.

Раҳимжон РАҲМАТ

“МУНОЖОТ” АЙЛАЁТГАН ЗИЁ

Истеъодли ёзувчи Исажон Султоннинг дастлабки қиссаси “Муножот”ни бундан ўн беш йиллар илгари талабалик пайтимда ўқигандим. Қиссадаги табиат манзараларининг гўзал тасвири, уларга юкланган маъно-мазмун жуда маъқул келганди. Гўё табиат манзарасини чизаётганда, ёзувчи кўзи ўрнида нарсаларни катталаштириб кўрсатадиган ойна пайдо бўлар, кўнглида эса қадим донишмандларнинг руҳи уйғонарди. Мана бу тасвирга эътибор беринг-а:

“Ернинг шўри бор-ку, шуюм юради. У айёр, ёмон, нуқул одамларни пойлайди.

– Балки девор ҳам юрар? – деди она, аччиғи чиқиб.

– Йўқ, у юрмайди. Шўр юради. Кеча Улфат холанинг уйининг орқасидаги шўр бор-ку, ўша ерда ўтирсам, югуриб келиб деворга чиқиб олди. Шўралар ҳам унинг орқасидан етиб келишибди. Ҳадемай Улфат холанинг уйига ҳам кириб олишса керак...”

Шу биргина эпизодданок Улфат холанинг кексайганда ёлғиз, бир меҳрибонсиз қолганлиги ва тез орада вафот этишини англаш мумкин...

Мазкур қайдни келтирганимнинг боиси, Исажон Султоннинг ижодий дунёси гўзалликлари, нафосатидан баҳра олмақчи бўлган ўқувчи, биринчи бўлиб, “Муножот” қиссасини ўқиши ва чуқур ҳис қилиши лозим. Унинг бошқа асарларида дунёқараши, тафаккур кўлами кенгайиб, бутун олам миқёсида тириклик сир-синаотини тушунмоқчи бўлаётган Ғарибнинг турли ном ва кўринишдаги қиёфаси намоён бўлади. Айтмоқчиманки, Исажон Султоннинг барча асарларининг бош қахрамони “Муножот” қиссасидаги Ғарибдир. Фақат ном ва муҳит ўзга.

“Балоғат ёшига етганимизда болалик хотираларимизнинг аксари ўчиб кетади”, – дейди машҳур олим Фрейд. Улғайган пайтимиз бизда жинсий туйғу – нафснинг каттаси уйғонади ва натижада, болалик деган сирли донишмандлик туйғуси тугайди. Токи, мункиллаб қолган чолга айланиб, нафсимиз ҳеч нарса тиламай кўйганида, яна болалик оламига қайтиб атрофдагиларга томоша бўламиз.

“Ёз охирида бормоқда эди, теварак-атроф сездирмасдан таназзул фаслига тайёр-гарлик кўрар, ялпизнинг сарғая бошлаган банди, сувнинг, эндиликда, тўқ зангор тусга

кириши, жийда бареларининг бирма-бир тўқилиши ва, ниҳоят, ҳаддан ташқари тиниқ, зангори осмондан кузнинг сокин нафаси уфуриб турарди. Болакай бир зумга чумолидан нигоҳини узиб, ялпизнинг ҳам жуда қарилигини кўрди, шўрликнинг танаси йўғонлашиб-семириб, кўпдан-кўп бачки шохчалар чиқариб юборган ва иси ҳам аввалги сингари нозик-нафис эмас, қуюқ ҳамда аққимтироқ эди. Ҳатто, салом-алиқ ўтининг уруғида ўсимликнинг қариганини, шунинг учун ҳам уруғини ерга сочиб юборганини таъкидлаб турарди. Чумоли тинмай чиранаверди ва, пировардида, туйқусдан сип-силлиқ орқаси ёрилди, ёриқларидан оқиш-сарғиш суюқлик отилиб чиқа бошлади, ҳавони чумоли захрининг ўткир иси тугтиб кетди. Шунда ҳам уруғни тортиб олмоққа тиришар эди. Бирдан боланинг онгига нимадир ярқиллаб очилиб кетгандай бўлди, томирлари бўйлаб алланима оқа бошлади. Теварак-атроф жуда кекса, ҳаддан ташқари кекса эди, олам худди мункиллаб, қариб қолган чолга ўхшарди. Баҳорда ердан униб чиққан майса ҳам, аслида, миллионлаб йиллар аввал туғилиб бўлган эди. Унда... унда нима боқий? Азал-абад ёш ва навқирон нима бор бу гардуни дунда? Абад ёшлик худди абад қариллик сингари мазмунсиз эмасми? Боланинг дилини аввалгисидан ҳам кучлироқ бўлган даҳшат эгаллаб олди ва тура солиб, ҳўнераб йиғлаганча онасининг ёнига чолиб кетди”.

Ушбу иқтибосда Ғариб дунёнинг ҳаддан зиёд кекса ва ўткинчилигини туйқус англаб етиб, ўқраб йиғлаб юборади. Ёзувчининг Ғариби мисолида ёш бола қалбининг мўъжизалари ҳақида соатлаб ғаройиб гапларни гапириш мумкин. Кун бўйи бедапояннинг серўт қирғоғига молни бойлаб қўйиб, кун ботгунича толлар ва тутларнинг тепасида, пасти жағалақ билан шир ўралган тутларнинг тагида ўйнаб, майсаларда юмалаб, ниначининг орқасидан қувлаб, кечқурун эса ухлаш олдидан кўрпага бошингизгача ўранволиб кундузи ўйнаган жойларингизни ўйлайсиз, ҳозир у ерларда жин-ажиналар базм қияпти, деб қаттиқ ишонасиз.

Юқорида “Муножот” қиссасидан келтирганим иқтибосда мана бу фикр ҳам бор эди: “Абад ёшлик худди абад қариллик сингари мазмунсиз эмасми?”

Бу фикр Исажон Султоннинг ижод дунёсидаги илдизи чуқур бир ниҳол эди, бу ниҳол каттариб, дарахтга айланди. Айтмоқчиманки, ёзувчи кейинчалик ёзган асарлари, хусусан, “Боқий дарбадар” романида абадий ёшлик, абадий қариллик мавзусига кенг кўламда тўхталган.

Исажон Султон “Боқий дарбадар” романини юрагида жуда узоқ олиб юриб, ниҳоят ўтган йили ёзиб тугатди.

Мен бу ўринда, “Боқий дарбадар”нинг жанри тўғрисида тўхталмоқчи эмасман. Чунки ҳозирга келиб роман жанри шу даражада такомиллашиб кетганки, “Ўтган кунлар” ёки “Уруш ва тинчлик” каби воқеа ва персонажларга бой, мантиқли ва ўзаро боғланган воқеалар тизимидан иборат асарларни роман деб ўйловчи ўқувчи, масалан, Кафканинг деярли ҳеч қандай воқеа содир бўлмайдиган ва айтарли аниқроқ персонажи бўлмаган “Жараён” асарини роман дейилишини тушунмаслиги мумкин. Айниқса, роман жанри кейинги юз йил ичида тезликда ўзгариб, такомиллашиб бораётир. Бу жанрда содир бўлаётган эврилишларни кузатиб бормайдиган ўқувчи ёки адабиётшунос “Боқий дарбадар” каби бир-бирига зоҳиран боғланмайдиган воқеалар жамланган асарни ўқиганда, фикр айтишда иккиланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Иккинчидан, “Боқий дарбадар”нинг бош қаҳрамони ким? Бир қарашда асарда қаҳрамон йўқдек кўринади. Жам ичдаги ҳар бир воқеанинг ўз қаҳрамони бор. Бу жамланган воқеалар учун умумий қаҳрамон ким?

Романни диққат билан ўқиган айрим адабиётчи дўстларимиз унинг бош қаҳрамони дарбадар, яъни, муборак киши томонидан қарғалган этиқдўз, у турли даврларда турли халқларда, турли кўринишда намоён бўлмоқда, дейишди. Балки бу гапда ҳам жон бордир, албатта. Дейлик, масалан, Гобби саҳросидаги инсон такомилли марказида ҳар турли генетик комбинациялар ёрдамида мукамал, боқий одамни яратишни мақсад қилиб олганларнинг бари минг йиллар илгари қарғалган этиқдўзнинг авлодлари дейиш мумкин...

Қизиқ-да, деворига суянгани учун муборак зотни туртиб юборган этиқдўзни ул зот дуоибад қилди:

“...Тургин ва равона бўлгин!

(«...Энди сен то қиёматга қадар бетиним дайдишга маҳқум этилдинг», – дейилди унга.

«Ҳамда энди сенинг қиладиган ишинг – ҳеч нарса, ҳеч нарса, фақат ҳеч нарса», – дейилди унга».

Орадан минг йиллар ўтиб эса, этиқдўзнинг қиёматгача ўлмай дайдиб юриш қисмати

инсониятнинг идеалига айланяпти, улар бу дунёдаги умрбоқийлик, аслида, яратганнинг даҳшатли жазоси эканлигини, бу дунёдан ўз вақтида кетиш тенгсиз бахтлигини бутунлай унутиб, миллион-миллион пулларни сарфлаб, умрбоқийлик генини топиб, қиёматгача ўлмайдиган одам яратишга боши билан шўнғиб кетяпти. Дарбадарлик дегани яратган кўрсатиб қўйган йўлдан озши, унинг азалий қонунларини бузишга уриниш, қисқаси, яратганга эҳтиёжим йўқ дейишлик деб тушунсак, роман мазмунини тўғри англаб етамиз. Асарда лўлилар қавми ҳақида ҳам гап боради. Айтилишича, лўлилар бир маҳаллар катта мақсадни кўзлаб йўлга чиқишган. Сафар давомида пайдо бўлган озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш учун осонгина тиланчилик йўлига ўтишган. Кейинчалик тиланчиликни бош мақсад қилиб, катта мақсадларини унутиб юборишган. Лўлилар – аждодлари васият қилиб кетган улуғ мақсадни унутиб, дарбадарлик йўлига кириб кетганлар рамзи. Асар охирида дарбадарлик йўлига кирган инсонларни қум остига кўмиб ташлаган улкан бўрон, Гобби чўлидаги инсон такомили марказига қўшиб лўлилар қавмини ҳам ҳалок қиляпти. “Боқий дарбадар”ни ўқиётимиз бир қатор афсона-ривоятлар ёдга тушади. Бобил минораси ҳақидаги ривоятни эслайлик. Ушанда бутун дунё кишилари бир тилда гаплашишарди. Улар ўзаро келишиб, худонинг даргоҳига етиш учун баланд минора қуришади. Бундан худонинг қаҳри келиб, минорани бузиб ташлайди ва халқларнинг тилларини бўлақлаб, ҳаммасига алоҳида-алоҳида тил беради. Бу нарса орқали худо ўзи билан тенглашмоқчи бўлган инсонларнинг шаштини қайтариб қўяпти. Ёки эркак ва аёл тўғрисидаги қадимги Греция ривоятини эслайлик. Айтишларича, дастлаб эркак ва аёлнинг жисми битта бўлган. Юмалоқроқ шаклда бўлган бу жисмда иккита бош, тўртта қўл, шунча оёқ бўлган. Эркак ва аёлнинг жисми битта бўлиб кетиши уларнинг худога эҳтиёжини йўқотиб ташлайди. Яъни, улар Зевсга унутиб, унга ибодат қилмай қўяди. Бундан ғазабланган Зевс уларни ўртасидан кесиб, бўлиб ташлайди, шундан аёл ва эркакнинг ҳозирги кўриниши пайдо бўлади. Ҳар иккала ривоятда ҳам муҳим бир жиҳат бор, яъни, муайян шароитда кишилар худога тенглашмоқчи бўлишяпти ва ўзларидан куч-қудрат сезиб яратганга эҳтиёж сезмай қоляпти. Аслида, “Боқий дарбадар”да тилга олинган боқий инсон яратиш ғояси, бу йўлдаги ҳаракатлар ҳам худога тенглашмоқчи бўлишга уриниш, унинг азалий қонунларини ўзгартираман деб осийлик қилишдир...

Кучли драматизм билан йўғрилган асар воқеалари, назаримда профессор Зиёнинг, яъни, ген технологияси ёрдамида мукамал, жуда узоқ яшайдиган ва тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган жонзот яратишга йўл очган олимнинг қалбида кечаётир. Уғли ёзган мактуб тимсолида профессорнинг қалбида имон кучи уйғониб, яратганнинг қудрати ва мўъжизаси чексиз эканлигини, инсон дарбадарликка йўлиқмаслик учун ўз эгасини таниб олиши кераклигини эслатиб садолана бошлайди. Шаҳри Хайбарни кўз билан кўриб, у ердаги боқийликка эришган одамларнинг яшашдан тўйиб, ҳаётдан безиб улгурганликларини эсдаликлар қилиб ёзган сайёҳ ҳам профессор Зиёдир. Асарнинг моҳиятига теранроқ назар солингани сайин, бундаги ҳамма воқеалар, адашишлар, дарбадарликлар, инсоний меҳр-муҳаббатни улуғлашлар битта одамнинг юрагида содир бўлган руҳий портлаш эканлиги тушунилади. Юзаки қаралганда эса, профессор Зиё асардаги оддий бир персонаж, холос. Профессор Зиёни асар қаҳрамони дейишим ёзувчининг ўзига ҳам андак эриш туюлиши мумкиндир. Лекин бир гапни ҳам айтай, қоғозга тушиб, ўқувчи қўлига етиб борган асар бундан буёғига ёзувчидан ташқаридаги мавжудлик, энди, у ўз эгасига боғлиқ бўлмаган ўз умрини ўтказди. Яна бир гап. Нима учун ёзувчи яратганнинг ҳар бир жонзот табиатига жойлаган мукамал низомини бузиб, гўё энг мукамал жонзот яратиш формуласини топган олимнинг исмини Зиё деб атаяпти... Бу тўғрида ҳам ўйлаб кўрса бўлади. Асарда яратганнинг азалий қонунларини бузиш дарбадарликка йўл очишини, бу каби бузилишлар охир-оқибат инсониятга фожиа келтиришини ва инсон ҳеч қачон мукамал жонзот ярата олмаслигини англаш, яъни, имоннинг кучланиб, исён кўтариши ҳам Зиёнинг юрагида содир бўляпти. Профессор дунёга келтирган умрбоқий ва кучли тафаккур эгаси бўлган жонзот нима мақсадда яратилганлигини англай олмай, мияси гаранг бўлиб, дуч келган томонга қочиб кетяпти...

Инсон чалаётган ҳаёт деган куйда дарбадарлик оҳанглари устун эканлигини ёзувчи чуқур хис этади. Исажон Султон асаридаги муҳим бир хулоса шуки, инсоннинг биологик ва ижтимоий табиатига зид қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши муқаррар равишда ҳалокатга олиб келади.

Исажон Султон тарихий ривоятлар ва ҳозирча кенг жамоатчилик онгига етиб бормаган энг замонавий илмий кашфиётлар кўмагида инсоннинг ер юзидаги ҳаётини бадиий идрок этяпти. Ва, инсоният қисматида дарбадарлик борлигига ишора қилаяпти. Дарбадар – йўлдан адашган, борар манзилини йўқотган кимса. Мумтоз адабиётимизда инсоният

тақдирига нисбатан ғариб деган таъриф берилади. “Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш”, дейди Навоий. Ғариб – ер юзига қаердан ва нима сабабдан келиб қолганини, ўзининг яратувчиси борлигини сезади. Ғариблик – азоби камроқ қисмат. Ғариб боқий дунё бу дунёда эмас, аллоҳ ҳузурида, у дунёда эканлигини билади. Дарбадар эса, асл ватани ва яратувчисини бутунлай унутган ва шунинг учун ўз табиати ва худонинг ўзгармас қонунларини ўзгартирмоқчи бўлади. Ғариб ўлимни, қиёматни сабр билан кутади. Дарбадар эса, келган ва борар йўлини йўқотгани учун ўзи сезмаган ҳолда, қиёматни тезлатиб юборади, ўлимни инкор этиш даҳшатли ўлим эканлигини билмайди. Ахир, ҳозирги кунда замонавий илм деган ном билан аталаётган шайтон ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонларнинг гени – жавҳарини ўзгартиришга бошлади, зарраларнинг алоҳида сифатларидаги қобилият (нанотехнология) ёрдамида бутун инсониятнинг мияси, тафаккурига эгалик қилишга уриняпти...

Албатта, Исажон Султон бир зиёли ижодкор сифатида нанотехнология ва ген технологиясида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг салбий оқибати ҳақида айтилаётган гаплардан яхши хабардор. Ғояни ғоя билан энгиш лозим деймиз. “Боқий дарбадар”да маънавий-руҳий кадриятларни инкор этгучиларга нисбатан яратганнинг қудратини англаш, унга шукроналик, ота-онага эҳтиром, ватан ва миллатга муҳаббат инсон учун энг олий кадриятлар эканлиги муқобил келяпти.

Мактуб она номини тилга олиш билан бошланяпти:

“... Бугун онамининг хокисор ва азиз қадамларининг изи қолган ҳовлимизда эканман, парвардигори оламга имон келтирган барча кишиларнинг, аввало, сизнинг ва онаизоримнинг ҳаққига кўзларимда ёш билан дуо қилгач, ушбу мактубни битмоқдаман”.

Ўғил мактубида бежиз миллат ва ватан қард-қимматини бу даражада юксакка кўтараяётгани йўқ. Янги инсон яратишга уринаётганларнинг айтишича, уларнинг илмий изланишлари ниҳоясига етиб, ўзлари хоҳлагандек умрбоқий ва гўё олий тафаккурга эга бўлган инсон яралгач, ота-она, ватан, миллат каби боқий маънавий кадриятлар ўз-ўзидан нурсизланиб, ер юзидан супурилиб йўқ бўлиб кетади. Қаерда тўкинчилик, бемалоқчилик бўлса, дунёнинг қай бурчагида иқтисодий юксаклик бўлса, моддий бойлик ва роҳат-фароғатни илоҳга айлантган янги тур одамлар ўша томонга сувдай оқа бошлайди. Инсонни инсон қилиб турган тушунчалар – яратганга итоат этиш, унинг чексиз қудратини англаш, ватан ва миллатга муҳаббат, ота-онага эҳтиром туйғулари барбод бўлгач инсон ростдан дарбадарга айланади. Ёзувчи айтмоқчи, худо яратган азалий ва ўзгармас низом-қоидаларни бузиш инсониятни дарбадарлик чўлида то қиёматгача дайдиб юришга гирифтор этади.

Инсоннинг қалбидаги барча олий кадриятлар эса ватан деган юксак тушунча атрофида бирлашиб туради. Айтиш лозим бўлса, ватан деганлари инсон руҳий оламининг устундир. Ватандан айрилиш, иймондан айрилиш эканлигини бошқа миллатлардан кўра бизлар, узоқ йиллар қизил империядан зулм кўрганлар чуқурроқ ҳис қиламиз. Шу боис, Исажон Султоннинг ўз асарида ватан ва миллат деган тушунчаларни олий кадрият сифатида мадҳ этиши шунчаки баландпарвоз гап эмас.

Мана, нима учун профессорнинг ўғли юксак ва самимий эҳтирос билан ватан ва иймон фақат биргаликда мавжуд бўлишини мадҳ этапти:

“Менга юрт шу имонимни ҳимоя қилишим, уни ёт таъсирлардан сақлай олишим, шоядки, танғрим фарзанд ато этса, уни айнан шу руҳда, айнан шу ҳақиқатлар билан тарбиялашим учун керак. Шу жойда имон билан ватан деган нарсаларнинг бирлашганини кўраман. Зотан, руҳ танасиз бу дунёда мавжуд бўла олмаганидай, имон ҳам ватансиз мавжуд бўла олмаслигини кўраман”.

Бугунги кунда дунёнинг боши бузуқ дарбадарлар тўпланган аллақайси бурчакларида яратувчиси ким эканлигини бутунлай унутган, ота-она, ватан, миллат каби олий кадриятларни оёқ ости қилиб, моддий тўкинчиликни ўзларининг саждагоҳига айлантганлар ибисона ғояларини оламга ёйишга уриняпти. Шундай бир шароитда ёшларимизга ватан, миллат, ота-она инсон учун тенгсиз бойлик эканлигини эслатиб қўйиш ҳар бир зиёлининг ватан ва миллат олдидаги буюк вазифасидир. Шу маънода, Исажон Султоннинг тилга олаётганимиз асарини ҳар хил ривоятлар ва кундалик турмушимга алоқаси бўлмаган илмий лабораториялар тўғрисида ёзилган оддий бир асар дейиш нотўғридир.

Айтдикки, профессор Зиё асарнинг бош қаҳрамони деб. Мана, ўғилнинг мактуби ҳам профессорга юборилган ва шу баҳонада, биз ҳам унинг мазмунидан воқиф бўлдик. Профессорнинг кўнглида яна бир иймон ҳайқириғи борки, бу саратон касалига чалиниб ўлим тўшагида ётган буюк ёзувчи Гарсия Маркеснинг видео мактубидир. Барчамиз биламизки, дор остида, яъни, ўлимга рўбарў турган пайтда қалбининг тубида асраб юрилган гаплар ай-

тилади. Хўш, ҳаёт ҳикматини англаб етган мутафаккир бу ёруғ дунёни тарк этиш арафасида қандай инсоний қадриятларни муҳим деб ҳисоблаб, инсониятга хитоб қиляпти:

“...Эй қодир эгам! Агар яна бир парчагина ҳаёт бўлаги танимда қолсайди, бир кунимни ҳам тевағимдаги ўзим суйган инсонларга уларни севишимни айтмасдан ўтказмасдим. Мен учун қимматли бўлган ҳар бир кишини муҳаббатимга ишонтирган, муҳаббатни севиб яшаган бўлардим.

...Эшикдан қандай чиқаётганингни охири бор кўраётганимни билсам, бағримга қаттиқ босиб ўлган ва янада кўпроқ меҳримни бериш учун яна қайтадан ўзимга чорлаган бўлардим. Овозингизни сўнги бор эшитибганимни билсам, мен ҳамма гапирган гапларингизни қайта-қайта, бениҳоя эшитиш учун ёзиб олган бўлардим. Агар сени кўриб турганимнинг сўнги дақиқалари эканини билсам, шундай деган бўлардим: “Мен сени яхши кўраман, аммо бунини шусиз ҳам билишимиз мен аҳмоқнинг хаёлимга ҳам келмабди”.

Ҳаёт ҳақиқатини, инсон умри мазмунини англаб етган мутафаккир ўлими олдидан ҳаммамизга таниш туйғулар тўғрисида гапиряпти, меҳр-муҳаббат инсон ҳаёти учун тенгсиз қимматга эга эканлигини айтиб бонг уряпти.

Мен шундай дердим: Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” асари хатодан бошлаган инсон ҳаётининг ибтидо ва интиҳосининг мўъжазгина бадиий тарихига ўхшайди.

Асарни ўқиб тугатган айрим ўқувчилар қалбида романнинг бош қаҳрамони ким деган савол пайдо бўлиши, шубҳасиз. Биз юқорида романнинг бош қаҳрамони профессор Зиё эканлигини, асардаги гўё ўзаро боғланмагандек кўринган ҳодисалар Зиёнинг қалбидаги кечинмалар эканлигини гапирдик.

Шу ўринда, ижодқорнинг, умуман, ҳар қандай инсоннинг тафаккурида образлар қандай пайдо бўлиши жараёни тўғрисида тўхталсак.

Тафаккуримизда уйғонаётган образлар аҳвол-руҳиямиз, кайфиятимиз, дилимиздаги пинҳон фикрнинг ўзига хос ёрқин ифодасидир. Мажнун Лайли ишқида куйиб, саҳрога чиқиб кетди, дейилади. Аслида, Мажнун ишқ азобига чидай олмай саҳрога, ваҳший ҳайвонлар орасига кетмаган бўлиши мумкин. Лекин унинг кўнглидаги кайфиятни, юрагига ўрнашиб қолган дард – азобни кўрсатиш, англатиш учун Мажнун саҳрога бош олиб кетди дейилади. Яъни, Мажнун яшаётган муҳит унинг кўнгли кайфиятига мос. Нега у ваҳший ҳайвонлар орасидан макон топди. Ваҳший ҳайвонлар билан Мажнун орасидаги боғлиқлик борми? Албатта, бор. Мажнун одамлар яшаётган ижтимоий ҳаётдаги ҳамма қадриятларни инкор этяпти: на ҳунар ўрганади, на билимини оширади, на халққа фойдаси тегадиган катта ишлар қилади. Фарҳод эса тоғларга чиқиб, тош йўниб, элга сув олиб келяпти. Демак, Мажнун дейилганда, саҳро ва ҳайвонлар, Фарҳод дейилганда, тоғ ва эл учун фойдали меҳнат тушунилади.

Ижодқор кетма-кет бир-бирини тўлдириб келадиган ассоциатив образлар ёрдамида кўнглида этилиб турган ғоясини асар ҳолига келтиради. Дейлик, кичикроқ ғояни соддароқ образ-рамз воситасида ўқувчига англатиш мумкиндир. Лекин анчайин кўламли ва катта ғояларни қоғозга тушириш учун ўқувчи жуда кўп ва хилма-хил образ-рамзларга мурожаат қилади. “Боқий дарбадар”да профессор Зиё мукаммал генома формуласини яратиб бўлганидан кейин, унинг юрагида эврилишлар бошланиб кетди. Генома яратишга катта кўмак берганлиги учун юрагида ўзи кутмаган ҳодисалар пайдо бўлди. Яъни, профессор онгида кўнглидаги ҳолатнинг таржимаси ўлароқ, воқеа-ҳодисалар уйғона бошлайди. Яъни, у бир бошдан ичидаги ғалаёнга мос ҳодисаларни эслаяпти. Ва, бу ҳодисаларнинг бари кетма-кет профессорнинг миёсига тошдек урилиб, илмий кашфиёти худонинг азалий низомларини бузиш эканлигини таъкидлаяпти. Балки, пайғамбарлардан бири томонидан қарғалиб, дарбадарликка дучор этилган этиқдўз, Шаҳри Ҳайбар ғоридаги авлиё, ғаройиб тошбақа, саҳродаги карвон, мутафаккир мактуби, ўғлидан келган хат – буларнинг бари профессорнинг онг-шуури, қалбидаги фавқуллодда жараёнлардир. Эсланаётган ҳар бир ҳодиса замирида эса ёзувчи ўқувчига етказмоқчи бўлган катта ҳақиқатнинг алоҳида бир бўлаги пинҳон. Исажон Султон ўқувчига осон бўлсин учун асар сюжетидаги ҳодисаларни атай бир-бирига мантикий боғлаши мумкин эди, лекин бу ҳолда роман озгина ўз қимматини ва сирлилигини йўқотган бўларди. Ҳар бир асарнинг ўз ўқувчиси бўлишини ҳам унутмайлик. Сизга маъқул келган асарни бошқа биров маъқул кўрмаслиги мумкин. Яна бир гап. Шундай асарлар борки, улар осонликча кўнглини очмайди, жуда инжиқлик билан танлайди ўз ўқувчисини. Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романи шундай сирадаги асарлардан ҳисобланади.

САНЪАТ



Баҳодир АҲМЕДОВ,
профессор

КИНО САНЪАТИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР



Бу воқеа 1887 йил бўлиб ўтган. Бир куни, кечки пайт, Эски шаҳарнинг Чорсу майдони гузариди аллақандай асбоб-ускуналар кўтариб олган одам пайдо бўлади. У ҳеч нарса гапирмасдан, одамлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган гузар бўйида оппоқ бўз газламасини ёйиб юборади ва, айти лаҳзаларда, йўловчилар шу пайтгача қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган томошага гувоҳ бўладилар. Қош қорая бошлаган пайтда, теварак-атрофни ярақлаган нур кесиб ўтади-да, экранга йўналади... Экранда улкан бир нотаниш шаҳарнинг тасвири аниқ-тиниқ кўринади – одамлар кўчаларда шахдам қадам ташлаб борар, кареталар ўтиб-кейтиб турар, завод мўрилари тутун қайтариб ётарди...

Фаройиб манзаралардан эси оғиб қолай деган тасодифий томошабинлар экран олдида гурас-гурас тўпланиб қолдилар. Мана, энди экранда паровоз пайдо бўлди, мана, у яқинлаб кела бошлади, паровоз яқинлашгани сайин унинг басти кенгая бошлагач, одамлар шовқин кўтарганларича чор тарафга ҳай-ҳайлаб қочиб қолади.

Бу манзараларни ўз кўзи билан кўрганларнинг гувоҳлик беришича, Туркистонда илк киносеанслар мана шундай ўтган экан. Бугунги кун нуқтаи назаридан

қараганда, эндиликда, бу манзара анчагина ғайритабиий кўринса-да, асл ҳақиқат мана шу, яъни, бундан юз йигирма йилларча аввал турли мамлакатларда томошабинлар оппоқ экрандаги воқеалар тасвирини кўриб, худди шундай ёки шунга ўхшаш аҳволга тушиб қолган эдилар. Дарҳақиқат, ушбу маълумотлар ўта ноёб бўлиб, улар кино санъатининг пайдо бўлиши, унинг бошқа санъат соҳаларига сира ўхшамаган, ўзига хос йўлдан ривожлана бошлаганидан дарак беради. Бундан шуни англаш мумкинки, бадийликка бўлган эҳтиёж янги техника воситаларини кашф этиб бермаган, балки янги кашф этилган техник ихтиро бадий бир соҳанинг янгидан пайдо бўлиши ва ривожланишига асос солди.

Кинонинг дастлабки тасвирлари хатти-ҳаракатлар йиғиндисидангина иборат эди. Уларда отларнинг чопиши, араваларнинг бориши, темир йўлдан поезднинг келиши, спорт мусобақалари иштирокчиларининг ҳаракатлари акс этарди. Бу қисқа-қисқа тасвирларда ҳали воқеа, сюжет деган элементлар режиссёр ва актёрлар таъсири йўқ эди. Фильмларни фотограф уста суратга олган эди. Кино ибтидосидаги дастлабки тасмаларни қаерда бўлса, шу ерда намойиш қилиб кетишаверарди. Тасвирлар кўпинча ярим қоронғи, ғира-шира ошхоналарда намойиш қилинар, илк томошабинлар ҳам тасодифий одамлар, асосан, кўчадан ўтиб бораётган йўловчилар бўларди. Бинобарин, тадқиқотчи Р.Копилованинг қуйидаги сўзларида жон бор, у шундай ёзади: “Кинематограф бир неча маротаба қайта туғилди: дастлаб, у техник

ихтиро сифатида пайдо бўлган бўлса, кейинчалик, у томоша-аттракцион тусини олди ва ниҳоят, ўзининг махсус бадииятига эга бўлган санъат соҳаси сифатида бунёд бўлди”. Мана шундай илмий-техникавий тараққиёт асосида экран соҳаси келиб чиқди.

Техника тараққий топиб, ривожлангани сайин, кино бадиияти ҳам ўсиб-кенгайиб борди, аввалига, тасвирлар овозсиз намойиш қилинган бўлса, эндиликда, аста-секин кинода овоз, ранг юзага келди, экраннинг ҳажми кенгая бошлади.

Кино тарихининг юз йилдан ортиқ вақт мобайнидаги тажрибаларини кўздан кечирсак, оддий фотосуратнинг ҳаракатга кирган кўринишлари “Поезднинг келиши”, “Сув сепаётган одам”дан, то замонавий рангли фильмларнинг ҳозирги пайтдаги эришган ютуқларигача бўлган даврда турлича ривожланиш босқичларини бошдан кечирганлигига гувоҳ бўламиз.

Бугунги кинонинг муваққил санъат соҳаси эканлигига шубҳа билан қаровчи киши бўлмаса керак. Шу билан бирга, экрандаги бу мўъжизавий санъатнинг эстетик жиҳатларини, гўзал моҳиятини инкор қилмаган ҳолда, кинематографияни қатъиян саноатга боғлаб, унинг молиявий манфаатдорлик хусусиятларини биринчи ўринга қўювчилар ҳам йўқ эмас. Таниқли киношунос А.Мальро ўзининг “Кино руҳияти ҳақида очерклар” китобида шундай фикрни қайд этади: “Ким нима дейишидан қатъий назар, охир-оқибатда кинонинг саноат тури эканлигини тан олишга мажбурмиз. Хуллас, кино ҳақида баҳс-мунозаралар ҳали-ҳануз тўхтамаётгани ҳам бу санъатнинг, ниҳоятда, ўзига хослигидан бир дарак”.

Ҳақиқатдан ҳам, фильм – саноат тури сифатида студияларда ишлаб чиқарилади. Яъни, бу киномаҳсулот ишлаб чиқариш учун техника воситаларининг бир жойда жамланишини англатади. Энди, бунга улкан молиявий маблағни ҳамда турли хил мутахассисларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб меҳнат қилишларини қўшинг. Хўш, кинонинг маълум ютуқларга эришишида унинг бадиий санъат тури сифатидаги ёки саноат тури сифатидаги хусусиятлари бир-бирига халақит қиладими? Бу саволга қайсидир маънода: “Ҳа, албатта, халақит қиладиган томонлари ҳам бор”, деб жавоб бериш мумкин. Киномаҳсулот ишлаб чиқариш учун катта-катта пул маблағларини ўртага тикадиган продюссерларни фильмнинг бадиий жиҳатлари кўп ҳам қизиқтиравермаслиги табиий. Шу билан бирга, фильмнинг сифатли чиқиши учун суратга олиш ишларида ҳозирги замон ускуналарининг аҳамиятини ҳам инкор этиб бўлмайди. Ваҳоланки, ушбу санъат учун катта молиявий маблағлар ажратаётганлар фильмдаги бадииятни на кучайтириш, на камайитириш қобилиятига эга эмаслар.

У ёки бу хил фильмнинг бадииятини таҳлил этиш борасида, биз фильмнинг ташқи жиҳатларига (уни ишлаб чиқариш учун қанча маблағ кетгани-ю, фильмни суратга олишда қанақа техник воситалар қўлланганига) кўп ҳам эътибор қилавермаймиз. Биз учун бундан ҳам кўра муҳимроқ жиҳатлар бор, булар: фильм ижодкорларининг лабораториясидаги ишлар, фильм ифодавий воситалари (стилистикаси)нинг мазмуни, образлари, асарнинг ўзига хос бадиияти масалаларидир.

Эътибор қилинг, биз шу тариқа фильмнинг анатомияси (ички тузилиши), тили, бадиияти масалаларига яқинлашиб келаётирмиз. Киношунослар, кино санъати назариячилари худди шу нуқталар хусусида кўпроқ баҳс-мунозарага киришадилар. Масалан, “киноасар тили” деганда нимани тушуниш керак? Бу иборанинг мазмуни борми ўзи? “Албатта!” – дейди баъзи кино танқидчилар. Француз кино танқидчиси Жан Кокто: “Фильм – томошабин кўзи олдидаги хатдир”, деган фикрни ҳам айтади. Яна бир киношунос Александр Арнунинг таъкидлашича, кино ўз луғат бойлигига, синтаксис тузилишига, флексиясига (ички ўзгаришларига), шартли белгиларига эга бўлган санъат. Бундай таъкидларга қаршилик билдирувчи киношунослар ҳам бор.

“Шиддат ила ўзгараётган тасвирлардан иборат фильмда тилнинг шартли тизими белгиларини топишга уринар эканмиз, ва, айниқса, ушбу тизимнинг моҳиятини англаш усулларини топмоқчи, уни шакллантирмоқчи бўлсак, аввало, фильм тили ҳалиям хашаки тақлид босқичидан чиқа олмаётганини тан олишимиз керак, – деб ёзади Коэн Сеат. – Ҳозирча эса фильмларимиз тасвир ва товушни тўғридан-тўғри ва бевосита узатиш босқичидадир”.

Кино санъати муайян воқелик чизгиларини ифодалаш учун яралган экан, унинг нарсалар моҳиятига кириб бориши, унинг нутқ билан, товушлар билан, мусиқа ва табиат манзаралари билан биргаликдагина ҳаётни тўла-тўқис, мужассам ҳолда кўрсата олиш қобилиятини четга суриб қўйиш мумкин эмас. Реал воқеликда кўриш ва эшитиш мумкин бўлган ҳар қандай мураккаб тасвир ва товуш мужассамини етказа билиш қобилияти кинода мавжуд экан, кино томошабинни воқеа ичига кириб боришга, кўрганларнинг барчасини ҳис этишга мажбур қила олар экан, демак, кинематография бошқа санъат турларига қараганда, ҳаётга ҳам анча яқин ва, шубҳасиз, у миллионлаб томошабинларга тушунарли бўлган ўз тилига ҳам эга.

Киношунос З.Линдгрэн фильмнинг барча таркибий қисмларини бирлаштириб турувчи ҳамда фильмга бадиий яхлитлик бағишловчи жиҳат ҳаракатдир, деб ҳисоблайди. Бунда у фильмда бўлиб ўтадиган воқеаларни қисмма-қисм баён қилиб берадиган фабуладаги ҳаракатни эмас, балки фильмдаги асосий мазмун ҳақида тасаввур берадиган сюжетнинг

ҳаракатдаги ифодасини назарда тутати. Шу тариқа, сюжетни ифода қилиб бера оладиган ҳаракатни З.Линдгрэн “фабула мазмуни” дейди. Бунинг ўзи “фильм ичидаги ҳаракатлар” атамасига маънодошдир. Муаллиф фильм мазмунини қанчалик аниқ ифодалай олса, асарнинг бадиий яхлитлиги янаям мукамал ифодага эришади.

Кино табиати ва унинг ифодавий воситалари ҳақида гап кетар экан, монтаж бош хусусиятлардан бири эканлигини таъкидлаш лозим. М.Мартен монтаж ишларини: “кино тилининг махсус ва ўзак қисмларидан бири”, деб атаган эди. Киноасардаги суръат (темп) ҳам, оҳанг, вазн (ритм) ҳам монтаж туфайли яралади. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, монтаж – фильм кадрларини маълум тартибда ва кетма-кетликда жойлаштириб чиқиш демакдир.

Монтажнинг турли шакллари, усуллари мавжуд. Монтаж – ҳикоя. Монтаж – ифода. Монтажни фильм мазмунидан ажратиб қараб бўлмайди. “Монтаж, – деб ёзади В.Пудовкин, – реал воқеликда мавжуд бўлган аён ва ноаён алоқаларни аниқ-равшан қилиб кўрсата олиш усулларини топиш ва бу усулларни ривожлантира билишдир”. Бундан монтаж – ғоя ва фикрларни ташувчи восита, деган маъно келиб чиқади.

З.Линдгрэн монтаж ишларида санъатнинг бошқа турлари эриша олмайдиган алоҳида бир кинематографик-шеърый тил (поэтика, гўзаллик) манбаи бор, деб ҳисоблайди. Агар адабиётда сўзларнинг жойлашуви, уларнинг бирикиб келиши, жаранг, оҳанги ва ҳоказо хусусиятлари ила бадиий асарнинг поэтик олами яратилса, кино санъатида кадрларнинг жойланиши ва кетма-кетлиги орқали худди шу мақсадларга эришиш мумкин. Бу – кинематографик тилнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини билдирмайди, албатта. Буни шундай тушуниш мумкинки, монтаж орқали кадрларни жойлаштириш имкониятлари бадиий асарда мазмунни ифодаловчи унсурлар бажарадиган вазифаларга ўта яқин.

Экрандаги ҳаракат ва тасвирнинг маълум вақт давом этиши – кинематографиянинг моҳиятини белгиловчи сифат, унинг бош хусусиятидир. Биз юқорида кинонинг реал воқелик тасвири эканлиги, воқеликнинг ташқи белги-нишонларини ташувчи хусусиятлари ҳақида гапирган эдик. Шу ўринда, шамолда тўзғиб-учиб юрган япроқларни ёки вокзалга бостириб кириб келаётган поезднинг пайдо бўлганини кўрган илк томошабинлар ўша лаҳзаларда қай ҳолатга тушганликларини бир эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Вақт ўтгани сайин, кинода овоз ҳам пайдо бўлди, яъни кино реал воқеликни тасвирлашда ҳаётга янада яқинлашди, янги имкониятлар билан бойиди. Бунга қўшимча, кинематография тасвирида янги усул – йириклаштирилган режада суратга олиш усули кашф этилди. Бу эса киноижодкорлар учун ҳақиқий санъат яратиш имкониятларини кенгайтириб юборди.

Шубҳасиз, кинематографияда ифода воситаларининг тобора мукамаллашуви экран санъатидаги энг асосий асбоб – кинокамера билан ҳам боғлиқ. “Кинематографик техникалар тарихини камеранинг мукамаллашув тарихи сифатида қараш ҳам мумкин”, – деб ёзади киношунос А.Астрык. Кинематографиянинг келиб чиқиши, аслида, режиссёр ҳаёлида суратга олиш апаратини тасвир майдонида нари-бери суриш фикри пайдо бўлган лаҳзалар билан чамбарчас боғлиқ. Театрнинг партер қисмида ўтирган томошабиннинг кўриш бурчаги борасидаги мувозанат қоидалари шу тахлит пайдо бўлди.

Экранда камера ёрдамда вужудга келтириладиган реал воқелик ўз-ўзидан ёки беихтиёр пайдо бўлиб қолмайди, балки бу воқеликни режиссёрнинг ўзи ташкил қилади ва бу шароит режиссёр кўзда тутган бадиий талаб ва шартларига бўйсунди.

Киноижодкорликда муаллифнинг ички оламини ифодалаш воситалари тўғрисида Л.Бунюэль куйидаги фикрни айтади: “Мен ўзимнинг нималарни хоҳлаётганимни ҳаммиша аниқ тасаввур қиламан. Мен камерага бўйсунмайман, аксинча, камера мен кўраётган нарсаларни тасвирга олади, олишга мажбур. Мен ҳеч қачон техникани ўйламайман”.

Таниқли кинематографчилардан бири П.Гринуэй киноижодкорларни ўтмишдаги қотиб қолган стереотипларга қўпман берилавермасликка даъват этар экан, шундай ёзади: “Ниманидир бошлаш учун унутмоқ ёки бутунлай йўқ қилмоқ зарур. Мен сизларга, модернчи (замонавий, янгилекпараст) бўлинглар, демоқчи эмасман. Мен бунга қаршиман. Лекин мен шуни тушунаманки, мен кинематографчи сифатида ниманидир кесиб ташлашим, кино оламидаги рўй берган даҳшатли ҳалокатни унутишим, у ҳақдаги ҳамма нарсани бутунлай ёддан чиқариб ташлашим керак. Шу пайтгача, кинода нима иш қилинган бўлса, буларнинг бари – фақатгина муқаддима, фақатгина бошланғич қисм. Ҳақиқий кинони яратиш учун шунча кўп бесамара ҳаракатлар қилинибди-я. Мен ўзимга мана шу фикрни сингдиришга уринаман”.

Бугунги кунда замонавий одамнинг онг-тафаккури, ҳаётийлик ва рамзлар, жанрий чегараларнинг йўқолиши, асарда ҳужжатлилиқ ва публицистиканинг кучайиши, санъат яратаётган шахс ва унинг ўзини ифода қила олиши – буларнинг бари кинематографнинг шиддат билан ўзгараётган манзаралари сирасида яққол кўзга ташланади. Демак, кино санъати борасида мулоҳазалар ҳам, мунозаралар ҳам давом этиб бораверади.



Бахтиёр РИЗО

ҲАСРАТ

Ҳажвий ҳикоя

– Тўрткўз?! Тўрткўз, бу сенми? Ў-ўзингмисан? М-м-мени излаб келдингми? Се-е-на? Вой, азамат-ей! Қўй, ялама кўлимни... э, яламасанг-чи, эси йўқ. Томоғинг тушади. Оббо! Ҳа-а, кабобнинг ҳидини сезибсан-да. Кабоб иси... кейин, хомпиёз иси... Хомпиёзнинг иси ўлгудек сассиқ бўлар экан... ҳиқ-қ... ичингдан ҳам қайтиб чиқади-я, лаънати. Ўзимга қолса-ку, ўлиб қолсам ҳам оғзимга олмасдим, ароқнинг сассиғини босиш учун едим-да. Ароқни эса... юракнинг тафтини босиш учун ичдим. Ичмасам бўлмасди-да. Қи-зи-қ, ароқ менинг тафтимни, пиёз ароқнинг тафтини кўтарипти, мана, юракнинг тафти ҳам сал босилгандай...

Ҳм-м... юрак... севинсак ҳам, қайғурсак ҳам, ўксинсак ҳам, сўкинсак ҳам азоби шу шўрликники. Ўзи-ку... бизни яшасин деб тиним билмайди, яна бизнинг роҳатимиз ҳам унга юк бўлиб тушади. Ҳаётнинг қонуни ўзи шу шекилли, кимки индамасдан кўпроқ ишлайверса, янада кўпроқ ишлатгимиз келаверади...

Шошма... шошма... Мен ўрнимдан туриб олай... Ҳе, ичкиликнинг уйи куйсин... Ўлгудек қорним очқгани эсимда, чойхонага кирганимни ҳам биламан... Бир коса шўрва олдим, икки сих кабоб... Шайтон қандай йўлдан уриб, битта шиша олганимни билмай қолдим. Чойнинг пиёласида кўздан яшириб ичдим. Ҳм... умримда биринчи марта ёлғиз ичишим... Ҳозирги аҳволимда ким мен билан ичарди? Энди буёғига ёлғизман, Тўрткўз. Мана шу тепамдаги дарахтдек ёлғиз.

Хайрият, шаҳардан соғ-саломат чиқиб олибман. Демак, унча таъсири билинмаган экан-да, оёғим сал чалишса, анави, қизил шапкалар соғ қўймасди, олиб бориб тиқиб қўйишарди... Айтгандай, нима фарқи бор. Бугун тиқишмаса, эртага тиқишади... Фақат чўнтагимни қоқлашарди. Агар ўжарлик қилсам, бошимга яна бошқа балони ҳам орттириб олардим...

Ҳа... шаҳардан чиққанман-у, шу ёлғиз дарахтни қора тортганман. Тагида нафасимни ростламоқчи бўлганман-да, кейин кайфим ошиб... Йўлдан ўтган-кетган парво қилмаган, манави даланинг эгаси деб ўйлагандир-да. Э, ҳозир кимнинг ким билан иши бор...

Сен қандай топиб келганинга ҳайронман. Шунча йўлдан-а? Баракалла, Тўрткўз... Бўлди... бўлди... бас қил... Ҳадеб ирғишлайверма. Эртароқ уйга етиб олайлик. Эҳ-ҳа, ҳали анча йўл бор. Мен бугун ўлгудек чарчаганман, қарагин, оёқларим чалишиб кетаяпти. Чопа-чоп...

Оббо, тентаг-ей, яна айтиб келдингми? Ана, уйга ҳам яқин қолди. Ҳув, чироғи ёқилмаган уй бизники. Ҳамманикида чироқ бор. Бизникида йўқ. Балки, яна неча йиллар ёнмас ҳам. Тунда тўйданми, томошаданми қайтаётганлар уйимизнинг тўғрисида

келганда, бир-бирларига қараб: “Бу ҳалиги... ўзимизда бош ҳосилот бўлган Бойжигитнинг уйи-да. Шўрликнинг бошига хотини етди. Ҳозир қамоқда ётипти”, деб афсусланиб гапиришади. Балки, мазах қилиб кулишар. Бу энди кимнинг кимлигига боғлиқ.

Эрмон қийшиққа ўхшаганларга худо бериб қолади. “Бойжигит деган худонинг бир балоси бор эди, раис билан ошнолигидан фойдаланиб, бош ҳосилот бўлиб олди-да, кўп одамнинг ризқини қийди, обрўйимизни ёпиб турган ортиқча гектарларни шу касофат қирқиб ташлади. Охири ўзиям гўр бўлмади. Фалон йилга кесилиб кетди”, деб жиртак чалади.

Ўшандай яхши-ёмон, пасту баланд гаплар тун қоронғисидан ўрмалаб юрган кезларида сен дарвозанинг тагидан сирғалибми ё деворнинг кемтигидан ошибми, ғийбатчиларнинг олдига чиқолмайсан, менинг ҳақимдаги холис гапингни айтиб, бировини маъқуллаб, бошқасининг оғзига уролмайсан. Чунки безабонсан.

Билмадим, ҳеч бўлмаганда Бойжигитнинг ваҳимали кўринган хонадонидан, кўпдан одамлар қадами узилган маконда садоқатли тирик жон борлигини, тўрт оёқ ва тилсиз бўлсанг-да, умид билан эгангни кутаётганингни исботлай олармикансан?

Эҳтимол, қорин қайғусида бу бекут, бехосият ҳовлини тарк этиб, аллақайёққа дайдиб кетарсан, ўзинг қатори уйсиз, эгасиз қавмларингга қўшилиб ўғирлик қиларсан? Балки, ор-номусни қўлдан бермай очликдан силланг қуриб ҳовлининг бирор бурчагидан жон берарсан ё ёвузроқ жинсдошларинг билан ўлжа таллашиб, адо бўлурсан? Тирик жонсан, сен ҳам яшашинг керак, ахир.

Эҳ, бечора, ҳозир нега йўлимга чиқдинг? Ёлғизликдан, хувиллаган ҳовлидан кўрқдингми, ваҳима босдимми? Йў-ўқ, итлар ёлғизликдан кўрқмайди. Чунки қишин-ёзин ёлғизсан-ку. Балки, печнинг ичидаги ҳилланган кўмир парчаси хонани илитгандай, уй ичидаги инсоннинг нафаси, тафти ҳовлига уриб турар, сени иситар?

Шунинг учун тун бўйи, гоҳ шамол тегмайдиган кунжақда мизғиб, гоҳ салгина шарпадан сергакланиб, тонггача уй эшигига кўз тикиб ётарсан? Эшик очилиши билан ҳовлининг қайси бурчидан бўлма, севиниб чопиб келишни, думингни ликкилатиб ирғишлашинг, кўзларингни менинг, болаларимнинг кўзларига тикиб, оёқларимизга суйқалишинг ўз тақдирингга шукронадир? Раҳматдир. Ким билсин, балки ит зотига ҳам эгалик ва бошпаналик бўлишдан ўзга бахт йўқдир? Худо эса сенга бу бахтни ҳам кўп кўриб турибди. Йўқ, бу ерда худони тилга олишим ножоиз, ҳаммаси одамларнинг, сену мен яқин билган, суйган, сиғинган, топинган одамларнинг касри-касофати-ку.

Эҳ, Тўрткўз, Тўрткўз! Ўшанда сен дўст қиёфасида тўшагимга кириб олган илонни нега олдинга солиб қувламадинг, нега оёқларидан ғарчиллатиб тишлаб олмадинг, нега бўғзидан тутмадинг? Қора қонига беламадинг? Ўша ифлосликларнинг ўз тақдирингга ҳам дахли борлигини билмадингми, бечора? Калтаклашимдан чўчидингми, милтигини чиқариб отиб ташлайди деб кўрқдингми? “Итим қутурди” деган баҳона билан турли эмлашлар, ҳатто, тилларга дучор этишимни ўйлагандирсан-да, сен шўрлик?

Шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Ўзим бошлаб адабингни берардим. Ахир, ҳурматли раисимизни, болалик дўстимни, қадрдонимни аямасдан таласанг, мен индамай қараб турармидим?

Ҳатто, Турғунбой қоровулга айтиб, оттириб ташлашим ҳам ҳеч гап эмасди. Шунақаси кўп бўлган-ку. Одамлар яхшилик қилган энг садоқатли дўстларини ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ нобуд қилишган-ку. Билмай туриб, алданиб, албатта. Бегоналар, ётлар алдамаган уларни, ёлғон дўстлари алдаган. Чин дўст билан ёлғон дўст бир-бирининг душмани, Тўрткўз.

Хайриятки, итлар ҳасадни билмайди, балки ўлжа-пўлжа таллаишлари мумкиндир, лекин эгасининг меҳрини талашмайди, қизганмайди, бахиллик қилмайди.

Йўқ, сен калтақдан ҳам, ўлимдан ҳам кўрқмагансан, дунёда шунақа разил жазолар борлигини билмассан ҳам. Чунки яйловдаги онангдан ажратиб олиб келганимда кўзи очилмаган кучукча эдинг. Сени умрингга ҳеч ким урмаган, бўйнингга занжир ҳам осмаган. Эркин ўсгансан, эрка ўсгансан. Бинобарин, сен Хонқуловни менинг дўстим, оиламнинг дўсти, қадрдони деб билгансан.

Сен-ку зоти бўлак жониворсан, илиқ сўзнинг гадосисан. Мен-чи? Ўн беш йил катта-кичик мактабларни кўрган, олий маълумотли, оқ-қорани таниган гумроҳ ҳам унинг кимлигини сезмай қолганман, энг азиз, энг жонажон, керак бўлса, жонини ҳам аямайдиган оғайним деб билганман. У эса...

Балки сен менинг йўқлигимда Хонқулов келганда Ойзода тайёрлаган лаззатли таомларнинг мазали сарқитидан маст бўлгандирсан? Ахир, нафс деган бало кўзни кўр, қулоқни қар, ўзни қул қилиб кўяди. Жами мутъеликлар, тилсизликларнинг сабаби шу тупсиз ўпқон – нафс эмасми? Сен-ку сен, нафсидан илинган инсон боласи ҳам дорбознинг маймунига айланиб кетади, ўзлигидан кечади, тилию дили баравар боғланиб, ўзини ўзи кишанлаб беради тубан зотлар қўлига.

Эҳ, одам боласи ширин сўз, меҳрга шу қадар ташнаки, худди поёнсиз саҳрода тасодифан булоққа дуч келган қаландардек ўзлигини унутиб, боши айланиб, кўзи тинади, асл не, қалбакилик не, фарқлай олмай қолади.

Мен Хонқуловнинг ҳавойи қасамлари, Ойзоданинг ширин сўзларига учганман, дунёда иккаласидан азизроқ одамим йўқ, деб билганман...

Иккаласини ўз қўлим билан бир тўшақда, қип-яланғоч ҳолда тутиб олганимдан кейин уят, орият, номусдан қутулиш учун ўзларини зовурга ташлаб, шармсиз таналарини фарқ қилишлари лозим эди. Аммо бунинг ўрнига қилган қилғиликларини қара: Ойзоданинг шаллақилигига кўра, мен раислик мартабасини эгаллаш учун қиёматлик дўстимга ва ҳалол хотинимга тухмат қилаётган эканман. Ўзимнинг манфаатимни оиламнинг тинчлиги, болаларимнинг бахтидан устун қўйган эмишман. Хотиним оғзидан шунақа сўзлар чиққанига ўласанми, қуясанми?

Хонқуловнинг ҳунари-ку баридан ошиб тушди. У аламда бўғилиб, менинг изимни бутунлай қуритишга тушди. Шу йўл билан Ойзодани бутунлай ўзиники қилиб олиб, даври даврон сургиси келибди.

Қилган тухматини қара, мен хўжаликнинг бир вагон тахтасини ўз амалимдан фойдаланиб, қариндош-уруғларимга улашган эмишман. Бундай олиб қараганда ҳаммаси тўғри, тахтанинг ҳажми ҳам, оғайнилариимга берганим ҳам. Лекин нима мақсадда?

Ташқаридан қараганда осон туюладиган, лекин дунёдаги энг азобли тирикчилик – пилла ташвишини ўйлаб қилдим-ку шу ишни. Хонқуловнинг ўзиям яхши билади менинг ниятимни.

Э, бу ташвиш шунақа тигиз, шунақа оғирки, белгиланган режа бажарилгунча етмиш икки томирингдаги дармонингни суғуриб олади. Ҳовлима-ҳовли юриб барг қирққан, ташиган, уй-уйларга тақсимлаб берган ишчиларнинг изидан чопавериб, итлар ҳам ҳорийди. Лекин одамлар ҳоримайди. “Ҳай, йигирма-йигирма беш кунлик қийинчилик ўтади-кетади”, деб белида болта қистирилган арқон белбоғи билан, уйқусизликдан кизарган кўзлари ғилтиллаб юраверишади.

Қурт боқишда ҳар йили сўкичак масаласи қийнайди. Ёғоч отлиққа ҳам топилмайдиган бу замонда қишлоқ деҳқони ўн бир-ўн уч болорлик меҳмонхонасини энлайдиган уч қаватли сўрига етадиган ёғочни қаёқдан олади.

Шунинг учун Хонқулов билан келишиб, Россияга юборилган олмаю узумга алиштириб келтирилган ёғочларни ҳар йил қурт боқадиган хонадонларга тарқатдим. Тўғри, шуларнинг кўпи қавм-қариндошим. Энди қишлоқда бир ота, икки ота нари бўлмаса, бари ҳам бир-бирига томир-да, Тўрткўз. Бири тоға, бири жиян, бири аммангнинг куёви, бири тоғангнинг қудаси, бири қайнингнинг божаси...

Кейин қурт тақсимлашда ҳам ишни қариндошлардан бошлайсан. Бўлмаса бошинг ғирт ғавғага қолади. Сал нарироқ одамнинг эшигини қоқсанг, гапинг оғзингдан чиқмай ёқанга ёпишади:

“Ҳа, баринг амалга миниб олиб, бегона битганни эзавер, қариндош-уруғинг ялло қилиб юрсин-да, бола-чақамиз билан биз ўлиб кетаверайлик!”

Шунақа нохуш, нотайин гап-сўзлардан қочиб, аввал бошдан ўзинга тобин, сўзингни ерга ташламайдиган хонадонларга бош суқасан.

“Тоға, амма, хола ёки бўла... шундай-шундай... бир кунга хўкиз ўлмас, икки кунга эгаси бермас, уч-тўрт кунда ўтиб кетадиган ғалва. Ўзимизнинг одам, сазамизни

ўлдирмайди, деб келдик. Беш-олти кун қаттиқчиликни бўйнингизга оласиз энди. Бу яхшилик эсдан чиқмас, бир уруғнинг шох-шаббасимиз ахир. Бир-биримизда қолиб кетмас. Худо хоҳласа, мана ўғиллар эр етиб, қизлар бўй етиб келаяпти. Тўй-томошада биз ҳам қараб турмасмиз, ахир...”

Улар аввалига оёқ тираб бўлса-да, ишқилиб, сўзингни ерга ташлашмайди. Илтимосингга кўнгандан кейин, лафзингга яраша шароитига ҳам қарашасан. Тахтани ҳам сал тили қисқилгимдан, қолаверса, зарурлигидан бердирдим.

“Қариндошлар, пилла бир йиллик тирикчилик эмас, қурт тутиб бўлгандан сўнг ёғочни асраб қўйинглар, давлатнинг нарсаси”, дедим.

Мана оқибати, кўзнинг қорасидай қилиб, авайлаб-асраб қўйилган жойида “ашёвий далил” деган тамга билан ҳужжатлаштириб, бўйнимга тавқи лаънатдек осиб ўтиришибди. Йўқ қилиб юборишганда ёки ўзим бирор ёққа сув қилиб, битта далолатнома билан ҳисобдан чиқариб юборганимда нима бўларди? Ҳеч нарса. Биров изини ҳам тополмасди.

Охир-оқибат бариси Хонқуловнинг найранги, қолаверса, Ойзоданинг бешарм кўз ёшларининг таъсири эканини англадим.

Э, Тўрткўз, сен нимани ҳам тушунардинг, оғайни? Одамзоднинг итлиги тутса, ундан ваҳший махлуқ топилмайди. Билмадим. Агар итларнинг одамгарчилиги тутса нима бўлади. Ойзода энди тирикчилигимда юзимни кўрмаслиги керак. Хонқулов кўзидан йироқ бўлганим афзал. Шунинг учун бир бало қилиб мени орадан кўтаришлари, йўқотишлари керак.

Йўқса, қайси йўл биландир қасд олишим мумкин. Қишлоқда бу шармисорликни ҳеч ким кечирмайди. Унутмайди ҳам. Хонқуловнинг ҳам хотини бор, сингиллари бор. Орият учун... аламимдан бирортасини гап қилишим мумкин... Бироқ менинг кўнглимда бундай ният йўқ.

Тўрткўз, эҳ, Тўрткўз... Бировнинг номини ҳаромлаганим билан ўзимники ҳалол бўлиб қолмайди-ку. Борки, унинг сингилларидан бирини булғарман... кейин... шароит мажбурласа уйланарман. Бир кўрпада ётган билан у менга хотин бўлармиди? Акасига ганим бўлган, ўзини ёмонотлиқ қилган кишига вафо қилармиди? Йўқ, албатта.

Кейин айб, фақат, Хонқуловда ҳам эмас. У-ку паст кетибди. Дўстлигимизнинг юзига оёқ қўйибди. Виждонидан кечибди. Лекин покизалигида мен билан покиза ёстиққа бош қўйган хотинимни нима жин урди? Эс-хуши қаёққа учди? Оиланинг ор-номуси, аёллик шаъни-ғурури қайда қолди? “Бу замонда камроқ туғиш урф, иккитаси етади”, деб дўхтурларга алламбало қилдиргандаёқ фикри бузуқлигини сезмаган эканман. Ўшандаёқ шайтон йўлдан оздирган экан уни. Аёл зоти майинроқ гапирган эркакка кўзини сузиб, кўкрагига бош қўяверса, билмадим, охири нима бўлади?

Эҳ, Тўрткўз, бу аёлларни билмайсан-да, билмаймиз-да? Пул, латта-путта бўлса ўзини жарга ташлашдан ҳам қайтишмас экан. Мана, шу Хонқулов сиёғида одамни қизиқтирадиган нима бор? Бир хўкиз сифат кимса... Лекин чўнтаги тўла жарақ-жарақ пул. Қизиқ... замон ўзгарган билан муттаҳам одамлар ўзгармас экан. Ҳар доим уларнинг ошиғи олчи. Хонқулов шўро даврида директор эди, ҳозир ҳам шу. Фақат энди ширкат раиси дейилади. Илгари ўлик жонларнинг ҳисобига минг-минг сўм пул ишларди. Энди эса яхши ернинг барини аямасдан сотиб ётибди. Номига шартнома тузилади. Кузга келганда эса маҳсулот йўқ... шартнома бекор... Сўрайдиган одам йўқ. Чунки бошқа айрим амалдорлар ҳам шерик... Ойзода ҳам пулига учган. Тўғри-да, мен кўлида бир ҳосилот бўлсам, ойлик маошимдан бошқа нарсам бўлмаса. Ўғирлик кўлимдан келмайди.

Эрмон қийшиқ неча марталаб: “Хўв, инсон, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам насибасини қирқма. Отангдан қолган мулк йўқ. Хўжаликдаги беҳисоб ернинг бир четидан озроқ сотсак камайиб қолмайди. Харидорни мен топаман. Баҳонада уч-тўрт юз минг ёнингга қолади, қорнингни оғритмайди, қора кунингга ярайди”, деб жавради. Мен қулоқ солмадим.

Далада картошка, пиёз, қовун-тарвуз сероб, боғда нима кўп, мева кўп. Сал имо қилсам, уйимга машиналаб олиб келишади. Кейин эса ўзлари вагонлаб ўғирлашади.

Чунки, менинг оғзимни мойлаб, тилимни боғлаб олган бўлишади. Индаёлмай қоламан. Эҳ, Тўрткўз, одам боласининг тили қисик бўлдими, ўлгани шу.

Лекин ҳозир аҳволим чатоқ. Қамаладиган бўп турибман. Гуноҳсизлигимни исботлайдиган дастагим йўқ. Хонқулов билан Ойзода тўрни боплаб тўқишган, ундан чиқиб кетиш оғир.

Буни терговчи ҳам билиб турибди. Бироқ мени оқлай деса, Хонқуловдан оладиганини олиб қўйган. Мен эса мирқуруқман. Шунинг учун қонунни рўқач қилаяпти. Бу қонун дегани ҳам ушловсиз нарса экан, қаёққа бурсанг ўша ёққа кетаверади...

Мана, ошна, уйимизга етиб келдик. Қара, теракларимиз ҳам қоронғидан кўрққандек титрамоқда. У шўрликлар ҳам ҳовлидаги жимликдан таҳликада. Гуллар, райхонлар, ишқомлардаги узумлар ҳам мунғайиб қолган бўлса керак. Инсон бахтиёр кезларида бу нарсаларни сезмас, ўйламас экан.

Мен ҳеч қачон оддийгина уй ҳам ғам-ғуссага ботади деб ўйламагандим. Уй ҳам севинач, қайғурач экан. Қара, уйимиз нақадар ғамгин. Деразалари ҳасратдан қорайиб, девор билан бир бўлиб кетибди. Илгари қанақа жилмайиб туришарди. Сен уларнинг майин табассуми ёғдусида ҳовлида хотиржам айланиб юрардинг, менинг эса олисдан кўзим тушиши билан бутун ғуборим тарқаб, кўнглим ёришарди...

Чарчадингми, Тўрткўз? Беш чақирим жойга чопиб бориш, бегона қишлоқнинг четида, итларидан чўчиб эгангни пойлаб ўтириш осонми? Бунинг устига яна қайтиб ҳам келдинг. Қорнинг ҳам ўлгудек оч бўлса керак. Сен бечорага ким ҳам овқат берарди? Мендан бошқа ҳаммага бегонасан. Ойзодани яхши кўрардинг. У кетди. Бутунлай кетди. Балки қайтиб ҳам келмас. У келса мен бўлмайман. Энди иккаламиз бир уйга сиғмаймиз, сиғолмаймиз.

Шошма, шошма! Бунча ирғишлайсан, тентак? Бўлди, суйкалмай тур. Дарвозани очай, уйга кирайлик. Сенга нон бераман. Ўзим ҳам чой ичаман. Оғзимнинг тахири чиқиб кетди. Лаънати ароқ билан пиёзнинг касри бу... Э, алам қилиб кетди-да.

Ҳа, энди сен тура-тур. Мен айвоннинг чироғини ёқай, ҳовлининг эгаси борлиги, тириклиги билинсин. Мана, кўрдингми, ҳамма ёқ ёп-ёруғ бўлди...

Тўрткўз, Тўрткўз... иш чатоқ, оғайни. Биттагина нон қобди. У ҳам тошдек қаттиқ. Бошқа нарса йўқ. Ивитиб қўяйми? Сен шўрликнинг тишинг ҳам ўтмас ҳали. Заранг бўп кетипти бу савил. Ёпилганигаям ярим йил бўлганов. Йўғ-е, Ойзода анави шармандалик кунда Хонқулов учун ёпган бўлса керак, демак, йигирма кунлик. Шундан бери сен ҳам хаёлимга келмабсан. Нима билан тирикчилик қилдинг, шўрлик? Биқининг ич-ичингга кириб кетибди, жунинг пахтамайиб қолганига қараганда, ҳеч нарса емагансан. Қаёқдан ҳам ейсан? Менинг кўрган куним далада бўлса, уйда қозон қайнамаса. Ўғирликкаям ўрганмагансан бечора. Ма-а, қаттиқ бўлса ҳам кемир, бугун борига барака. Эртага худо пошшо...

